

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ТАНСОҚЧИ

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи китоб

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2012

УДК 821.512.133-3

84(5Ў)6

И 81


КБК 84(5Ў)6 - 936.9995.

Исмоилов, Нуриддин.

Тансоқчи: саргузашт-дедетив роман: К.2/Н. Исмоилов. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. — 260 б.

ISBN 978-9943-03-457-0

КБК 84(5Ў)6



ISBN 978-9943-03-457-0

© Н.Исмоилов. «Тансоқчи».

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2012

* * *

Хаёлимда борар манзилимни тикладим. Шаҳар — баланд-паст иморатлар, йўллар, одамлар четда қолди. Александр Абрамович, қасрмонанд уй, семиз бошқарув пульти билан очилиб ёпиладиган улкан дарвоза ва шу қасрдаги кимсалар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Мен улар билан бутуннинг ўзидаёқ рўбарў бўлмоқчимасман. Лекин ҳар бири билан кўришиш истаги ҳам йўқ эмас. Чунки уларнинг баъзилари менга қадрдон эди. Ҳозир... Ҳозир... Бош вазифа Александр Абрамович Германиянинг қайси шаҳрида ва қайси клиникада даволанаётганини билиш эди.

Шошма, нега шу пайтгача Семён Эдуардович Колескони эсламадим. У ахир кўзга кўринмайдиган, лекин асосий фигуралардан биттаси-ку. Лавозими... Лавозими отбоқар, уззукун Александр Абрамовичнинг шаҳар ташқарисидаги отхонасида бўлади. Кийим-боши эски. Соқолини ҳафтада бир марта олса олади, бўлмаса, маймундан озгина фарқ қилиб юраверади. Яна ўзи жудаям ҳазилкаш, доим кулиб туради. Бироқ унинг кўзлари худди аждаҳоникидай ёнади. Мабодо, у билан нигоҳингиз тўқнаш келиб қолса борми, тошга айланиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Шундай катта таъсир этувчи кучга эга бўлган одамнинг нега отбоқарлик қилаётганини ҳеч ким тушунмасди. Айни чоғда ундан узоқроқ юришга ва ҳаттоки у ҳақда бошқа жойда фақат кўзи тешиб юбораман, дейди ярамасни, деган гапдан ўзгасини сўзлашга ботинишолмасди. Александр Абрамовичнинг хизматида юрганимда, ғалати нарса эшитгандим. Шунда ҳам ўзимизникилардан эмас, москвалик миллиардернинг худди менга ўхшаган йигитларидан бири гуллаб кўювди. Айтишича, хўжайини Александр Абрамович билан бирга ўша отбоқарнинг ёнига борган (тасаввур қилаяпсизми, миллиардерлар отбоқарнинг ёнига боришган). Хожаси қайтгач, эҳтиётсизлик қилиб, «Зўр башоратчи экан», деб юборган. Бу гапни тансоқчисига эмас, Александр Абрамовичга айтган. Мен эса ичиб ўтирганимизда, тансоқчидан эшитганман. «Сизларнинг ошиқларинг олчи бўлади. Чунки эртага нима бўлишини айтиб берувчиларинг бор», деганди у.

Мен катта кўчага чиқиб, шитоб билан шаҳар тарафга пойи пиёда ўйга берилиб, талай муддат юриб қўйганимни сезмай қолибман. Бир пайт ёнгинамда битта машина шунақанги тормоз бердики, жон-поним чиқиб кетди. Тўғриси, зувиллаб ўтиб қайтаётган уловларнинг товушларига ўрганиб қолган эканман. Чўчиб тушдим ва қулоғимга қизларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулганлари эшитилди. Бирдан улар томонга ўтирилдим. Олдин қоп-қора «Мерс»нинг кабриолетини, сўнгра ўриндиқларни тўлдирган қизларни кўрдим. Беш қиз бир-бирига мени кўрсатганча қотиб-қотиб куларди. Бундай пайтда одам мулзам бўлиб қоларкан. Юзим ловуллаб кетди. Бир хаёл яхшигина қўполлашмоқчи ҳам бўлдим. Шунда кўзим ҳайдовчи қизнинг ёнида талтайиб ўтирган Светага тушди-ю, ўзимда жилмайишга куч тополдим.

— Йигитнинг кетворгани, — деди Света эшикни очиб ерга тушаркан, — обориб қўямиз.

— Қандай бўларкан, сиқилиб қоласизларов.

— Жой тор бўлсаям, юрагимиз кенг. Сиз шундай кетворган қизни ўрмоннинг ўртасида ташлаб кетишингиз мумкин. Лекин биз пиёда кетаётган йигитни бемалол шаҳаргача обориб қўйишимиз мумкин.

Сўзлаётган ҳайдовчи қиз эди. У гапириш асносида машинадан тушди ва шу ҳолида эшикни ёпиб, уловнинг олд тарафидан айланиб ўтди. Унинг қад-қоматини кўриб, киноактриса ёки модель деб ўйлаш мумкин.

— Бу гаплардан кейин фақат даҳшат дея оламан. Худди шундай. Йигит аблаҳлик қилади. Қизни ёлғиз ўрмонда қолдиради. Қиз эса кутилмаганда машинада тўртта дугонасини топиб, пешонасидан тер оқизганча лўкиллаб кетаётган аблаҳни жой йўқлигидан тиззасига ўтқазиб, шаҳарга етиб олишига ёрдамлашиб юборади, — дедим киноактрисаларга ўхшаган қизга.

У киборларча нозланиб қадам ташлаб ёнгинамга, жудаям яқинимга келди. Бирдан хушбўй ва қиммат (французларники бўлса керак) атирнинг иси бурнимга урилди. Бундан чиқди, бу қизнинг чўнтаги анчагина бақувват. Одатда, бундай ёшдаги қизларнинг ота-онаси ёки эри бой бўлади. Яна яхши кўрган эркаги туфайли зўр кийиниб, бошқалар орзу қиладиган машина миниб, атир-упаларнинг «дода»ларидан фойдаланиши мумкин.

Эркаklar эътиборини жалб этиш мақсадида жудаям очиқ кийинган қиз баданига ҳам алланима суриб олгандики,

терисининг қандайдир ялтироқ тусдалиги бутунлай ақлдан оздириши ҳеч гап эмасди.

У менга бошдан оёқ қараб чиқди. Сўнг қулоғимнинг учгинасини чимчилади-да:

— Света, умуман олганда, дидинг чаккимас. Бу қаҳрамонни бир марта чўмилтириб олганингда, бошқа эркакларнинг барини четга суриб қўйсанг ҳам бўлаверарди, — деди у нигоҳини кўзимга қадаб.

Мен уст-бошимга қарадим. Дарҳақиқат, мақтагулик эмасди. Бундан ҳам ёмони, қиз боланинг оғзидан кир-чир эканлигинини эшитиш даҳшатли эди.

— Унча-мунчага бўйин эгавермайди, — деди Света.

— Кўрамиз... Хўш, яхши йигит, ўзингиз машинага ўтирасизми ёки ёрдамим керакми? — деди рўпарамда ҳали-хануз тикилиб турган қиз.

— Балки бошқа-бошқа кетганимиз тузукдир. Қийнаб қўйишдан қўрқаман.

— Тушунарли, демак, мажбурлаймиз, — дея у бирдан ортита бурилиб, тез-тез қадам ташлади-да, машинасининг эшигини очди.

Сўнг энгашиб алланимани қидирди. Топди, шекилли, қаддини ростлади. Унинг қўлида тўппонча борлигини уловини айланиб ўтаётганида сездим. У менга унча яқин келмасдан қуролини ўқталди.

— Ўн иккита патрони бор. Демак, шунча жойингдан дарча очилади, агар машинага ўтирмасанг, — деди.

— Ишлатишни биласанми? — дея ҳазиллашдим.

У тўппонча милини ерга тўғрилаб, тепкини босди. Тўппонча тасирлади. Мендан бир қадам нари жойнинг тупроғи кўлчиб тушди.

— Шундай жонона қўлида ўлиш, албатта, роҳат. Лекин бундай услубдамас. Айтайлик, бўғиб...

— Сени ўлдириш ниятим йўқ, — дея гапни бўлди қиз. — Аммо бир умрга майиб қилиб қўйишим муаммо эмас.

— Қизлар мени шу тариқа асир олади, деб сира ўйламагандим.

— Гап қўлайиб кетаяпти, учгача санайман, Света орқага ўтади, сен ёнимда ўтириб кетасан. Бир... Икки...

Унинг «уч» дейишига ҳожат қолдирмадим. Дарров бориб у айтган жойга ўтирдим.

— Шундай бўлсин, — деди қиз жилмайиб.

Писанда мендан ўтиб кетди. Лекин ўзимни босдим. Зеро, қиз болага озор етказишни сира истамасдим.

У қуролини орқада ўтирган дугоналарига берди, сўнг ёнимдан жой олиб, юзимдан чимдиб қўйгач, машинани юргизди.

— Қизларнинг қўлида асир бўлиш бунчалик лаззат бағишлашини олдиндан билганимда... — дея ёнимдаги сулувга қараб қўйдим, — сизни, хоним, ҳеч қачон машинадан тушиб, уриниб қолишингизга йўл қўймасдим.

— Менинг исмим Оксана, Светани танийсан. Қолганлар вақти-соати келганда, ўзларини танитишади... Лекин сен мени уринтириб яхши қилдинг. Шилқимларни жиним суймайди. Қайсарлар эса жону дилим. Сенга шундай азоб берайки...

Қизлар қиқирлаб кулишди. Мен эса очикча гапдан ноқулай аҳволга тушдим ва дарров унинг бошлаб қўйган мавзусини бошқа ёққа бурдим.

— Машинани текис ҳайдаркансан. Света бўлса, шундай уловни яроқсиз ҳолга келтириб қўйди.

Оксана менга қараб жилмайиб қўйди-да:

— Машина ҳайдаш бўйича спорт устасиман, федерация даражасидаги мусобақада нақ учинчини олганман. Кел, яхшиси, ўзинг гувоҳи бўл, — деди.

— Шартмас, ишондим.

У менинг гапимни парвойига ҳам келтирмади. Бирдан газни босиб, «тойчоқ»ни катта тезликка чиқарди. Кейин бу билан ҳам кўнгли тўлмай, машинани йўлнинг у бошидан-бу бошига обориб ҳайдашга ўтди. Қизлар дод-вой қилиб юборишди. Бундан баттар руҳланган Оксана тезликни янада оширди. Кўзим қутилмаганда спидометрга тушди. У икки юзни кўрсатарди. Очиғи, капалагим учиб кетди.

— Оксан!.. Оксана! Бас қил! Учиб кетамиз! Худо хайрингни берсин! Оксана!!!

Орқадагилардан бири шундай дея қичқариши билан бирга менга қўшиб ўриндиқни қучоқлаб олди.

Бу валак-салак Оксана гап уқмайдиганлар хилидан экан. Тормозни шунақанги қаттиқ босиб, рулни бурдики, чийиллаб юборган «Мерс» икки-уч айланиб кетди. Бунақада ҳар қандай ботир ҳам жонидан айрилиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, орқа ўриндиқдагилар нима аҳволга тушганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Улов тўхтади. Орқадагиларнинг иккитаси эшик устидан бошини ўтказиб, ерга энгашди. Биттаси музлатилгандай қотиб

қолган бўлса, яна бири суянчиққа бошини қўйган, ранги докадек оқариб кетганди. Ўзим бир аҳволдаман-у, дарров унинг томоқ томирини ушлашга қўлимни чўздим. Ҳартугул, тирик, юраги уриб турарди.

— Бопладинг, яна ўйинингни давом этказганингда, дугоналарингнинг ҳаммасидан айрилардинг! — дедим ғазаб билан.

— Ҳечқиси йўқ. Барибир, сен қолардинг-ку, — дея жавоб берди Оксана.

Шунда қотиб ўтирган қиз бирдан йиғлаб юборди. Бироздан кейин билдимки, у ўриндиқ устини ҳўллаб қўйган экан...

Уларнинг ўзига келиши қийин бўлди. Оксана қанчалик мағрур ва қайсар бўлмасин, кечирим сўради. Дугоналарининг юзларидан ўпди.

— Мен билмайман. Шунчаки шўхлигим қўзиб қолди... Ҳозир сизларнинг кўнгилларингни оламан.

У юкхонадан ароқ олиб келиб, дугоналарига ичирди. Ҳўл ўриндиқни ҳам ўзи ювди.

— Тўппонча қани? — сўрадим Оксанадан у ҳамма юмушларни адо этиб, машинани яна жойидан жилдиргач.

— Вой, Оксан! — деди орқа ўриндиқдаги қизлардан бири. — Йўқотиб қўйдим. Қўлимдан учиб чиқиб кетди.

— Ҳечқиси йўқ. Йигитча кетаман, деса, катта кўча. Ялинмайман, — деди Оксана.

— Кетиб бўлман. Энди эшигимнинг тагигача обориб қўясан, — дедим кулиб.

— Ҳа-а, кўнглинг бошқа нарсани тусамайдими? Мен билан бирга борасан. Йўқса, ҳозирнинг ўзидаёқ туёғингни шиқиллат.

— Бўпти. Тўхтат машинани.

— Номард, қўрқоқ, ҳезалак, — дея тезликни пасайтирди Оксана.

— Ҳайда! — дедим бу сафар ҳақиқатан жаҳлим чиқиб.

Оксана менга ўқрайиб қараб қўйди. Бу сафар у қайсарлик қилмади. Ҳаш-паш дегунча шаҳарга кириб бордик. Бу ернинг деярли ҳар қаричи менга таниш эди. Шу боис кўзимга бошқача кўриниб кетди.

Икки квартал ортда қолгач, «Мерс» одам билан доим гавжум бўладиган супермаркетдан ўтиб, қуёш ботар томонга бурилди. Пича юргач, тўхтади. Оксана ортига бурилиб, қизлар билан ўпишиб хайрлашаркан, ҳар биридан кечирим сўрашни унутмади.

Замонавий шаклда қурилган. одатда, фақат бойваччалар яшайдиган кварталнинг кўп қаватли уйларида бири ёнига етгач:

— Келдик, — деди Оксана.

Бироқ у машинасидан негадир тушишни истамасди. Ниманидир хаёл сурганча ўтирарди.

— Омон-эсон манзилга етдик. Мана, «Мерс» ҳам тўхтади. Энди нимани қутаяпсан? — дедим эшикни очганимдан кейин.

— Ростини айтсам, сенинг қочиб кетишингни. Агар шундай қилсанг, ортингдан боплаб, хуморимдан чиққунча сўкардим. Тўғриси, қасам ичиб айтаман. Кетиб қоласанми, айт?

— Йўқ.

— Майли, мен охириги қаватда яшайман, кетдик.

Мен имкон қидираётгандим. Тунашга, еб-ичишга, муҳитга мослашишга ва режамни амалга оширишга қулай имконият. Тўғриси, Семён Эдуардович билан нима ҳақда гаплашишни ёки ундан нимани ундиришни ўйлаб кўрганим йўқ. Лекин кўнглимда ўзимга ҳам номаълум истак бор эди. Тўғри, энг аввало, мени тинч қўйишларини истайман. Бироқ унинг ёнида менга ёқадиган нарса бор.

Охириги қаватга лифтда чиқдик. Оксананинг кўзидаги нур йўқолиб қолгандай, шашти тушгандай эди. Назаримда, у йўлча кўрсатган каромати учун энди сиқила бошлаганга ўхшайди.

У шарақ-шуруқ этказиб, калитни буради-да, қизғиштоб эшикни очди. Шундоқ остонага кириши билан елкасидаги сумкасини ташлади ҳамда ичкарига кириб кетди.

Мен эса аввал эшик тепасига қарадим. Чунки бунақанги хонадонларда видео кузатув камераси ўрнатиш аллақачон урф бўлиб кетган. Баъзан улар яширинча ўрнатилган бўлади.

— Нега ҳалиям қаққайиб турибсан? — деди Оксана қайсидир хонага кириб чиққанидан сўнг.

— Ўзинг бир оғиз «Кир», демардинг-ку, — дея остона ҳатлаб ўтдим.

— Иззатталаблигингни билмаган эканман. Емакхонага ўт. Мен кийимларимни алмаштираман.

— Ҳаммомда чўмилсам майлими?

— Билганингни қил. Лекин сенга кийим беролмайман. Уйда эркаклар уст-боши йўқ.

Оксанадаги ғалати ўзгариш одамни ҳайрон қолдирарди. У менга ҳаммомни кўрсатиб қўйди.

Уч киши бемалол сиғадиган тоғорада нақ ярим соат ётдим. Танам роса яйради. Оксана эшик ортидан туриб: «Чўкиб

кетган бўлсанг, ғаввосларни чақираман», демаганида, бемалол яна бир-икки соат сувдан чиқмасдим.

Артинаётганимда, эшик тақиллади.

— Чиқяпман, — дедим.

— Эшикни оч. Кир кийимларингни шу ёқда қолдириб, манавини кийиб ол, — деди Оксана.

Қия очилган эшикдан у оппоқ халат узатди ва ҳаммомдан чиққанимдан кейин бошдан оёқ қараб чиқиб:

— Адашмабман, қара, кирларинг аригандан кейин бошқача кўриняпсан, — деди.

— Раҳмат. Чўмилпирдинг, энди қорнимни тўйғазиб қўйсанг, янаям бошқача эркакка айланардим, — дея жилмайдим.

— Тайёр. Ошхонага кир.

Ароқни рад этдим. Оксана бўлса, бостириб-бостириб, икки қадаҳ ичди. Кейин:

— Бутун ростакамига кўрқдим. Аввалига ҳеч нимани ўйламагандим. Қизларнинг аҳволини кўрганимдан сўнг эса юрагим товонимга тушиб кетаёзди, — деди хўрсиниб.

— Эсингдан чиқар. Яхшиси, менга айт, бир ўзинг яшайсанми? — дедим қошиқчани ўйнаб.

— Беш йилдан бери ёлғизман. Ота-онам автоҳалокатда ўлиб кетишди. Мен ўшанда эндигина ўн еттига киргандим, — деб Оксана оғир хўрсиниб қўйди. Сўнг дардчил овозда қўшиб қўйди: — Иккаласи ҳам врач эди. Отам фан номзоди, докторлик ишини энди қилаётганди. Чала қолди. Мен бўлсам, уларнинг вафотидан сўнг дарров ДОСАФга кирдим...

— Турмушга чиқмадингми?

— Нима қиламан эрга тегиб? Ҳозирги яшашим ҳам ёмонмас. Битта ухажёрим бор. Ёши ўтиб қолган. Лекин жудаям бой. Аммо шунақанги кўрқинчлики, ҳар сафар у билан учрашганимда, оёқларимгача қалтирайман. Унинг кўзи тешиб юборадиган даражада ўткир. Ҳар сафар келганида «Ишқилиб, эртароқ кетсин», деб худога ёлвораман. Шу пайтгача сариқ чақа ҳам сўрамаганман. Ўзи ташлаб кетади... Аслида, қўлидан ҳеч вақо келмайди. Бошда «Менинг аёлларга уқувсизлигимни бировга гуллаб қўйсанг, каллангни оламан», деганди. Мана, биринчи марта сенга айтаяпман. Чунки у уйимга эркак кишини киритмаслигимни ҳам дўқ-пўписа билан уқтирган... Ҳаммаси жонимга тегиб кетди...

Оксананинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Ўша эркакнинг исми нима? — сўрадим қизга тикилиб.

Чунки кўнглим ниманидир пайқагандай эди.

— Семён Эдуардович, — жавоб берди Оксана.

Хайратдан қотиб қолдим.

Мен бундай совғани мутлақо кутмагандим. Ҳар нарса бўлиши мумкин, бироқ айнан Семён Эдуардовичга тегишли одамга дуч келиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

— Шу пайтгача кўрқиб яшадим, — деди Оксана. — Бундан бу ёғига... Булди! Энди истаганимни қилиб юравераман. Ўлиш ҳеч нарса эмаскан. Кўз очиб юмгунча жонни топшириш мумкин. Шундай экан, зарилми битта қариядан кўрқиб юриш? Қани, энди мен билан битта ол-чи...

У қадахни тўлдириб ароқ қуйиб узатди.

— Гўзаллигинг, қадди-қоматинг, овозингнинг майинлигига жон берса камлик қилади. Лекин шундай... нима десам экан, мафтункорга қаёқдаги...

— Кўй, гапирма! — деди Оксана бирдан гапимни бўлиб. — Ортиқ эслашни истамайман.

У ичди. Сўнг бориб, хона тўрида қимматбаҳолигини кўз-кўзлагандек ялтилаб турган столнинг устидаги патефоннинг қулоғини буради. Ҳаммаёқда замонавийлик уфуриб турганда, патефон ғалати туйилаётган эди. Бунинг устига, у ғийқиллаб товуш чиқарди.

— Менинг бор-йўқ бисотим мана шу патефон, — деди Оксана савол назари билан қараб турганимни кўриб. — Бу уйда менга тегишли бўлган бошқа ҳеч вақо йўқ. Бу патефон авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ёдгорлик. Ҳозиргача тўрт авлод фойдаланди, мен бешинчисиман...

— Хоҳласанг, иккаламиз рақсга тушамиз, — дея ўрнимдан турдим.

Оксана жилмайди. Бир-бир қадам босиб келди-да, иккала қўлини ҳам елкамга ташлади. Мен унинг белидан қучдим ва сўзсиз оғир қуй оҳангига мос равишда рақсга туша бошладик. Орадан бир лаҳза ўтиб, Оксана бошини кўксимга қўйди. Бир неча марта чуқур нафас олди. Назаримда, у рақс тушмаётганга ўхшар, қандайдир ўй гирдобиди қолиб, юраги сиқилаётганди.

— Бундан кейинги ҳаётинг кутилмаган даражада яхши томонга ўзгариб кетишини ҳали ўзинг ҳам билмасанг керак, — дедим унга.

Қиз бошини кўтариб, юзимга қаради. Унинг зумрад кўзлари ялтиради. Гўзаллиги икки ҳисса ошди. Энтикдим. Буни яшириш учун жилмайдим.

— Қаёқдан олдинг бу гапни? — деди у ҳайратини яширмай.
— Манави кўзлардан.
— Жиннивой. Бу кўзларда ташвишдан бошқа ҳеч нима йўқ.
— Менга қара. Анави... нима девдинг исмини?... Ҳа, Семён ҳар куни келиб турадими?

— Қўрқаяпсанми?
— Нега қўрқарканман? Шунчаки қизиқиб сўраяпман.
— Баъзан уч, баъзан икки кунда келади. Бир хил пайтлари ҳафталаб қорасини кўрсатмайди... Мен ундан жудаям қўрқаман. Сен билмайсан-да. Мен ҳалиям бокираман... Эзилиб кетдим!

У йиғлаб юборди-да, мени маҳкам қучоқлади. Агар унинг ўрнига бошқа биров “Бу қиз ҳали бокира”, деганида, ишонмаган бўлардим. Аммо ўзи шундай деб турганидан кейин... Шошма, балки бу тузоқдир. Ўзлари қувавериб чарчагач... Нималар деяпман? У менинг ёнимга атайлаб келмади. Шунчаки тасодифан кўришиб қолдик.

— Сен ҳалиги... Ҳаммаси жойига тушади, — дедим Оксананинг кўнглини кўтариш учун.

— Йўқ, ишонмайман. У ярамаснинг қўлидан ҳеч нима келмайди-ю, бошқа бировгаям бермайди. “Сен шунга маҳкумсан. Ёнингга келаётганимдан хабардорлар бор. Ожизлигимдан биров хабар топадиган бўлса, сени ўлдираман!.. Лекин бирон жойга қочиб кетишни ҳам ўйлама. Ерга кирсанг, қулоғингдан, осмонга чиқсанг, оёғингдан тортаман. Мендан қутулишнинг битта йўли бор: ё мен ўлишим керак, ёки сен бу дунё билан эрта хайрлашишинг зарур”, деганди мен билан қолган илк кечада.

— Уйига борганмисан?

— Ҳа, Москвадаги уйига борганман. Қизиқ, негадир бу ерда отхонада яшайди... Нега унга қизиқаяпсан ўзи? — дея бошини кўтарди Оксана.

— Нега? Унинг яшаши, бойлиги, ҳаммаси ғалати. Истаган одам қизиқиши мумкин. Дарвоқе, сен хоҳлаган пайтингда эркаклар билан юришга имконинг бор-ку. Ортингдан пойлаб юрмаган бўлса...

Оксана қучоғимдан чиқди. Бориб ўзига ароқ қуйиб ичди. Сўнг диванга ўтириб, оёғини чалиштирди.

— Пойлоқчиси бор, — деди хўрсиниб. Сўнг қўлини чўзиб столнинг устидан сигарет олди-да: — Рўпарадаги уйда туради. Қачон келдим, ким билан, ҳамма-ҳаммасини кўриб туради, —

дея бармоқлари орасидаги сигаретни тутатди. — Қизлар билан бирга келсам, индамайди улар. Лекин бирорта эркак зотини етаклаб келсам, дарров пайдо бўлишади.

— Нега унда ҳозиргача биронтасининг қораси кўринмади? — дея эшик тарафга кўз ташлаб қўйдим.

— Балки, инидан чиққандир, йўлладир, — деб Оксана сигарет тутунини симирди. — Сени атайлабдан олиб келдим. Света сени жудаям чаққон уришади, деди. Кўз очиб юмгунча учтасини ер тишлатибсан. Ростини айтсам, ортимдан пойлаб юрадиганларниям танобини тортиб қўйишингни истадим. Албатта, бунинг учун сендан узр сўрайман.

— Света сени алдаган, менинг қўлимдан бирор иш келмасачи, унда нима қиласан?

— Мен ҳеч нима қилмайман, улар сени пачоқлаб кетишади.

— Раҳмат. Энди рухсат берсанг, пачоқланишдан олдин юз грамм ютсам, — дея кулкуллатиб қадаҳга ароқ қўйдим.

Аммо ичиш насиб этмади. Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Келишди. — дея ҳорғин нафас олди Оксана ва ўрнидан туриб, нозланганча эшик томон қадам ташлади.

Мен қадаҳни стол устига қўйиб, қўлимга санчқини олдим. Яхши қурол. Бировнинг диққатини тортмайди. Устаси фойдаланганда зўр натижа беради.

Эшик очилиши билан тарсаки товуши ва Оксананинг “Вой!” дея бақиргани, ортидан эркак кишининг сўкингани эшитилди. Мен жойимдан қимирламадим. Шунчаки эшик тарафга кўз ташлаб қўйдим.

— Қани?! — ўкирди эркак.

Оксана жавоб бермади. Назаримда, мен ўтирган жойни қўли билан кўрсатган бўлса керак, оёқ товуши шу томонга кела бошлади. Шунда ҳам пинагимни бузмадим. Санчқини ўйнаганча ўтиравердим.

— Ит! Тур ўрнингдан!

Ҳақорат менга қаратилганди. Лекин қимир этмадим.

— Васка, унинг қулоғи том битганга ўхшайди, очиб қўй! — ўкирди яна ўша овоз эгаси.

Семён Эдуардовични овозидан танигандим. Ёлғиз келмаган. Келолмайди ҳам. “Биттаси билан кириб кетди”, деган гап қулоғига чалинган-у, шотирларини ёнига олиб, қушдай учган. Ёки Оксанани кўриш иштиёқида юрган пайтда унга бу хабарни етказишган.

Вася исмли чўтир башара йигитни зимдан кузатиб ўтирардим. У ёнимга етиши билан сочимга чанг солмоқчи бўлди. Бироқ улгурмади. Мен унинг қўлини ушлаб қолдим-да, бирдан ўрнимдан туриб, орқасига қайирдим. Унинг суяклари қисирлади.

— Оғрияпти! — ўқирди Вася отли одамсифат махлуқ.

Мен иржайиб Семён Эдуардовичга қарадим.

— Сен қаёқдан келиб қолдинг, ярамас?! — деди у кўзларига ишонмай.

— Соғиндим, Семён Эдуардович, соғиндим.

У чўнтагидан тўппончасини чиқарди. Аммо тепкини босишга улгурмади. Санчқи учди. Тўғри бармоқларига санчилди. Курол ерга тарақлаб тушиб кетди. Шу заҳоти Васянинг қулоғи орқасини силаб қўйдим-да, икки ҳатлашда қарашлари, гаплари билан ҳамманинг юрагига қўрқув соладиган Семён Эдуардовичнинг ёнгинасида пайдо бўлдим. У жароҳатланган қўлини соғи билан ушлаганча бирозгина энгашишга улгурганди.

— Единг-ку, аблах! — деди у полда ётган тўппончани олаётганимда.

— Хафа қилаяпсиз, Семён Эдуардович. Ҳали ейишимга бор. Қолаверса, қозондаги ёғ қизимади. Қизиса борми, гўштларингиз бирам чарс-чурс қилиб қовуриладики, ўзиям роса газакбоп бўлади, — дея бўш қўлим билан санчқини суғуриб олдим.

У инграб юборди.

— Қайси гўрдан пайдо бўлдинг? Сени аллақачон Москвадан қидиришаяпти-ку, — деди у афтини буриштириб, оғриқ пича чекингач.

— Ёлғон гапирманг. Ҳеч ким билмасаям, сиз шу атрофда санғиётганимни яхшигина сезиб юргансиз. Хўш, гаплашамизми, ёки?..

— Гаплашамиз, падарингга лаънат...

— Мени сўкмадингиз деб ўйлайман. Қани, юринг, Васянинг ёнидаги стол бўш, эллик-эллик оламиз. Оксана бизга газак тайёрлаб беради. Албатта, ҳозирча помидор-бодрингдан. Келишолмасак, гўштингизни қовуришимга ёрдамлашиб юборади, — дея қизга қараб жилмайдим.

Кўзлари косасидан чиқай деб турган Оксана имо-ишора билан Семён Эдуардовични оғиб ташлашимни илтимос қилди.

“Бемалол улгурамыз”, дегандай кўз қисиб қўйдим ва отбоқарни етаклаб, стулга ўтқаздим. Ҳозиргина ўзим ичмоқчи бўлиб турган ароқни унга узатдим.

— Оғриқ тезда босилади, ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасиз, жаноб, — дедим.

— Ярамас, заҳарламоқчимисан?! — дея афтини баттар бужмайтирди у.

— Ҳамманиям ўзингиздай ўйлайсиз-да, — деганча ароқни полга тўкиб юбордим.

Бошқатдан қўйдим. Ўзимгаям, албатта.

Сув ичдимми, ароқми, очиги, сезмадим. Шундан, гарчи ҳозирча юмшоқ муомала қилиб турган эсам-да, жудаям қизишганимни ҳис этдим.

— Чўзиб ўтирмай, дарров ишга ўтамыз. Сизниям вақтингиз доим тигиз бўлади. Отларингизни бировга ишонмаслигингизни яхши биламан. Туркменистондан олиб келинган янги зотли отларни сўрамоқчи эдим-у, аммо сира вақтим йўқ. Александр Абрамович қайси шаҳарда? — дея тўппончани стол устига уриб тақиллата бошладим.

У менга ўқрайиб қараб қўйди ва шошилмасдан ўзининг қадаҳини яна шайтон сувига тўлдириб, бир кўтаришда ютиб юборди-да, газзага бурнини тортиб қўйди. Сўнг:

— Мен сендан тузукроқ савол кутгандим. Эркак киши бунақанги савол бермайди. Менга ҳеч қанақанги дахли бўлмаган одам тўғрисида нимаям билардим? Бунинг устига, отбоқар бўлсам... — дея Семён Эдуардович менга қаради. Ана шу пайт унинг кўзлари этни жимириллатар даражада ёнди. — Ўша сен исми-шарифини айтган одамни умрим бино бўлиб икки мартагина кўрганман. Баччағар, отни хуш кўраркан. Иккита от сотиб олган, яъни ҳар сафар биттадан...

Тўппонча мили унинг чаккасига тиралди.

— Битта амал қолди: тепкини босиш. Майнавозчиликни давом эттирасизми?

— У Нюрнберг шаҳрида. Хусусий клиникада... Барибир, боролмайсан у ерга. Ёнига ҳам киролмайсан. Ўзингга ўхшаганлар оёғингдан осинади.

— Демак, Нюрн- бергда... Наҳотки жонингиз азиз бўлмаса?

— Сен сўрадинг, мен борини айтдим. Ишониш-ишонмаслик ихтиёрингда. Лаънати Оксана мени ёмон туширди. Сотқинлик қилишга мажбур этди.

Оксана яқинимизда эди. У воқеаларни жим туриб кузатарди. Номи тилга олинмиши билан сўзлай бошлади.

— Яқинда Германияга бориб келганингни, Мюнхен ажойиб шаҳарлигини оғзингни тўлдириб мақтаганинг. Айниқса, “Бавария” пивосидан ичиб, маза қилганингга алоҳида урғу берганинг. Менимча, Мюнхен Нюрнбергдан унча узоқ бўлмаса керак. — деди у.

— Ана, ҳурматли Семён Эдуардович, ёлғонингиз қанот қоқмасдан бурун фош этилди, — дея унинг кўлидаги қадаҳни олиб қўйдим.

— Оксана! — бақирди у. — Мен умримда фақат сенгагина меҳр қўйгандим. Сендан ҳеч нарсани аямадим. Лекин сен бир кунлик жазманингга мени сотдинг. Кечиради деб ўйласанг, хато қиласан.

— Оғайни, — дея Семён Эдуардовичнинг елкасига қоқдим, — кечириш учун яшаб қолиш керак.

— Бўпти, сўраганингни билиб олдинг. Оксана бундан бу ёғига билганини қилсин. Сариқ чақага зор бўлади. Албатта, сен ёрдам бермасанг. Дарвоқе, ҳамширага уйланганинг. Оксана чиройлироқмикан?..

— Балки... Лекин мен донолар доносининг ожиз жойи борлигини шу кунгача билмай юрган эканман. Не-не одамларнинг бойиб кетишига, ишлари юришишига ёрдам беролган, қанча-қанча тadbиркорларнинг шўрини қуритишини эплаган одам битта аёл, тўғрироғи, қизнинг қош қоқишининг гадоси экан.

Аввалига Семён Эдуардович қизара бошлаганди. Гап оҳангини бошқа ёққа буришим билан юзи ёришди. Лекин Оксананинг бокиралигига урғу берганимга эътибор ҳам қилмади.

— Ҳар кимда камчилик бўлади. Майли, энди бас қилайлик. Рухсат бер, кетайин. Абрамовичнинг қаердалигини билиб олдинг. Энди нима қилсанг, ўзингнинг ишинг. Менинг ундан қарзим йўқ. Сен билан ҳам олди-берди қилмаганман...

— Энди қилсак-чи?.. Айтайлик, менга эллик минг кўкидан керак. Сиз учун бундай сумма жуда майда...

— Отбоқарда шунча пул бор деб ўйласанг, кулгига қолишинг аниқ, — дея мийиғида кулди Семён Эдуардович.

— Тўғри. Шунинг учун мен сиздан арзимас эллик минг эмас, балки беш-олти миллион оламан. Токи соғлиғим тўғрисида қайғуриб юринг. Ахир менга бирон нима бўладиган бўлса, ҳамма пулларингиздан айриласиз, жаноб.

Семён Эдуардовичнинг башараси гезарди, кўзлари олайди. Кўли қалтираб, секин чўнтагидан сигарет қутисини чиқарди.

Лабига сигарет қистирганидан кейин гутуртни ёқишга анча қийналди. Ҳар сафар қўли қалтираганида, ё гутурт чўпи синар, ёки ерга тушиб кетарди.

— Биз Оксанадан фойдаланамиз, — дедим унга сигарет тутатишида ёрдам берарканман. — Буни қарангки, сиз бир неча йиллар давомида севган, лекин мутлақо ишонмаган қиз бир кундаёқ менинг ишончимни оқлади. Ҳозир, ҳурматли жаноби олийлари, пулнинг манзилини айтасиз, кейин чурвақаларингизга Оксанани олиб боришни ва пулларни бериб юборишларини тайинлайсиз. Юз фоиз кафолат бериб айтаманки, улар Оксанага ишонишади.

— Иблис!.. Иблислар. Сизлар мени хонавайрон қилмоқчимисизлар? — деди Семён Эдуардович оғзидан тутун чиқариб.

— Аксинча, бойликларингиз ишончли қўлда бўлади. Мабодо ўлиб кетадиган бўлсангиз, пулларингиз Оксанага мерос бўлиб қолади. Чунки сизнинг ундан-да яқинроқ одамингиз йўқ. Гарчи у сизни итдан баттар ёмон кўрсаям. Начора, тақдирдан қочиб бўлармиди? — дея Оксанага қараб кўз қисиб қўйдим.

— Жонгинам, наҳотки шу арзимас беш-олти миллион пулингни мендан аясанг? Чет элда сенинг хотиранг билан бахтли яшайман. Ишонавер, — деди Оксана ўлганнинг устига тепган қилиб.

Семён Эдуардович кўкариб кетди:

— Сизларни соғ қўйишмайди. Ишонтириб айтаманки, Александр мен учун ҳар қандай ёвузликни қилишга тайёр.

— Бунга шак-шубҳа йўқ. Аммо бунинг учун у яшаб қолиши керак, — дея унинг томоғига тўппонча милини тирадим. — Пулларингиз қерда?

— Адашмадинг. Менда шунча пул бор. Лекин мени аҳмоқ деб ўйласанг, адашасан. Мен икки-уч юздан кўпини қўлимда ушлаб турмайман, — деди Семён Эдуардович.

— Сизни аҳмоқ дейишга сираям тилим бормади. Пулларингизнинг бари чет эл банкларида. Тўғрироғи, Кипрда. Бир сафар Александр Абрамович шундай дегандай бўлувди. Демак, бундай қиламиз: Оксана бугуннинг ўзидаёқ Кипрга учади. Ўзига ҳисоб рақами очтиради. Албатта, унинг ёнида сизнинг йигитларингиз бўлиши шарт. Бу ёқда электрон йўл орқали ҳисобингиздаги ҳамма пулларни Оксанага ўтказиб қўясиз. Бор-йўғи шу.

Семён Эдуардович шу билан камбағал бўлиб қолмаслигини яхши биламан. Лекин у умрида ҳали бирор марта бўлсин, бу

даражада катта йўқотишга дуч келмаган. Ана шу нарса уни жудаям қийнайди. Агар бир қанча муддат мана шундай сиқувда ушлаб турилса, у касал бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Қолаверса, ўзини доимо бошқалардан устун, ақлли билиб келган. Аслида ҳам шундай-ку-я, лекин кутилмаганда иқтисоду сиёсатда яқинига ҳам келолмайдиган мендай йигитча дабдурустан уни чув тушираётганим суяк-суягидан ўтиб кетаяпти.

— Электрон вариантнинг имконияти йўқ, — деди у баҳона топилганидан хурсанд бўлиб.

Дарвоқе, шу заҳоти унинг қалтираши тўхтади. Бемалол қадаҳга қулқуллатиб ароқ қуйди. Томоғига тиралиб турган тўппончага эътибор ҳам бермади.

— Лекин сиз йўлини топасиз. Ахир ўладиган бўлсангиз, шунча пулнинг нима кераги бор? Агар пулларингиз билан бирга кўмишганда ҳам ишлатолмайсиз. Бекорга чириб кетади.

— Билганингни қил. Мени қўрқитолмайсан. Сенларга берадиган пулим йўқ. Ундан кўра чириб кетсин. Розиман.

Семён Эдуардовичнинг жимжилоғи қайрила бошлади. Албатта, бунақанги азобдан ўқ еб ўлган афзалроқ. Асир ҳам аввалига чидади. Кейин аста-секин қизара бошлади ва охирида ялинишга тушди.

— Майли, Оксана Кипрга борсин, — деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

— Мана буниси бошқа гап. Оксана, бориб телефонингни олиб кел. Кейин ҳужжатларингни тайёрла. Бугунги самолётдан кечикмаслигинг керак. Дарвоқе, аввал Москвага училади. Чипта топиш Семён Эдуардовичга ҳеч нарса...

— Бопладинг, шу пайтгача не-не одамларни обориб-опкелганман. Шахсан ўша Александрнинг ўзидан қарийб ўн миллион ундирганман. Албатта, у пуллар ҳозир йўқ бўлиб кетган. Лекин, айтиб қўяйин, қилаётган ишларинг шунақанги соддаки, ҳатто биринчи синф ўқувчиси устиларингдан кулиши турган гап... Бўлти, пул ўтгунича мени очдан-оч ушлаб турмассан. Маликанга айт, бирон нима пишириб берсин. Ёки йигитларимни ресторанга жўнатинглар, улар пастда кутишяпти. Дарвоқе, мен яна бирор соат ичида ташқарига чиқмасам, улар хавотир олишади. Ана ундан кейин ҳамма орзуларинг саробга айланади.

— Ҳеч нарсадан хавотир олманг. Қорнингиз ҳам тўяди. Соддалигимиз орқасидан бойиб ҳам кетамиз.

Семён Эдуардович телефон орқали югурдақларига фақат менинг сўзларимнигина буюрди. Ўзидан ҳеч нима қўрмади. Кейин унинг

қўл-оёқларини боғлаб ташладим. Сумкачасини елкасига илиб, эшик ёнида мен билан хайрлашган Оксана қандайдир тушқунлик ва хурсандчилик оралиғидаги кайфиятда эди.

— Сени алдашмаётганига ишонгим келаятти. Унинг қўлидан жуда кўп иш келади. Балки, ҳеч нима қилмасмиз?... Менинг озгина жамғармам бор. Иккаламизга анча вақтгача етади, — деди у ва бўйнимдан қучоқлади.

“Наташа, мени кечир, гўзалим. Шунга мажбурман. Лекин сен хавотир олма. Оксана билан бўлаётган алоқалар чуқурлашиб кетмайди. У қучиши мумкин, аммо мен бундай қилмайман”, дея ҳаёлимдан ўтказдим.

Оксана Семён Эдуардовичнинг пастда кутиб турган шотирларини ўзи билан бирга олиб кетди. Шу билан улар икки кунгача қорасини ўчирадиган бўлишди. “Мен дам оламан. Ҳар қандай одам учун йўқман. Отлардан бирортасига шикаст етадиган бўлса, териларингни шиламан. Ёнимда фақат Вася бўлади”, — деди асир югурдақларига гапининг сўнгида.

Кейинги кун тушдан сўнг Оксана қўнғироқ қилди. “Ҳаммаси жойида. Ҳисоб рақами очилди. Бундан ҳам даҳшати, Семён пулни оғзаки ўтказиши ҳам мумкин экан. Унинг овози бу ердаги махсус компьютерга ёзилган. У телефонда гапиради, компьютер текширади. Овоз тасдиқлангач, унинг ҳар қандай буйруғи ўз-ўзидан бажарилаверади”, деди у. Албатта, бундай хушхабарни эшитган Семён Эдуардович ўсал бўлиб қолай деди.

— Падарига минг лаънат техникасининг!.. Индамай турса, шу ёқда туриб ДНК текширувини ҳам ўтказади, — деди у ғазабини зўрға ичига ютиб.

Шундан кейин уни озроқ тузлашимга тўғри келди. Йўқса, бу фалокат ҳар не деб юбориши мумкин эди-да.

Ярим соатлар ичида ҳаммаси ҳал бўлди. Семён Эдуардовичнинг пуллари кўз очиб юмгунча Оксананинг ҳисобига ўтди. Пулнинг житардан бўлганлиги ўша пайтда яна бир марта исботини топди. Семён Эдуардович ҳар битта рақамни шунақанги қийинчилик билан айтдики, пешонасидан маржондай-маржондай тер оқди. Шундай пайтда унга ичим ачиди.

— Менга ароқ бер! Кўпроқ бер! Шундай ичайинки, нима бўлаётганини, қаердалигимни сезмай қолай! — деб ўкирди у телефон тугмачасини босиб ўчирганидан кейин.

— Буйруғингиз адо этилади. Бундай олиб қараса, сизнинг айбингиз унчалик ҳам кўп эмас. Лекин, начора, ҳозирда менинг ашаддий душманимга айланган Александр

Абрамовичнинг дўсти эканлигингиз бошингизга бало бўлди. Бироқ пулларингизни қайтариб олишнинг битта йўли бор, — дедим ундан нигоҳимни узмай.

— Нима?! Қайтариб бермоқчимисан?! Нима қилайин, айт?.. — деди бирдан кўзлари ёниб кетган Семён Эдуардович.

— Александр Абрамович билан гаплашасиз. Менинг унга ҳеч қанақанги хусуматим йўқ. Ундан кейин, ресторан портлашидан хабарим бўлмаган. Аксинча, уни қутқариб қолганман. Демокчиманки, овни бас қилсин. Агарда мени йўқ қилиш ниятидан қайтмас экан, аввало, ўзига жабр қилади. Кейин сизнинг пулларингиз ҳам қайтмас бўлиб кетади. Эҳтимол, вақти-соати етиб, ўша бойвачча ҳам мол-мулкидан айрилиб қолиши мумкин. Келишдикми? — дедим.

Семён Эдуардович бир муддат ўйланди. Ўзига келганидан бери ҳеч қандай гап-сўзга аралашмасдан берганимни еб ўтирган Васяга қаради. Мен унинг ниятини дарров тушундим. Демак, у бунақанги ишларни гувоҳларсиз бажаради.

— Васяжон, юр, барака топгур, айвонда туриб гур. Сигарет чекасан. Хуморинг босилади. Анчадан бери чекмаяпсан-ку, тўғрими? — дедим қўриқчининг елкасига қоқиб.

У хўжайинига қаради.

— Бор, айтганини қил, — деди Семён Эдуардович шотирига.

Албатта, мен Васяни шунчаки айвонда қолдириб келолмасдим. Ким билади, унинг миясида нима ўй бор-у, қандай майнавозчиликни бошлаб қўяди. Ухлатиб қўйдим. Албатта, маълум муддатга.

— Тирик қолмаслиги керак, — деди Семён Эдуардович. — Ҳозир чиқиб ўлдиришинг шарт!

Бошимга биров гурзи билан ургандай бўлди. Оний лаҳзада Александр Абрамовични ёнаётган ертўладан олиб чиққанимни хотирладим. Эвазига бошимга шунча ғам-ғусса.

— Ўлиши керакми? — дедим Семён Эдуардовичга ўқрайиб.

— Гувоҳсиз қилинган иш баракали бўлади, — деди шиша билан бутунлай ошно тутинган, бошқалар наздидаги донолар доноси.

— Лекин унинг сизга жудаям кўп хизмати сингган. Эҳтимол, ҳозирги воқеа...

— Ҳаммасини оқизмай-томизмай бошқа бир жойда гапириб беришига шак-шубҳам йўқ, — деди у гапимни бўлиб. — Эсинг бўлса, ҳеч қачон ўзингдан из қолдирма. Дарвоқе, бу гапларни менсиз ҳам ўзинг яхши биласан. Лекин ҳар эҳтимолга қарши айтаяпман.

— Яхши. Сиз айтган нарсани бажарипдан осони йўқ. Ҳар қалай, ҳозирги шароитда. Мақсадга кўчайлик, Семён Эдуардович. Сиздай одам вақтини бекорга ўтказмайди. Ҳар айтган сўзи пул туради, — дея унинг олдида турган шишани олиб қўйдим.

— Тулкилик қилма. Барибир, мени алдай олмайсан. Аммо сен виждонлисан. Пулга қизиқмайсан. Мен эса пул деган жойда ўзини томдан ташлайдиганлар хилиданман. Начора, ҳеч кимнинг бўлмагач, нимадандир роҳат топишинг керак-ку.

— Гап бундай, яна бир марта қўнғироқ қиласиз. Бояги айтганларимни оқизмай-томизмай шефга етказасиз. У ўз ўрнида ҳамма шотирларига, шотирлари эса қайси орган мени тутишга жалб қилинган бўлса, уларга сим қоқади. Сўнг менинг эсон-омон аввал Москвага, ундан хорижга етиб олишим таъминланади. Ана шунда пулларингиз қайтиб ҳисоб рақамингизга тушади. Боягина мени пулни хуш кўрмайдиганлар қаторига қўшгандингиз. Аслидаям, шундай. Демак, ишончли одамман, — Семён Эдуардовичга еб қўйгудек боқдим. — Акс ҳолда, — дея бироз танаффусдан сўнг гапимни давом эттира бошладим, — пулингизни қайтиб кўрмаслик у ёқда турсин, кўчага чиқиш ҳам сизга армон бўлиб қолади. Айвонда жони узилиши шарт бўлган югурдагингиз каби.

Энди Семён Эдуардович боши берк кўчага кириб қолган эди. Вазиятдан силлиққина, безарар чиқишга унинг ақлли боши ожизлик қилаётганди.

— Менга ароқ қуй, — деди у. — Шундан ҳам бенасиб қилма.

Унинг айтганини бажардим ва юзига термилганча утиравердим. У ичганидан сўнг сигарет чекди. Узоқ ўйлади. Охири:

— Нима бўлса бўлар, — дея қўл силтади ва телефонда рақам тера бошлади.

Нариги томондан гўшакни кўтарувчи бўлмади, шекилли, Семён Эдуардович талай муддат телефонни қулоғига қўйганча кутиб қолди. Пешонасидан тер оқди. Асабийлашди. Тез-тез, чуқур-чуқур нафас олди. Орада икки-уч марта менга қараб қўйди. Охири тугмачани босиб, телефонни ўчирди. Кейин бошини қашлаб қўйди-да:

— Александр Абрамовични бутунлай йўқ қилиб ташламаймизми? — деди.

Кулдим. Очиги, бу одамни ўтирган жойида бўғиб ўлдиргим келди. Номарднинг гапини қаранг. Боягина ўзига садоқат билан

хизмат қилиб келаётган, керак бўлса, мана шу назари паст одам учун жонини беришга-да тайёр йигитни ўлдиришимни илтимос қилувди. Оддийгина гувоҳ бўлиб қолгани учун.

— Шундай қилиш мумкинми? — дедим ўй-хаёлларимни пинҳон тутиб.

— Бўлмасам-чи? Жудаям осон. Унинг молиявий кирдикорларини ипидан игнасиғача биламан. Яна давлатга жуда катта жиноят қилган томонлариям бор. Агар шуларнинг ҳаммасини ошкор этсак, тамом. Ўз-ўзидан унинг қулларига кишан солиб, авахтага тиқиб ташлашади. Баҳонада сен оппоққина бўлиб оласан, — деди Семён Эдуардович ўта муҳим гапни айтаётгандай жиддий боқиб.

— Агар эпполмасангиз, ўзингизнинг каллангиз кетишини яхши билсангиз керак. Хўш, отбоқар шунча пулни пешона тери эвазига орттирганига ким ишонади? Ҳеч ким. Демак, сиз ўша жиноятчига шериксиз. Келинг, калламизни ортиқ қотирмайлик-да, Александр Абрамовичга бошқатдан сим қоқайлик.

Семён Эдуардовичнинг дами ичига тушиб кетди. Афтидан, мени чув туширмоқчи бўлди-ю, эпполмади. Майли, ҳозирча вақтимиз бемалол, кутайлик, кузатайлик, қаҳрамонимиз яна қандай каромат кўрсатаркин?

Бу сафар у ёқдан телефон гўшаги кўтарилди.

— Мен, Семён Эдуардовичман, шефга улаб беринглар, — деди маслаҳатчи томоғини қириб қўйиб.

Шу заҳоти унинг қўлидан телефонни олиб, овоз баландлаткич тугмасини босдим ва Семён Эдуардовичга қайтариб бердим. Табиийки, қилиғим унга ёқмади. Лекин, начора, чидайди-да, чидамай қаёққа борарди жони қўлимда бўлганидан кейин?

— Алло, — деган хирилдоқ овоз келди.

Бу, шубҳасиз, Александр Абрамовичники. Мен унинг овозини ҳар қандай шароитда ҳам ажрата оламан. Хириллаган овоз тузалаётган одамники эмасди. Демак, у ҳали ҳам оғир аҳволда.

— Азизим, — деди Семён Эдуардович илжайиб, — кундан-кунга соғайиб бораётганингизни эшитиб, бошим осмонга етди. Дунё тургунча турасиз ҳали. Айтмоқчи, ваъдангиз эсингиздами?

— Қанақа ваъда?

— Гавайи оролларидаги дала ҳовлингизда бир ой фақат хонимлар ишгирокида дам олмоқчийдик.

Александр Абрамович кулди. Кулиши жон бераётган ҳукизнинг хириллашига ўхшаб кетди.

— Ҳа. Насиб этармикан? — деди у кулишдан тўхтаб, икки-уч марта йўталиб олгач.

— Албатта, ҳўжайин. Мен яна бир нарсани ўйлаб қолдим.

— Нима экан?

— Қўлга тушмай юрган чўртан балиққа ортиқ тўр ташламасак бўлармиди?

— Тўрни бақувват қилиш керак эди. Таассуфки, ипларингиз жудаям нозик экан. Агар сира иложи бўлмаса, қалин, бақувват симдан тўр тўқишса ҳам бўлаверади. Қизиги, битта чўртаннинг кучи, чаққонлиги ва ақллилигига тенг келадиган балиқчимизнинг бўлмаганида.

Александр Абрамович худди сўнгги нафасини олаётгандай, васият қилаётгандай сўзларди. Асабим таранглашди. Унинг гапларининг мазмунидан ҳали-бери мени тинч қўйиш нияти йўқлигини англаб турардим.

— Азизим, назаримда, унинг учун куч сарфлашнинг ҳолати йўқ. Юраверсин. Балки шундай юргани бизга маъқулроқдир. Бунинг яна бошқа томони бор. Ора-чора ишончсизлик мақомини олганларни рўпара қилиб юборамиз. Қарабсизки, биз ютиб чиқамиз. Бу техника, албатта, сизнинг хаёлингиздан ўтган бўлса керак, — деди Семён Эдуардович мендан кўзини узмаган қўйи.

— Эҳтимол. Мен сизни тушундим, биродар. Майли, ихтиёрингизга қараб иш тутинг ва менга, албатта, хабарини етказинг. Ҳозир дўхтирлар келишди. Одам игнадан жудаям безор бўлиб кетди. Ҳай, буниси ҳам пешонада бор экан. Хайр!

Телефонни ўчирган Семён Эдуардович мамнун жилмайди. Уларни билмаган, суҳбатларида бўлмаган киши, шубҳасиз, мулоқот сокин ўтди, бундан бу ёғига ҳар қандай уруш-жанжалга нуқта қўйилади, деб тушуниши мумкин. Аммо жудаям унақамас. Ўзини ҳар қўйга солиб, ялтоқланаётган Семён Эдуардович ҳозирда менинг асирим эканлигини Александр Абрамович дарров англади. “Қанча маблағ сарфласангиз ҳам, унинг қўлидан қутулиб чиқинг. Кейин ҳаммани оёққа турғазиб бўлса-да, ярамасни йўқ қилинг”, қабилидаги мазмун ётарди гапларининг остида.

— Раҳмат, Семён Эдуардович, қойиллатдингиз. Энди мен йўлга тушмасам бўлмайди, — дедим худди у каби илжайиб.

— Мени қўйиб юборишингиз, пуллар масаласи...

— Ҳа, албатта, — дея бирдан унинг гапини бўлдим, — манави йўл билан ҳал қиламиз.

У қўлини шишага узатган, ичиш нияти бор эди. Мен эса шайтон идишни олдим-у, бўш қўлим билан жағига шунақанги мушт туширдимки, қарсиллаган товуш деворларга урилиб, акс-садо берди. У йиқилди. Оғзи-бурни қонга беланиб, ҳушидан кетди. Бориб, унинг тансоқчисининг юзига сув сепиб, ўзига келтирдим.

— Сенинг ҳаётинг ҳам меникидан каммас. Йўлини қилиб, эртароқ этагингни ёпмасанг, ажалингдан беш кун бурун ўлиб кетасан. Хўжайининг сени ўлдиришимни тайинлаганди. Лекин мен бундай қилмадим. Қўлимни қонга ботиргим келмади. Дарвоқе, мени кечир, икковингниям бор пулингни олиб қўйдим. Йўлда зарурати бўлади. Мабодо сен билан яна учрашиш насиб этса, албатта, қайтараман. Хайр!

У жуда қаттиқ уйқудан уйғонганга ўхшарди. Эҳтимолки, бошим лўқиллаётгандир. Гапларимнинг ярмига тушунмади ҳам. Бир томондан шуниси ҳам дуруст.

Уйдан чиққанимда, куёш уфққа ёнбошлай бошлаган экан. Бундай пайтда ҳамма ишдан қайтади. Шаҳарнинг асосий эркаклари ўзларини пивохоналарга урган. Бўлган-бўлмаган гаплар билан бир-бирининг калласини қотиради. Улар бахтли. Чунки ҳаётининг мазмунини шундай тасаввур қилишади ва шунга эришишяпти ҳам. Бундай эътибор сусайган пайтда кучада юриш бошқа маҳалдагидан осудароқ. Шу боис қўлларимни шимимнинг чўнтакларига тикқанча хиёл эгилиб, автобус бекати томон кетдим. Ёнгинамдан у ёқдан-бу ёққа ўтиб қайтаётганлар, юқорида айтганимдай, менга мутлақо аҳамият беришмади. Тасаввур қилаяпсизми, ашаддий жиноятчи дея эълон қилинган, телевизорда кўрсатилган одам йўлда отасининг уйида юргандай кетиб бораёпти.

Вокзалга қатновчи автобус бошқа йўналишдагиларга қараганда, хийла санжоб эди. Бўш ўриндиқларнинг бирига ўтирдим. Деразага бошимни қўйиб, кўзимни юмдим. Бироқ қўлоғимнинг диққат-эътибори ён-атрофда, одамларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларда эди. Хайриятки, улар мени унутишибди. Гаплари бозор, нарх-наво, ишхонасида бўлган воқеалар, уй ҳақида эди. Хотиржам тортдим. Вокзалга куёш бутунлай ботиб, ғира-шира қоронғилик тушганида етиб бордим. Энди бу ёғига бемалол юролмасдим. Сабаби, полициячилар кўп, бири бўлмаса, бошқаси таниб қолиши

мумкин. Шу боис аввал кутиш залига кириб, йўналишлар ёзилган экранга қарадим. Москвага ярим соатдан сўнг поезд бўларкан. Табиийки, чипта қолмаган.

Зал ўриндиқларида ўтирганларни бирма-бир кузатдим. Ўзимга хавфсиз жой топишим керак эди. Исталган жой менга тўғри келмайди. Чунки санғиб юрган полициячилар ҳар бир одамга диққат қилишади... Топдим. Чол билан кампир ўтирибди. Улар нималарнидир гаплашишяпти. Ёнларида катта сумка бор. Агар ўша юк чол-кампирга тегишли бўлса, уларга арава керак. Чунки ҳар иккиси ҳам уни кўтаролмайди-да. Демак, мен уларга ҳаммоллик қилишим керак.

Бориб ёнларига ўтирдим.

— Мишинка, қўнғироқ қилиб қўймадик. У боришимизни билмайди. Уйига етгунимизча қийналиб қоламиз, — деди кампир украинча шевада.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳозирги замонда пулинг бўлса, қийналмайсан. Поездга чиқсанг, бўлди, керак бўлса, ўзлари айтган жойинггача обориб қўйишади...

Чолнинг гапини охиригача эшитмадим. Ўрнимдан турдим-у, аравачиларни қидира кетдим. Одатда, улар вокзалнинг шимол томонида бўлишади. Ҳар қалай, шу ёқда тўпланишади. Илгари ўша ёқдан юкларимизни ташиш учун бир-иккитасини бошлаб келганман (буни қарангки, ҳар нарсани билишнинг ўзига яраша фойдали томони бор экан). Беш-олти аравакаш кун бўйи ишлайвериб, чарчаганидан уловида ўтирибди.

Энг кекса ва ҳолдан тойган аравакашнинг ёнига бориб:

— Арава керак, — дедим.

— Иложи йўқ. Бошқаларга бор. Менинг иш куним тугади. Энди эртага тонггача дам оламан, — дея жавоб қайтарди у.

Мен номига бошқаларга бир-бир кўз югуртириб қўйдим-да:

— Ҳамма чарчаганга ўхшайди. Мабодо кўпроқ берсам, борасанми? — дедим.

— Қанча?

— Юз кўкида.

У ўтирган жойидан сапчиб турди ва шерикларига тезда кўз ташлаб қўйиб:

— Секинроқ, кетдик, — деди.

— Гап бундай, — дедим нарироққа борганимиздан сўнг, — кийимларингни берасан, машинангниям.

Аравакаш бирдан тўхтаб, менга қаради. Унинг кўзида бир олам қўрқув бор эди.

— Ҳеч нарсадан хавотир олма. Энг яқин дўстимнинг ота-онаси Москвага кетаяпти. Юки оғир, ўзимни танитсам, хизмат қилдиришмайди. Эски замоннинг одамлари. Ўлгудай ҳақиқатгўй. Ҳа, менга кепканг ҳам керак.

У менга ишониб-ишонмай рози бўлди. Москвага борадиган поезд яқинлашаётганини эълон қилишгач, ҳамма кўзғалди. Кутиш зали бирпасда арининг уясига айланди. Қариялар ёнига келиб, юкларини олиб бориб қўйишимни айтдим. Шўрлик чол кучдан қолганидан кампири олдида хижолат бўлиб (буни қарангки, эркак зоти шу ёшдаям паст кетгиси келмайди), атрофга олазарак боқиб турарди.

— Ўзим бемалол кутариб кетаверардим-у, лекин, майли, атайлабдан кепсан, сазанг ўлмасин. Ахир тирикчилик важдан юрибсан-да сен ҳам, — деди у.

Икки-уч қадам нарида турган ҳақиқий аравакашга қараб кўз қисиб қўйдим.

Усулим иш берди. Юк кўтариб олганимни кўрган кузатувчи (проводник) йўлимни тўсмади.

— Тез бўл, бор-йўғи беш дақиқага тўхтаймиз, шундоғам кеч қолаяпмиз, — деди у дағал овозда.

Юкларини купеларигача олиб бориб қўйганимдан чол-кампир роса севиниб кетишди. Мен эса дарров купе деразасини очдим. Юк ташувчи аравасини қайтариб олувди. Лекин кепкаси менинг бошимда кетгани боис саросималаниб, вагондан тулишимни кутиб, ташқарида турарди.

— Оғайни, ҳов, оғайни! — бақирдим деразадан бошимни чиқариб.

У ялт этиб менга қаради.

— Хавотир олма, кепканг ўзингга сийлов. Ма, ол, — дея унинг бош кийимини отдим.

— Лекин мард экансан. Омадингни берсин! Сени тушундим! — дея қичқирди у кепкасини илиб олгач.

Енгил нафас олдим. Чол-кампирга қарадим. Улар менга термилганча миқ этмасдан ўтиришарди.

— Чиптам йўқ. Кечикибман. Лекин Москвага бормасам бўлмайди. Хавотир олманглар... Поезд юрсин, кузатувчига тўрт-беш рубль бериб, кўндириб оламан. Унгача юкларингни чиқариб қўйганимнинг ҳақиға шу ерда ўтира тураман, — дедим.

— Сени қаердадир кўргандайман, — дея чол костюмининг ички чўнтагидан кўзойнагини олиб тақди. — Ҳа, шундай, — деди кейин янада диққат билан термилиб.

— Бўлиши мумкин. Одам одамга ўхшайди-да. Айниқса, менинг рангимдагилар.

— Эҳтимол. Бизга нима? Майли, ўтира тур. Лекин кампирим билан ёлғиз кетишни истайман. Шунингга айтиб қўйишим керак, — деди чол.

— Бунинг сира иложи йўқ. Мен чиқаман. Лекин яна иккита одам келади бу купега, — дея кулганча уларга қарама-қарши томонга ўтирдим.

Сўзимни исботлашимга кўп вақт кетмади. Поезд жилиши билан купега эр-хотин кириб келди. Эркак тахминан менинг ёшимда эди. Аммо аёл негадир қаримсиқ. Умуман олганда, ҳозир бунга ажабланмасаям бўлади. Чунки охириги пайтда уддабурон йигитлар бой аёлларни (уларнинг ёши нечада бўлишидан қатъи назар) топиб, уйланиб олишяпти. Албатта, кейин маза қилиб яшайди. Тагида хотинчаси олиб берган машина, егани олдида, емагани кетида.

— Тушунмадим, бу ерда нега уч киши? — деди аёл кириши билан қовоғини осилтириб.

— Мен ортиқчаман. Икки дақиқадан сўнг чиқиб кетаман. Кутилмаганда қариндошларимни учратиб қолдим. Кўриб турганларингдай, иккисиям кекса. Юкларини жойладим. Мана, энди кетмоқчи бўлиб турибман, — дедим ўшшайиб.

— Сен бизга қанақасига қариндош бўласан? — деди кампир бирдан бобиллаб.

— Ўғлингизнинг ўртоғи. Сизлар мени танимайсизлар. Лекин сизларнинг суратларингизни кўрганман. Хотирам, мен сизларга айтсам, даҳшатдан ҳам яхшироқ ишлайди, — дедим купе эгаларига бир-бир қараб чиқарканман.

— Менимча, — деди ёшгина эрини етаклаб келган сариқ соч, роса бўёққа бурканган хотин, — бу йигитча яхшигина хулиганга ўхшайди. Шаҳардан чиқишимиз билан қилиқ кўрсатиб қолса, сира ажабланмайман. Милиция чақириш керак. Мумкин қадар тезроқ. Эдик, югур, жонгинам. Стоп-кранни торт!

— Пердон, мадам. Вақтим тугади. Сиз бемалол жойлашинг, севиклингиз билан чол-кампирнинг кўз ўнгида ялашиб-юлқашиб кетаверинглар.

Шу гапларимдан кейин сариқ сочли аёлнинг қовоғи осилиб кетди.

— Эдик! — бақирди у.

Эдик шўрлик сапчиб тушди.

— Ҳозир — деди у хотинчалиш овозда.

«Оббо, бу ёғини худо уриб қўйган экан-ку», дея кўнглимдан ўтказиб:

— Эдик, ошна, овора бўлма, мана, чиқаяпман. Фақат йўл бўшатиб бер, — дедим.

— Ҳимм, — дея лабини аёлларга ўхшаб бурганча четга ўтди Эдик деганлари.

Йўлакка чиқдим. Деразадан ташқарига қарадим. Поезд яхшигина илдамлаган, шарақ-шарақ товуши тезлашгани қулоққа эшитилади. Симёғочлар эса бировни қувлаб ўтаётганга ўхшайди. Бурнимни тортиб қўйдим-да, тўғри кузатувчининг хонасига йўл олдим.

У столга ўтирганча қандайдир қоғозларни титкилаш билан овора эди.

— Валентин Ивановга саломлар бўлсин! — дея иржайдим очик эшикдан бошимни ичкарига суқиб.

Кузатувчи менга қаради. Қовоқлари осилди.

— Қанақасига Валентин Иванов? — деди у ва яна қоғозларини тахлашга тушди.

— Менимча, бугун ҳамма чап ёни билан турган. Ким билан гаплашма, еб қўйгудек бўзрайиб қарайди. Худди мен уларнинг овқатини тортиб олгандай. Оғайни, сенга пул олиб келдим.

У қилаётган ишини бирдан тўхтатиб, юзимга ажабланганча қаради. Кейин сариқ мўйловини силаб қўйди-да:

— Сен боланинг томинг кетганми?! — деди овозини хийла баландлатиб.

— Балки. Агар томим кетмаганида, сенинг ёнингга келиб, пул олиб келганимни айтирмидим? Ҳа, айтиб қўяй, ҳеч қанақанги ўғримасман. Безориям эмасман. Шунчаки вагонга чиптасиз чиққанман. Нима қилай, кассага борсам, бадқовоқ хотин «Тугади», деди худди кечикканим учун мен айбдордай. Кейин кўзингни шамғалат қилиб, вагонга чиқиб олишга мажбур бўлдим. Чунки истаранг иссиқ, одамгарчилигинг борга ўхшаб кўриндинг кўзимга.

Кузатувчи иржайди. Олдидаги қоғозларни четга сурди. Сўнг секин ўрнидан турди-да:

— Ирғитиб юборайми? — деди.

— Биламан, бунга виждонинг йўл қўймайди. Яхшиси, пулимни оласан-да, бирорта жой қилиб берасан, — дея унинг кўзига қараб илжайдим.

— Қайси орган сени ёллади? Қайси падарингга лаънат устимдан шикоят қилди? — деди кузатувчи енгини шимариб.

— Эй, нима қилаяпсан? Мен қулоққа ўхшайманми? Ўлай агар...

Қолган гапларим ичимда қолди. У бўйнимдан бўғди. Қарасам, аҳвол чатоқ. Мени вагондан отиб юборадиган шашти бор. Ана шунақа-да. Ҳақиқат бировга ёқмайди. Дарров шубҳаланишади. Нафасим бўғилаяпти. Кузатувчининг кўзи олайган. Ранги қизарган.

— Бўлди-да, — дея унинг чотини тиззам билан силадим.

— Вой! — деганча кузатувчи икки букилди.

Мен эса дарров ортимдан эшикни ёпиб, гапимга ишонмай, бўғиб ўлдирмоқчи бўлган ярамаснинг пешонасидан итариб юбордим. У гуп этиб полга ўтириб қолди.

— Одаммас экансан. Мен сенга тўғриси айтдим, ярамас. Куч ишлатиш керак бўлганида, гаплашиб ўтирмасдим! — дедим жаҳл билан.

— Бўлди, бўлди, эчки эмаслигингга ишондим, — деди у мени яна уради, деган ҳаёлда қўлини кўтариб.

— Ҳар доим шунақа қиласанлар. Тўғри гапни тушунмайсанлар, — дея чўнтагимдан битта юзталиқ кўкини чиқардим-да, столнинг устига ташладим. — Энди жой қилиб бер.

— Мендан хафа бўлма, — деди у афтини бужмайтирганча ўрнидан кўзгалиб. — Ҳозир ҳеч кимга ишонмай қолганман. Ҳар қадамда чалишга тайёр турганлар бор. Лекин сен кўп бердинг. Буям мени шубҳалантиради.

— Унақада ароғинг борми? — дедим яна илжайиб.

— Топилади, — дея у бироз хотиржам тортган бўлди.

— Қўй столнинг устига. Газак ҳам қўй. Шу ердан ҳеч қаёққа чиқмайман. Шунда балки тўла ишонарсан.

— Бўлди, оғайни, ишондим.

У дераза ёнидаги тумбанинг тортмасидан битта «столичный» ароғини олди-да, менга узатди.

— Қарздор бўлишни истамайман. Ресторанга бориб, ул-бул олиб келаман, — деди кузатувчи.

— Нега мен сенга ишонишим керак? Кимларгадир кўнғироқ қилиб: «Зўравон вагонга чиқди. Мени хотинимга яқинлашмайдиган қилиб қўйди», демаслигингга ким кафолат беради? Мен билан ўтирасан, эллик-эллик оласан. Ана ундан кейин ўша вагон ресторанига бориб келасан.

Кузатувчи хахолаб кулиб юборди:

— Гап йўқ. Ўзимникини ўзимга қайтардинг. Лекин мен ҳам эркакман. Қани, шишани оч.

У тумбасини кавлаштириб, ярим литрлик банка топди. У қачонлардир очилган. Ичидаги бодринг тузламаси яримлаб қолганди...

Биз стаканларни тўқиштириб бир-биримизнинг омадимиз учун қутардик. Ароқ тоза экан. Томоқдан мойдай ўтиб кетди.

— Менинг исмим Сергей. Сен бемалол Серёжа дейишинг мумкин, — деди кузатувчи газак ўрнига енгини ҳидлаб.

— Меники Амир. Шундай деб чақиринг мумкин. Тепки учун узр, — дея шўр бодрингни ғарч этказиб тишладим.

— Ҳечқиси йўқ. Ўзим ҳам ошириб юбордим-да. Орамизда келишмовчилик бўлмаган деб ҳисоблаймиз ва буни яна юз-юз билан унутамиз, — дея иржайди Сергей.

Унинг софдиллиги аввалдан маълум эди. Пўписаси эса сохта эди. Энди тўрт-беш рубль олиши масаласига келсак, ҳозир бу одат тусига кирган. Назаримда, хизмат учун (ҳар қандай хизмат) чойчақали бўлиш оддий ҳолга айланганди. Буни асло жиноят деб бўлмасди. Шунинг учун Сергейни бемалол софдил одам дейиш мумкин эди.

— Зўр бола экансан, — деди иккинчи қадахдан кейингина газак қилган кузатувчи, — сен билан қимирламасдан ароқхўрлик қилса арзийди. Лекин, оғайни, мени тўғри тушун, чипталарни текшириб келишим керак. Хоҳласанг, мен билан бирга юр.

— Сен бемалол бориб келавер. Келгунингча ичмасдан жойингда ётиб тураман. Очиғи, роса чарчаганман.

— Бўпти, ўзинг биласан, — дея у ўрнидан қўзғалди.

Дарҳақиқат, нафақат жисмонан чарчаганман, балки асаблар ҳам таранглашиб, узилишига оз қолибди. Ароқ уни бироз юмшатди. Кузатувчининг жойига чўзилишим билан эса дарров қўзимга уйқу келди. Агар ўзимни озгина бўш қўйганимда, ухлаб қолишим аниқ эди. Аммо бирдан хаёлимга «Ароққа димедрол қўшилган», деган ўй келди-ю, ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Жаҳлим чиқди. Сергейни яхшилаб дўппослагим келди ва столни муштлаб қўйдим. Орадан тахминан ярим соатлар ўтгач, у келди. Роса терлаб-пишиб кетган, ҳансираб нафас оларди.

— Одамлар аблаҳлашиб кетган! — деди у қўлидаги идишни стол устига қўйиб. — Сендан бошқа яна учта одам бор экан чиптасиз. Буниси камлик қилгандай, биттасининг мутлақо пули йўқ. Ярамасни қўшни вагонга ўтказиб юбордим. Улар ҳам асабийлашишсин... Сен ётмабсан-ку.

— Уйқум қочди, — дея баҳона қилдим.

Биз икки соатлар чамаси бир-биримизга гап бермай еб-ичдик. Сергей тўртта сигаретни чекиб тугатди. Унинг хонасида димиқиб кетдим. Йўлакка чиқиб, тоза ҳавода нафас олиб, кўнглимни ёзиб келишни айтиб, ўрнимдан турдим.

Йўлак деразасидан ташқарига қарадим. Аввал зимистон эди. Кейин битта-битта чироқлар лип-лип этиб ўта бошлади. Сўнг улар кўпайди. Бундан чиқди, қандайдир аҳоли пунктига кириб бораяпмиз. Поезд тўхтармикан? Йўқ, тўхтаганида, Сергей ҳам инидан чиқарди. У бемалол ўтирибди. Бундан...

Ўйим охирига етиб улгурмади. Кимдир стоп-кранни шундай қаттиқ тортдики, учиб кетаёздим. Купелар қасир-қусур бўлиб кетди. Кимларнингдир бақиргани, сўкингани эшитилди. Булар тинмай туриб, ҳар икки томонда қўлларида автомат ушлаган, юзларини ниқоб билан тўсган махсус бўлинма йигитлари пайдо бўлишди. «Ярамас Серёжа сотибди-да», дея ўйладим.

Тўғриси, муштлашишни сира истамаетгандим. Аммо айна дақиқада истак чикора, бировнинг у билан сариқ чақалик ҳам иши йўқ. Шундай экан, омон қолиш, қўлга тушмаслик учун уришишим шарт. Кейин... Кейин у ёғи бир гап бўлар. Бахтимга саросимага тушганларнинг кўпчилиги купедан отилиб чиқмоқда эди.

Сўл тарафимдагилар бор-йўғи учта. Демак, шу томондан кетишим керак... «Аҳмоқлар, шунақаям келадими? Ими-жимида чиқиб, ишларингни битирсанглар ўласанларми? Шартми одамларнинг юрагини ёриш?» дея хаёлимдан ўтказдим.

Ўзимни қўрқаётгандек кўрсатиш мақсадида вагон йўлагининг деворига ёпишдим-у, олдиндаги шоввознинг ожиз жойини қидирдим. Шунда вагон адоғи томонда қулоқни қоматга келтирадиган шовқин кўтарилди. Ниқобдагилар купелардан бирининг эшиги ёнида турар, автомат қўндоғи билан эшикка уришарди. Хотиржам тортдим. Сабаби, Сергей мени сотмаган, бўлинма йигитлари бошқа қандайдир жиноятчиларни тутиш умидида келишган экан.

Эшик очилди. Шоввозлар (ниқобдагиларни негадир шундай атагим келди) купега бостириб киришди. Кимларнингдир додлагани, войвойлагани эшитилди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, йигитлар тўрт одамнинг қўлларини орқасига қайириб, олиб чиқиб кетишди.

Поезд жойидан қимирлади. Мен Сергейнинг хонасига бордим. У бошини столга қўйганча хуррак отиб ухларди. Вагонда шунча тўс-тўполон бўлди. Тўрттасини олиб кетишди.

Кузатувчи жонивор эса қотиб ухляпти. Бу аҳволда орқасини кесиб кетса ҳам сезмайди.

Ўриндиққа чўзилдим. Чарчоқ кучини кўрсатди. Кўзимни юмишим билан ухлаб қолдим. Аммо поезд филдиракларининг шарақ-шуруқини, эшик ортидан ўтганларнинг қадам товушларини эшитиб ётардим.

Тонг отганда уйғондим. Сергей қаёққадир ғойиб бўлибди. Ювиниб келдим-да, қаерга етганимизни билиш учун ташқарига қарадим. Ҳов нарида, уч-тўрт чақирим узоқликда ўрмон қора-йиб кўринарди. Демак, ҳали манзил олис.

Кўп ўтмай, Сергей келди. Бир қўлида чойнак, иккинчисида егуликлар, менга қараб иршайди.

— Эрталаб компотли чойни яхши кўраман, — деди.

— Мен сени ҳали-бери турмасанг керак, деб ўйлагандим. Кеча шунақанги тўполонлар бўлдики, кўзингниям очмадинг-а? — дедим унга тикилиб.

— Бе, ҳаммасидан хабарим бор. Бунақа пайтда ухлаб қолмасанг, бошинга бало келиши ҳеч гапмас. Наркобаронлар экан. Аслида, уларни аэропортда кутишган. Лекин қорадори-фўрушлар яхшигина маккор чиқишибди. Поездга ўтириб, жўнаб қолишибди. Яна кутилганидан бир кун олдин. Агар қулоқлар бўлмаганида, эсон-омон Москвага етволларди. Ўзи бошиданоқ кўзлари ўйнаганидан хавотир олгандим. Бўпти, оғайни, қўй уларни, чойдан ич. Роса бошинг оғриётган бўлса керак.

— Оғримасди. Лекин жон-жон деб чой ичаман.

Иккаламиз кулишдик.

Сергей мен ўйлагандан ҳам хушчақчақроқ, ҳазилкаш йигит экан. Сира зерикишга вақт бўлмай, Москвага етдик. Албатта, вокзалда яхшигина хавф кутиб турган бўлиши эҳтимоли кўп эди. Аммо кузатувчи кўзга ташланмади. Шу боис дарров одамлар уммонига қўшилиб, метро томон юрдим. Ер остига тушишим билан Наташага қўнғироқ қилмоқчи эдим. Бироқ йўловчиларни диққат билан кузатиб турган икки полициячи мени тўхтатди.

— Қаердан келаяпсан? Нега келдинг? — деди улардан бири еб қўйгудек тикилиб.

— Пойтахтга ўйнагани, маза қилиб дам олгани, қизларнинг бошини айлантиргани келдим, — дедим ўшшайиб.

— Мен сenga ҳазиллашишни кўрсатиб қўяман, — дея қовоғини солди новча полициячи шапкасини пешонасидан салгина кўтариб. — Паспортни чўз.

— Мана, одамнинг, ҳақиқатан ҳам, одамлигини тасдиқловчи қоғоз, — дедим ҳужжатимни унга узатиб.

— Паспортда соқолинг йўқ. Лекин ҳозир... Шошма, фамилиянг танишдай. Ҳимм, бўлинмага борганда, балки яхшироқ танишиб олармиз. Балки ашаддий жиноятчилардан...

— Оғайни, — дея унинг чўнтагига буклоғлиқ оддий қоғозни солдим, — кўриб турибсан, камчиликлардан мутлақо холи эканлигимни.

— Қанча? — сўради у бурнини тортиб.

— Ноллар сони учта. Уларнинг олдида қандай рақам турганлигини бошқалар кўрмагани маъқулроқ-да. Қара, қанча кўз ўтиб кетаяпти.

— Майли, боравер, қувгина йигит экансан. Лекин бошқа кўзимга кўринма.

Паспортимни унинг қўлидан тезгина олдим-у, жуфтакни ростладим. Агар у пул ўрнига оддий қоғозни чўнтагига солганимни сезса борми, сочини битталаб юлишга тушиб кетарди.

Икки бекатдан кейин метродан чиқдим. Қаерга етганимни ва у ер Наташага қанчалик яқин, узоқлигини билмасам-да, кўнглим негадир безовта эди. Назаримда, кимдир мени кузатаётганга ўхшарди.

Телефонни пешонасига «Газета» дея ёзиб қўйилган дўкондан топдим. Хўппа семиз аёл илтимосимни эшиттач:

— Юз рубль, — деб гўшакни узатди.

Дарров рақам тердим. Чақирув товуши беш-олти марта эшитилганидан кейингина Наташа телефонни улади. Овозимни эшитибок:

— Қаердасан?! — дея қичқирди ҳаяжон билан.

Мен ён-атрофимга аланглаб, турган жойимни айтдим.

— Қимирламасдан тур. Ярим соат ичида етиб бораман, — деди у.

Ярим соат қисқа фурсат. Лекин кутсанг, шуям асрларга тенглашиши ҳеч гапмас. Гўшакни газета сотувчи аёлга узатиб:

— Ишлар қалай? — дея сўрадим.

— Дабдала. Сенга ўхшаганлар газета ўқимай қўйди, — деди у қоғозини осилтириб.

— Газета ўқимаганимга... ростини айтайинми? — дедим пешонамни тириштириб. — Ҳақиқатан, анча бўп қўйибди. Исталган газетани беринг, охирги саҳифанинг сўнгги ҳарфигача ўқийман.

У бурнини жийириб, олдида тахланиб ётган газеталардан бирини суғуриб узатди.

Нарироққа ўтдим ва ўртасини очишим билан кўзим олайиб кетди. Газета саҳифасининг ўртасида менинг гарчи эскироқ бўлса-да, расмим чоп этилганди. Мақола бутун бир бетни эгаллаган, расмим тепасига «Кўлга тушмас...» дея йирик ҳарфларда ёзилганди. «Оббо, бу ёғи чатоқ-ку, энди Москвадаям эмин-эркин юролмайман, шекилли?» деган ўй ўтди хаёлимдан. Атрофга алангладим. Одам унчалик гавжум эмас. Ҳеч ким бир жойда тургани йўқ. Ҳамма қаёққадири шошаяпти. «Метродаги полициячилар газета ўқимаган. Ўқиганларида борми, анави сотувчиам мингирлагани билан... Умуман, шунисиям маъқул», деган ўйда мақолага куз югуртирмасдан газетани ёпдим-у, икки букладим. Беихтиёр кўзим газета дўкони ичидаги семиз сотувчига тушди. У ниманидир берилиб ўқимоқда эди. Шу билан бирга мен томонга кўз ташлаб қўйишни ҳам унутмасди.

Бу ерда қарийб ўн дақиқа турдим. Ҳали яна анча тураман. Савил, наҳотки мени таниган бўлса? Ўй-хаёлларга берилишни бас қилиб, секин у томонга кета бошладим. Сотувчи мени кўрди. Дарров газетани ёпиб, тахламига солиб қўйди ва ҳеч нарса кўрмагандек, олдидаги растага — газеталар устига тирсагини тираганча қовоғини солди. Бунақалар ҳайвонот боғида ёки турмаларда қоровуллик қилса, кўпроқ фойдаси тегарди. Бундай шароитда ким ҳам газета сотиб оларди?

— Ҳимм, — деди у уйилган қовоғини баттар осилтириб. — Ёқмадимми?

Шунда унинг гапида қандайдир қалтираш, ҳадик сездим. У ниманидир мендан яширмақ учун атайлабдан тусини баттар совуқ қилиб олганди.

— Менимча, ҳозиргиларда савод йўқ. Алифни калтак дейишади. Тўғри келган нарсани ёзаверишади. Яна ғиж-ғиж хато...

— Нималар деб валдираяпсан? — дея сотувчи хотин гапимни бўлди. — Қанақа алиф, қанақа калтак?

— Вой, шуниям билмайсизми? Менинг уйимдагилар чаласаводлигимдан додлаб шунақа дейишарди. Алиф — араб алифбосидаги биринчи ҳарф. У тўғри чизик, яъни калтакка ўхшайди... Менга қаранг, хоним, телефоннинг жойи ўзгариб қолибдими?

— А-а? — деди у бирдан кўзлари катгариб. — Ўзгариб қолибди дейсанми? Мен... Нима ишинг бор?! Ундан кўра, калламни қотирмасдан туёгингни шиқиллат.

— Ростини айтсам, менга ёқиб қолдингиз. Гапларингиз мулойим. Боқошингиз майин. Дангалига кучадиган бўлсам, оёқларим қалтираб, зўрға турибман... — дея илжайдим.

— Ҳали сен мени калака қилмоқчимисан?! — бақириб юборди у. — Сенга ўхшаган тирранчаларга кўрсатиб қўяман!

— Ўзингизни босинг, хоним. Сиздай мафтункор аёлга бақириб сира ярашмайди.

— Полиция чақираман...

Қолган гапларим ичимда қолди. Шундоққина орқа томонимга машина тўхтагани эшитилди. Газета сотувчи хотиннинг бирдан юзи ёришди.

— Мана, ушланглар! — бақирди у менинг елкам оша орқамдагиларга қараб.

Ўгирилдим. Йўл ёқасида қоп-қора «Мерс» турибди. Иккита костюм-шимли йигит аллақачон машинадан тушиб, менга яқинлашиб келишарди. Улар сотувчининг гапидан кейин тўхтаб, бир-бирига қаради ва елка қисибди. Бири лаб бурди. Сўнг йўлларида давом этишди. Ёнимдан ўтиб, дўкондан газета сўрашди.

— Мен чақирган одам сизлар эмасми? — деди хотин.

— Нималар деяпсиз? Кимни ушлашимиз керак? Нега? Бизнесменларнинг шунақа ишлар билан шуғулланганлигини кўрганмисиз ҳеч вақт?

Мен оптимдагиларнинг нима қилишаётганини кўрмасдим. Бироқ гапирувчи сўзларини тугатмасдан қандайдир темирни шиқиллатганини эшитдим ва бирдан ўгирилиб, бошимга йўналган зарбага чап бердим. Елкамга муштга қўшилиб, темир тегди. Шу заҳоти зирқираган оғриқ пайдо бўлди. Шундай эса-да, ҳаракатга тушдим. Мажбур эдим. Йўқса, майибга айланиб, қўлга тушиш муқаррар эди. Иккинчи костюм-шимлининг қўлидаги тўппонча отилишга улгурмай учиб кетди. Афтидан, у тепкини босишга шошилмади. Бор-йўғи оний лаҳзага, албатта. Ана шу вақтдан унумли фойдаланиб қолдим. Елкамни жароҳатлаганни ағдариш мен учун муаммо туғдирмади. У менга яқин эди. Шу билан бирга миясида фақат ҳужум қилиш фикри бор эди. Оқибатда ҳимоясини унутди ва ҳар қанча терисини пишитган бўлмасин, қовурғалар остига теккан муштан кейин икки букилиб қолди. Сўнг ерга ағанади. Нафас олишга қийналарди у. Эҳтимол, даволанишга ҳам мажбур бўлар.

Иккинчиси билан яхшигина тепишдик. Унинг хатти-ҳаракатлари, усулларни жуда тез ва аниқ бажараётгани яхшигина тайёргарликдан ўтганлигини кўрсатиб турарди.

Аммо, барибир, хато қилди. Тўғрироғи, оёғи туя туёғининг изидек катталиқдаги чуқурга тушиб кетди-ю, тезликни

сусайтирди ва жағига мўлжалланган оёқ зарбасини ўтказиб юбориши натижасида қулади. Шу билан менинг ишим охирлаганди. Биринчини силаб-сийпаб қўйишим зарур эди ва бу юмушни ҳам адо этиб, уларнинг икковини навбатма-навбат машинага ётқизиб келдим.

Томошани кўрганлар кўп эди. «Фильм» ниҳоясида икки киши мағлуб этилгач, хурсанд бўлиб, йўлларида давом этишди. Мен азаматларнинг ҳали анча вақт ухлашларига ишончим комил бўлгач, газета сотувчисининг ёнига бордим. У кўзидан дув-дув ёшини оқизар, икки юзи қизариб кетган эди.

— Йў-ўқ, керакмас. Мен билмасдан хабар бериб қўйдим, илтимос, урма! — дея ҳимояланаётгандай қўлларини олдинга чўзди.

Мен илжайдим. Совуқ ғазабли илжайиш. Шу ҳолда:

— Телефонни бу ёққа узат, — дедим паст овозда.

— Ҳозир, ҳозир... — деди сотувчи қаттираб.

— Сими билан бирга. Соткангниям чўз.

У калтак емаса бўлди, бошқа ҳамма нарсага тайёр эди.

Ерга зарб билан урилган телефонлар чил-чил синиб кетди.

— Ана, энди яхши бўлди. Бу ёғига телефон хизматидан солиқ тўламаётганингдан ҳам виждонинг қийналмайди. Солиқчилардан бўлса, мутлақо кўрқмайсан, — дедим ва дўкондан узоқлашдим.

Йўл ёқалаб бошимни ҳам қилганча кетавердим. Нимадир ичимни кемириб азоб берарди. Агар Наташага шу ерда кутишимни айтмаганимда, бир дақиқа ҳам турмасдим. Лекин... Томошани кўрганлар шунчаки завқланиб кетмаган бўлишса керак. Ҳойнаҳой, рўпараларидан чиққан полициячиларга кўрган-билганларини оқизмай-томизмай етказган бўлишса керак. Ҳализамон улар ҳам шапкаларини қўнқайтириб пайдо бўлишади. Машинада узоқ уйқуга кетганларнинг кимлигини билишгач эса тўс-тўполоннинг каттасини бошлаб юборишади. Кетаман, бирон жойга бораман ва ўша ерга Наташани чақираман.

Йўлимдан пиво сотадиган дўкон чиқди. У унчалик катта эмасди. Газета сотиладиган будкадан сал энсизроқ эди. Табиийки, унда ҳам бир аёл (буниси фақат сал ёшроқ ва истаралироқ) савдо қиларди. Дунёнинг оёғи осмондан бўлаётгани шудир-да. Газетани сўхтаси совуқ, бадқовоқ аёл, пивони эса истаралигина жувон сотаяпти.

Икки шиша пиво олдим. Биттасини шу жойнинг ўзидаёқ бир кўтаришда сипқориб, бўш идишни сотувчига узатдим.

— Чанкаганингиз кўриниб турибди, — дея жилмайди у.

«Манави бошқа гап. Ўлиб турган экансан. Ҳаво салқин бўлсаям, томоғинг оғриб қолишини ўйламасдан ичдинг», дейиши ҳам мумкин эди. Шундай деганида, индамасдим-у, бироқ яхшигина ўқрайиб қўярдим.

— Эрталаб роса югургандим. Терладим. Чанқадим. Лекин бир қултум сув ичмадим. Сабаби, семириб кетишдан, сизга ўхшаган сулувлар кўзига ёмон кўринишдан чўчийман. Одам роса терлаганида, сув ичиб қўйса, йўқотган юкини шу заҳоти қайтариб олади.

— Шунақами? Жуда соз. Лекин мен пиво ҳам одамни семиртиришини яхши биламан.

Биз кулишдик ва мен иккинчи шишанинг оғзини очдим-да, ён-атрофга назар ташладим. Адашмаган эканман. Газета дўкони ёнида бир талай одамларни кўрдим. Уларнинг орасида полициячилар ҳам бор эди.

— Буниси ортиқча. Афсус, нимаям қилардик? Оёққа зўр берамиз-да, — дедим-да, қулқуллатиб пиво ичдим.

— Тинчликми? — дея юзимга тикилди сотувчи қиз.

— Айблашяпти. Иккита барзангидай одамни бир ўзим уриб йиқитганимизман. Жуссам кичкина, сал қаттиқроқ шамолгаям учиб кетадиган одам бўлсам, қандай қилиб бир ўзим иккита девдай одамни уриб ағдаришим мумкин? Ахир бунга ақл бовар қилмайди, — деб газета дўкони қаршисидагиларни кузатишда давом этдим.

Киоска ичкарасидан семиз, бадқовоқ аёл чиқди. Қўлларини ҳавода ўйнатиб, бир нималар деди. Гапини аниқ эшитолмадим-у, шанғиллаши етиб келди. Шу пайт улар турган жойга сариқ такси етиб келди.

— Телефонингизни беринг, — дедим шошиб сотувчи жувонга.

У дарров қўл телефонини узатди.

Наташага қўнғироқ қилдим.

— Яна юринглар, тезроқ, — дедим, сўнг қўлимдаги телефондан терган рақамимни ўчириб ташладим.

Такси жойидан қимирлаши билан полициячилар ҳам машиналарига югуришди.

— Оббо, — дея яна рақам тердим-да, Наташага тўхтамасликни, ўтиб кетишни тайинладим ва телефонни эгасига қайтариб, энди қочмоқчи бўлганимда, сотувчи жувон:

— Мен сизни яшириб қола оламан, — деб шивирлади.

Унинг кўзлари алдамаётганидан дарак берарди.

— Ён томондан келинг.

Мен унинг айтганини қилиб, ичкарига кирдим.

У оёғининг остига энгашиб, бир қаричгина ипни тортган эди, эшик бир қулоч тепага кутарилди.

— Хавотир олманг. Солиқчилардан яширадиган молни шу ерда сақлайман, — деди сотувчи қиз жилмайиб.

Мен бир киши аранг сиғадиган ертўлага тушдим. Қиз эшикчани ёпди. Бу ерда турли-туман пиво идишлари қалашиб ётар, истаганингни очиб ичишинг мумкин эди. Бироқ бунинг ҳозир мавриди эмас. Иложи бўлса, нафас ҳам олмасдан ўтириш керак.

Сотувчи қиз аввал қўшиқ хиргойи қилди. Сўнг гугурт чақди. Ҳойнаҳой, сигарет чека бошлади. Шунақа пайтда тамакининг озми-кўпми, фойдаси тегади. Қизариш-бўзариш, ҳаяжонланишдан сақлайди. Шу томондан қизгинанинг калласи ишлабди.

Бироздан кейин машинанинг тўхтагани эшитилди. Эшиклари очилиб ёпилди. Демак, улар кўпчилик. Қадам товушлари дўкон дарчасига яқинлашди.

— Ҳозиргина шу ерда турган нусха қаерга кетди? — деди йўгон, дўриллаган овоз соҳиби.

Тахминимча, у савлатли эди.

— Қаерга кетганини билмайман. Лекин роса тез югураркан. Чопиш бўйича чемпион бўлса керак. Назаримда, гастроном томонга кетдиёв...

Бу орада савлатли киши нималардир деб пичирлади.

— Нима, у одам ўлдирганми? — деди сотувчи.

— Ундан ҳам беш-баттар... Мабодо яшириб қўймадингми? Четроқ тур-чи...

У, менимча, дўкон ичкарисига дарчадан калласини суқиб қаради. Албатта, ҳеч ким йўқ. Энди хоҳласаям, хоҳламасаям, қизнинг гапига ишонишга мажбур. «Садқаи изқувар кет. Яқин атрофда яшириниш мумкин бўлган бирортаям бино йўқ бўлса. Қанчалар чопагон бўлганимдаям, шамолдай учолмайман-ку. Лекин сен бунга ҳаёлингга келтирмайсан. Баттар бўл», дея кўнглимдан ўтказдим.

Қадам товушлари узоқлашди. Тагин эшиклар очилиб ёпилди. Машина моторининг товуши эшитилди. Қиз қўшиқ хиргойи қилди. Кейин бир муддат ўтиб, унинг:

— Кетди, — деган овози эшитилди.

Унга қандай миннатдорлик изҳор қилишни билмасдим.

— Нега мени улардан яширдинг? — дедим жувоннинг кўзларига боқиб.

— Билмадим. Шундай қилгим келди. Ёқимтойгина йигит экансан, — жавоб берди у жилмайиб.

— Соқоли ўсган, ухламаганидан кўзлари қизарган, қовоғи осилган, пивоҳўр одам қандай қилиб ёқимтой бўлиши мумкин? Бунинг устига, ғирт бегона...

— Менга шунақаси ёқади. Бегоналигинг янада яхши. Фақат дарров кетиб қолишинг чатоқ. Лекин кетмасдан иложинг ҳам йўқ. Анавиларнинг калласи ярим йўлда ишлаб қолади.

— Яхши, телефонингдан яна фойдалансам бўладими?

— Марҳамат.

— Нималар бўляпти? Бу ердаям ортингдан тушишдими? — деди Наташа гўшакдан ҳадиксираб.

— Назаримда, ортда қолганга ўхшайди. Изингга қайт. Фақат тезроқ, — дея телефонни ўчирдим.

Мен билан ёнма-ён турган қизнинг юзида бир олам қувонч бор эди. Нега бундайлигини сира тушунмадим. Ахир бундай пайтда ҳеч қурса, жиддий тортиши керак эди-да.

— Исминг нима? — дедим ундан кўзимни узолмай.

— Оля.

— Мен сенинг олдингда қарздорман. Агар Москвада кўпроқ қолиб кетсам, албатта, ёнингга қайтаман.

Йўлнинг қарама-қарши томонига ўтдим. Қўлимда шиша. Худди ароқхўрларга ўхшайман. Аммо шуниси керак ҳозир. Ана, қип-қизил хориж машинасида айланиб юрган иккита оқбилак хўмрайиб қўйди. Жирканди. Эҳтимолки, асаблари ҳам бузилган. Шаллақи бўлишса, сўкинган ҳам.

Узоқдан сариқ такси кўринди. Мен қулқуллашиб пиво ичдим-да, лаб-лунжимни қўлимнинг орқаси билан артдим.

Такси ёнгинамда тўхтади. Орқа эшиги очилиб, Наташа сакраб тушди-ю, бўйнимдан кучоқлаб олди ва йиғлаб юборди.

— Ҳаммаси жойида, хавотир олма, — дедим унинг қулоғига шивирлаб. — кетдик.

Машина жойидан силжиганда ҳам, хотиним йиғидан қутулолмади. У овоз чиқармаслик учун лабини маҳкам тишлаган, мен худди қочиб кетадигандай кучоқлаб олганди. Наташанинг қўл телефони жиринглади. Шундан сўнггина у мени қўйиб юбориб:

— Мария бўлса керак, — деди ҳамда кўк тугмачани босиб, қулоғига тутди.

— Хоним, шу ердан қимирламай тулинг. Акс ҳолда, жиноятчи билан бирга нобуд бўлишингиз мумкин, — деган эркак кишининг овози менга ям эшитилди.

Наташа жавдирабгина менга боқди. Шу заҳоти унинг кулидаги телефонни тортиб олдим-да, деразадан ташқарига улоқтирдим.

— Ана, энди ҳаммаси жойига тушди. — дея Наташани кучоқладим.

Хаёлим Оляга кетди. Ахир мен унинг телефонида охириги марта Наташага қўнғироқ қилгандим... Бунчалик тез аниқлашди? Пиво сотувчисининг телефони текширилган... Оля бечора емаган сомсасига пул тўлайдиган бўлди. Лекин кейин менинг виждоним қийналади.

— Нега жим бўлиб қолдинг? — деди Наташа.

— Ўзим шундай. Пойтахтни тез ўрганибсан. Қойил қолдирдинг, — дея жилмайдим унга.

— Ўрганмадим, бахтимга, мен яшайдиган жойга яқин келибсан. Ҳаммаси жойида эмаслиги кўриниб турибди.

— Ўзим айбдорман. Вақт ўтказиш учун газета ўқимаслигим керак эди. Бўпти, қолганини борганда гаплашамиз.

— Сента янгилигим бор. Албатта, хурсанд бўлсанг, айтман, — деди Наташа.

Кўришганимиздан бери эндигина унинг юзида табассум пайдо бўлганди. Чуқур нафас олдим.

— Хайрият, меням яхши гап эшитадиган пайтим бор экан. Қани, ичимни қизитмасдан айт.

Наташа кучоқлаб, юзимдан ўпиб қўйди-да:

— Яқинда ота бўласан, — деди шивирлаб.

— Нима?! Йўғ-э?! Наҳотки! Урра! Урра!.. — дедим қувончим ичимга сиғмай ҳамда ёнгинамдаги гўзалнинг лабидан бўса олдим.

Шунда қулоғимга ҳайдовчининг ҳиринглагани эшитилди. Биз унинг борлигини бутунлай унутган эканмиз. Албатта, бўса олиш бу заминда мутлақо уят саналмайди. Шундай эса-да, озроқ кизардим.

— Нега бу ёққа кетяпмиз?! — деб қолди шу пайт деразадан ташқарига қараган Наташа.

Ҳайдовчи бирдан тезликни оширди.

— Агар менга тегинсанглар, ҳаммамиз ўламиз! — деди ойначадан кўз ташлаб.

У янада илдамлаётган эди.

Унинг қулоғи орқасини силаб қўйишга ва чаққонлик билан олд тарафга сакраб ўтиб, машина рулини ушлашга мажбур бўлдим. Машина тезлиги баттар ошди. Сабаби, оддий. Маст уйқудаги ҳайдовчининг оёғи бошқарувсиз гавданинг оғирлигидан газни янада қаттиқроқ бостан эди. Биз ҳаш-паш дегунча олдинда имиллаб кетаётган машинага яқинлашдик. Яна бир-икки сониядан сўнг қарсиллаб уриламиз. Унда таксидагилардан фақат омадлисигина омон қолади...

Қўл тормозини бирдан тортдим. Машина ғилдираклари айланишдан тўхтаб, чийиллаганча овоз чиқарганча асфальт устида сирпанди. Наташа ўриндиққа, мен эса торпедога ёпишиб қолдик. Қўлимнинг қайрилгани, пешонамни қаргадир уриб ёрганимни ҳисобга олмасак, менга жин ҳам урмади. Аммо Наташа қорнини ушлаганча инграрди.

— Сенга нима бўлди?! — сўрадим ўзимга келишим билан.

— Бола-ам! — дея чинқирганча йиғлаб юборди Наташа.

Менинг кўзимдан ўт чиқиб кетаёзди. Кўз олдим қоронғилашди. Машинадан сакраб тушдим-да, айланиб ўтиб, ҳайдовчининг эшигини очдим. Ҳозир у мен учун дунёдаги энг бадбахт, разил одам эди. Шунга қарамай, биттагина бўлса-да, мушт уролмадим. Чунки ҳушидан кетган ожиз банда эди у. Ҳар қандай шароитда ҳам ожизларга қўл кўтариш мен учун пасткашлик ҳисобланарди.

Ярамасни машинадан тушириб, йўл четига судраб олиб бордим-да, ётқизиб ташладим. Сўнг ўзим рулга ўтирдим.

Туғуруқхона унчалик узоқ эмаскан. Беш дақиқага қолмасдан етиб бордим. Аммо менинг тезлигим ҳеч нарсани ўзгартирмади. Мен пушти камаримдан бунёд бўлаётган боладан айрилдим. Дунёйи дун кўзимга қоронғи кўриниб, талай муддат ўзимга келолмадим. “Мендан бунёд бўлган бола онасининг қорнида соғ-саломат улғаяди, дунёга келади. Кейин чаққон, чайир, соғлом бўлиб ўсади. Унга ҳеч бир касаллик, умуман, ҳеч нима хавф солмайди”, деб ўйлаб юардим. Аммо... Аммо у тўла шаклланмай туриб нобуд бўлди. Менинг аҳмоқлигим, ярамаслигим, ёмонлигим сабаб!.. Ўкиргим, касалхона деразаларини чил-чил синдиргим, деворларини бузгим келди. Бироқ буларнинг ҳеч бирини қилолмасдим. Елкам устидаги юмалоқ бош халақит бераётганди...

Наташа йиғлайверганидан ёстиқни ҳўл қилиб юборди. Дўхтирларнинг «Яна фарзандли бўласиз», дея такрор-такрор айтган гаплари ҳам қор қилмас, юзини кафти билан маҳкам бекитиб олган эди.

— Мени кечир, — дедим қўлидан маҳкам ушлаб.

Унинг ёши чаккасига оқиб тушди. Кафтини юзидан олмади. Балки, мен билан учрашган кунига, тақдирига лаънат айтгандир. Йўқ, у мени айбламайди. “Ҳаммасига ўзим, фақат ўзим сабабчиман”, дейди. Лекин мени кўришни сира истамаётганини ҳам ҳис этиб турибман. Одамга алам қиларкан. Хўп, бу мен билан учрашган кунини қарғаяпти. Мен-чи, мен кимни қарғайман? Кимни балчиққа тикаман?

— Кетамиз, — деди Наташа жиққа ёш кўзлари билан менга боқиб.

Бечорагина, келишимга роса тайёргарлик кўрган экан. Қошини терган, киприкларини бўяган... Бўёқ юзига чапланиб кетганди.

— Хўп, ҳозир мен дўхтирлардан сўрайин, юришинг мумкин бўлса, дарров кетамиз, — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Йўқ. Сўрама. Ўзим биламан. Бемалол юриб кетоламан, хавотир олма, — деди Наташа шоша-пиша юзини артиб.

Мен ҳар эҳтимолга қарши деразадан ташқарига қарадим. Яқиндагина мен ҳайдаб келган машина атрофида иккита полициячи турар, бири рация орқали ким биландир гаплашарди.

— Ҳали икки соат ётишингиз керак. Мумкинмас, — деди палатага кириб келган ҳамшира Наташанинг кўзғалганини кўриб.

— Яхши, юрмайди. Сиз дарров оёқли замбил олиб келинг. Кетмасак бўлмайди. Тадбиркор ҳар қандай шароитда ҳам ишлаши керак. Ҳа, бизнинг кетишимиз тўғрисида бошқа бировга айтиб ўтирманг. Мана, мукофоти олдиндан, — дея унинг қордай оппоқ халатининг чўнтагига битта юзталиқ кўкини солиб қўйдим.

Ҳамшира бироз қизарди. Лекин пулни қайтариб бермади. Унга шуниси маъқулроқ эди. Индамай чиқиб кетди-да, икки дақиқа ўтар-ўтмас, илтимосимни бажариб қайтди. Албатта, у бизни “Қочиб кетган”, деб дўхтирларга айтмайди. “Кетиб қолишди”, дейди, холос. Ҳеч ким унга индамайди. Сабаби... Сабаби, қизнинг юз-кўзида қандайдир ишонч бор. Бундан чиқди, у бош врач билан яхшигина алоқа боғлаган. Балки, чўнтагидаги пулнинг бир қисмини беради ё бошқа сабаби бор.

— Тезроқ кетинглар, — деди у бизни шошириб.

— Хўп. Фақат яна битта илтимос, замбилни ўзингиз суриб борсангиз. Унгача мен машинани тайёрлаб қўяман.

Қизгинанинг чўнтаги яна битта кўки билан бойиди. Ана энди дастлабки берганим бус-бутунлигича ўзида қоладиган бўлди. Қарийб ўн-ўн беш дақиқа ичида шунча пул топсанг, ёмонми? Одамлар шунча чойчақа учун озмунча пешона терлатишадими?

Ташқарига чиқдим. Костюмимнинг ёқасини кўтариб, шимимнинг чўнтагига қўлимни тикдим-да, қунишиб олдим. Бахтимга, ҳаво анчагина совуқ эди. Костюмнинг даври тугаб, одамлар қалинроқ кийимга ўтанди. Машина ёнидагилар менга бир қараб қуйишди-ю, эътибор беришмади.

— Сигарет борми? — сўрадим уларнинг биридан.

У менга бошдан-оёқ қараб чиқиб, бурнини жийирди.

— Бошқа нарса... Шошма! — деганча белидаги туппонча филофини очишга шошилди.

Лекин очолмади. Улгурмади. Ёнига қулади. Бир лаҳза ўтар-ўтмас, шеригини ҳам қулатдим.

— Ҳар доим синчков бўлиш керак. Афсус, бу нарсани иккаланг ҳам билмас экансан, — дея иккисини ҳам сариқ таксининг салонига ётқизиб қўйдим.

Табийки, улар пиёда келишмаган, томида уч рангда ёнадиган чироқли «Жигули»да шу ергача етишганди. Наташани шу машинага ўтказдим. Бахтимни қарангки, ҳамшира кўриниш бергунча ишларимни саранжомлаб бўлгандим. У Наташанинг полициячилар машинасига ўтираётганига ҳайрон бўлди-ю, лом-мим деёлмади. Олиб қўйган-да, тили қисик-да.

Касалхона ҳудудидан эндигина чиқишимиз билан ойналари қорайтирилган учта «Жип» ва бизникига ўхшаган иккита «Жигули» катта тезликда ёнимиздан ўтиб кетди. Қувиб ўтиш ойначаси орқали сўнгги машинанинг тормоз чироғи ёнганини кўрдим. Демак, улар пайқашди. Газни босдим. Машина мотори додлаб юборди. Тезлик ошди. Аммо орқадаги «Жип»лар бундан бир неча марта учқур. Тўғри йўлда кўз очиб юмгунча етиб олишади. Қолаверса, ҳар қадамда полициячилар пайдо бўлиш эҳтимоли бор эди. Қолаверса, Москванинг тор, бурим-суримдан иборат кўчаларини билмайман. Бу мен учун яна битта минус.

— Наташа, сен тушиб қолишинг керак, — дедим кўзгу орқали орқага кўз ташлаб қўйиб.

— Йўқ. Боламдан айрилдим. Сендан ҳам жудо бўлишни истамайман. Ўлсанг, бирга ўламан. Тирик қолсанг, ёнингда юраман! — дея жавоб қайтарди у қатъий.

— Ҳозир ўжарликнинг вақти эмас. Илтимос сендан, мендан сира хавотир олма. Манзилингни айт. Узоғи билан қоронғи тушгунча етиб бораман.

— Амир, бас қил бунақа гапларни. Машинани ҳайда.

Пешонамдан тер чиқиб кетди. Очиғи, бошқа пайт бўлганда, Наташани яхши гап билан тузлардим. Жуда ғалати. Шундай маҳал одамни тушунса, нима қиларкан?

— Агар мендан яна бола куришни истасанг, тушасан. Дарров кўздан пана жойга яширинасан! — бақирдим унга.

Наташа миқ этмади. Шу заҳоти тормозни босдим...

— Кичик Пушкин кўчаси, 26-уй, 8-хонадон. Бормасанг, ўзимни ўлдираман! — деди Наташа гушишдан олдин.

Машина ғилдираклари чийиллаган овоз чиқарди. «Жигули» бирдан олға интилди. Лекин бу ҳам менга кам эди. Баттар газни босдим ва кўзгу орқали орқага кўз ташладим. Наташа йўл бўйида турарди.

— Аҳмоқ! — дедим бақириб. — Эртароқ яширин!

Гоҳ қарама-қарши йўналишга чиқиб кетаман. Рўпарамдан келаётганлар чироқларини ёқишиб, «ба-ба»лаб қолишади. Ўтибор бермайман, навбатдаги машинани қувиб ўтаман.

Бир маҳал қулоғимга полициячи уловининг сиренаси эшитилди. Ён-веримга кўз ташладим. «Ёриб чиқувчи йўллар йўқ. Демак, изимдан келишаяпти. Савил қолгурлар, барибир, ушлолмайсанлар», дея кўнглимдан ўтказдим. Шу пайт рўпарамда юк машинаси кўринди. У бемалол ўрта йўлда кетиб борар, ўнг тарафида эса енгил уловлар саф тортишганди. Кўзгу орқали орқага қарадим. Полиция машинаси кўринди. У қуш мисоли учиб келмоқда эди. Унинг ортида яна иккитаси бор эди. Иложсиз тезликни оширдим-да, юк машинасига яқин қолганда, қарама-қарши йўлга ўтдим. Худо деган банда эканман. Рўпарамдан келаётган машиналар оқими нарироқда экан. Омон-эсон оғир қарвондан ўтиб кетдим. Аммо қувувчи иккита машина ва унинг салонигагиларнинг шўри қуриди. Улар менинг манёвримни такрорлашмоқчи эди. Улгуришмади. Тўқнашув қаттиқ бўлди, шекилли, қасир-қусур менинг ҳам қулоғимга эшитилди.

Бироз юриб тўхташга мажбур бўлдим. Чунки олдинда кесиб ўтувчи йўл бор. Мен ўтирган машина тўғрисида шаҳарнинг ҳамма полициячиларига хабар тарқатилган. Ҳализамон улар мени ўраб олишади. Қўлга тушишим аниқ. Ашаддий жиноятчини ҳеч қачон аяб ўтиришмайди. Қуроллар ишга тушади. Қанчалик чаққон, уддабурон бўлмайин, ўқлар, барибир, танамни излаб топишади.

Машинадан отилиб тушиб, йўл четидаги майса устига утишим билан қочиб қолишимга ҳисса қўшган уловнинг орт томонидан хориж улови қарсиллатиб урди. «Яхши бўлди-ю», дея кўнглимдан ўтказдим ҳамда югуришга зўр бердим. Айни пайтда ортимга, ён-атрофимга кўз ташлаб қўйишни ҳам эсдан чиқармасдим. Икки юз метрга етганимда, қувувчиларнинг машиналари бирин-сирин меникининг ортидан тўхтади. Ана шу жойда мен вақтдан ютдим. Чунки улар бирдан ортимдан қувлашмади-да. Аввал машинаси пачоқланган ҳайдовчи билан гаплашишди. Кейин мен ижарага олган уловни кўришди. Шундан сўнггина ортимдан югуришди.

Мен бошқа серкатнов йўлга чиқдим. Бир-бирини зувиллаб қувиб ўтаётган уловларга қўл кўтардим. Биттаси тўхтади.

— Университет хиёбонига, — дедим шошиб.

У бошини чайқаб, «йўқ» ишорасини қилди.

— Бекор айтибсан! Ҳайдайсан! — дея бақириб юбордим-да, эшикни очиб, тезда ҳайдовчининг ёнига ўтирдим.

— Нима қилипсан?! Эсинг жойидами?! — қичқирди ҳайдовчи.

— Ҳозиргина жиннихонадан қочиб чиқдим. Ҳайдамасанг, қонингни ичаман. Вампирман! — бақирдим унга.

Ҳайдовчининг кўзи олайди. Шу пайт юзига қарсиллатиб тарсаки туширдим. Шундан сўнггина у машинани юрғазди.

Кетаяпмиз имиллаб. Ҳар-ҳар замон ҳайдовчи зимдан менга кўз ташлаб қўяди ва тезликни янада пасайтиради. Асабим кўзиди.

— Ў, валак-салак, одамга ўхшаб ҳайдасанг, ҳайда, йўқса, онангни кўрсатаман! — дея унинг юзига шапалоқ тортиб юборишдан ўзимни тиёлмадим.

Ҳайдовчи мендан уч-тўрт ёш катта бўлгани билан жуссаси кичик эди. Шўрлик, йиғламоқдан бери бўлди. Бурнини тортиб қўйиб, тезликни оширди.

— Сигаретинг борми? — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

У менга ўқрайиб қараб қўйди-да:

— Бардачокда, — деди.

Албатта, сигарет тутунини ичимга ютмаётгандим: ҳайдовчи озгина муддатдан кейин буни сезди. Мийиғида кулди.

— Чекишни билмаскансан-ку, — деди.

— Ҳа, тўғри. Лекин асаб ёмон бузилган. Нима биландир уни тинчлантиришим керак. Мана, сизларга осон. Биров салгина дилингни оғритса, дарров лабингга сигарет

қўндирасан. Қарабсанки, олам гулистон, — дедим унга қараб иржаярканман.

— Менгаям битта тутатиб бер, — деди у бироз дадиллашиб.

Мен бармоқларим орасида тутаётган сигаретни унга узатдим.

— Бу дейман... — деди у тутунни ажиб бир иштаҳа билан ичига ютаркан. — Ҳақиқатан ҳам, жиннихонадан қочдингми? Ҳеч ўхшамаяпти-да...

— Ўзи жиннимасман. Очиғи, шундай. Лекин обориб тиқишди-да. Энди қочувдим, полицияниям қувишга жалб қилишди... Сен орқага қараб қўй, бизни ҳеч ким қувиб келмаяптими?

У кўзгу орқали орқага қаради. Кейин шошилмасдан сигарет кукунини туширди.

— Келаяпти. Жа кўпга ўхшайдими? — деди.

Унинг хурсанд бўлгани гапининг оҳангидан тортиб юз-кўзларигача кўчди.

— Оғайни, эрта қувоняпсан. Сенинг аравангга ўтирдим. Ўз ихтиёрим билан тушиб қолгунимча жонимиз бир. Мабодо феълнинг айниб, ДПСчиларга ёки шулар тоифасидагиларга хабар берадиган бўлсанг, ё бўлмаса, уларнинг ишорасига бўйсунсанг, ўлдираман сени.

Секин, шошилмасдан сўзладим. Ўлдиришимни ҳам шунчаки айтиб қўйдим. Айни чоғда ҳайдовчининг юрагини олишнинг энг яхши йўли шу эди. Дўқ-пўписанинг кучи юмшоқлик олдида ожиз эди.

Ҳайдовчининг қўли қалтираб кетди. У машинани охириги тезликка олди-ю, газни қаттиқроқ босди. Биз анча илдамладик. Олдиндаги машиналарни зумда қувиб ўтавердик. Ҳаттоки икки марта қизил чироқдан ўтиб кетдик. Мен бардачокдан яна битта сигарет олиб, лабимга қистирдим ва ўгирилиб ортимга қарадим. Қувувчилар ортда қолишибди.

— Кейинги чорраҳадан қайрил. Мени одам гавжумроқ жойга ташлайсан, — дедим ҳайдовчига.

У бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилгач, тезликни баттар оширди.

Икки-уч дақиқада мўлжалдаги манзил кўринди.

Машинадан тушган жойим улкан Универмаг эди. Уни дарров танидим. Бир сафар Александр Абрамович билан келгандик бу ерга. Тўрт қаватли узундан-узун дўкон. Ўзиям одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади. Адашмасам, қайсидир қисми шефимга тегишли. У аниқ айтмаган. Расталар оралаб юрган. Мамнун илжайган. «Бизникилар ёмон ишлашмаяпти»,

деб қўйган эди. Ўшанда у кимларни назарда тутганини билолмай қолгандим.

Учинчи қаватга чиқдим. Дўкон ўртасигача бордим. Шу ерда қаҳвахона бор. Ҳамиша одам билан гавжум. Столда ўтириб, қаҳвами ёки шунга ўхшаш бирон нимани эрмак қилиб ўтирсангиз, биров қидириб келиб, сизни топиши даргумон.

Столнинг устига газета ташлаб қўйишибди. Аввал келганимда йўқ эди. Энди буям мижоз жалб қилишнинг бир усули бўлса керак-да. Қаҳвани кўнглим хушламади. Пиво олиб, сипқордим. Сўнг секин газетани варақларканман, ҳамма ёққа бир-бир зимдан назар ташлаб қўйдим. Одамлар ўзлари билан ўзлари овора. Мен тугул, ярим яланғоч қизларга ҳам биров эътибор бераётгани йўқ. Ҳаёт бўлса, шундай бўлсин экан-да. Эркинлик... Ички энтикиш пайдо бўлди. Пиво тўлдирилган идишни ярмигача ичдим. Ҳаёлимга Наташа келди. Боласидан айрилди шўрлик. Яна яраси билан қалтис ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Ишқилиб, ярамасларнинг чангалига тушиб қолмадимикин? Уф... Бунақанги ўйлар яқинда мени тамом қилади. Ҳаммаси жонимга тегиб кетди.

Пивони охиригача сипқордим. Бошим бироз айлангандай бўлди. Лекин бу лаззат менга озлик қилаётгандай эди. Шу боис яна икки бокал олиб келдим. Маза қилдим.

Шу ерда қимирламай ўтиравераман. Ҳализамон қоронғилик тушади. Ана шундан кейин кичик Пушкин кўчаси томон кетаман. «Қизиқ, нега кичик Пушкин? Пушкиннинг қаттаси, ўртанчаси, кичиги ҳам бормикин?.. Менга нима? Бобоси, отаси бўлмайдими?» дея ҳаёлимдан ўтказиб, ўрнимдан турдим. Ортиқча сувни тўкиб келиш зарурати пайдо бўлганди. Бордим. Ишни битириб, ортимга қайтдим ва... бирдан шубҳали кимсаларга кўзим тушди. Улар беш киши эди. Кўзлари жонсарақ. Ўтирганларнинг ҳар бирини диққат билан кузатишмоқда эди. Дарров ортга қайтдим. Семиз хотинга пул тўладим. У юзимга ўқрайиб қаради-да:

— Ичинг бураяптими? — деб сўради.

— Ҳа-а. Ёмонроқ нарса еб қўйганга ўхшайман, — дедим атайин ўзимни бечора кўрсатиб.

— Бўпти, ишингни бажариб қайт. Дори бераман.

Сўхтаси совуқлардан ҳам баъзида шунақанги меҳрибончилик чиқиб туради. Яна бундайларнинг меҳрибонлигида сохталиқ бўлмайди. Чин кўнглидан қилишади улар.

Хоҳиш бўлмаса-да, кичкина кабинада қарийб ярим соатлар ўтирдим. Кейин «Овчилар кетган», деган тахминда секин

чиқаётсам, ҳожатхона деразаси қаршисида дардисарлардан бирининг турганига кўзим тушди. У боягина мени дарддан қутқармоқчи бўлган семиз хотинга ниманидир кўрсатмоқда эди. «Менинг расмим», деган ўй бирдан ҳаёлимдан ўтди ва секин айғоқчининг ёнига яқинлаша бошладим. Фуқаро кийимидаги бу одам кўзимга ўта жирканч қуринди. «Ярамаслар, жонимга тегиб кетдинглар. Мен сенларга нима гуноҳ қилдим?» дея кунглимдан утказдим ва уни тинчитиш учун янаям яқинроғига борганимда, қўмақчи аёлнинг гапларини эшитдим.

— Мингта одам кириб чиқади. Қайси бирини эслаб қолай? Йўқ, кўрмадим, — деди у.

Хотиржам тортдим. Енгиллашиб, кўнгиллари тоғдай кутарилиб чиқаётган уч-тўрт одамга қўшилиб, секин уларнинг ёнидан ўтдим. Мен ўтирган столнинг нари-берисида кўзи ўйнаганларнинг иккинчисини кўрдим. Қолганлари эса қаергадир даф бўлишганди. Тўғриси, бу ердан ҳам бежанжал ўтиб кетмоқчи эдим, лекин улардан бири мени таниб қолди.

Жамоат жойида қурол ишлатилмайди. Айниқса, ҳуқуқ посбонлари бундай эҳтиётсизликка қўл уришмайди. Бегуноҳ одамга жабр кўрсатиб қўйишдан кўрқишади. Шунинг учун ҳам мени таниб қолган нусха костюмининг ёқасига нимадир деди-да, шитоб билан ёнимга кела бошлади. Мен ҳам тўғри у томон юрдим. Нусха қўлини қўйнига тикди. Қизил дафтарчасини очиб, менга кўрсатмоқчи бўлди-ю, бирдан чотига зарба тегиб, икки букилиб қолди. Унга менинг ҳам ичим ачиётганди. Лекин нима қилай, бошқа иложим йўқ эди-да.

— Тўхта, отаман! — дея қичқирди уч-тўрт қадам наридаги шериги тўппончасини чиқариб.

— Отиб бўлсан, — дедим унга ва ўзимни ерга ташлаб, думалаб кетдим.

«Аҳмоқ, ярамас, садқайи шундай масъулиятли касб сенга! Бало бормиди осмонга ўқ узиб? Кошки, мен шундан кўрқсам?.. Қайтанга одамларни саросимага солиб юбординг», дея ҳаёлимдан ўтказдим.

Ҳамма бирдан кўзгалди ва дуч келган томонга қоча бошлади. Биров йиқилди. Бошқаси ким биландир тўқнашиб кетди. Яна кимлардир чинқариб юборди. Мен эса осонгина қочиб кетдим. Ҳатто кўчага чиқиш эшигидан ўтганимни ўша ерда ўтирган иккита соқчи сезмай қолди. Чунки ўзларини ташқарига урганлар кўп эди.

— Отишма бўлаяпти. Тезроқ қочинг! — дея бақирдим бола кўтарган бир аёлга.

У саросималаниб қолди. Бир оёқлари орасидаги каттагина сумкага, бир боласига қарайди. Кўзидан дув-дув ёш оқизади.

— Беринг менга болани. Сумкани кўтаринг! — дедим унга.

Ҳамма ўзини чиқиш эшигига урганди. Улар орасида узим ҳам бор эдим. Бола кутариб олгандим. Қоровулликка қолганлар эса менинг шундай қилишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмаганди.

Ташқарига чиққанимиздан сўнг аёл мени ташаккурларга кўмиб ташлади. Дарров машина тўхтатдим ва университет хиёбони томонга йўл олдим. Шу ёқлар тинч эди. Хиёбон ўрмондай. Майдони жуда кенг. Оқ қайин, арчалар қалашиб ётибди. Йўлакчалар қилинган. Ҳавоси тоза. Айлансангиз, лаззатланасиз. Билишимча, у ерда тез-тез кино ҳам олинар экан. Яна машҳур «Лужников» стадионида чироқлар кўп ва ёрқин бўлгани учун кечаси ҳам кўзга яққол ташланади. Негадир кўнглим шу ёқда айланиб юришни тусади.

Таксичи роса чекаркан. Машина ҳайдаб кетаяпти. Кўзи йўлда. Бироқ қўлидан сигарет тушмайди. Бири тугаши билан иккинчисини бошлайди. Индамадим. Бир дона сўраб олиб, тутатдим. Гарчи тутунни ичимга ютмасам-да, кўнглим қандайдир хотиржам тортди.

Хиёбонга етгач, машинадан тушдим. Шундагина қаттиқ адашганимни англадим.

Хаёлимда «Нега келдим?» деган ўй пайдо бўлди. Наташага «Қоронғи тушиши билан етиб бораман», дегандим. Бироқ бошим оғиб, бу ёққа... Шошма, менинг дўконга кирганимни изқуварлар қарёқдан билишди?... Миям қурсин, эҳ, анави машина ҳайдовчисига зўравонлик қилгандим. «Жинниман... жиннихонадан қочдим», дегандим. Унинг афт-башарасидан сотқинликка мойиллиги шундоққина кўриниб турарди. Бунақалар, аслида, худди шундай вазиятни пойлаб юришади. Биров айб иш қилганини илғаб қолса ёки эр хотинини урганини ва ҳоказо шу кабиларни кўртанида, дили яйрайди ҳамда шу заҳотиёқ тегишли идорага югуришади. Демак, у мени машинадан туширган-у, ишини битиришга чопган. Ҳа-я, унга аввал университет хиёбонига боришни айтгандим... Бундан чиқди, овчилар бу ерда ҳам изғиб юрган бўлишса керак. Одам кам. Бемалол курол ишлатиш мумкин... «Чучварани хом санабсанлар, валак-салаклар». Йўлнинг нариги томонига ўтдим. Ёшлигимдан бир ғалати одатим бор. Чўнтагимда нима бўлса (айниқса, металл буюмлар), қўлимга оламан-да, бармоқларим орасида ўйнатаман.

Ҳозир ҳам худди шу олатимга ҳилоф иш тугмадим. Киссамдаги иккита соққани кафтимда ўйнатаётгандим, ҳаёлга берилганимдан биттаси ерга тушиб кетди. Негадир жилмайгим келди ва эгилдим. Худди шу пайт ортимдаги дарахт пўстлоғи арчилиб кетди. Унга ўқ теккан эди. Дарров сергак тортдим ва ўша эгилган ҳолатда орқага сальто ташладим. Кейин ўзимни чапга олдим. Ерда уч-тўрт думалаб, дарахт ортига бекиндим. Бу вақт оралиғида қарийб уч-тўрт ўқ визиллаб мен томон учди. Бахтимга, тегмади. Ҳар қалай, чап беришга улғурдим. Эҳтимол, қурол эгаси мўлжални олишда анча нўноқдирки, шундоққина нишонни қочириб қўйди.

Пешонамдан совуқ тер чиқиб, секин йўлнинг нариги томонига мўраладим. Серқатнов кўчанинг ёнгинасида йўлак, ундан нарида қалин ўрмон. У ернинг арчалари шунчалик тигизки, симёғоч чироғининг нури ҳам ёритолмайди. Шу боис ўқ қаердан отилганини аниқлай олмадим. Бундай пайтда ерга қапишиб ётиш энг хавфсиз усул. Тўғри, дарахт ҳам яширади. Аммо бирон жойинг кўриниб қолиши мумкин. Қўлида қуроли бўлган одам бир марта бўлсин, нишонни аниқ олади. Шунинг учун эҳтиёт бўлган маъқулроқ.

Бир-икки дақиқа шу алпозда ётдим. Бошқа ўқ отилмади. Демакки, рақиб қайта кўриниш беришимни кутаяпти. Ёки... Ҳа, ўша «ёки» мени безовта қилиб қўйди ва техника асрини ёмон кўриб кетдим. Одамни ўлдириш, қаердалигини топиш, бировга хабар беришни осонлаштирган олимларнинг бошқа муаммоси йўқ экан-да.

Ана, қанчадан-қанча бедаво дард бор, шуларга даво топишсин. Инсон умрини узайтиришсин, нуқул бир жойни портлатиш, йўқ қилиш тўғрисида бошларини қотиравермасдан...

Секин орқамга силжий бошладим. Бир, икки, ниҳоят, уч метр ҳам ортда қолди. Мен кузатаётган томонда ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди. Эҳтимол, бордир, мен илғай олмаётгандирман. Балки у ёрдамчи кучлар етиб келишини кутиб, қимирламасдан ўтиргандир. «Оббо, пихини ёрган... Гарчи қуролни тузук-қуруқ ишлата олмаган эса-да, калласи яхшигина ишларкан. Барака топ. Қимирлама. Мен секин жуфтакни ростлаб қолайин, ундан кейин келасан. Балки, мен босган ўт-ўланлар ётиб қолгандир. Насиб этса, шуларга эга бўласан».

Оёғим бир нимага тегди. Ўгирилиб қарасам, сершоҳ арча. Дилим пича равшанлашди ва тезроқ силжиб, унинг ортига ўтиб олдим. Кейин ўрнимдан турдим-у, югуриб кетдим. Мен ўзимдан хафа эдим. Шунча тажрибага эга булсам-да, ошкор

этилган манзилга келдим. Шу боис асабим кўзиб, дарахт шохларини бир-икки марта тепдим.

Тўғри кетсам, охири қаерга етишимни билмасдим. Чунки бу ерга бор-йўғи икки мартагина келганман. Шунда ҳам университет рўпарасида бўлганман. Александр Абрамович ўша жойда айланиб юришни хуш кўрарди. Ҳаво тоза. Одамлар кўп. Мисоли сайилгоҳ. Уни танийдиганлар деярли йўқ. Шундай пайтда у яйраб кетарди...

Соат стрелкаси бўйича юрдим. Тезроқ йўлга чиқиб олишни ўйладим. Ёмғир томчилади. Аста-секин тезлашди. Кейин жалага айланди. Бирпасда шалаббо бўлдим. Боя эмаклаганимда кийимим расво бўлганди. Бундай вазиятда кийимим қуруқ ҳолда машина тўхтатишим мушкулроқ. Мени кўрган ҳайдовчи борки, шубҳаланади. Ҳозирги аҳволимда эса тўхтайтиди. Раҳми келганидан ҳам олиб кетади.

Қарийб ярим соатдан мўлроқ вақт ўтгач, кўзлаган манзилимга етиб олдим. Аммо... Ақллилар, тадбирлилар кўп. Улар сабаб ишинг чаппасидан келса, худо ҳақи, уриб ўлдиргинг келади. Мен томонга келадиган машиналар боягина қочган жойимда тўхтатилаётганди. Мен қарийб уч-тўрт чақирим бериюқда эдим. Шунга қарамасдан, ўша жойда машиналар тўхтаб ўтаётганини бемалол кўрардим. Чунки йўл тўғри эди. «Бирортаям машина тўхтамайди. Камига дарров қочоқ ҳақида маълумот беришади...» дея ҳаёлимдан ўтказдим. Кейин ортимга қайтиб, ўрмон ичига кирдим. Аммо ичкарилаб кетмадим. Дарахт ортида туриб, машиналарни кузатдим. Бир-иккитаси учиб ўтди. Ҳаммаси катта тезликда, чироғи жаланинг куч-қудратига тенг келади. Танам совий бошлади. Юрганимда билинмаганди, энди эса совуқ суяк-суягимгача етиб, иягим қалтирай бошлади. «Бу аҳволда бир балони орттиришим аниқ. Нимадир чора топишим керак», дея кўнглимдан ўтказишим билан кўзим юк машинасига тушди. У ҳомиладор аёлдай секин яқинлашмоқда эди. Югурсам... етолмайман. Гарчи имиллаб келаётган эса-да, ҳар қандай чопағон одамдан тез... Бироқ шу сафар кўнглимга қарши бордим. Чунки ўзга чорам йўқ эди. Шу боис яширинган жойимдан чиқдим. Йўл бўйидаги сўнгги қарағай дарахти ортига яшириндим. Ҳаёлимдан бирдан «Тузоқ бўлиши мумкин», деган ўй кечди. Чунки ортимдан тушганлар айна мана шундай имиллаган машинани мўлжалга олган ва, эҳтимолки, энг сара муштумзўрларни ўтқазган... «Бўпти, тузоқларингга илинаман. Фақат...»

Дарҳақиқат, юк машинаси кутганимдан ҳам секин келаётган экан. Сал югурсам, етаман. Кейин бемалол устига чиқиб олишим мумкин... Ярамаслар, бу қилиқни, эҳтимол, бошқаларга қилганларингда, ярашарди. Аммо мени...

Жаланинг аёвсиз савалаши қўл келди. Кузов билан тележка оралиғига сакраб чиқиб олганимдаги товуш жаланинг бағрига сингиб кетди. Албатта, сакраш мен учун жуда хавфли бўлди. Сирпаниб, машина ғилдираклари остига тушиб кетишимга оз қолди. Фақат кузов ортидаги темирдан ушлаганим муқаррар ўлимдан сақлаб қолди. Ўзиям онадан қайта туғилгандай бўлдим ва чиққан жойимга маҳкам ўрнашиб, нафас ростладим.

Ёмғир баттар кучайди. Бутун аъзойи баданим тахтадай қотди. Шунга қарамасдан, тишимни тишимга босиб, жойимдан қимирламасдан кетавердим.

— Йўл ёқасига чиққанида, мен ҳеч иккиланмай, уни аҳмоқ деган бўлардим. У ўрмонни кесиб ўтган! — деган овоз келди кузов томондан.

Гапирувчи кабина деразасидан бошини чиқариб сўзлаганди.

Шундан сўнг «оғир карвон»нинг тезлиги ошди ва зумда иморатлар ғуж жойлашган жойга етдик. Бундан сал аввал жонимни яна бир марта хатарга қўйишимга тўғри келганди. Яъни тележка остига тушиб, рамага осилгандим. Машина тўхтаганда, ана шу жойда ёпишган ҳолда эдим.

Тележкадан ўндан зиёд махсус бўлинма йипитлари тушишди. Кабинани ҳам иккитаси тарк этди. Ўша пайтда ҳатто нафас ҳам олмай қўйгандим.

Чорраҳада юк машинаси тўхтагандан кейингина ерга тушдим ва ён томондан тезликда эмаклаб чиқдим. Сўнг икки букилиб йўл ёқасига ўтдим. Шу вақт оралиғида яшил чироқ ёнмади. Худо ёрлақгани шу-да, «оғир карвон»нинг остидан чиқаётганимда, бирорта машина уриб юборганида борми, Наташа мени фақат тушидагина кўрарди.

Ҳар қанча чиниққан эсам-да, йўл четига ўтгач, бутун вужудим қақшаб оғрий бошлади. Ички ҳаяжон, ҳаракат ҳали тўхтамаганди, шунга қарамай, тинка-мадорим қуриди. Шундай эса-да, қаддимни ростладим. Ўткинчилар кўп эди. Эҳтимол, улардан бирортаси машина остидан чиққанимни кўргандир. Лекин бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмади. Бироқ шаънимга тош отувчилар топилди. «Пиёниста, алкаш... Бомж» деганлари қулоғимга чалинди. Эътибор бермадим. Тўғрироғи, шундай қилишга мажбур эдим. Таксичилар ёнига бордим. Афтангоримга қараб қовоқларини уйишди.

— Йўқол! Агар кўзимга кўринсанг, мажақлайман, сассиқ! — дейишди.

Бу гапни эшитиш каминага қай даражада «лаззат» бағишлаганини тасаввур қилиш, менимча, сизга қийин бўлмас керак. Лекин, начора, эшитишга мажбурман. Яна иржайиб кўяман. Ичимда «Шунисигаям шукр», дейман... Охири бўлмади. Иситмам чиқаётганини ҳис эта бошладим ва навбатдаги улов ҳайдовчиси ёнига бордим-да, бирдан битта юзталиқ кўкини кўрсатдим.

— Агар айтган жойимга обориб қўйсанг, мана шу сеники бўлади, — дедим.

У бир қўлимдаги пулга, бир уст-бошимга қаради.

— Қаердан олдинг? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Ишинг бўлмасин. Мен сендан машинани қандай қилиб сотиб олганингни сўраётганим йўқ-ку. Оборасанми? — дедим даф-даф титраб.

— Ҳамма жойинг шалаббо. Ўриндиқнинг дабдаласини чиқарсан, — деди у нигоҳини мендан узмай.

— Шунинг учун мен сенга шунча пул таклиф қиляпман. Оборасанми?..

У тезда жавоб бермади.

— Ўзинг биласан, — дея ортимга бурилдим.

— Шошма. Бўпти, обориб кўяман, — деди у кетиб қолишимдан хавфсираб.

Машинага ўтиришим билан бошим айланди. Икки-уч марта йўталдим.

— Ўҳхў, шамоллаш ўтиб кетганга ўхшайди-ку, — деди ҳайдовчи.

Кўзим тина бошлагани учун миқ этмадим. Ўзидан-ўзи кўзим юмилиб кетаверди. «Ухлаб қолмайман. Наташага ваъда берганман. Етиб боришим керак. Чўмилиб оламан. Иссиқ чой ичаман. Дарров ўзимга келаман...» дея ҳаёлимдан ўтказиш асносида бошим деразага тегди. Кўзимни зўрға очдим. Бир томонга қийшайиб қолган эканман. Тўғри ўтирмоқчи бўлдим-у, эпини қилолмадим. Умримда шунчалик мажолсиз бўлиб қоламан, деб ўйламаган эдим. Ҳар доим, ҳар қандай шароитда тетик юраман, деб ҳаёл қилардим. Аммо, мана, ҳатто жойимдан қимирлашга-да кучим етмаяпти.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Бир маҳал машина тўхтади. «Етиб келган бўлсак керак», деган ўй ўтди ҳаёлимдан ва зўрға кўзимни очдим.

— Йигирма олтинчи уй...

Гарчи сўзлаётган эсам-да, гапимни ўзимдан бошқа ҳеч ким эшитмаётганди.

У мен томондаги эшикни очди.

— Пиёниста, жа ялпайиб олибсан. Қани, пулни чўз-да, шу ерга туш. Бу ёғига катта холанг обориб қўяди, — деди ҳайдовчи.

— Мен... Мен... Мен...

Бошқа гапиролмадим.

У қўлини чўнтагимга тикди. Сўкиниш асносида ҳамма пулларимни олди. Кейин елкамдан тортиб, машинадан туширди. Йўл четига судраб олиб борди.

— Бомж десам, чўнтагинг тўла пул. Соғ одам десам, афт-ангорингга қараб бўлмайди. Ўлмасанг, омон қоласан. Пулларингга рози бўл. Ўзиям роса керак бўп турганди, — деди ва машинасига ўтирди-ю, жўнаб қолди.

Қувватим бўлмагани боис ҳеч нарсга қилолмадим. Ҳаттоки шу пулни олганига яраша «Обориб қўй», деёлмадим...

Ўзимга ҳар-ҳар замонда битта томчи тушаётганидан билдимки, ёмғир тинаяпти. Шундай пайтда тинмаса, нима бўларди? Ахир юзим ловиллаб ёняпти, лабим қуруқшаб кетди. Агар ёмғир тинса...

— Қўявер, бунақаларни ҳозир ҳар қадамда учратиш мумкин, — деган овоз келди пичадан сўнг.

— Балки, пиёнистамасдир? Ёрдимимиз керакдир... Олег, илтимос, бориб кўр.

Бу аёл кишининг овози эди. Худди Наташаникига ўхшаб кетаркан. У ҳам жуда юмшоқ гапиради. Яна раҳмдил. «Наҳотки Наташа бўлса?.. Наташа бошқа эркак билан шу маҳалда нима қилиб юрибди кўчада? Йўқ. У бугун фарзандидан айрилди. Истаган тақдирдаям кўчага чиқолмайди...»

Оғриқ бутун вужудимни қамраб олган эса-да, миям тиниқ ишларди. Фақат лабларимни-да қимирлатолмаётганим чатоқ бўлди-да. Кўзимни очолганимда, ҳеч курса, имо-ишоралар билан пиёниста эмаслигимни тушунтирган бўлардим.

Жағимнинг остига бармоқ тегди. Бу эркак кишининг қўли эканлигини сездим.

— Оғзидан қўланса ҳид келмаяпти. Тирик. Лекин иситмаси жуда баланд, — деди у.

— Дарров «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилайлик. Бўлмаса, ўлиб қолади.

— Йў-ў-ўқ, — дедим зўрға тилимни айлантириб.

— Эшитдингми? У нимадир деди.

— «Йўқ», деди. Дўхтирга боришни истамаяпти. Демак, бу ерда бир гап бор. Люба, яхшиси, кетайлик. Бошимизни муаммога тикиб нима қиламиз?

— Олег, одам ўламан, деяпти. Тушуняпсанми шуни?

Аёлнинг нафаси қулоғимга урилгандай бўлди.

— Қаерда яшайсиз? Уйингизга обориб қўямиз, — деди у.

— Кичик Пушкин 26-уй, 8-хонадон...

Бу гапни ё айтдим, ё шунчаки кўнглимдан ўтказдим. Ҳатто ўйлашдан, фикрлашдан ҳам айрила бошлаган эдим...

Кимларнингдир гапиргани, баҳслашгани узоқ-узоқлардан эшитилгандай бўлди. Яна биров йиғлади ҳам. Қаердалигимни, тепамда кимлар баҳслашиб, ким йиғлаётганини билиш учун секин кўзимни очдим. Қандайдир уй. Хонанинг ўртасига каравот қўйилган. Парда оддий. Деворларга ҳеч вақо осилмаган. Оёқ ости пол. Қисқаси, хонанинг жиҳози мен ётган сим каравотдангина иборат.

— Ўлиб қолса, нима қиламан?!

Овоз таниш эди. Ҳатто қадрдон. Мен қандай қилиб бу ерга келиб қолганимни эслашга уриндим. Бироқ хотирам бўм-бўш эди.

Ётаверганимдан орқам ботиб кетибди. Шу боис ёнбошга ўтирилдим. Каравот гичирлади.

— Уйғонганга ўхшайди! — деган қичқириқ эшитилди эшик ортидан.

Хонага Наташа отилиб кирди ва бирдан тўхтади. Менга тикилди.

— Амир, жоним! — дея шивирлади унинг лаблари.

Сўнг югуриб келди-да, каравотим ёнида тиззалаб утириб, мени қучди. Юз-қўларимдан тинимсиз ўпа бошлади.

— Мен сени бошқа ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман! Бўлди, етар! Ўлиб қоламан сенсиз!.. — дерди у.

Нигоҳим эшикдан олдинма-кейин кириб келган Василий билан Марияга тушди. Улар мен учун қадрдонлардай, қариндошлардай бўлиб қолган эди.

— Кетиб бўпман, — дедим мен жилмайиб, Наташанинг ўпичларидан қутулгач. — Керак бўлса, ўзларинг кетинглар.

Ҳамма бараварига кулиб юборди.

— Наташа, агар рухсат берсанг, ўрнимдан турай, — дедим.

— Ҳали сенга мумкинмас, — дея у мени қучоғидан бўшатди ва юзимга енгилгина уриб қўяркан: — Жазога маҳкумсан, — деди.

— Ана, биз эркактар доим жазоланамиз. Доим бошимизда калтак синади. Ҳатто касал бўлсак ҳам... — дея ёнимни олган бўлди Василий.

Мария унинг биқинидан чимдиб қўйди.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, ўрнимдан турдим. Василий суяди ва биз ошхонага ўтдик. Оёқларимда дармон қолмаган экан. Зўрға кўтариб босдим. Наташа ёнимга утириб, белимдан кучганча:

— Мария, сенга ёрдамлашгани кучим йўқ, — деди қайнаб турган қозонни кавлаётган жувонга.

— Сен Амирингга қара. Ўзим эплайман, — дея Мария биз томонга қараб қўйди.

Василий шкафдан бир литрли ароқни олиб, стол устига тўқиллатиб қўйди.

— Васка, Амир эндигина оёққа тура бошлаяпти. Овқат емасдан гуриб ичолмайди. Қўйсанг-чи шу ароғингни, — деди Мария унга норози боқаркан.

— Ҳозир байрам бизда. Қолаверса, мен Амирга ичирмайман. Яна бир томондан олиб қарасак, қаҳрамонимиз айнан мана шу... нима десам экан, ҳа, топдим, шаффоф доривор суюқлик туфайли кўзини очди. Соғайяпти... Бунга хонимлар эътироз билдиришолмайди. Чунки бутун танасига суриб чиққанларингдан кейин пешонасида тер пайдо бўлиб, нафас олиши яхшиланганини ҳамма кўрди.

У тўртта қадаҳга ароқ тўлдирди. Ўзи идишида бир томчи ҳам қолдирмай ичди. Аёллар қадаҳларига лабларини теккизиб қўйишди, холос. Мен эса қадаҳни қўлимга ҳам олмадим.

Василий ликопчадан шўр бодринг олиб, ғирчиллатиб тишлади-да:

— Қандай келганингни эслайсанми? — дея мендан сўради.

— Йўқ, — дея жавоб қайтардим бошимни қимирлатиб.

— Бир аҳволда келдинг, — деди Наташа бирдан. — Уст-бошинг шалаббо, лой эди... Мен...

— Ҳа-а, — дея унинг оғзидан гапини илиб кетди Мария, — Василий иккимиз жинни бўлаёзган Наташани навбатма-навбат қўриқлаётгандик. Чунки у жонига қасд қилмоқчийди. Бир неча марта айвондан пастга ўзини ташламоқчи бўлди, ушлаб қолдик. Кўксига личоқ уриш учун шайланганида, Васка усталлик қилиб личоғини тортиб олди. Ана шу пайт эшигимиз қўнғироғи босилди. Биласанми, қанчалик хурсанд бўлганимизни? Биз сени келди деб ўйладик. Василий эшикни очиб қараса, бегона одам экан. У ёғини ўзинг айт, Васка...

— Хуллас, — дея идишини шошилмасдан ароққа тўлдирган Василий бурнини тортиб қўйди, — ёши элликларга бориб қолган бир одам экан. У ниҳоятда безовта эди. Ҳа, эсимдан чиқай депти... Бошида шляпаси, яна кўзойнаги бор эди. Мени кўриб, шошиб қолди. Энди... кўринишим бир аҳволда бўлган...

— Вася, эзилмасдан тез-тез гапир, — дея эрининг сўзини бўлди Мария.

— Хўп, — дея Василий ароқ ичди, сўнг лаб-лунжини кафтининг орқасига артиб: — У қариндошларимиздан бири пастда ҳушидан кетиб ётганини айтди. Мен «Қанақа қариндош?... Бу ерда бизнинг қариндошлар йўқ», деб бақириб юборибман. Кейин бирдан сен хаёлимга келиб қолдинг, — деб менга тикилди у ва хавшаниб қўйиб, гапида давом этди: — Пастга тушиб қарасам, машина турибди. Эшигини очсам, сен, ҳақиқатан ҳам, ҳушингдан кетиб ётибсан. Дарров ёнимда Мария билан Наташа пайдо бўлди. Наташа ўзини устингга ташлади. Қарасам, ақлдан озмоқчи... Хафа бўлмагин-у, ошна, ўшанда хотинингнинг юзига шапалоқ тортишга мажбур бўлдим. Бу ёғи сени тепага олиб чиқдик. Дори-дармон ва ҳоказо... Мана, оёққа турғазиб олдик. Дарвоқе, сени икки массив наридан топишган экан. Йўл ёқасидан. Уй манзилини айтибсан-у, ҳушингдан кетибсан. Лекин ўша одамнинг аёли яхши экан. Балки, врачдир у?... Чунки сени укол қилишимизни айтди-да...

Василий сўзлашдан тўхтади. Менга бироз тикилиб турди. Сўнг:

— Ичмаганинг чатоқ бўлаяпти-да, қария, — деди ва ароқ шишасини қўлига олди.

Эсладим. Юк машинаси остидан чиққаним, амаллаб такси топганим, ҳайдовчи ярим йўлда чўнтагимдаги ҳамма пулни олиб қўйиб, ўзимни йўл ёқасига ташлаб кетгани... Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Беихтиёр:

— Ярамас! — деб юбордим.

Наташа бирдан юзимга боқди. Унинг кўзида алланечук хавотир, қўрқув бор эди.

Мен ароқ тўла идишни ушладим.

— Сенга мумкинмас... Эсингдан чиқар барини, — деди Наташа.

— Ҳечқиси йўқ. Мана, иситмам тушибди. Энди ичсам, бўлаверади. Мария қайноқ сув берса... Қайтанга, фойдаси бор.

Ароқнинг кетидан Василийнинг хотини олдимга қўйган қайноқ шўрвани ичдим. Танам яйраб кетди.

Мен ҳали тонг отмаган бўлса керак, деб ўйлагандим. Аммо Наташанинг айтишига қараганда, қарийб бир сутка ўзимга келмай ётган эканман. Шундан кейингина у мени қайтиб кўзини очмайди, деб қўрқибди.

Василий маст бўлиб қолган эди. Шу боис эртасига чошгоҳгача ухлади. Унгача мен аёллар билан чой ичиб ўтирдим.

— Сенга яхши хабарим бор, — деди ювиниш хонасидан чиққан Василий сочиқни елкасига ташлаб, ошхонага кириб келаркан. — Қани, топ-чи, қанақа янгилик?

— Тўғриси айтсам, сира бошимни оғритгим келмаяпти. Шунинг учун бошқотирмангни кейинроққа суриб қўя қол, — дедим унга жавобан.

— Сенга хорижий паспорт тайёрлаб, исмингни ўзгартирдик. Хуллас, бутунлай бошқа одамга айландинг.

— Қанақасига? Тушунмадим. Биринчидан, менинг расмимни кўрган одам борки, исмимни немисча қўйган тақдирингдаям...

— Оғайни, — деб у гапимни бўлди, — бизнинг калламиз ҳам гоҳ-гоҳида ишлаб туради. Наташа, бор, олиб кел.

Наташа жилмайганча ўрнидан туриб, ошхонадан чиқиб кетди ва мен чойимдан бир ҳўплашга ултурмасимдан қайтиб, қўлимга паспорт тутқазди. Мен шу заҳоти ичини очдим ҳамда соқол қўйган, сочи оқарган, кўзойнак таққан одамга кўзим тушиб, кулдим-да:

— Наҳотки шу мен бўлсам?.. — дедим.

— Бўлмасам-чи, парик, соқол ва кўзойнакни олиб ташласак, ўзинг қоласан. Қария, биз техника асрида яшаямиз.

— Яхши, бу ёғини боплабсизлар. Лекин паспортни олиш осон ишмас.

— Айтиб қўяйин, қўлингдаги паспорт ҳақиқий. Танишим ҳеч қачон мени алдамаган. Бу ҳужжат билан дунёнинг истаган бурчагига боришинг мумкин, — деди Василий иржайиб.

— Паспорт сохталиги билиниб қолса-чи? Ҳар қалай, парик тушиб кетиши мумкин.

— Ясама соч бўлмайди, — деди Наташа. — Сочинг яхшигина ўсибди. Сартарош кўз очиб юмгунча ўзгартириб қўяди. Соқолинг ҳам худди шундай.

Уларнинг гап-сўзларидан сездимки, тезлик билан Россияни тарк этишим керак. Аслида, бу нарса ўзимга ҳам маъқул эди. Шу боис ортиқ ҳеч нима демадим.

Шу куни шаҳарда бемалол юрдим. Қанчадан-қанча полициячилар ёнидан ўтдим. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам мени танимади. Тушдан кейин Германияга бориш учун самолётга чипта олдик. Наташа иккаламизга. Унинг синглиси Анна эса вақтинчалик Мариянинг ёнида қоладиган бўлди.

Икки кундан сўнг аэропортга бордик. Шароитга тезда мослашишни бошласам-да, барибир, ичимда қандайдир ҳадик бор эди.

Чегарачилар, ФСБ вакиллари Наташани осонлик билан ўтказиб юборишди. Навбат менга келганда эса, паспортимни кўздан кечирган аёл тикилиб қолди, сўнг:

— Кўзойнагингизни олинг, илтимос, — деди.

Табиийки, ойнакни олишим билан кузим жимирлади. Шунга қарамай, текширувчига тик қарадим. Нигоҳимни унинг бурнининг тепаси, қошлари ўртасига югуртирдим. Бутун фикри-зикримни бир ерга жамлаб, хаёлан «Ҳаммаси тоза», деган гапни гоҳ паспортимга, гоҳ менга куз ташлаб қўяётган аёлга қаратдим.

— Яхши, — деди у, ниҳоят, ва мени ўтказиб юборди.

Самолёт ўриндиғига ўтирганимда ҳам мени ички хавотир тарк этмаганди. Ҳавога парвоз этганимиздан сўнггина енгил нафас олдим ва беихтиёр бошимни Наташа томон қийшайтириб, кузимни юмдим. Кўз ўнгимдан ўтмишим худди кино тасмаси каби бир-бир ўта бошлади. Дилим оғриди. Ахир ҳар бир куним таҳлика, ҳаяжондан иборат бўлган экан...

Дарвоқе, мен ўзимга нотаниш, қадимий оламга бормай қўйдим-ку. Рабабга ўрганиб, уни никоҳимга олгандим. Қизик, ўша даврда ҳам менда тинчлик бўлмаган экан. Аввалига қабиладошларимнинг таъқибига учрадим. Кейин бошқа қабиланинг қўлида ўлишимга бир баҳя қолди. Шунда мени Рабаб қутқариб қолганди... Шошма, сўнгги пайтларда соқолим ҳам ўсмай қўйди-ку. Фалати ҳол: мен ҳар ухлаганимда, албатта, бир хил туш кўраман, яна у давомли бўлади. Айни ўша пайтда соқолим яшин тезлигида ўсади...

Наташанинг турткисидан ўзимга келдим.

— Дарров ухлаб қолдингми? Нега жимсан? — деди у юзимга тикилиб.

— Ўҳ, сал индамай турганингда, ҳақиқатан ҳам, ухлардим, — дея жавоб қилдим унга.

— Овқат беришаяпти. Барибир, уйғотишга тўғри келарди. Зерикиб кетдим.

— Унда сени қитиқлайман. Шунда бошқалар ҳам зерикмайди.

Наташанинг юзида табассум пайдо бўлди. Унинг юзини чимдиб, мовий кузларига боқдим. Тўймадим.

— Амир, — деди у қўлимни тутиб, — ҳалигача у ёқда бизни ким кутиб олишини айтмадинг.

— Дарвоқе, эсимдан чиқай дебди. Аэропортга келмасимиздан аввал айтмоқчийдим. Хотира панд берибди. Биз Берлиндан Штутгартга борамиз. Электр поездда. Ҳар ярим соатда шундоққина аэропортнинг ёнгинасига келаркан. Интернетдан билиб олдим. Билсанг, немислар ҳамма нарсани вақти-соатида қилишади. Бир минут у ёққа, бир минут бу ёққа ўтишмайди...

— Хуп, — дея гапимни бўлди у. — Штутгартда ким кутиб олади бизни?

— Ким бўларди, Оксана-да, — дедим Наташанинг рашк қилишини хаёлимга ҳам келтирмай.

— Оксана?.. — деди хотиним ҳайрон бўлиб. — Яна қанақа Оксана? Нега у ҳақда аввалроқ айтмагансан?

— Билмадим. Лекин унинг кутиб олиши аниқ. Сабаби...

— Сабаби? — деди Наташа гапимни такрорлаб.

Унинг кўзи айёрона боқарди.

— Хоним, сиз мутлақо ноҳақсиз. Яъни айтмоқчиманки, ўринсиз рашк қиялпсиз.

— Исбот...

— Бўпти, вақтимиз бемалол. Сиз, хоним, яхшилаб қулоқ тутинг. Мен паст овозда гапираман. Чунки самолётда сиз билан мендан бошқалар бор, — дея Наташага кўз қирим билан ишора қилиб, йўлак томонда ўтирган қарияни кўрсатдим.

Хотиним “тушундим” дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Шундан сўнг Семён Эдуардович воқеасини унга ҳикоя қилиб бердим. Унинг юзи гоҳ оқарди, гоҳ қизарди. Баъзида киприк ҳам қоқмай қўйган бўлса, менинг қалтис ҳаракатларимни эшитганида, лабини тишлади. Охирида эса чуқур уф тортиб:

— Россия эшиги биз учун мангута ёпилибди, — деди.

— Эҳтимол. Лекин бошқа ҳамма эшиклар очиқ, — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида жилмайиб.

У хўрсинганча ва кўзларини юмди.

Хаёлидан нималар ўтаётганини билмасдим. Кўнглимда мен билан учрашган кунига лаънат ўқимаётганини жуда-жуда истардим. Озроқ вақт ўтиб кўзи юмуқ Наташа бир текисда нафас ола бошлади. У ухлаб қолганди. Менинг эса хаёлимга тагин утмишим келди. Болалигим, ғам-ғуссасиз, ташвишсиз ўтган қишлоғим... Энтиқдим. Ҳозирнинг ўзидаёқ у ерда бўлиб қолишни истадим ва Германияга бораётганим маънисиз

туйилди. Аслида ҳам, бундоқ ўйлаб қарасам, мутлақо нотаниш бўлган юртда менга маймун боғлаб қўйгани йўқ. Хўп, бордим, Оксанани топдим, пулни ундирдим дейлик. Ундан кейинчи?.. Кейин ўша пулни майда чайнаб юраманми? Хўп, бир йил, ўн йил юрарман. Ана ундан сўнг нима қиламан? Қишлоғимга қайтаманми? Бошим ғувиллаб кетди. Қўрқув пайдо бўлди. Саёқ юриб-юриб, қишлоғимга битта хотин, ана борингки, икки-уч бола билан кириб борганимда, улар мени қандай кутиб олишади? Ораларида мени танийдиганлар бўладими? Бўлмаса-чи? Бўлганлари ҳам “Сендақа саёқнинг бизга кераги йўқ, қишлоғимизни шарманда қилдинг”, дейишса-чи? Укам, сингилларимнинг кўзига қандай қарайман? Ва, ниҳоят... Энг оғири, ота-онам қишлоғимизда бўлмаса-чи? Улар аллақачон бошқа макон, бошқа олам... Йўқ, у ёғига юрагим бардош бермайди. Чидолмайман... Ортга қайтаман. Тезроқ. Оксана билан ҳисоб-китоб қиламан-у, самолётга ўтириб, қишлоғимга жўнайман. Ҳаммаси жонга тегди...

Қоним қайнаб, ҳаяжон босганидан бўғилиб кетдим. Назаримда, ҳаво етишмаётгандай эди. Шу боис тугмачани босиб, стюардессани чақириб, ундан сув келтиришини илтимос қилдим. Сув ичганимдан сўнг танам бироз енгил тортгандай бўлди ва мен ортиқ ҳар хил хаёлларга берилмаслик мақсадида кўзимни юмиб, ухламоқчи бўлдим. Аммо қишлоғим, унинг одамлари, барибир, таъқиб этаверишди. Наташани туртдим.

— Озгина индама, ухлайин. Чарчаганман, — деди у.

— Менда уйқу дориси бор, — деди безовталанаверганимни кўрган йўлак четида ўтирган қария кўшним. — Битта ичсанг, самолёт кўнгунича ухлайсан.

— Яхши бўларди, — дедим жилмайиб.

Мен беш-ўн дақиқа ичида ухлаб қолдим. Азбаройи тарашадай қотганимдан қўнаётганимиз ва камарларни тақишимиз зарурлиги ҳақидаги эълонни ҳам эшитмабман. Наташа яна уч-тўрт марта турткилагандан кейингина уйғонибман.

— Бунча тез? Яна бир-икки соат учганимизда, яхши бўларди, — дедим уйқута лиммо-лим кўзимни зўрға очиб.

— Жиннивой, нималар деяпсан? Ухлашга улгурасан ҳали, — дея Наташа юзимга юмшоққина шапалоқ урди.

Аэропортдан жуда тез чиқиб кетдик. Дарҳақиқат, немислар ниҳоятда аниқ ишлашаркан, бирорта жойда ортиқча тўхташ бўлмади. Мен ҳаттоки “Кўринишим, паспортим сохталигини билиб қолишса-чи”, деган ўйга боришга ҳам улгурмадим.

Наташанинг немис тилида балодай гапириши аэропортни тарк этганимиздан сўнг қўл келди. У тезда Штутгартга қатновчи поезд бекатини аниқлаштирди. Таксига утириб, узоғи билан икки чақирим юргач, вокзалга егдик. Чипта олишимиз билан Наташа поезд келгани эълон қилинганини менга таржима қилиб берди.

Одамзод пала-партишликка қанчалик кўниккан бўлса, тартиб-интизом, озодаликка кўникиши шунча қийин бўларкан. Бахтга қарши, чипталаримизда кўрсатилган жойларнинг бири олдинги қаторда, иккинчиси орқада экан. Шунга қарамасдан, мен Наташанинг ёнига ўтирдим. Хўппа семиз, юзини ҳуснбузар босган сариқ кимса келиб, чиптасини кўрсатди-да, ўзининг тилида алланималар деб сайради.

— Унинг жойи экан. Марҳамат қилиб бўшатиб беринг, деяпти, — таржима қилди Наташа.

Мен вагон ичкарасига бир сидра кўз югуртирдим. Одам кўп эмасди. Ўриндиқларнинг деярли ярми бўш эди.

— Нима қилибди? Истаган жойга бориб утирсин, — дедим жаҳлим чиқиб.

— Жинни, унақа дема. Булар жудаям қонунчи. Яхшиси, бўшатиб бер, — деди Наташа.

— Шу совуқ билан ўтиргинг келаётганга ўхшайди, — дея қовоғимни уйдим.

Шу пайт немис нималардир деб, кета бошлади. Наташа дарров уни тўхтатди ва ўрнидан туриб, орқа ўриндиққа ўтиб жой бўшатди.

Очиғи, дағаллигим ўзимга ҳам ёқмади. Шунга қарамасдан, деразадан ташқарига юзландим. «Аҳмоқ», деган овоз келди ортимдан. Наташанинг гапи жаҳлимни чиқармади. Қайтанга, кулгимни қистатди. Аммо миқ этмадим.

Озода, кўркам шаҳар ортада қолди. Дала бошланди. Бир неча ўн гектарли ўрмону яйловларни, буғдойзорларни, экинзорларни кўриб ҳавасинг келади. Ҳеч бири иккинчисининг ҳудудига ўтиб кетмаган, мутлақо пала-партишликдан холи, гўё геометрик чизмаларнинг ўзгинаси эди. Дарвоқе, шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтай, шаҳарда транспортнинг исталган туридан зиғирча бўлсин кир тополмайсиз. Илгари ўзимиз томонлардаги олмон қишлоқлари ҳақида ҳамқишлоқларимдан эшитганларим бор. «Бир неча овуллардан ўтдим. Гўнг тўкилган далалар, бузуқ трактор, уюм-уюм гўзапоя, сочилган маккапоялар, ўйдим-чуқур йўллар... Бирдан ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта жойлар

бошланиб қолди. Суриштирсам, олмонлар яшайдиган қишлоқ экан», деганди улар.

Ҳозирги манзарани кўриб, уларнинг нақадар ҳақлигига ишончим комил бўлди.

Кузим сигирларга тушди. Ўзиям ҳар бирининг елини ерга тегаман дейди. Нақ кучоғингизга сигмайдиган даражада катта. “Бир соғишнинг ўзидаёқ булардан йигирма беш-ўттиз литр сут олишса керак”, деб ўйладим. Кейин бирдан ҳисоб-китобга ўтдим. Сал ўтмай, бу аҳмоқона юмушни йиғиштирдим. Чунки ўзимга эриш туйилди.

— Амир, Оксанани қандай топамиз? — сўради Наташа елкамга туртиб қўйиб.

Ортимга ўтирилдим.

— Кўнғироқ қиламиз, ўзи бизни топади. Ишни битирамиз, тамом-вассалом... Лекин зўр жойлар экан. Аввал, ҳеч бўлмаганда, саёҳат қилиб келмаганимга афсусланияпман, — дедим.

— Қолоқ. Мен ёшлигимдаёқ ота-онам билан икки марта келганман. Берлиндан ташқари, Дрезденга, Подздамга, Магдебургда борганман. Лекин ғарбий Германияга ўтмагандим. Хаёлимда бу Олмония деганлари ҳозир ўша кўрганларимдан ҳам ўзгариб кетганга ўхшайди.

Мен Наташага тикилиб қолдим. Кўзларим унда эди-ю, бутун ўй-хаёлим бошқа томонда.

— Нега бунақа қараяпсан? — дея ҳайрон бўлди у.

— А? Ҳа, нега бўлак-бўлак ўтирибмиз? Ўрнинг бўш-ку, биронтаси кейинги станцияда чиқиб қолса, бўшатиб бераман, — деб ўрнимдан турдим.

Сариқ, бадқовоқ немис норозиланиб ўқрайди. Олдидан ўтиб кетаётганимда, бир нималар деб тўнғиллади.

— Жаҳли чиқаяпти, — дея тушунтириш берди Наташа ёнига ўтирганимдан кейин.

— Баттар бўлсин. Чидаса, шу. Йўқса, ана, бошқа вагонга ўтсин. Уям бўлмаса, тушиб қолсин, — дедим иржайиб.

— Жинни. Агар у гапларингни тушунганида борми, дарров полиция чақирган бўларди. Нега тикилдинг? Юзимга бирон нима тегибдими?

— Йўқ, тегмаган. Текканида яхши бўларди.

— Нега?

— Ўпиб, юзингни тозалаб қўярдим-да.

— Жиннивой, — дея жилмайди Наташа ҳамда қўлимни кучоқлаб, елкамга бошини қўйди.

Биз айнан графикда кўрсатилган пайтда манзилга етдик. Наташанинг таржимонлиги орқали телефон будкасини топдим. Оксана овозимни эшитиши билан қичқириб юборди.

— Ҳозироқ етиб бораман! Қимирламай тур! — деди у шодон.

Гўшакни қуйиб, Наташага қарасам, тумтайиб турибди.

— Наташа, сенга ҳаммасини тушунтирдим-ку, нега дарров қовоғингни уйиб олдинг? — дедим ундан росмана хафа бўлиб.

— Мен бир нарса деяётганим йўқ-ку, ҳаммасини тушунаман. Ораларингда... Эҳ, майли, эътибор берма.

— Яхши. Унда бундай қиламиз, хоним... Бир ҳисобдан сизникиям тузук. Шубҳага ўрин қолмайди. У келади. Мен билан кўришади. Сен сал нарироқда кузатиб турасан. Мабодо бирор жойга борадиган бўлсак, изимиздан тушасан. Бирор жойга деганим — банкка. Ҳозирдан айтиб қўямасам, шунгаям кўнглинг бузилади.

— Нималар деяпсан, Амир? Мен сенга ишонаман...

— Фақат ишонганинг камлик қилади. Бутун танъинг, кўнглинг, руҳинг, умуман, борлигинг ишониши керак. Келишдикми?

Наташа бошини эгди. Унинг иккала юзи ҳам қизарганди. Индамади. Демак, қовоғини солгани учун ичида қийналяпти. Майли, ҳозирча қийналиб турсин. Кейин ҳаммасига гувоҳ бўлгач, иккинчи марта бу ишни қилмайди.

Кўп ўтмай, Оксана таксида етиб келди. Очиғи, уни дарров таниёлмадим. Шунақанги очиқ ва замонавий кийингандики, ёнимга етгунича нечта эркак бўлса, ҳаммаси, ҳеч бўлмаганда, зимдан назар ташлаб қўйишди. «Ўлди. Наташа икки юз фоиз ҳақ бўлиб чиқди. Бунақанги қиздан ҳар қандай аёл эркагини қизғанади. Эй-й, ўласанми, тузукроқ кийинсанг?» дея кўнглимдан ўтказдим.

Кийиниши ҳолва экан. Ёнимга келиши билан иккала қўлини ҳам бўйнимдан ўтказиб, юзимдан ўпич олди. Аслида, нияти бўса олиш эди, юзимни тутиб қолдим.

— Келишингни сабрсизлик билан кутдим. Ишқилиб, етиб келсин-да, деб роса хавотир олдим. Жой...

— Банкка борамиз, — дедим бирдан унинг гапини бўлиб.

— Намунча тез? — дея камон қошларини учирди у.

— Ишни тугатиб қўйсак, кейин кўнгил хотиржам.

— Неча фоизини оласан?

— Эллик.

Унинг кўзида қувонч пайдо бўлди:

— Қолгани менгами?!

— Сенга. Хоҳлаган нарсангни сотволишинг мумкин.

— Арзимаган пул берсанг керак, деб ўйлагандим.

— Нималар деяпсан? Пулнинг ҳаммаси сенда турганди-ку.

— Тўғри, лекин Семён Эдуардовичдай одамники тиз чўкишга мажбур этдинг... Очиги, сендан қўрқаман.

Мен жилмайдим ва тўхтаб турган таксиларни кўрсатиб:

— Кетдик, — дедим.

Машинага ўтиришимиз билан Оксана қўлини белимдан ўтказиб олди-да, хўрсинди. Мен безовталандим. Агар Оксананинг бу қилиғини Наташа кўрганида борми?.. Россияга қайтиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Қанчада ишимиз битади? — сўрадим ёнимдаги қиздан.

— Тез. Кўпи билан ярим соатда.

— Пулларнинг ҳаммасини чекка ўтказамиз. Ҳозирча юз минг нақд пул етади менга, — дедим ва деразадан ташқарини, шаҳар кўчаларини, иморатларни томоша қила бошладим.

— Шунча пулни кўтариб юриб, нима қиласан? Пластикка ўтказиб олсанг, исталган жойда харажат қилаверасан.

Ичимда соддалик қилиб қўйганимдан ўзимни ўзим койидим.

— Биламан. Лекин нақд пул зарур, — дедим вазиятдан чиқиш учун.

Дарҳақиқат, банкда ишимиз дарров битди.

— Энди меҳмонхонага бориб, дам олсак ҳам бўлади. Йўлдан чарчаб келгансан. У-бу ичиб, чарчоқ ёзди қилардинг.

— Борамиз. Лекин аввал Наташани олиб келиш керак. Таксида орқамиздан тушади, деб ўйлагандим. Лекин ўжарлиги тутиб...

— Қанақа Наташа? — деди ҳайрон бўлган Оксана.

— Хотиним.

Унинг юзи бирдан қизариб кетди:

— Қанақасига хотининг?..

— Ҳа, сенга айтгандим, шекилли...

— Қайдам, эсимдан чиққан экан. Шунча нарсага чидаганман. Уларнинг олдида буниси нима бўпти? Кўникаман... Аммо... Нега бахтим бунчалар қаро? Қандай гуноҳга қўл урганманки, энди дилим равшан тортганида, доим нимадир соя ташлаб қолади.

— Кетдик.

Наташа ҳамма айтганларимга кўнадиган, мен учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган аёл. Аммо бунақа пайтда... Унинг қайсарлиги бор... Бекор қолдириб кетибман... Аслида, Оксанадан

шубҳалангандим. Агар Наташанинг кимлигини дарров айтиб қўядиган бўлсам, у бошқача ҳаракатга тушиши ва хотиним билан кўчада бир чақасиз қолишимиз ҳеч гап эмасди. Яна Оксана жуда кўп вақт Семён Эдуардовичнинг ёнида бўлган. Унинг ҳомийлиги остида яшаган. Демак, озми-кўпми, ораларида яқинлик бор. Ана шу томони ҳам мени ўйлантирган эди.

Хартугул, Наташа бирон ёққа кетиб қолмабди. Сумкачасини қучоқлаб қунишиб ўтирганди. У мени кўрди, аммо шу заҳоти нигоҳини олиб қочди.

Тўғриси, ўша дамда ўзимни қандай оқлашни билмасдим. Бахтимга, Оксана жонимга ора кирди.

— Шундай соҳибжамол қайлиғинг борлигини, сен билан бирга келганини нега айтмадинг? — деди у гўё мендан аразлаган бўлиб.

— Нияти бошқа бўлган, — деди менинг ўрнимга жавоб берган Наташа.

— Амирдан ёмон ният чиқишига ишонмайман, — деди Оксана менга юзланиб. Сўнг: — Хоним билан таништир, — дея қўшимча қилди.

Мен Наташанинг қўлидан ушладим. У азбаройи бегона қиз борлиги ва унинг олдида маданиятсизлик қилмаслик учунгина ўрнидан турди.

— Оксана, — дея хотинимга қўл узатди бегона қиз.

— Наташа, — деди қайлиғим қўлини унга бериб.

— Ана, танишиб ҳам олдинглар. Оксана, очигини айтсам, биз Москвада овқатлангандик. Шундан бери иккимиз ҳам туз тотмадик.

— Наҳотки? Нега дарров айтмадинглар? Оббо... Қани, кетдик. Мен битта зўр жойни биламан. Пивоси, имм, даҳшат!.. Кетдик, — деди Оксана шўхлик билан.

Биз шаҳарнинг қарийб бошқа бир четига бордик. Дарҳақиқат, ресторан ажойиб экан. Бино эртақлардаги қасрга ўхшайди. Ичкарида ҳам унинг ташқи кўриниши акс этиб турибди. Шунинг билан бирга замонавийлик ҳам уйғунлашган. Ҳавоси мўътадил. Ресторанга кириши билан кишининг иштаҳасини қитиқловчи қандайдир ҳид димоққа урилади.

Стол атрофига ўтирганимизда, Оксана ёнимизга келиб, қўл қовуштириб қаққайиб турган хизматчи йигитга эътибор ҳам бермай, гап бошлади:

— Бино, ҳақиқатан ҳам...

— Шошма, — дея уни шу заҳоти сўзлашдан тўхтатдим, — олдин овқатга буюртма берайлик. Қорним пиёз пўсти бўлиб кетди. Ҳа, зудлик билан пиво олиб келишсин.

Оксана жилмайди ва негадир Наташага кўз қисиб қўйиб, хизматчига сўзлай бошлади.

Александр Абрамовичнинг ёнида қанча юрган бўлсам, унинг шу бойлигига яраша жонга роҳат бағишловчи, кайфиятни кутарувчи пиво ичганини эслолмайман. “Қулинг исталган жойга етса, учин-қуйруғи кўринмаса... Мана шунақанги жоннинг роҳатидан маза олиб, келтириб ичмайсанми, номард?” дея кўнглимдан ўтказиб, лаззатланганча бокалдаги пивони симирдим.

Бироз ўтиб, бошим айланди. Оч қоринга ичилгач, бундан ўзгасининг рўй бериши мумкин ҳам эмасди. Яхшиям, бокални охирлатмасимдан овқатни келтиришди. Йўқса, аниқ маст бўлиб қолардим.

Оксана билан Наташа дарров чиқишиб кетди. Улар менга деярли эътибор бермас, пивони ҳам номига ичишар, бири қўйиб, иккинчиси сайрагани-сайраган эди.

Қорним тўйиб, анча ўзимга келдим ва атрофга яхшилаб назар соларканман. биздан етти-саккиз қадам нарида емакхонанинг қандайдир дарахтга ўхшаган устунини ёнидаги стол атрофида ўтирган тўрт киши диққатимни тортди. Уларнинг иккитаси тез-тез биз томонга кўз ташлаб қўяр ва номига суҳбатлашаётганди. Ликопчадаги газакдан олиб, оғзимга солдим-да, ўша столдагилар ва Оксанани зимдан кузата бошладим. Оксана пубха уйғотганларнинг ёнбошидаги столда ўтирарди. Шунинг учун унинг бегоналарга қараши қулай эмасди. Шунга қарамасдан, кузатувим давомида у икки марта бегоналарга кўз ташлади.

«Наҳотки? Бўлиши мумкин эмас. Оксана сотилмаган. Сотилишига асос ҳам йўқ. Унинг ҳозир пули кўп. Истаганча кайфу сафо қилиб юриши мумкин... Шошма, қўрқитган бўлишса-чи... Эсиз, олмонлар юртида хавф-хатарсиз, одамга ўхшаб яшамоқчийдим. Шу ҳам насиб этмади-я”, дея хаёлимдан ўтказдим.

Кўнглим ҳар ёққа кетди. Қолаверса, ҳар томон хавф-хатарга тўлиб-тошганди. Энг ёмони, бу ернинг бегоналиги, одамлар билан сўзлаша олмаслигим эди. Илгари, ҳали Александр Абрамовичнинг қўл остида хизмат қилиб юрганимда, олмон полициясининг нақадар аниқ ва тезкорлик билан ишлаши ҳақида эшитгандим. Демакки, қўлга тушиш хавфи икки ҳисса ошибди. Демакки, қув-қочлардан қутулмабман. Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилганга ўхшайман. Усул... Усул гаройиб. Аввал тегишли пулни бериш, яхши муомалада бўлиш, ҳаттоки

тан маҳрамликка хоҳиши борлигини билдириб, ўзини жудаям яқин тутиш, кейин... Тўхта, бунинг ҳаммаси Оксананинг иши бўлиши мумкин эмас. Қандайдир бошқа бир ақлли калла ишлаган-у, анави пивоҳўрлар қовун тушириб қўйган.

— Яна ичгим келаяпти. Тўғриси...

— Пивони ресторанинг ўзи фақат мижозлари учун тайёрлайди. Бу пиво дўконларга чиқарилмайди. Сенга ёқишини билгандим, — дея бидирлаб кетди Оксана гапимни охиригача етказишимга сабри чидamay.

Мен унинг ҳозиржавоблиги учун жилмайдим-да:

— Олиб кетишга рухсат берадими? — дея сўрадим.

— Албатта. Бу ерда мижоз энг олий табақа ҳисобланади. Кириб, ўтириб, ҳеч нарса олмасдан, емасдан чиқиб кетган тақдирингда ҳам, биров бир нима демайди. Хизматчилардан тортиб директоригача икки букилиб қуллуқ қилади. «Яна келинг», дейди иржайиб ва қўлингга нимадир тутқазиб юборади, — тушунтирди Оксана.

— О-о-о, даҳшат. Унда ҳар куни келиб, нимадир ундириб кетарканман-да.

Наташа билан Оксана қикирлашди.

— Сенинг танишларинг ҳам ўтирганга ўхшайди, — дедим улар мириқиб кулиб бўлгач, Оксанага юзланиб. — Ёки ёқтириб қолишди, — дея кўзим билан боядан бери бизни кузатиб турганларга ишора қилдим.

Оксана эринмасдан ўгирилиб, тўрт эркакка қаради. Сўнг нигоҳини улардан олиб, пивосини сипқорди. Мен шу заҳоти унинг юз-кўзига диққатимни қаратдим. Шубҳали бирон нима қидирдим.

— Турқи қурсин уларнинг, — деди Оксана лабини кичкина юмшоқ қоғозга артиб. — Улар эркак эмас. Ҳали бу нарсага сизлар ҳам кўникиб кетасизлар... Падар лаънати... Иккита оила ўтирибди у ерда.

Мен тахта бўлиб қолдим. Бир лаҳза нима қиларимни, нима деяримни билмай, Наташага юзландим. У ҳам музлаган эди.

— Қанақасига? — сўради Наташа мендан садо чиқавермагач. — Илгари кўп эшитардим-у, лекин...

— Оддий. Соқоли борлари эр, қолганлари хотин. Тамом-вассалом.

Тўғриси, мен қайт қилиб юборай дедим. Кайфим ҳам бир зумда тарқаб кетди. Очигини айтсам, Россия газета-журналларида шунақа ярамаслар ҳақида бир-икки марта ўқигандим. Лекин шахсан дуч келаман деган ўй етти ухлаб

тушимга ҳам кирмаганди. Оксанага бўлган хавотирим тумандай тарқаб кетди. Унинг ўрнини боядан бери бизни зимдан кузатиб ўтирганларга нисбатан нафрат эгаллаб олди.

— Аблахлар, нега сенга тез-тез қараб қўйишаяпти? — дедим ғазабимни зўрға ичимга ютиб.

— Менгамас. Бизга. Тўғрироғи, сенга...

Шу гап Оксананинг оғзидан чиқиши билан тепа сочим тикка бўлди. Қўлимни мушт қилдим.

Мендаги ўзгаришни кўрган Наташа безовталанди. Оксана эса қулимсираб:

— Ўзингни бос. Улар сенга бир оғиз ҳам гапиришмайди. Шунчаки сенинг иккита жонона билан ўтирганингни кўриб, хайрон бўлишаяпти, — деди.

— Онангни эмгурлар! Улар одаммас! Сўйиб ташлаш керак! — дея беихтиёр бақриб юбордим.

Наташа дарров қўлимга осилди. Оксана ҳам жиддий тортиди. Сал нарироқда турган хизматчи эса ёнимизга югуриб келди-да:

— Нима ёқмаган бўлса, айтинг, — деди ўз тилида.

Наташа унинг гапини таржима қилгач, мен қўл силтадим-да:

— Анави итларни бу ердан ҳайда! — дедим жаҳл билан.

Наташа гапимни немисчага ўгирмади. Бунинг ўрнига нимадир деб хизматчини ёнимиздан узоқлаштирди.

— Ҳар нарсага асабийлашаверма. Агар уларнинг номига биттагина бўлса ҳам қўпол сўз айтсанг, дарров судга беришади...

— Суд эса уларни ҳимоя қилиб, менга жазо тайинлайди! — дедим ғазабдан ўзимга келолмай.

— Оксана, яхшиси, кетайлик. Эндигина эркин нафас ола бошлагандик, — деди Наташа.

— Тўғри... Майли, пивони бошқа жойда ичармиз. Мен эрингнинг бунчалик қизиққонлигини билмас эканман.

— Ҳов, барака топгур, менинг унча-мунча нарсага жаҳлим чиқмайди. Лекин эркак бўла туриб... Бўпти, кетайлик, йўқса, ҳозир тўрталасини ҳам қонига белаб ташлайман.

Ташқари озода, суқинг кирадиган даражада гўзал. Аммо ичарида... Эркак эркакка ўхшаб, аёл эса аёллигини қилиб юрса-ю, машиналар эски, чанг босган, пачоқланган, йўллар ўйдим-чуқур, уйларнинг деразалари синган, сувоқлари кўчган, дарахтлар қуриган бўлганида, мен асабийлашмасдим. Узоғи билан "Буларнинг бари ялқов экан-да", дея қўл силтардим. Аксинча, ҳаммаёқ ҳавас қиладиган даражада, аммо... Эркаклик

шаъни мени сира ўз ҳолимга қўймас, борган сари тутоқиб кетаётгандим. Яхшики, Наташа маҳкам қучоқлаб олган, йўқса, худо билади нималар қилиб ташлашимни.

Такси ҳайдовчиси кўзимга хунук кўринди.

— Ҳайда! — дея бақирдим орқа ўриндиққа ўтиришим билан.

— Бас! — деди мўлтирабгина менга қараган Наташа. — Нега тўғри келган одамга зўравонлигингни кўрсатяпсан? Ёки у ёқдан-бу ёққа қочиб юрайликми?! — деди алам билан.

— Билмадим. Балки. Жонга тегди ҳаммаси, анави ит эмганлар хаёлимдан кетмаса, нима қилай?!

Наташа йиғлаганча мени маҳкам қучоқлаб олди. Унинг тафтини ҳис этарканман, бироз ўзимга келдим. Мумкин қадар яхшироқ нарсалар тўғрисида ўйлай бошладим. Ташқи гўзалликни кўрмаслик мақсадида кўзимни юмдим. Қишлоғим ёдимга тушди. Қишлоғимизнинг ўртасидан ўтувчи йўл ёнидаги ариқ бўйида кўк терак, алҳами терак, тол, олма, ўрик, ёнғоқ ўсади. Ариқда болалар чўмилишади. Дарахтлар остида қум кўп. Сувдан чиқишади-ю, ўша қум устига ётиб олишади. Қум талаш бўлади. Сабаби, офтоб тушадиган жойи кам. Ариғимизга булоқдан сув келади. Тиниқ. Муздай. Роса чўмилиб, иссиққина қумда ётсанг, тананг роҳатланади. Болаларнинг кўзлари беғубор, содда. Худди оталари, акалариникига ўхшаб. Лекин ғурури бор. Нафсониятига тегадиган гап қилсанг, кечиришмайди. Каттаси-ку, майли, ёш боласиям ётиб қолгунча ёқалашади.

— Дилингни оғритиб қўйган бўлсам, кечир, — деди Наташа хаёлимни бўлиб.

— Тўғри қилдинг. Йўқса, ўзимга келолмасдим... Наташа, сен кичкинагина ариқчада, кўлмак сувда чўмилганмисан?

У бошини кўтариб, ҳайрон бўлганча менга тикилди.

— Йўқ, албатта. Нега сўраб қолдинг? — деди.

— Чўмилмагансан. Шунинг учун таштиниям билмайсан. Бизда пахта экилади. Пахтани суғориб бўлишганида, ариқчаларда сув қолиб кетади. Ҳали мактабга бормасдим. Ёзда ўшандай сувда кўни-қўшнилар билан чўмилардим. Ҳаммаёғимиз лой бўлиб кетарди. Чунки ариқчанинг ости лой. Сув тез лойқаланади... Энди ўйлаб қарасам, ўшанда ўзимиз сезмаган ҳолда даволанган эканмиз. Ахир сиҳаттоҳларда балчиқ билан даволашади-ку.

Наташа жилмайди. Кўм-кўк кўзлари мафтункор жилоланди.

— Жиннивой, нега ҳозир эслаб қолдинг қишлоғингни? — деди.

— Қайдам? Жудаям согинганга ўхшайман. Энтикиб кетаяпман.

У мени маҳкам қучганча юзимдан ўпиб:

— Мени қишлоғингга оборасанми? — деб сўради.

— Бўлмасам-чи? Сен хотинимсан. Қаёққа етакласам, борасан. Лекин мен ёшлигимда чўмилган ариқчада сен чўмиллолмайсан.

— Борсам, ёнингда юрсам, бўлди...

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Оксана секин ортига бурилди. Унинг юз-кўзи жилмайиб турарди.

— Қайсидир орол тўғрисида гаплашаяпсизларми? Наҳотки мени ташлаб кетасизлар? Яхшимас, яхшимас, — деди.

— Оролинг мен айтаётган жой олдида ҳеч нарса. Ишонавер. Биз билан кетишинг масаласини эса Наташахон ҳал қилади.

— Қишлоғингнинг бўй йигитларидан бирининг боши боғланаркан-да.

Машина салоида енгил кулги кўтарилди.

— Болалар, — деди Оксана кўзи чақнаб, — биласизларми, меҳмонхонада уззукун ётгим келмаяпти. Бирон жойга борайлик, илтимос. Сўз бераман. Ортиқ майда-чўйдалар ҳақида оғиз очмайман ва бировнинг асабини бузмайман... Шошманглар. Биламан, бир-бирларингни соғингансанлар, аммо мени ҳам ўйланглар. Маза қилиб дам олайлик.

— Келишдик, — дедим мен, — албатта, кўнглингга қараймиз. Аммо бирдан эмас. Тўғриси, йўл чарчатди.

Меҳмонхонанинг шундоққина биқинида озиқ-овқат дўкони бор экан. Кирдим-у, нақ саккиз шиша пиво сотиб олдим. Кейин меҳмонхонага кирдим. Бизга учинчи қаватдан жой банд қилинган экан. Шинамгина хонага кирдим-у, икки кишилик юмшоқ ўринга ўзимни ташладим. Танам яйради. Керишиб олдим-да, Наташадан пиво олиб беришини илтимос қилдим...

У чўмилишга кириб кетди. Дарров ухлаб қолдим. Буни қарангки, ухлаш аввалида тез-тез бориб юрганим — қадим замонга қайта тушгим келди. У ерда Рабаб бор. Биз ўша замонда энг биринчи оила бўлдик. Сўнг бошқаларни ҳам жуфт-жуфт бўлиб яшашга даъват этишимиз лозим эди. Албатта, бу нарса ҳозирги замонда жуда кулгили туйилади. Чунки ҳамма, ҳеч курса, бир марта иккинчи ярмини топиб, у билан битта ёстиққа бош қўяди... Шошма, дастлабки оила вужудга келишидан аввал жинсдош-жинсдош жуфтлиги ёки ўзаро мойилликлари йўқ эди. Мен ҳеч қачон учратмаганман. Аммо ҳозирги замонда эса... Савил, анавилар яна хотирамни ялаб ўтишди... Бўлди, бу ҳақда ортиқ ўйламайман. Рабаб

ажойиб қиз. Юз-кузида, лабида бўёқ йўқ. Сочлари қуёшда товланади. Юракни қитиқлайди. Уни соғиниб қолганга ўхшайман...

Қулоғим остида айтилган гаплар мени уйғотишга мажбур этди. Назаримда, эндигина ухлагандай эдим. Кўзимни зўрға йириб очдим. Мен ётган каравотнинг оёқ томонида Оксана, бош тарафида эса Наташа ўтирар, улар ниманингдир маслаҳатини қилишарди.

— Нариги хонада телевизор, юмшоқ диван бор. Икки киши бемалол ухлаётган одамга халақит бермасдан, эзмаланиши мумкин, — дедим ва кўзимни юмдим.

— Жиннивой, — деди Наташа ва пешонамдан ўпиб қўйди.

— Биз сени уйғотмоқчи эмасдик. Лекин хотининг ёнингда ўтиришимизни илтимос қилди, — дея Оксана қимирлаб каравотни гичирлатди.

— Жоним, шундоғам қўп ухладинг. Соат саккиздан ошди. Шаҳар айланиб, кечки овқатни еб қайтиб келамиз, — деди Наташа. — Йўқса, Оксана хафа бўлиб қолади.

— Аёллар асли шунақа. Битта жойда сираям ўтиришолмайди. Албатта, қаергадир бориши, нимадир қилиши зарур. Бўлмаса, ёрилиб кетади, — дедим норози оҳангда.

— Наташа, ҳақиқатан ҳам, халақит бермайлик... Дарвоқе, дўконларни айланиб келсак-чи? — деди Оксана.

— Яхши фикр, фақат узоқлаб кетманглар, — дея унинг гапини маъқулладим.

Сўнг Наташага юзландим. Унинг чехрасидан, боқишидан ҳеч қаёққа боргиси келмаётгани кўриниб турарди. Лекин энди-энди дугона бўла бошлаган қизнинг раъйини қайтаргиси келмади.

Пардоз-андозга, бўянишга қарийб ярим соат вақт кетди. Шундан кейингина улар хонадан чиқиб кетишди.

Мен ухламоқчи эдим. Лекин бўлмади. Қизларнинг суҳбати уйқумни ўчирганди. Шу боис ўрнимдан туриб, аввал ювинишга, сўнг бир шиша пивони қўлимга олиб, телевизор қаршисига ўтиришга мажбур бўлдим. Футбол кўрдим. Эҳҳе, ёшлигимда футбол деса, ўзимни томдан ташлардим. Ҳамма кўзга кўринган клублар, уларнинг ўйинчиларини ёддан билар. қайси футболчи нима каромат кўрсатиши мумкинлигини олдиндан айтиб бера олардим. Ҳозир эса кўрмаганимга анча бўлиб кетди. Соғинган эканман, «Бавария-Шалке-04» ўйинини киприк қоқмай томоша қилдим. Тугагач, бошқа каналларга алмаштириб, кўрадиган бирон нима ахтардим. Аммо ҳеч вақо

йўқ экан. Зерикканимдан телевизорни ўчириб, айвонга чиқдим.

Оқшом тушган, лекин шаҳар ёп-ёруғ. Кўчаларда одамлар унақа кўп эмас. Ҳатто машиналар ҳам кундуз кунга қараганда анча камайган. Россияда бунақа маҳал одамлар қайнайди. Кучалар тўлади, шовқиндан эса қулогинг битади.

Анави иккови қаерга кетди? Икки соатдан ошди-я. Юрагим сиқилди. Дарров хонага кириб, кийимларимни алмаштирдим-да, кўчага чиқдим. Тўғрига, икки ёнга йўл кетган. Ана, танлайверинг қаёққа боришни. Бир муддат ўйланиб тургач, ўнг тарафга юрдим. Қарийб юз қадамча босгач, дўконга, айнан кийим-кечак дўконига дуч келдим. Лекин у ёпиқ эди. Шундан сўнг озиқ-овқат ва бошқа савдо уйлари ёнидан ўтдим. Ҳаммаси бирдек ёпиқ. Таажжуб, ҳаммасининг эшиги маҳкамланган бўлса, икки саёқ қаерга йўл олди? Асабим бузилиб, жаҳлим чиқди. Оксанани ёмон кўриб кетдим. Айни чоғда ўйламай-нетмай рухсат берганим учун ўзимни ҳам айбладим.

Бироздан сўнг ортга қайтдим. Меҳмонхона ҳовлисидан ўтиб, иккинчи тарафга юрдим. Бу ёқ ҳам худди нариги томондаги каби одамлари сийрак, дўконлари ёпиқ эди. «Наҳотки тунги клубга кетишган бўлса?» деган ўй яшин тезлигида ҳаёлимдан ўтди. Безовталандим. «Яна озгина юрай, кейин қайтаман... Балки улар мен нариги томонга кетганимда, меҳмонхонага қайтиб келишгандир» деб ўйладим. Назаримда, айнан шундай эди. Шунинг учун қадамимни тезлаштирдим. Икки дақиқа юрар-юрмас, қулогимга мусиқа товуши эшитилди. Шу заҳоти юрагим гупиллаб уриб кетди.

Мусиқа ертўлага ўхшаш бир жойдан таралаётган экан. Киравериш соябон каби усти ёпилган, пешонасига немис ҳарфларида алланималар деб ёзилганди. Бир муддат кирсамми, кирмасамми, дея иккиланиб қолдим. «Ичкарида Наташа бўлиши мумкин» деган ўй келди ҳаёлимга ва зиналардан пастга тушиб, қорамтир эшикни итардим. У қия очилиши билан қулогимга шовқин-сурон урилди-ю, ичкарига дадил, бемалол кириб бордим.

Илгари бир неча марта дискотекаларга, тунги клубларга борганман. Албатта, хизмат юзасидан. Александр Абрамовичнинг холасими, аммасими, ишқилиб, қандайдир қариндошининг қизини кўриқлаб борганман. У менинг кузатиб юрганимни сезмаган ҳам. Хуллас, у ердаги об-ҳаво бутунлай бошқа эди. Худди маст ҳайвонлар тўдасининг сакрашига ўхшарди.

Бу ерда тартиб борга ўхшайди. Ўртада ўйин, рақс учун жой, атроф стол-стуллар. Ўн-ўн беш чоғли йигит-қиз бир-бирини қучиб рақсга тушаяпти. Ўтирганларнинг қўпчилиги пивоҳўрлик билан машғул, айримлари ишгаҳа билан тамадди қиляпти. Яна... Яна шунчаки гаплашиб ўтирганлар ҳам бор. “Гаплашаяпти” дейиш бироз ноўриндай. Чунки мусиқа шунақанги баландки, биров бировнинг гапини эшитиши амри маҳол.

Нигоҳим билан ўзимга тегишли бўлганларни қидирдим. Дарров кўзим тушмаганлиги боис хурсанд эдим. Бекор кирдим, улар аллақачон меҳмонхонада. Мени кутишаяпти, деган хаёлга бордим ҳатто. Бироқ энг тўрдаги столда бир-бирига юзма-юз ўтирган дугоналарни кўриб қолдим. Оксананинг ёнида серсоқол бегона эркак ўтирарди. У қизнинг елкасига деярли бошини қўйиб олган, қулоғига бир нималарни тинимсиз сўзлар эди. Ўз-ўзидан қўлим мушт бўлиб тугилди. Ҳазаб отини эгарладим ва илдам юра бошлаган эдим ҳамки, оғир мусиқа тутаб, жаз бошланиб қолди. Ўтирганлар бараварига ўринларидан туриб, шу заҳоти сакрашга тушиб кетишди.

Ҳали бу ерда тартиб бордай дегандим. Аммо нотўғри хулосага келган эканман. Шошилибман. Ишонсангиз, шунақанги тўполон бошланиб кетдики, ит эгасини танимай қолди. Яна шундай ҳолатлар ҳам бор эдики, бири иккинчисини тепиб қолар, бироқ бунга орқаси силанган ҳатто эътибор ҳам бермас, ўз навбатида жиннига айланаёзган бошқа бир раққосни миниб оларди. Сўнг орқасига сакраб, ҳавода яримта сальто қилиб гурсиллаб ерга тушарди. Яхшики, аввал оёғи тушгани, йўқса, аниқ пешонасини иккига бўлиб оларди. Яна эмаклаб, одамга хос бўлмаган ҳаракат қилаётганларини ҳам кўрдим. Дарвоқе, жазчи йигитларнинг сочлари хўрознинг тожига ўхшайди-ю, аммо ранги ўн хилдан зиёд десам, озгина муболага бўлади. Қизларнинг йигитлардан сира фарқи йўқ. Хуллас, аввал кўрмаган одамнинг бу манзарага кўзи тушса борми, жинни бўлиб қолиши аниқ.

Бир муддат тўхтаб томоша қилганимдаёқ бошим ғовлаб кетди. Рақс тушаётганларни четлаб, мўлжалга олинган стол ёнига бордим. Аввал мени Наташа кўрди. Кўрди-ю, сапчиб ўрнидан туриб, бўйнимдан қучоқлади.

— Пишириб қўйибдим бу ерда?! — дея бақирдим унга.

Аммо у эшитмади. Мусиқа, шовқин овозимни кўмиб ташлади. Наташа ҳам алланималар дегандай бўлди. Табиийки, мен ҳам эшитмадим. Бу пайтда бегона нусха Оксананинг

устига бор оғирлигини ташлаб олганди. Қиз мени кўрмаётган, унинг боши эгик эди. Тинимсиз сайраётган сариқ соқолнинг гапларига қулоқ солиб ўтирганга ўхшарди. Столни муштладим. Устидаги шиша стаканлар сакради. Пиво идиши ағдаритиб кетди. Шундан сўнггина Оксана бошини кўтарди. Кўзимга балонинг семиз калтагидай кўринган сариқ сочли совуқ башира ҳам бироз қаддини ростлаб, менга қаради. Оксананинг юзида табассум пайдо бўлди. У қули билан ишора қилиб, ўтиришимни сўради.

— Тур! — дея бақирдим.

Оксананинг ўрнига бурнини жийириб қўйган сариқ соқол ўрнидан турди. Унинг бўйи меникидан узун бўлиши билан бирга гавдаси ҳам қарийб икки барабар катта эди. Бундай олиб қараганда, қаршисида ёш бола бўлиб қолдим. Барзанги шошилмасдан кетмондай қулини елкамга ташлади. Сўнг худди осилиб турган бокс қопини ургандай ўнг қулини ҳаракатга келтирди. Эҳтимол, кимлигимни билмаганда, бундай номаъқулчилигини четлаб ўтган бўлармиди боёқиш...

Иягининг тагидан теккан мушт калтасини орқасига чайқатиб юборди. Йиқилмаган бўлса-да, барзангининг кўзлари олайиб кетди. Бир муддат шу тахлит тургач, оёқлари семиз гавдасини ортиқ кўтаришга мадори етмай, тиззаси букилди ва полга тиз чўкиб қолди. Шунда ҳам йиқилмади. Бошини кўтариб, менга қаради. Ана шундан кейингина мувозанатини йўқотди. Аммо шуюм ярамаснинг фойдасига ишлади. У менинг тиззаларимдан кучоқлаганча қотди. Икки-уч марта ағдариб ташлашга уриндим. Лекин ярамас, қани энди, оёқларимни қўйиб юборса. Худди елимдай ёпишганди.

Наташага Оксанани кўрсатиб:

— Олиб кет! — дедим ва унга ҳам қўлим билан ишора қилиб тушунтирдим.

У «хўп» дегандек бошини қимирлатди ва Оксананинг ёнига борди-да, икки қўлтиғидан ушлаб кўтара бошлади. Мен семиз гавдадан ажралиб кетиш учун яна икки-уч марта уриниб кўрдим. Аммо фойдаси бўлмади. Шундан сўнг тиззаларимни ишга солдим. У орқасига қулади. Сал енгил тортиб, дугонасининг белидан кучоқлаганча ташқарига кетаётган Наташага ёрдамга шошилдим. Унга етишимга бор-йўғи бир одим қолганди. Кутилмаганда рўпарамда енглари шимарилган, гавдалари бояги нусхадан қолишмайдиган иккита тақирбош пайдо бўлди. Улар қўлларини олдинга чўзиб, «тўхта» ишорасини қилишди. Аммо мен бу ерда қолиб, кимларгадир ҳисоб бериб, ташвишларга кўмилиш ниятим йўқ эди. Шу

боис калламни қимирлатиб, «йўқ» дедим. Улар менинг нима деганимни сўзсиз тушунди ва барабарига устимга ташланишди. Шундай бўлишини олдиндан билганим боис чорасини кўриб қўйгандим. Бирининг қўлидан тортиб, иккинчисининг йўлини тўсдим. Бечора хом семиз экан, мувозанатини сақлаёлмай, ошнасининг оёқлари остига йиқилиб тушди. Иккинчиси унга суринди ва мен оёғимни ҳавога кўтаришдан ўзимни тўхтатолмадим. Ана шундан сўнг ҳақиқий тўс-тўполон бошланди. Назаримда, рақсхонада эркак зоти борки, барчаси менга ташланиб қолгандай эди. Бир зумда ҳаммаёқнинг тўс-тўполони чиқиб кетди. Икки-учтасини муштимнинг мазасини татишига кўмаклашиб юбордим. Кейин четга ўтиб қарасам, мен умуман четда қолиб кетибман. Замоनावий илғор одамлар худди эски Америка фильмларидаги каби бир-бирининг жағини пойлаш билан овора. Камига яйрагани келган қизлар ҳам улушларини олишаяпти.

Муштдан, тепкидан амаллаб қочиб, эшик ёнигача бориб олдим-да, ўзимни ташқарига урдим. Зиналардан икки ҳатлашда тепага чиқдим ва Оксанани кучоқлаган Наташага дуч келдим.

— Менга бер уни, ўзинг тезроқ юр! — дея бақирдим.

— Шўрим курсин. Энди булардан қочиб қутулмаймиз, — дея йиғлаб юборди Наташа.

Бирдан унга қарадим: пешонаси тиришган, сочлари тўзғиган, юзида бир дунё афсус-надомат бор эди. Наташани уришмоқчи эдим. «Ярим кечаси тунги клубда пишириб қўйганмиди?! Ким қаёққа етакласа, кетаверасанми?! Ўзингнинг калланг қаерда?!» дея бақирмоқчи бўлдим. Лекин унинг афт-ангорини кўриб, шаштимдан қайтдим.

— Изига тушиб кетади, — дея кўнглини кўтардим.

Аммо бу ишқални қандай тўғрилаш мумкинлигини айти дақиқада ўзим ҳам билмасдим. Миям тормозланиб қолгандай эди. Меҳмонхона жуда яқин. Оксанани бу аҳволда у ерга киритиб бўлмайди. Киритишнинг имкони бўлган тақдирда ҳам хавфли. Бошқа юртдан эканлигимиз шундоққина кўриниб турибди. Ишқалли жойдан бизнинг ким эканлигимизни аниқлаган полиция тўғри меҳмонхонага келади. У ёғи... Нима қилиш керак?

— Мен тонггача кайфу сафо қилишим керак, — деди Оксана елкамга осилиб олиб.

Унинг тили базўр айланарди.

— Ҳа-а, кайфу сафо қиласан, фақат турмахонада! — дедим жаҳл билан.

— Амир, наҳотки бизни қамаб қуйишади?! — деди тирсагимдан ушлаган Наташа.

— Унча-мунча жанжал бўлгани йўқ. Аммо... Майли, кўрамиз, — дедим-у, икки қадам юриб, тўхтадим.

— Ҳозир меҳмонхонага кираман-да, ҳамма лаш-лушларни олиб чиқаман. Унгача сен шу ерда Оксана билан тура тур. Имкони бўлса, машинани тўхтат. Бирон жойни ўйлаб топ, — дедим Наташага.

Унинг кўзлари саросимали боқарди. У менинг боши берк кўчага кириб қолганимни сезган ва қўрқа бошлаганди. «Изига тушади», дедим кейин чора топамиз, дегандай гап қилиб. Ана шуниси ишончсиз чиқди. У умидсизликдан қайғуга бота бошлаганди. Баъзида одамнинг боқишидан, юзидан унинг ичидагиларини билиш ёмон-да.

— Бундан-да оғир вазиятдан чиқиб кетганмиз, гўзалим, бунисиниям оддий ҳол деб қабул қиламиз-да, орқамизда қолдирамиз, — дея унинг елкасидан қучиб, юзидан ўпиб қўйдим.

Меҳмонхонага югуриб бордим. Эшик оғасига тилни билмаганим боис иржайдим ва лифт ёнига бориб, тугмачани босдим. Юкимиз кўп эмасди. Бор-йўғи икки сумка чиқди. Лекин Оксана анча-мунча нарса сотиб олишга улгурган экан. Кийимларини жомадонига жойлаштиргунимча талайгина вақт кетди.

Негадир лифтда тушгим келмади. Ҳамма юкни елкамга илиб, зинадан пастлай бошладим.

Охирги қаватга етишимга озгина қолганида, безовта овоз эшитилди. Тўхтаб, қулоқ солдим. Ҳеч балони тушунмадим. Аммо кимдир югурганини илғадим. У лифт тугмачасини босган эди.

Эшик очилди. Худди шу маҳал мен югурдим. Мени кўрган эшик оғаси безовталанди. Унинг кўзи олайиб кетганди. «Бунча хунук бўлмаса булар?» дея кўнглимдан ўтказиб, чўнтагимдан калитни олдим-да, унга томон отдим. Бечора шуниям илиб ололмай, ҳовлиққанча тушириб юборди. Мен эса ўзимни эшикка урдим. Ташқарига чиқишим билан кўзим полиция машинасига тушди. «Савил... Бунча тез ишлашади?» дея кўнглимдан ўтказиб, қадамимни тезлаштирдим. Рўпарамда машина чироғи чарақлади ва шитоб билан яқинлашиб кела бошлади. «Наташа такси ушлаган. Бахтига, тушунадиган ҳайдовчи учраган» деган ўй келди дастлаб. Кейин дарров бу ўй ўрнини хавотир эгаллади.

— Тезроқ ўтир! — деди Наташа машина ёнимда тўхташи билан.

Машинага ўтирдим-у, ҳайрон қолдим. Чунки ҳайдовчининг ёнида Оксана мутлақо ичмагандай ҳушёр ўтирарди.

Гилдираклари чийиллаб, улов олдинга сапчиди.

— Тушунмадим... — дедим Наташага қараб.

— Менга ҳам ҳозиргина айтишди, — дея қўлимни ушлади у.

— Нимани айтади? Нима бўлаяпти ўзи? Боягина оёққа туролмайдиган...

— Ҳа, шундай эди, — деди ҳайдовчи соф рус тилида.

— Мени кечир, — дея ортига ўтирилиб қаради Оксана.

— Тузоқми?! — дедим жаҳл билан.

— Асло. Дўстларингизнинг ҳиммати, — деди ҳайдовчи.

— Қанақа дўстлар? Қанақа ҳиммат?! — дея бақариб юбордим.

— Оддий. Сизнинг бошингизга ташвиш тушди. Яна бегона юрда, бегоналар орасида. Биров бировга раҳм қилмайдиган ва бир қолига мослашганлар орасида. Шу пайт мен ёрдамга келдим. Тамом-вассалом.

— Йўқ, тамоммас, атайин ташкил қилиб, кейин ҳожатбарорга айланиб олмоқчимисиз?

— Қойил... Лекин ўзга илож йўқ эди. Ниятимиз ёмон эмас. Сизни кутишаяпти.

— Ким?

— Борганда кўрасиз.

— Йўриқларингга юрғизмоқчи бўлсанглар, адашасизлар. Мен бошқаларга ўхшаб дарров сотиладиганлар хилидан эмасман.

«Оксана», демоқчи эдим, аммо тилим бормади. Аёл билан тенг бўлишни тасаввуримга ҳам сиғдирилмасдим. Бироқ Наташага нима бўлди? Ахир у менинг хотиним. Бу ерга мен билан бирга келди... Наҳотки шунча қисқа фурсат ичида айланишга улгурган бўлса?..

— Биладан. Келинг, яхшиси, офисда гаплашамиз. Ҳозир эса зудлик билан кўздан ғойиб бўлишимиз керак. Ҳар қалай, бу ердаги полиция қандай ишлашидан хабарингиз бўлса керак? — деди ҳайдовчи кўзгу орқали қараб қўйиб.

Жавоб бермадим. Ўзимни орқага ташладим. Шундагина Наташа ҳали-ҳамон билагимни ушлаб ўтирганини илғадим ва жаҳл билан қўлимни тортиб олдим.

Йигирма дақиқадан зиёдроқ юрдик. Шаҳар тутади. Ўрмон бошланди. Ҳайдовчи тезликни янада оширди. Менинг ҳамма

нарсадан кўнглим совиб кетганди. Юртимга, қишлоғимга кетгим келаётганди. Назаримда, фақат шу ёқдагина эмин-эркин яшай оладигандайман.

— Сигарет чекасизми? — дея жимликни бузди ҳайдовчи.

— Йўқ. Ҳали узоқ юрамизми? — дедим деразага бошимни кўйиб.

Ойнанинг муздайлиги ёқди.

— Келиб қолдик ҳисоб. Узоғи билан беш дақиқа. — жавоб берди ҳайдовчи.

— Чексам майлими? — деди Оксана.

— Тутун ҳидини ёмон кўраман. Ўлиб қолаётган бўлсанг ҳам, чида! — дедим жаҳл қилиб.

Оксана миқ этмай қолди.

Дарҳақиқат, орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, манзилга етдик. Ўрмон ичкарисидаги дала ҳовли... Миср эҳромини эслатувчи уй. Машинадан тушдим-у, серрайганча туравердим. Мени қучмоқчи бўлган Наташани эса силтаб ташладим.

Ичкаридан икки киши чиқди. Бири новча, мўйлабли, иккинчиси тўладан келган, тақирбош эди. Чироқ ёруғида уларнинг ким эканлигини дарров илғамаган эсам-да, кўзимга жуда таниш кўринди.

— Биродар, кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб кетди, — дея иржайганча қўлини мен томонга чўзди новча.

— Кўришганимизни эслолмаяпман, — дедим ва у билан қўл олишдим.

Кейин иккинчиси билан саломлашдим.

— Амир, келишингни интизорлик билан кутгандик, — деди новча.

— Аввал танишайлик, — дедим уларга бир-бир кўз ташлаб қўярганман.

— Дарвоқе, мен Сашаман, кал дўстимнинг исми Миша. Сенинг исмингни, умуман, кимлигингни яхши биламиз. Қани, ичкарига кирайлик. Дам олиб, бемалол гаплашамиз, — деди новча йўл бошлаб.

Эҳромсифат уй ташқаридан хийла кичик кўрингани билан ичи кенг экан. Яна иккинчи қавати ҳам бор. Кираверишдаги хонанинг ўртасига айлана стол қўйилган ва унинг усти ичкилик, егуликлар билан тўлдирилган. Гирдида олтига стул бор. Ҳаммаси юмшоқ. Кирганимизда иккита олифта қиз ўтирган эди. Сашанинг ишораси билан ўринларидан туриб, юқори қаватга чиқиб кетишди.

— Азизлар, — деди Саша стол атрофини тўлдириб ўтирганимиздан сўнг, — биз режалаштирган, бошлаб қўйган иш, албатта, катта натижа беради. Ҳозир бизнинг меҳмонимиз ва, ўйлайманки, бир неча фурсатдан сўнг ҳамфикримизга, шеригимизга айланадиган Амирни соғ-саломат кўрганимдан бағоят хурсандман. Шунинг учун бошқа нарсалар тўғрисида гаплашишдан аввал ўзимизнинг ҳақиқий қирқ беш градусли тоза ароғимиздан бир қадаҳдан ичинини таклиф қиламан.

У нутқ ирод этиб бўлгач, қарсак чалди. Ноилож бошқалар ҳам, шунингдек, мен ҳам қарсакка қўшилдим.

Қадаҳлар бир-бирига урилиб жаранглади. Ёнимда ўтирган Наташа ичмади. Ҳатто лабини ҳам теккизмади. Олдига қўйиб қўйди. Оксана эса эркаклардан олдин идишни бўшатди.

— Ҳамма нарса учун раҳмат, — дедим мен ароқдан сўнг газак ҳам қилмай. — Лекин томошанинг нима кераги бор эди?

— Бунинг учун минг бора узр, — деди оғзига узум солган Саша. — Бошқача йўл билан сизни учрашувга таклиф қилишнинг имкони йўқ эди. Шунингдек, сенга куч ҳам ишлатолмаймиз. Чунки кимлигингни биламиз-да. Чорасиз қолганингда эса гаплашиш бошқача. Ҳа, пулни қўлга киритишингда ҳам ёрдамимиз бор, албатта. Бу ишни Оксананинг ёлғиз ўзи эплаёлмаган бўларди. Дарвоқе, дилхираликда унинг заррача ҳам айби йўқ. У буйруқни мажбурликдан бажарди. Аммо Семён Эдуардовични чув туширганингдан хабар топгач, сенга тан бердик ва ҳамкорлик қилишга қарор қилдик.

— Мени таниркансанлар, ишларимни кузатиб юрган экансанлар, аммо мен сенларни мутлақо танимайман. Ишонаверинглар, — дедим.

— Петербурглик Гена Шовковскийни танимайман, десанг, адашасан, — дея кўзимга тикилди Саша.

— Уч йил аввал уйда хотини билан бирга ўлдириб кетилган милиционер, — дедим пинак бузмай.

— Тўппа-тўғри. Мен унинг ёрдамчиси эдим. Шеригим фирмаларидан бирининг директори... — деб у шошилмасдан гўшт чайнаётган Мишани бармоғи билан кўрсатди. — Шеф ўлгач, бизга қанақанги ҳужум уюштирилганини ҳам билсанг керак?..

У сўзлашдан тўхтаб, қадаҳларни яна ароққа тўлдирди. Наташанинг ичмаганини кўриб, норози бўлганча қараб қўйди.

— Йўқ, бунисидан беҳабарман, — жавоб бердим мен.

— Балки. Лекин ўша ҳужумнинг бошида Александр Абрамович турган. Қани, олдик, — дея у қадаҳини кўтарди.

Бу сафар жаранг-журунг эшитилмади. Саша газак қилмасдан рюмкани пешонасига тиради. Шу тахлит бир неча дақиқа турди. Сўнг қадаҳни стол устига қўйиб, «Гавана» сигаретини тутатди. Менинг қорним оч қолганди. Шу боис унинг сўзлашини кутмасдан қовурилган жўжани ликопчам устига қўйиб, бўлакларга бўлдим.

— Шеф менга отадай бўлиб қолганди, — деди, ниҳоят, Саша. — Иблислар, ҳеч айбсиз ўлдиришди. Мол-мулкини талашди. Биз зўрға қочиб қутулдик.

— Тушунарли, демак, Александр Абрамовичда қасдинг бор. Уни менинг қўлим билан йўқ қилмоқчисан.

Саша менга ўқрайиб қараб, қўлидаги қадаҳини яна шайтон сувига тўлдирди. Ичди. Кейин кутилмаганда рюмкани деворга уриб чил-чил синдирди. Шу заҳоти уйнинг сўл томонидаги эшик очилиб, бирин-кетин олгита барзанги кириб келди.

— Жойида! — деди Саша уларга ўшқариб.

Барзангилар яна инларига кириб кетишди.

— Мен ҳеч қачон бировнинг қўли билан иш қилмаганман! — деди у лаблари пириллаганча ўшқариб. — Мабодо айтган гапингни тагин такрорласанг, кечирмайман.

Шу пайт Наташа тирсагимдан ушлади. Чунки шундоқ ҳам жойида бўлмаган асабим қуюшқондан чиқишга тайёргарлик кўраётганди.

— Мумкин бўлса, менга каттароқ идишга ароқ қуйиб берсангиз, — дедим кесатиш, нафрат, ғазаб билан.

Саша эса илжайди. Шишанинг ярим сиғими кетадиган стаканга ароқ қуйди.

— Бизда битта одат бор. Белида белбоғи бўлган одам стаканни ушламасдан ичидагисини ичиб юборади. Яъни мана бундай қилиб... — дея энгашдим-у, идишни тишлаб кўтардим.

Шу тариқа ичдим. Тишларим ораси очиқмасми, суюқлик бемалол ўтиб кетаверди. Шунинг билан бирга кайфим ҳам оша бошлади. «Шу ишни бекор қилдимов», дея ўйладим ҳатто. Мумкин қадар тезроқ ичиб тугатишга ҳаракат қилдим. Ниҳоят, аччиқ суюқлик тугади. Идишни тишим билан четга улоқтирдим. У полга тушиб, чил-чил синди.

Шу заҳоти Наташа тузланган бодринг тутқазди. Уни карс-курс чайнарганман:

— Қалай? — дедим иржайиб.

— Қойил. Сенга тан бермасдан илож йўқ. Бопладинг. Қадаҳ синганда барзангилар югуриб келишганди. Сеникида сулув қиз газак узатди. «Сенинг ишкалинг ортида яна ишқал, меникида эса силлиқлик, гузаллик бор», демоқчисан. Яна сен катта ишларни ҳам ҳамирдан қил суғургандай осонлик билан уддалайсан...

— Фалсафа сўқишнинг кераги йўқ, — дедим унинг гапини бўлиб. — Ҳеч қанақанги катта, майда иш йўқ. Мени бу ерга олиб келишдан мақсад нима? Шуни билмоқчиман, холос.

— Неча йил Александр Абрамовичнинг хизматида бўлдинг? — сўради шу пайтгача миқ этмай, ҳеч нимага аралашмай ўтирган Миша.

— Ҳисобламаганман. Лекин озмас, — жавоб бердим унга.

— Аммо ҳеч нарсасиз чиқдинг. Сенга таклифимиз — ҳамкорлик қилиш. Унинг Германияда саккизта фирмаси бор. Албатта, шулардан учтаси нефть билан, иккитаси Жанубий Африка Республикасидан келтириладиган олмос, оқ рангли олтинга ишлов бериш ва сотиш билан, қолганлари шунчаки майда-чуйдалар савдоси билан шуғулланади. Бизнинг бош вазифамиз уларнинг айнаи шу фирмаларини синдиришдан иборат.

Мен кулдим ва ликопчадаги помидорга қўл узатарканман:

— Иқтисодий майнавозчиликка тишим ўтмайди. Яна олди-берди масаласида Александр Абрамович ҳар қандай одамнинг олдига похол ташлаб қўяди, — дедим.

— У томони бизга таниш. Сен Голландияга ўтаётган қорадори йўлагини топиб берсанг бўлгани, қолгани ўз-ўзидан ҳал...

— Нега энди сизлар ўша йўл айнан мана шу давлатдан ўтади, деб ўйлаяпсизлар?

Саша бир Оксанага, бир Наташага қаради. Сўнг Мишага юзланди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

— Бугунги маишатни сиёсатга айлантириб юбормайлик. Миша, қизларни чақир. Мусиқани қўйинглار, — деди Саша.

Менинг яхшигина кайфим ошганди. Аммо Саша билан Мишанинг бир-биридан шубҳали гаплари дарров сергаклантирди ва кўпроқ овқат еб сархушликни батамом кетказишга урина бошладим. Ҳозирги шароитда базм уюштираётганларнинг айрим гапларига рози бўлишга мажбурман. Чунки ёнимда Наташа бор. У жабрланиб қолиши ҳеч гап эмас. Оксана ҳам ўзи истамаган ҳолда тузоққа тушгани афт-ангоридан кўриниб турибди. Бечорагаям қийин. Не-не умидларда бу ерга келганди. Энди ҳамма воқеаларни жамлаб,

хулоса қиладиган бўлсак, ҳаёти қил устига чиқиб қолган. Демак, уни ҳам бу ердан олиб кетиш ва бирон жойга яширишга тўғри келади... Мамлакатнинг бошқалиги, тилни билмаслигим ҳам муаммо бўлиб турибди.

Қизлар юқори қаватдан тушиб келишди. Боя кўриниш берган барзангиларнинг иккитаси пайдо бўлди. Улар чиқиш эшигининг ёнида қаққайиб турарди.

Наташанинг юзи оқарган, нафас олиши ҳам тез эди. Белидан кучдим. Юзидан ўпган киши бўлиб:

— Юз грамм ичсанг, ҳаяжонинг босилади. Мен бемалол бунақанги жойлардан чиқиб кетоламан, ишон. — дея шивирлаб, жилмайдим.

— Хўп, — деди Наташа итоаткорлик билан.

Мен Оксанага юзландим. Унинг бармоқлари орасида сигарет тутаб ётар, қўллари қалтирарди. Нигоҳларимиз тўқнашди. У лабини тишлади.

— Хонимларни рақсга таклиф қиламиз! — дея Саша ўрнидан турди.

Бу пайтда шўх мусиқа янграй бошлаган, юқоридан тушганларнинг иккиси ҳам гоҳ қийқириб, гоҳ чапак чалиб, беллари-ю оёқларини қийшайтириб қилпанглашга тушиб кетганди. Саша уларга эътибор бермади. Оксананинг ёнига келиб, қўлидан ушлади. Худди шуни кутиб тургандай қиз ҳам дарров ўрнидан турди. Миша Наташанинг ёнига яқинлашаётганида, хотиним дарров қадаҳини қўлига олди-да:

— Ҳамма учун! — деди баланд овозда ва бир кўтаришда идишни бўшатди.

Миша унга бир нималар демоқчи бўлганида, Наташа мени кўрсатиб жилмайди.

— Афсуски, кеч қолдинг, — дедим Мишага вазият нозиклашишининг олдини олиш мақсадида. — Ҳозиргина хотинимга бирга рақсга тушмаганимизга анча бўлганини, бугунги шодиёна баҳонасида мириқиб ўйнашимизни айтандим.

Миша қўллари икки ёнига ёйди.

— Афсус, — дея қилпанглаётганлар ёнига кетди.

Кўзим Оксанани кучган Сашага тушди. У қиз шўрликни бағрига шунақанги қаттиқ тортдики, бечоранинг бели қийшайиб кетди. Саша Оксананинг қулоғига тинимсиз нимадир деяётганди.

«Вазият ўзгарди. Булар менга бошқа гап айтмоқчи эмас. Шунчаки йўқ қилишмоқчи... Балки Александр Абрамовичга тегишли жойлари бордир... Шошма, Семён Эдуардовичдай

одам индамай четга чиқиб қолаверадими? Ахир у озмунча мол-мулкидан айрилдими? Демак, буларни айнан у ёллаган. Осонгина бу ёққа олиб келишди. Энди битта туппончанинг иши қолди. Тайёргарлик кўриш керак... «Энг яхши ҳимоя — ҳужум», деганди кимдир. Ана шунга амал қилиш вақти келди» дея ҳаёлимдан ўтказдим. Киши билмас ҳаммага бир-бир назар ташладим. Шунда буралиб, айланиб, ётиб туриб, бир бало қилиқлар қилаётган қизларнинг семизроғи ҳозиргина Саша турган стулнинг остига қараб-қараб қўяётганига кўзим тушди. Анча-мунча нарса оидинлангандай бўлди.

— Ҳамма кулоқ солсин! — дея бақирдим ўрнимдан туриб. — Тўполончи қизлар, мусиқани ўчиришлар!

Атрофдагилар бирдан менга қарашди.

Саша билан Миша кўз уриштирди. Кал бошини билинар-билинимас ирғаб қўйди-да, айтганимни бажарди.

— Сизларга бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди! — дедим ўзимни шўх кўрсатишга уриниб.

— Нима экан ўша битта нарса? — сўради Саша.

— Соатга қара. Нақ учга яқинлашиб қолди. Демак, сана ўзгарганига уч соат бўлди. Нега қувонч билан гапираётганимни биласанларми?

Жавоб бўлмади.

— Бугун менинг туғилган куним! — дея ҳайқирдим ва қўлимни мушт қилганча юқорига кўтардим.

Ҳамма бараварига анграйди.

— Паспортингда бутунлай бошқа вақт кўрсатилган-ку, — деди Саша.

— Ҳақиқийсида эса бугунги сана кўрсатилган... Ҳаммани шампань виноси ичишга таклиф қиламан... — дедим ва Наташани туртиб қўйдим.

У ўрnidан турди. Мен стол ўртасидаги қорни семиз ичимликка қўлимни узатдим. Аммо Саша мендан олдин чакқонлик билан олиб қўйди.

— Амир! — деди у бақириб. — Ишонсанг, беш йилдан бери бу шампань виносини очмайман. Рухсат бер, бугун шу ишни қилай!

— Бажонидил, — дедим кулиб.

— Жиннивой, — дея қўлимдан тортиб ўзига қаратди Наташа. — Нега менга айтмадинг?

— Айтмадим?! — дедим ҳаммага эшиттириб. — Ўзим ҳозиргина эслаган бўлсам, қандай айтишим мумкин?

У бўйнимдан қучоқлаб олди ва шунча одам кўз ўнгида ўпишга тушиб кетди. Ҳаммаси табиий, асли шундай бўлиши керакдай эди.

— Амир, — деди Саша мен Наташанинг ҳужумидан қутулганимдан сўнг, — тўғриси, сен билан келишолмаймизми, деб ўйлаб қолгандим. Аммо мусиқа, шодлик ҳамма гумонларимни тарқатиб юборди. Яна сенга бир нарсанинг очигини айтишим керак. Ҳозиргина Оксана билан рақс тушаётганимда, Наташа сенинг қайлигинг эканлигини билиб олдим ва, тўғрисини айтаман, афсусландим. Наташадаги гўзаллик, табассумни бошқа ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Начора, у сенга насиб этган экан, омадингни берсин. Бахтли бўлинглар. Туғилган кунинг муборақ бўлсин! Ура!

Бошқалар ҳам унга қўшилиб «Ура» дея ҳайқаришди. Яна қадаҳлар жаранглади ва биринчи бўлиб Саша насибасини ичиб юборди-ю, жойига ўтирди. Шу заҳоти қўли стул остига кетди.

Киприк қоқишигача кузатув остида бўлган Сашанинг юзида қандайдир мамнунлик ифодаси бор эди. У, ҳойнаҳой, “Не-не муштумзўрлар эплай олмаган юмушни озгина тайёргарлик билан бошлаб ташладим” деган хаёлдадир. Бироқ менинг ҳар доимгидан-да ҳушёр ва тайёр турганимни билмасди. Бокални чап қўлимда ушлаб туришим бежиз эмасди. Чунки иккинчиси гўшг кесадиган пичоқча устида эди. Унинг нима қилганини билмадим-у, лекин қуролини олмагани аниқ. Сабаби, стул остига чўзилган қўли енгил ҳаракатланиб кўтарилди. Бундан чиқди, у ниятидан қайтди ёки режасини бироз ортга сурди. Назаримда, у байрамни ҳозирнинг ўзидаёқ фожиага айлантиргиси келмади. Балки кузатаётганимни сезгандир.

— Амир, кетайлик, — деди Наташа қулоғимга шивирлаб.

Унга жилмайдим. Бурнини енгилгина чимдиб, юзидан ўпиб қўйдим. Шундай қилишим шарт эди. Чунки мен бошқаларни кузатаётганимдай, улар ҳам мендан кўзларини узмаётганларини ич-ичимдан ҳис этиб турардим.

— Бир дақиқа! — дедим қўлимни кўтариб.

Мусикадан бошқа барча овоз ва ҳаракатлар тинди. Мишага қараб жилмайганча ишора билан магнитофоннинг овозини пасайтиришини илтимос қилдим. У бутунлай ўчириб қўя қолди.

— Ҳадемай тонг отади. Наташа келгуси йилнинг худди шу маҳалида менга ўғил фарзанд ато этишини ваъда берди!

Бирдан хона узра «У-у-у! Ву-у-у!» деган овозлар янгради. Саша «Горько!» дея қичқирган эди, дарров бошқалар ҳам

унинг талабига қушилишди. Фақат негадир Оксана маъюс тортиб қолди. Мен унга ортиқча эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, талабни бажаришга киришиб кетдим. Яна қадаҳлар жаранглади. Ичкиликбозлик давом этди. Эътибор қилсам, Сашанинг кўзи сузилаяпти. Ўзича тинимсиз рақсга тушмоқчи бўлган Мишанинг ҳам оёқлари майишиб кетаяпти. Аммо эшик ёнидаги барзангилар тез-тез алмашиб тургани боис уларнинг ҳар бири тик оёқда қилт этмасдан туришарди.

Агар Саша яна бир қадаҳ ароқ ичганида, бутунлай ағанаб қоларди. Лекин у бундай қилмади. Ёнига эшикбонлардан бирини чақириб, паст овозда нимадир деди ва биз билан хайрлашиб, юқори қаватга чиқиб кетди. Унга «Ламбада»га рақсга тушган қиз ҳамроҳ бўлди. Саша қорасини ўчириши билан Миша қулочини кенг ёзиб керишди. Сўнг эснади. Унинг охирги ҳаракати иржайиш бўлди.

— Ўчир! — деди иккинчи раққосага.

Қиз ҳам шуни кутиб тургандай, пилдираб бориб қулоқ-мияни қоматга келтирган магнитофонни тоқдан узиб қўйди. Ишонасизми, бирдан енгил тортдим. Худди елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

— Шеф дам олишга кириб кетди. Бу ёғига базму жамшидни биз давом эттирамиз, — дея ҳиринглаб кулган Миша ўзининг қадаҳига тўлдириб ароқ қўйиб ичди.

Худди оддий сув ичгандай башараси ўзгармади ҳам.

— Мен ташқарига чиқмоқчиман, — дедим унга.

— Ташқарига... Ҳа-а, шундай қилиш керак. Уйқу қочади. Аммо менинг тинкам, барибир, қуриган. Ташқарининг салқин ҳавоси ҳам уйқумни қочиролмайди. Йигитлар кўп. Улар сизларга ҳамроҳлик қилишади, — дея у Оксанага юзланди-да, қўлини бигиз қилиб: — сен мен билан қоласан, — деди.

— Йўқ! — деди Оксана кескин овозда. — Яхшиси, мен ҳам ухлайман. Фақат сенсиз. Алоҳида хона берасизлар.

— Ҳе-хе-хе, — дея кулди Миша, кейин бирдан кулгидан тўхтаб, афтини бужмайтирди: — Сенинг хоҳишинг узоқларда қолиб кетган. Алоҳида хона иккаламизга бўлади, ҳе-хе-хе... Иккаламизга... Ҳозир ичамиз...

«Ўл-а, қудуқ!.. Тўймаскансан-да. Шунча ичдинг, жонингга тегмадими?.. Менга нима, бу кунингдан баттар бўлмайсанми?» дея кўнглимдан ўтказдим.

Миша пишиб турган экан, бир қадаҳ ичди-ю, пешонасини столга қўйиб ухлаб қолди.

Ташқарига чиқмоқчи бўлиб Наташанинг қўлидан ушлаб ўрнимдан турдим. Эшик ёнига яқинлашдим. Йўлимни барзанги тўсди.

— Сизларни ҳеч қаерга чиқармаслик буюрилган, — деди у киприк қоқмай.

— Тушунмадим. Лекин, қара, биз бу ерда қандай ўтира-миз? — дедим бироз жаҳлим чиқиб.

— Еб-ичинглар. Бошқа ҳар қандай ҳаракат тақиқланади.

— Ухлаш...

— Ўтириб ухлаш мумкин.

— Меҳмонга шунақа муносабатми? Яхшимас. Аввалига тўкин дастурхон, мусиқа, рақс. Кейин ухлаш учун стол. Сира бир-бирига тўғри келмаяпти.

Барзанги миқ этмади. Фақат ёнидагисига қараб қўйди. У эса эшик ромидаги қизил тугмани босди. Саша рюмкани полга уриб чил-чил синдирганида ҳозир бўлганлар яна ҳовлиққанча кириб келишди. Уларнинг иккитаси уйқусираган, қолганлари сергак эди. Афтидан, улар олдинроқ ухлаб олган. Балки кеча кундузи. Йўқса, ҳозир гандираклаб турган бўлишарди. Ярамаслар, манқуртлар, ўз жонларига ичлари ачимайди. Аммо анави маишатбозларга борини беришади.

— Булар ташқарига чиқмоқчи. Рухсат йўқ, — деди барзанги эшикбон.

Унинг гапларини эшитганлар дарров бизни ўраб олишди.

— Тинчланинглар! — дедим иккала қўлимни ҳам юқорига кўтариб. — Бизнинг сираям ёмон ниятимиз йўқ. Фақат ташқарига чиқишни хоҳлаб турибмиз. Тонгдаги тоза ҳаво бошқача бўлади. Кейин хонимлар зарурат ишларини ҳам бажаришлари керак. Биз эркаклар бундай пайтда уларни тушунамиз...

Ҳали айтадиган гапларим кўп эди. Аммо эшик очилиб, аввал Оксана билан Наташани, сўнг мени осонликча тузоққа илинтирган ҳайдовчи кириб келди. Дарвоқе, у менинг хотирамдан кўтарилган экан. Кўриб, кўнглим равшанлашди. Чунки у манави турқи совуқ барзангиларга ўхшамайди. Гаплашадиган, гапта тушунадиган йигит.

— Яхши келдинг, — дедим унга жилмайиб боқарканман, — йўқса, шу ерда биқиниб ўтирардик.

Унинг қовоғи негадир очилмади. Без бўлиб тураверди.

«Оббо, буни ҳам худо урган экан-ку» дея кўнглимдан ўтказдим.

— Аёллар ўзлари чиқиб келишади, — деди у, ҳартугул, тилга кириб. — Фақат бу ерга пешинда қайтишади. Қўшни уйда ухлашларига изн берилган. Сен эса ҳеч қасрга бормаисан. Ҳожатхонани кўрсатишади.

— У ёқда ким бор? — сўрадим хавотирланиб.

— Ҳеч ким. Гапларим тушунарли бўлса, изингга қайт. Қизлар, олдимга тушинглар.

— Кечирасан. Булар борадиган уй узоқмасми? — дедим сохта табассум билан.

— Машинада беш дақиқалик йўл.

— Тушундим. Майли, кетаверинглар, — дедим-у, ортимга бурилиб, усти йиғиштирилмаган стол ёнига бордим.

«Аҳмоқ экан булар. Бошқа нарса эмас. Ҳеч вақт йиртқични (ҳар қалай, бошқалар назарида шундай эдим) бўш қўйиб бўладими? Айниқса, унинг жиғига тегиб, қўйиб юборса борми?.. Майли, бу ёғига ўзларингдан кўринглар» дея хаёлимдан ўтказганча шарбат ичдим. Ортимга ўгирилиб, саногни ошган эшик соқчиларига қўлимдаги идишни кўрсатдим-да:

— Томоқларингни хўллаб олинглар, — дедим.

Миқ этишмади. “Баттар бўлинглар”, дедим ичимда ва атайлабдан хўриллатиб шарбат симирдим. Сўнг стулни ўтириб, барзангиларга юзланиб ўтирдим-да, оёқларимни чалиштирдим.

— Очиғи, сизларга ачинаяпман. Бир вақтлар мен ҳам худди сизлар каби умримни ҳавога совурганман. Мана энди... ўша кунларимни эсласам, томиримдаги қон минг градус бўп кетади. Битта туллакнинг жонини сақлайман, деб ўзимникини гаровга қўйибман. Яна ит хотиржам бўлса бўлгандирки, мен ором топмаганман. Қаранглар, неча соатдан бери маишат қилиб ўтирибман. Қарийб олти соат, шундайми? Лекин сизлар қоққан қоziқдай турибсизлар. Хўжайинларинг кайфу сафо қилишаяпти, сенлар бўлса, тик оёқда турибсанлар. “Алмашиб-алмашиб турибмиз”, демоқчимисизлар? Алмашганинг билан дам олармидинг? Олиб бўпсан. Юз грамм ичиб кўр-чи, терингни шилиб олинади...

— Тилингга кўп эрк бераверма! — деди жаҳли чиқа бошлаган барзангилардан бири.

— Мен нима дедим? Шунчаки сизларга раҳмим келганидан гапираяпман, — дея ароқ шишасини қўлимга олиб, қадаҳни тўлдирдим.

Ўзиям шиша бўғзидан ўтаётган ароқ шунақанги қулқулладики, барзангиларнинг иккаласи ҳам ютиниб қўйди.

Бошқаларнинг ҳавасини келтиришни ароқ заводи мутахассис-менежеридан ўрганиб олгандим. Биласизми, у қадаҳни жуда эҳтиёткорлик, нозиклик, худди гулнинг дастасини ушлагандай ушлар ва юзида табассум билан гўё минг бир азобда, узоқ муддатли айрилиқдан сўнг ёрига етишган ошиқдай лабини чўзар ва кўзларини хиёл юмиб, қадаҳдан бўса оларди ҳамда кўзи чақнаб ароқ симирарди. Шунда кекирдаги билинар-билинемас қимирлаб қўярди. Шундан сўнг роҳат боғига кирган ошиқ бармоқ узунлигидай келадиган шўр бодрингни қарс этказиб тишларди-да, иштаҳа билан чайнади. Бундай ичишнинг сабабини сўрасам, у елкамга қоқиб:

— Тирикчилик, ошна, тирикчилик. Сен билагингни ишлатиб, соққа қиласан. Мен бўлса, санъатимни, — деганди ҳиринглаб.

Хуллас, бирон жойда, ҳеч бўлмаганда, мақтаниш учун керак бўлиб қолар, деган ўйда ўргандим. Мана, ҳозир худди шу нарса асқотиб турибди. Фақат ароқ ичмадим. Оғзимда ушлаб турдим-да, барзангиларга сездирмай тўкиб ташладим. Ортидан «Оҳ-оҳ!» деб қўйдим.

Эшикбонлар бир-бирларига қарашди.

— Юз-юз зиён қилмайди, — деди биттаси, — фақат навбатма-навбат.

Аввал улардан иккитаси шайтон сувидан ютди. Кейин яна биттаси... Шайтоннинг ишига қойил қолмасдан илож йўқ. Умринг дўзах ўтида куйиб-ёнгур барзангиларнинг ичини шунақанги қитиқлаб қўидики, бечоралар қайта-қайта столнинг ёнига келишга ва нафсларини қондиришга мажбур бўлди.

— Боя нима девдинг? — деди барзангилардан бири кайфи ошиб қолгач.

— Қачон? Боя... — дея илжайдим ўзимни гўлликка солиб.

— Дарров эсингдан чиқиб қолдими? Ҳозир эсингга соламиниз-да, — деди бошқа биттаси.

— Бўпти. Келишдик. Фақат яна битта-биттадан олайлик. Очиғини айтсам, мен ўзимга ўхшаганлар билан улфатчилик қилишни яхши кўраман.

Ландавурлар, маишатбозлар, сизларни алдаш бунчалик осон? Дарвоқе, алдашга мойил бўлмаганларингизда, Саша, Миша ҳамда уларнинг ўзига ўхшаган икки-учта гумашталарининг хизматини итдай қилмаган бўлардиларингиз. Аммо Сашагаям қойил қолмадим. Сендай аҳмоқлар билан Александр Абрамовичдай одамга қарши чиқмоқчи бўлаяптими ҳали? Тушини сувга айтсин.

— Сенларни ўзимга яқин олганимдан азобланаётганларингни эсларингга солиб қўйдим, — дедим барзангилар ҳаш-паш дегунча навбатдаги шишани бўшатганларидан кейин.

— Пул керак бизга. Жудаям кўп. Саша бой. Агар унинг айтганларини бажарсак, пулга кўмиб ташлайди, — деди новча барзанги лабига сигарет қистириб.

— Пул? — дедим уни масхара қилгандай киноя билан. — Сашада пул бор эканми? Мана, унда пул бор!

Кўриқчилар ажабтовур зорманданинг нусхасини кўрганларидан кейин ғалати бўлиб, бир-бирларига қарашди.

— Унда пул бўлганида, мени бу ёққа олиб келиб нима қиларди? Александр Абрамовичга кўз олайтириб нима қиларди? Кафангадо у. Дала ҳовлининг аҳволига бир қаранглар. Бойвачча ҳеч вақт шундай жойда ишрат қиладими?!

Кескин, жаҳл билан ўрнимдан туриб, ўқрайиб сўзлаётгандим. Бундан барзангилар саросималанган, таъсиримга тушиб қолган эдилар. Демак, ҳужумни янада кучайтиришим керак. Шундай қилдим ҳам. Айланиб ўтиб, бошини столга қўйганча хуррак отиб ухлаётган Мишанинг сочини ғижимладим.

— Мана, буларнинг аҳволи! — дедим-да, Мишанинг калласини кўтардим ва бақрайган барзангиларнинг кўз ўнгида икки марта ўхшатиб столга урдим.

Шундан кейин шефнинг ёрдамчиси хурилламай қўйди. Бурнидан, оғзидан қон оқди.

— Туринглар! — дедим эшикбонларга ўқрайиб.

Улар ҳайратдан қотиб қолишганди. Мен худди шуни олдиндан билганим учун биттасининг бошига туширдим. Бу унинг итоаткорлик даражасига келган-келмаганини билиш эди. Барзанги миқ этмади. Сўнг ўрнидан турди. Кейин бошқалар ҳам.

— Менда пул бор. Кўп. Ҳар қалай, бир йил маишат қилишларингга етади. Орқамдан юринглар! — дедим.

Кўриқчилар маст, эслари кирди-чиқди эди. Уларнинг назарида, мен бой, қўрқмас, зўр жангчи бўлиб кўринаётгандим.

— Бундан кейин манавинақанги исқирт жойни кўриқламайсизлар! Хизматларингни ҳақиқий шоҳона қасрда давом эттирасизлар. Ҳалол иш. Энди юринглар!

Биз кўриқчилар оромгоҳига кирдик. Тўрттаси қимир этмай ухлаётган экан.

— Оёқ-қўлларини боғлаймиз. Ҳозирча дамларини олишсин. Кейин буларга ҳам ҳаммасини тушунтирамиз, — дедим паст овозда барзангиларга.

Шотирлар истаб-истамай айтганимни қилишди. Кейин уларга ташқарига чиқишларини буюрдим. Ўзим эса юқори қаватга кўтарилдим. Сашанинг аҳволи, икки раққосанинг аҳволи гирт шармандали. Ўзгача таъриф бу ерда ортиқча. Беҳаёликнинг энг тубан шакли акс этган хонада узоқ турмадим. Сашанинг ухлаш муддатини чўзганимдан сўнг дарров пастга тушдим.

Тонг отди. Ҳаво муздай. Ер бағрига қўнган туман одам бўйидан баландроққа кўтарилиб қолганди. Ҳеч юмушинг, ташвишинг бўлмаса, шундай ҳавода ўрмон кезсанг... Афсуски, бунинг сира иложи йўқ. Эртароқ бориб Наташанинг ҳолидан хабар олишим керак. Кўнглим безовта. Ич-ичимдан ўзимни ёмон кўраяпман. Қандайдир ички куч: “Кетишга бекор рози бўлдинг. Олишсанг, кучинг етарди. Наҳотки қўрқоққа айланган бўлсанг?” дейди. Азобланаман. Тишларимни бир-бирига босиб, қадамимни тезлатаман.

Беш дақиқа ичида Наташа билан Оксана гўёки дам олиши керак бўлган уйга етиб бордик. Қадамимни секинлатдим, оёқ учида юрдим. Ортимдан келаётганларга ҳам худди мендай юришларини имо-ишора билан тушунтирдим. Қизил ёғочли эшик ёнига бориб, ичкарига қулоқ тутдим.

— Эринг ўмарган пулларни қаерга яширган? Охирги марта сендан сўраяпман?

Бу ўша ҳайдовчининг овози эди.

— Билмайман! Худо ҳақи!

Наташа азобланиб жавоб берди. Демак, ҳозиргача у калтакланган, азобланган.

— Эшикни оч! — дея шивирладим ортимга ўгирилиб, итоаттўйлардан бирига.

У бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди ва зулфакни тортди. Бошданоқ менга сирли туйилган ҳайдовчи уч йигит билан бостириб киришимни кутмаганди, албатта. Шу боис довдираб қолди. Ҳаттоки стол устида турган тўппончасини ҳам олишни унутди. Биров мени тепкилаб, калтаклаб қийнаса, ҳозиргидек жоним чиқар даражада ғазабланмасдим. Аммо Наташани Оксанага қўшиб стулга боғлаб, азоблашаётганига чидаб туrolмайман. Бундай пайтда ўзимни унутаман.

Битта тепкидан ағанаган ҳайдовчи яна икки марта оёқ зарбаси таъмини татиб кўрди. Кейин у билан шу хонада бўлган икки ёрдамчи ҳам бурунлари, жағлари синиб кетганидан жабр тортишди. Мен билан бирга келганларнинг бири хийла чаққон экан, айнан у собиқ қадрдонларини кўз очиб юмгунча ерга ағанатиб ташлади.

Наташа ўкириб йиғларди. Юзи шишиб кетган Оксана эса қўллари бўшатилиши билан полга йиқилди. Уни ўзига келтиришга, Наташани овутишга талай вақт кетди.

Ётоқ нариги уйдаги каби иккинчи қаватда экан. Қизлар ювиниб олгач, уларни шу ёққа олиб чиқиб ётқиздим. Оксана дарров ухлаб олди. Наташа эса анча вақт ўқиб-ўқиб йиғлади. Сўнг уйқу зўр келиб, у ҳам кўзларини юмганча пишиллаб нафас ола бошлади.

Ҳисоб-китоб қилиш навбати менга келганди. Шу боис секин пастга тушдим. Итоатимдаги йигитлар мени кўришлари билан ўринларидан туришди.

— Манавининг исми нима? — сўрадим улардан қимир этмай ётган ҳайдовчини кўрсатиб.

— Дмитрий, — деди йигитлардан бири.

— Сув сепинглар Дмитрийнинг устига, — дедим гижиниб.

Йигитлар дарров айтганимни бажаришди.

— Уйғонадиган вақт бўлди, — дея секин стулга ўтирдим юзтубан полда ётган ҳайдовчи бошини кўтаргач.

У қайтиб бошини полга қўйди. Афтидан, қаерда ётганини унутганди. Балки билса-да, атайлабдан яна шундай қилди.

— Ит! — дея бирдан ўрнимдан туриб оёғини босдим.

У ингради. Унга яна азоб беришим, дард чекаётганини томоша қилишим мумкин эди. Ахир қийналиш нима эканлигини у ҳам билиб қўйсин, танида синаб кўрсин-да. Аммо... Аммо уни бақиртиришга менда истак йўқ эди.

— Тур ўрнингдан! — дедим пўписа билан.

У қийналиб гавдасини кўтара бошлади.

Вой айёр-эй. Ўзини бечора кўрсатмоқчи. Шундай қилса, гўё менинг раҳмим келади. Йигитларга “Ёрдамлашинглар”, дейман. Чучварани хом санабсан. Ўзинг турасан.

— Мақсадингни билдим. Ким буюртмачи? — сўрадим у ўрнидан амаллаб туриб олгач.

Унинг боши эгик эди.

— Гапирмасанг, ўзингга қийин, — дедим қаҳр-ғазаб билан тикилиб.

— Сув. Сув беринглар, — дея олди у.

— Лабингдаги қон томоғингни хўллашга етиб ортади. Камлик қилаётган бўлса, яна қўшишим мумкин.

— Саша ҳамма маълумотни йиққан. У режа тузган, буюрган.

— Бекор айтибсан, ярамас. Барининг бошида ўзинг турибсан. Саша шунчаки бажарувчи.

Дмитрий бир мuddат жим турди. Сўнг бошини кўтариб, орқа томонимда турган йигитларга ўқрайиб қаради.

— Фойдаси йўқ, таъсир утказолмайсан, — дедим унга.

— Саша Миша билан қариндош. Мен бажарувчиман. Ортингдагилар билишади, — деди Дмитрий ўзини оппоқ кўрсатиш учун.

— Наҳотки? Оббо, унда сен бечора ҳам жабрдийда экансанда...

Ўрнимдан туриб, унга яқинлашдим. Дмитрий ортига тисарила бошлади.

— Шундай қилиб, полициячи кўз очиб юмгунча қайси меҳмонхонада яшашимни билиб олди. Шундай қилиб, у можаро жойига бормасдан, хорижлик эканлигимдан хабар топди... Эшитганлар фақат қойил қолишади... Энди буларнинг барига аниқлик киритамиз.

Дмитрий ҳиринглаб қулди-да:

— Сув ичсам майлими? — деди.

— Беринглар, — дедим мен йигитларга қарамасдан.

Томоғини ҳўллаб, биров ўзига келиб олган Дмитрий рухсатсиз стулга утирди. Шошилмасдан чўнтагидан сигарет олиб тутатди. Сўнг пешонасини тириштирганча:

— Сен бунақанги сохта маълумотларни қардан олдинг? — деб сўради.

— Сўроқни ҳозир мен бераман. Жавоб эса сендан. Эҳтимол, сенинг савол беришга вақтинг етмас. Ҳозир одамлар санокли дақиқаларда жон таслим этишяпти. Гапир ёки қизларнинг ҳолига тушгинг келаяптими? Қўллар боғланган, ҳар дақиқада калтак.

— Мен бажарувчиман. Бошқарувчини ўзинг тинчитиб келибсан. Ҳамма нарсани у биларди.

— Ким айтди сенга Саша мангуга тинчиб қолди, деб? У уйғонади. Ҳозирги айбловларингни эшитади. Сўнг тилга киради.

— Менга сизларни олиб келиш, кейин қизларни сўроқ қилиш топширилган.

Ортиқ тоқат қилолмадим. Дмитриини ағдаришга мажбур бўлдим. Чунки ўзга илож қолмаганди.

Унинг ўрнидан туришига, стулга ўтиришига йигитлар ёрдам беришди.

— Полициячи ким эди? — сўрадим нигоҳимни Дмитрийдан узмай.

— Ҳимм, тўғри. Тахминда адашмабсан. У бизники эди. Фақат полиция кийимида. Полиция машинасида.

— Мени аста-секин қойил қолдираяпсан. Наҳотки мени суҳбатга чақириш учун шунча жиноятга қўл урган бўлсанглр?

— Топшириқ шундай бўлган. Ҳаммаси табиий чиқиши лозим эди.

— Демак, қаердадир полициячига зиён етказилган. Унинг кийимлари, машинаси тортиб олинган. Бу давлатда, билишимча, бунақанги зўравонликни кечиришмайди.

— Йўқ. Ҳаммаси сотиб олинган.

— Кимнинг пулига?

Дмитрий яна чўнтагидан сигарет олди. Аммо бу сафар чекишга улгурмади. Қўлига уриб, сигаретни ерга туширдим-да, туфлим билан эздим:

— Эҳтимол, яшашинг мумкин. Яшайдиган одамга чекиш зарар... Пул кимники эди?

— Иванники.

— Иванинг ким?

Дмитрий жавоб беришдан олдин менинг ортимдаги йигитларга кўз ташлаб қўйди.

— Иван — качегар.

— Нима?!

— А-а?!

Ортимдагилар ҳайратланганларидан бақириб юборишди. Демак, улар ҳам кимнидир билишади. Билганлар кўзга кўринмас одам. Айтайлик, биров менсимади. Бундан чиқди, бошқалар наздида, у жуда паст табақадаги одам. Ваҳоланки...

— Давом эт! — дедим қизиқишим ортиб.

— Мумкин эмас... Қанақасига качегар ҳомийлик қилади?! У аввал қорнини тўйғазсин! — бақирди ортимда турган йигит.

Мен ортимга ўтирилдим. Ўқрайдим. Сўнг яна Дмитрийга юзландим.

— Качегар ҳамма нарсани бошқараяпти. Ҳатто ҳозир менга бераётган азобингниям у кўриб турибди, — деган Дмитрий титраб кетди ҳамда шифтга юзланди.

Уйнинг бурчакларидан ниманидир қидираётгандай алантлаб, ўкирди:

— Иван! Сени сотиб қўйдим. Ўлдир мени, Иван!

Ҳамма Дмитрийнинг ортидан бирдан шифтга қаради. Тавба, мен ҳам шундай қилдим. Беихтиёр юқоридан ниманидир қидирдим. Аммо диққатни тортадиган бирон нарсага кўзим

тушмади. Кулгим қистади. «Савил, бопадаи. Калака қилишнинг бундай жўн ва ишонарли йўлини ўйлаб тополмайсан. У кутилмаганда миянгга келади ва қўққисдан гапирасан-у, ҳамма бирдек ишонади» дея кўнглимдан ўтказиб:

— Қаттиқроқ бақир, қаттиқроқ. Шунда Иваннинг ҳамма гапларингга эшитади, — дедим.

Дмитрийнинг юзи гезарди.

— Сигарет бер, — деди худди ошнасида сўраётгандек.

— Сен менинг сўроқларимга жавобсиз қолдирдинг. Қани, бошла, — дедим илтимосини эшитмагандай.

У афтини буриштирди. Аслида, унинг юзи жудаям кўримли эмасди. Калтак билан сийлангач, ҳусни янаям ғариблашганди. Энди шў турқи-тароватини буришгириши эса одамнинг баттар жаҳлини чиқарар экан.

— Бошқа иложим йўқ. Сизлар ўлдирмасанглар, Иван ўлдиради. Ўтирган жойимиз уники. Бу ерга келишимизни ҳам у буюрган. Сен ҳақингдаги маълумотларни ва нима иш қилишимизни ҳам у кўрсатиб берган... Тамом! Энди сигарет беринглар. Чекмасам ўлиб қоламан, — деди у.

— Гапларимга ишонди, деб ўйласанг, адашасан. Мен ўзим бундан роппа-роса уч кун аввал Иванни қачегархонасида обдан тепкилаганман... Гапларинг худди эртакка ўхшаяпти.

— Кўлмақдаги ажабтовур қурбақа бир думалаб Иванга айланиб қолди, — дея ҳиринглаб кулди ортимда турган йигитлардан бири.

Дмитрий ва бу йигитнинг гапи мени таажжублантирди. Кўнглим ниманидир илғагандай бўлди. Лекин ўша ниманидир сира ўйлаб тополмасдим.

— У, — деди Дмитрий ҳиринглаб, — Иваннинг нусхаси бўлган. Чунки уч кун аввал биз Берлинда кўришгандик. Ўшанда у қилинажак ишларининг ҳаммасини тушунтирган...

Дмитрий ортиқ гапиролмади. Унинг бирдан кўзи олайиб, оғзидан кўпик чиқа бошлади.

Ушлаб қолишга улгурмадим. У ёнига кулаб, типирчилай бошлади. Йигитлардан бири оғзига қўлини тикиб, тилини ушлади. Дмитрийни ҳушига келтириш учун бироз вақт кетди. У ҳолсизланиб қолганди. Қалтирашдан тўхтаган қўлини зўрға чўнтагига тикиб, дори олди.

Дори ичиб, кетма-кет икки дона сигарет чеккач, анча ўзига келган Дмитрийни ортиқ қийнагим келмади. Аммо баъзи бир нарсаларни билиб олишим ҳам кераклиги боис уни саволга тутдим:

— Гапларингга ишондим ҳам дейлик. Хуш, бу ерда қандайдир камера борми?

— Ҳа-а, — бошини силкитди Дмитрий, — қаердалигини билмайман-у, лекин бор. Қизларни олиб келганимда, у менга кунғироқ қилди. Мен қизларга “Дам олинглар”, демоқчийдим. Аммо у худди кўриб тургандай, «Азоблайсан!» дея буйруқ берди. Саша билан Мишани ўлдиришимни ҳам тайинлади. Чунки улар буйруқни бажаришмади.

— Буйруқ нима эди?

— Сени ўлдириш.

— Нега унда бирдан ўлдиришмади? Осон эди-ку.

— Билмадим. Сен Сашани йўқ қилдингми?

— Мен одам ўлдирмаганман.

— Эртагингни орқангда турган гўрсўхталарингга айт.

— Нима делинг?! — деди йигитлардан бири бақириб.

Мен «Ўзингни бос!» дегандай қўлимни бироз кутардим.

— Ишониш-ишонмаслигинг икки пул. Мени бошқа нарса қизиқтираяпти. Нега осонгина Иванни сотаяпсан? Айтганингдай, қаердадир яширин камера бўлса, у сенинг терингни шилиб, сомон тикади-ку. Яна менга ўхшаб гап сотиб ўтирмаса керак...

— Барибир.

— Нима, барибир?

— Сенга ўйинни бой бердим, шунинг ўзиёқ ўлим. Қолгани...

У мени лақиллатаётганди. Мақсади вақтни чўзиш. Кейин кимлардир келади. Бутун уйни ўраб олади. Сўнг йўқ қилиш операцияси бошланади... Афсус, Наташа ва яна озми-кўпми меҳрим тушган Оксана бор. Ўзи аёл зоти ҳамиша дардисар, оёғингга тушов бўлади. Уларнинг дастидан тузукроқ иш қилолмайсан.

— Етарли. Агар ўша Иван кочегар, ҳақиқатан, бор бўлса, қандини урсин. Йўқ бўлса, сен бошлаб бир ярим соат вақтимни ўтирладинг, — дея ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим.

Албатта, индамай кетолмадим. Маккорлиги кўзидан манаман деб кўриниб турган Дмитрийнинг юзини сийпалаб, сўнг чиқдим.

Қуёш анча кўтарилган, туман тарқаб бўлган эди. Ҳаво бироз исибди. Бундай пайтда бирорта дарахт остига кўрпача ёзиб ухласанг, маза қиласан-да.

Бир муддат тоза ҳаводан симириб, уйга қайтиб кирсам, уч йигит Дмитрийни билган кўйига солаяпти. Жоним чиқиб кетди. Ўзимни тўхтатолмадим. Шу боис учаласи ҳам бирин-

сирин қулаб тушди. Эҳтимол, улар мендан бунни кутмагандир. Агар кутганида, бирортаси қаршилиқ курсатган бўларди. Бир томондан шунисиям дуруст бўлди. Феъллари айниб, менга қарши бирор нарса қилишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўришади.

«Агар рухсатимсиз чертсаларинг, соғ қўймайман», дедим. Бақириб-чақирмадим. Стулга ўтириб, паст овозда, нафрат билан айтдим. Ўйлашимча, томоқ йиртишдан кўра шунинг таъсири кўпроқ. Дмитрий амаллаб ўрнидан турди-да, оғзидаги қонни туфлади.

— Ярамаслар, сенларни ўзим шу ерга олиб келганман. Ўзим одам қилганман. Энди ўзимга сакраяпсанларми?! — деди алам билан бирин-сирин ўринларидан турган йигитларга.

— Уларнинг аламлари бор. Қандай аламлигини ўзинг яхши биласан... Аёлларни қўшмаганда, ҳозир биз тўрт кишимиз. Мабодо ёнимизда юришни истамайсанми? Нималаргадир кафолат пайдо бўлармиди?

— Шундай қилсам ҳам бўлади. Тирик қолишнинг ягона йўли балки шудир, — деди Дмитрий лабининг қонини эҳтиёткорлик билан артаркан.

— Унда сенга ҳозирданоқ топшириқ. Базми жамшид бўлган дала ҳовлига бориб, хабар олиб келасан. Бирорта ҳам одамнинг жасадини кўрмаслигим керак. Аниқроғи, уларнинг ҳеч бири ўлмаслиги шарт. Ўн беш дақиқа муҳлат. Йигитлар сен билан боради, — дея ўрнимдан туриб, юқори қаватга чиқдим-да, дераза ёнига утирдим.

Тўртовлон бирин-кетин ташқарига чиқишди. Аста-секин узоқлашишди. Бири ортига ўтирилиб қараб қўйди... У уч йигитдан бири қолган иккисига қараганда бўйи анча паст, тўлача. Қисик кўз, қирра бурун, лаби юпқа, сал истараси бор.

«Қайтганингда, эътиборда бўласан» дея кўнглимдан ўтказдим. Ўрнимдан туриб қўшни хонага ўтдим. Наташа қандай ётган бўлса, шу ҳолича қимир этмай, бир текис нафас олиб ухлаётган эди. Оксана бироз безовталанганга ўхшади. Остидаги чойшаб ғижимланибди. Уларга бир муддат қараб турдим. Ҳавасим келди. Ўзимни ҳам ниҳоятда уйқу босаётганини ҳис этиб, зўрға оёғимни судраб чиқиб кетдим. Пастга тушиб қарасам, Дмитрийнинг ёнида юрган, биз бостириб келгач, жабрдийдага айланган йигитлардан бири гарангсиб юрибди. У мени кўрса ҳам, эътибор бермади. Ниманидир қидиришда давом этди.

— Ёрдам керакмасми? — сўрадим ундан.

— Тишим. Иккита тилла тишим йўқ, — жавоб берди у.

— Оббо, чатоқ бўпти-ку, одам сал эҳтиёткор бўлади-да, — дея у ер-бу ерга қарай бошладим.

Йигит йўқотган тишини қидиришда давом этди. Столларнинг тагини кўрди. Бурчакларга синчиклаб тикилди. Тополмагач, бирдан менга юзланиб:

— Сен олгансан, — деди қовоғини уйганча.

— Мен? Мен нега оламан?

— Чунки бу ерда сендан бўлак ҳеч ким йўқ... Шошма, кимсан? — деди у гўё энди уйғонгандай.

— Ўзинг кимсан? — саволга савол билан жавоб қайтардим.

— Бу ерга қаердан келиб қолдинг?

— Ўзинг-чи?

— Кимсан деяпман?

— Ўзингдан сўраяпман?

— Вой, аблаҳ! Аввал тишимни топиб бер, бўлмаса, ёмон бўлади.

— Кимга?

— Сенга.

— Нега?

Унинг тили калимага келмай қолди. Мен билан суҳбатни унутиб, нигоҳи билан тишини қидирди.

— Аввал бормиди? — сўрадим диққатини тортиш учун.

— Бор эди, лекин, — дея менга кўзини лўқ қилиб қаради у. Шу тахлит бир муддат тикилиб тургач: — Илтимос, қайтариб бер. Барибир, унинг сенга кераги йўқ. Бунинг устига, тилланинг нархи ҳозир тушиб кетган. Бекорга чўнтагингда кўтариб юрганинг қолади. Қолаверса, ўғрилиқ ёмон одат, — деди.

— Биламан. Лекин чўнтагимда йўқ-да.

— Нега келдинг бу ерга? Шеф кўриб қолса, ўлдиради. Эсинг борида жўнаб қол, — деди у талмовсираб.

Унинг хатти-ҳаракатларини кўрган одам жинни деб ўйлайди. Аммо гап-сўзлари бинойидек.

— Мени танияпсанми? — сўрадим ундан.

У нигоҳини яна менга қаратди.

— Кўзимга иссиқ кўринаяпсан. Лекин эслай олмадим. Агар яхши одам бўлсанг, тишимни топишга ёрдам берардинг, — деб хўрсиниб қўйди.

— Балки бошқалар олгандир.

— Бошқалар... Ҳа, тўғри айтасан, анави ерда учтаси ухлапти, — дея у сўл томондаги эшикни кўрсатди. — Мен

ҳам ухлаётгандим. Улар ухлашдан олдин тишимни ўғирлаган. Сотган. Пулига яримта олиб, ичишган. Биласанми, ҳозир нима қиламан?

— Биламан, — дея унинг башарасига қулочкашлаб тарсаки тортиб юбордим.

У йиқилди. Шифтга қараб бир майдон ётди. Сўнг тез-тез юзини ишқалади-да, фавқулодда тезликда ўрнидан турди.

— Дмитрийни нима қилдинглар? — деди қошларини бир-бирига теккизиб.

— Қанақа Дмитрийни? — дея талмовсирадим.

У кўзини қисди. Тикилди. Шу билан менинг афти-ангоримдан Дмитрийни нима қилганимни билмоқчи бўлди. Туриши кулгили эди. Ёш болаларникига ўхшайди. Аслидаям, у ёш боладир. Шунчаки бўйи узун, гавдали. Аммо ақли ҳам тўла пишиб етилмаган.

— Тилла тишингни қидирмайсанми? — дедим киноя билан.

У ҳайкалдек қотиб қолди. Ўйлаганим тўғри чиқди. У боя мен билан гаплашганида, тишини қидирганида, ҳақиқатан ҳам, ухлаётган экан. Энди уйғонди. Ухлашдан аввалги воқеаларни эслаяпти.

Ҳозирча бу боланинг менга кераги йўқ. Шу боисдан яна хушидан кетказиб қўйсам, кейинги ишларни режалаштириш осон кечади. Тўғрироғи, вақтни беҳуда сарфламайман. Бироқ тағин унга жабр етказгим келмади.

— Юр, кўрасан. Фақат ошналарингдан хабар олайлик, — дедим.

— Уларнинг кўзлари юмуқ. Кўкракларининг кўтарилиб тушаётганлигини ҳисобга олмасак, мангу уйқуда ётганга ўхшарди.

— Менга ёрдам берасан.

— Нега? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Қўлларини боғлаб қўяйлик, ҳар эҳтимолга қарши, — дея жилмайдим.

— Нима? — деди у пешонасини тириштириб ва бирдан менга ташланди.

Лекин нўноқлик қилди. Балки ўзи нўноқдир. Шу боис ҳавони муштлади-ю, мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб йиқилди. Албатта, йиқирилишга қўлимдан келганча ёрдамлашиб юбордим. Ландавур, одам дегани йиқиляётганида, жилла курса, юзини ҳимоя қилмайдими? Қўлни полга тираш ёки умбалоқ ошиб кетиши мумкин эди-ку. Бироқ у бундай қилмади. Қарсиллатиб юзини полга уриб, ув дея инграб юборди.

— Тур ўрнингдан! — дея дағдаға қилдим.

— Оғрияпти! — деди у юзини кафти билан бескитиб йиғларкан.

— Баттар бўл! Биров сенга қўлидан келмайдиган ишни қилсин дедими?! Тур ўрнингдан! Бошқатдан бошлаймиз.

У туришга турди. Бироқ нимани бошқатдан бошлашни билмай, бир қўли билан бурнини тўсганча, инграб тураверди.

— Бошла, нимани кутиб турибсан? Боя мени уриб, дабдаламни чиқармоқчи эдинг-ку! — дедим унга ўқрайиб.

— Йўқ, қўрқаман, — дея бошини қимирлатди у.

— Унда, қани, бир бошдан елкадошларингнинг қўлини чандиб боғла-чи.

Биз уйдан чиқиб кетаётганимизда, кўнглим хижил бўлди. Ташқарига чиқишга негадир оёғим тортмади. Тўхтаб, олдинда кетаётган йигитга бошдан-оёқ қараб чиқдим. Гўё унинг юриши менга нимадир берадигандай. Қилиғим ўзимга кулгили туюлди. «Наташа билан Оксана ухляпти. Хавф солиши мумкин бўлганларнинг ҳаммаси ҳолсизлантирилди» дея кўнглимдан ўтказдим.

Базм уюштирилган ва мен йўқ қилинишим керак бўлган дала ҳовлига етганимда:

— Шошма, — дея асирнинг елкасига уриб тўхтатдим.

Ўзим секин қадам ташлаб уйга яқинлашдим. Кейин энгашиб эшик ёнига бордим. Ичкарига қулоқ солгандим, кимнингдир инграгани эшитилди.

— Шунчалик осон сотилдингми, ит?! Бир юмалаб бошқа одамнинг қаноти остига кирмоқчи бўлдингми? Мана сенга! — дея бақирарди Дмитрий.

Шу заҳоти гуп этган товуш чиқиб, кимдир жон аччиғида ингради.

Шундай бўлишини олдиндан сезгандим. Чунки ҳеч нарса осонлик билан силлиққина бир турдан иккинчисига айланиб қолмайди.

— Дима, вақт кетаяпти, отиб ташла!

Сашанинг овози эди бу. Демак, у ўзига келибди. Менимча, Миша ҳам унинг ёнида турган бўлиши керак.

— Ўқ овозини эшитади. Бўғизлаймиз! Ў, ҳайвонлар, кўриб қўйларинг!

Унинг гапларини охиригача эшитишга вақтим йўқ эди. Эшикни тепиб, ичкарига отилиб кирдим.

Албатта, улар бу сафар беҳосдан пайдо бўлишимни кутган эдилар. Шунга яраша тайёргарлик ҳам кўришганди. Буни

ҳисобга олганлигим боис энгашган ҳолда эшикдан кирарканман, бирдан полга умбалоқ ошдим. Кетма-кет уч марта ўқ овози эшитилди. Ўқ юқорига отилганди. Тик турганимда, ҳар бири кўксимни тешиб ўтарди. Саша бериқроқда экан. Шу боис аввал у ўтириб қолди. Кейин Дмитрийнинг қуролидан учган темир парчасига дучор бўлди. Мишани ҳам бир ёқли қилиш қийинчилик туғдирмади. Аммо Дмитрий чап қўлимни яралашга улгурди. Оғриқ бутун вужудимни қамраб олганига қарамасдан, тўппонча кейинги гал ишлатилганида, чап беришга улгурдим. Улоқтирилган шампань виносининг шишаси эса Дмитрийнинг тиззасига тегди. У сўкинганча, қўлида қуроли бўлишига қарамай, ўзини эшикка урди.

Яраланган қўлимни соғи билан ушлаб, атрофга назар ташладим ва мен томонга ўтган йигитларнинг ҳаммасини чўзилиб ётган ҳолда кўрдим.

Аввало, уларнинг тириклигини билишим зарур эди. Шу боис ҳар бирининг бўйин томирларига бармоғимни теккизиб кўрдим. Иккисида ҳаёт аломати сезилмади. Биттаси (менимча, охирги жазога тортилгани) нафас оларди.

— Яшайсан, биродар, ҳали кўп яшайсан, — дедим пичирлаб ва секин дераза ёнига бориб, ташқарига қарадим.

Шу заҳоти ток ургандай бўлди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Чунки Дмитрий ярамас Наташа билан Оксана ухлаётган уйга яқинлашиб қолганди.

Ташқарига ўқдай отилиб чиқдим-да, унинг ортидан жоним борича югурдим. Шу аснода тўппончани чўнтагимдан олдим. Ишлатмайман дея ният қилгандим. Бўлмади.

Дмитрий уйга киришдан олдин тўхтаб, ортига ўтирилди. Шу заҳоти бир қўлини мен томонга чўзди. Мен эса ўзимни ерга отдим. Ўқ товуши эшитилди. Ён тарафга икки марта думалаб, секин бошимни кўтарарканман, Дмитрийнинг уйга кираётганига кўзим тушди. Симиллаб оғриқ бераётган қўлим ярасини ана шу маҳал унутдим. Эҳтиёткорлик ҳам четга сурилди. Чунки падарингга лаънат Дмитрийдан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Наташага бир гап бўлса, мен ўзимни кечиролмайман!

Кетма-кет ўқ товушининг эшитилиши мени бутунлай шерга айлантириб юборди.

Юқори қаватга шиддат билан кўтарилаётганимда:

— Яна икки қадам боссанг, хотинингдан айриласан! — деган овоз эшитилди.

Ишонасизми, хурсанд бўлиб кетдим. Хайрият, аблаҳ бутунлай эсини йўқотмабди.

— Бошидан тушган ҳар тола соч учун итдай азоблайман, — дедим ва аста-секин юқорига чиқавердим.

— Амир, қўрқма. Мени ўлдирса ҳам майли. Уни бутунлай тинчитгин-да, бу ердан эртaroқ кет, — деди Наташа.

У инграш асносида гапирди.

— Дмитрий, агар омон қолишни истасанг, уни қўйиб юбор! — дедим мен.

— Қўйиб юбор... Ҳа-ҳа-ҳа!.. Тушингни сувга айт. Ўзинг уйдан ташқарига чиқ. Сени ташқарида кўрайин. Ана шунда хотининг соғ қолади. Йўкса...

— Тушунарли, — дедим унинг гапини бўлиб ва битта-битта қадам босганча юқорилайвердим.

— Мен сени огоҳлантирдим. Ҳозир хотининг жон таслим қилади! — бақирди Дмитрий.

Жавоб қайтармадим. Кўтарилишда давом этдим. Қандайдир ички сезги Дмитрийнинг ортиқча ҳаракат қила олмаслигидан далолат берарди. Айнан шунга таяниб юқорилаётгандим. Ниҳоят, биз юзма-юз бўлдик. Дмитрий бир қўли билан Наташанинг томоғидан бўғиб турар, тўппончасини унинг пешонасига тираганди. Қўлимдаги қурол мили унинг икки қоши ўртасини нишонга олди. Сўзсиз эдим. Бутун вужудим ғазабга тўлиб тошганди. Юрагим гупирлаётганди.

— Охирги...

Дмитрийнинг оғзидан бошқа гап чиқмади.

Бутун рефлекс тилни ҳаракатлантиришга йўналтирилади. Бундай пайтда бошқа аъзолар бўшашади. Албатта, оний лаҳзага. Профессионал одам худди мана шу лаҳзадан фойдаланиб қолиши керак.

Дмитрийнинг бўшашган танаси қулади. Наташа икки-уч одимлашда менга етди ва бўйнимдан маҳкам қучоқлади-да, ўкириб йиғлаб юборди.

Менинг хавотирим Оксанада эди. Чунки уйга кирмасимдан олдин икки марта ўқ товуши эшитилганди.

— Бўлди, ҳаммаси ортда қолди. Ҳозироқ кетамиз. Тисс! — дедим Наташанинг сочинини силаб.

Наташа мени янада маҳкамроқ қучоқлади. Янада баландроқ овозда йиғлай бошлади.

Дмитрий, ҳартугул, бошқа тарафга ўқ узган экан. Чунки ётоққа кирганимда, Оксана бошини чангаллаганча каравотда ўтирар эди.

Бир нима чимиллаб кетди. Беихтиёр «Имм!» деб юбордим. Шундагина жароҳатим эсимга тушди.

— Вой! — бақириб юборди Наташа. — Нима қилди?!

— Шунчаки йиқилганимда...

— Йиқилган эмиш, дарров қўйлагингни еч! — буюрди у.

— Ҳозир вақтимас, кейинроқ. Эртароқ бу ердан кетишимиз керак. Ўқ овозини эшитганлар аллақачон полицияга хабар берган бўлишлари мумкин.

Наташа, барибир, билганидан қолмади.

— Қон тинимсиз оқиб турибди. Бу аҳволда узоққа боролмайсан, — деди.

Унга Оксана ёрдамлашди. Бечора қизнинг бўлари бўпти. Лаби ёрилган, ранги докадек оқарган. Ҳаракати жуда суст. Аслида, Наташанинг аҳволи ҳам уникидан қолишмасди. Лекин у менга қайғураётгани боис ўзини бироз тутиб олганди.

Муолажа ўн дақиқалар чамаси давом этди. Аммо бу мен учун жуда чўзилиб кетгандай туйилди. Чунки полиция келиб қолиши мумкинлигидан хавотирда эдим. Мабодо улар пайдо бўлса, вазият ҳозиргидан ҳам чигаллашиб кетади. Шунинг учун Наташани тинимсиз шоширардим.

У ишини якунлагач, ташқарига чиқиб, нариги дала ҳовлигача югуриб бордик. Мен уйга кирдим. Ҳалигина калтаклар зарбидан ҳушидан кетаёзган йигит бироз ўзига келибди.

— Мен сенга ҳали узоқ яшайсан дегандим-ку. Мана, айтганим бўлаяпти, — дея уни руҳлантирдим.

Сўнг йигитни кўтариб, машина ёнигача олиб бордим. Уни орқа ўриндиққа ётқиздик.

Худди шу маҳал боя мен Дмитрий Сашага ташланган маҳалим қаергадир ғойиб бўлган асир пайдо бўлди.

— Илтимос, мениам ўзларинг билан олиб кетинглар, — дея ёлворди у кўзлари мўлтираб.

— Сен, ошна, қўллари боғлаб ташланган дўстларингга кераксан. Шунинг учун қолишдан ўзга чоранг йўқ, — дедим.

Жойидан енгил қимирлаган машина дарров тезлашиб кетди.

— Наташа, бунинг ярамайди. Тез юрсак, кўрган одам борки, биздан хитланади, — дедим.

— Иложим йўқ. Шайтонлар маконидан тезроқ кетишни истайман! Жонимга тегиб кетди ҳаммаси, — бақириб юборди у.

— Ўзингни бос. Ҳаммаси яхши бўлади. Мана, кетаяпмиз. Тугади бош оғриқлар, — дея уни юпатмоқчи бўлдим.

Аммо Наташага гапим кор қилмади. У баттар газни босди. Улов маҳаллий «Мерс»нинг сўнгги модели эмасми, кўз очиб юмгунча дарахтларни ортда қолдира бошлади.

— Эсим қурсин, тормозни бос! — дея қичқирдим.

Наташа қўрқиб кетди. Беихтиёр гапимга бўйсуниб, тормоз педалини шунақанги қаттиқ босдики, сал бўлмаса, олдинги ойнадан учиб чиқиб кетаёздим. Оксана чинқириб юборди.

— Нима? — деди ранги докадек оқарган Наташа.

Мен дарров қўлимни ричаг устига қўйдим.

— Наташа, менинг жойимга ўт. Машинани ўзим бошқараман. Йўл тор. Бунақа ҳайдашингда шайтонлар маконидан чиқиб кета олмаймиз. Шу ерда мангуга қоламиз, — дедим мумкин қадар юмшоқ овозда гапириб.

Наташанинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Мени кечир, жоним, кечир! — деди у бўйнимдан маҳкам кучоқлаб.

Мен унинг юраги жуда қаттиқ ураётганини шу заҳоти сездим.

— Бу аҳволда машина ҳайдолмайсан. Ҳозир бирор нима топамиз, — дедим ва настга тушиб, юкхонани очдим.

У ерда иккита қути турарди. Очсам, биттаси тўла тўппонча. «Вой, ярамаслар, бунақанги мол билан юриш сиртмоққа бошини суқишдай гап» дея хаёлимдан ўтказдим ва шошилиб иккинчисини очдим.

Бунисида ҳам шу аҳвол. “Ярамаслар”, дедим пичирлаб. Иккала қутини туширишим билан:

— Олдимиздан «Жип» келаяпти! — дея қичқирди Наташа.

— Иккаланг ҳам имилламасдан, машинадан туш. Сочларингни ёйинглар! — дея бақирганча юкхонадан ғилдиракни олдим.

Шу онда биз томонга қуюндай учиб келаётган «Жип»га кўз ташладим.

— Менинг икки томонимда туринглар, ўзларингни менга қарамаётган кўрсатинглар, — дедим аёлларга.

«Жип» яқинлашди. Тезлиги сусайди. Ҳар эҳтимолга қарши тўппончамни олдим.

Алдадик. Алдаёлдик. «Жип» бизнинг ёнимиздан ўтар-ўтмас, яна тезликни оширди. Кўнглимдаги иш бўлди. Кутилмаганда хаёлимга шу фикр келганди. Буни қаранг, одам ақли баъзан шунақанги равон ва шитоб билан ишлайдики, натижасини кўриб, шодликдан юрагинг ёрилади.

Боягина Наташани тез ҳайдашда айблагандим. Энди эса ўзим газни қаттиқроқ босаяпман. Буни, албатта, сезаётганим йўқ. Фақат Наташанинг тез-тез безовталаниб қараб қўйишини зимдан илғагач, ҳис этдим. Кўзим тезлик ўлчагичга тушди: юз қирқ. Йўл асфальтланмаган бўлса-да, равон эди. Шу боис улов чайқалмасди. Ўзи бунақа машиналар майда-чуйда чуқурчаларни кўпам менсимади. «Бунақанги йўл учун кўплик қилади» дея кўнглимдан ўтказдим ва газдан оёғимни бироз тортиб, ойнача орқали ортга нигоҳ ташладим. Чанг-тўзонда ҳеч нима кўринмади. Демак, «Жип»дагилар бизни умуман сезмаган. Сезишганида, аллақачон изимиздан тушган бўларди. Қизиқ: наҳотки улар машинани танимаган бўлса?.. Шундайга ўхшайди. Аслида, одам хотираси гоҳ-гоҳида панд бериб туради. Мана шу ҳолат баъзида фойда келтиради. Худди ҳозиргидек.

— Қочиб кетолдикми? — сўради Оксана.

— Шунақага ўхшайди. Лекин буткул эмас, — жавоб бердим унга.

Марказий йўлга чиқиб олгач, беш-олти чақирим юргач, бурилиш келди. Худди боягидай машинани тупроқ йўлга буриб, тезликни кескин тушириб юбордим. Биз тошбақадек имиллаб кетардик. Аёллар тоқатсизлана бошлади. Бир-икки хавотирланиб ортга қараб қўйишди. Бироқ менга лом-мим дейишмади. Анча ичкарилаб кетганимиздан сўнг машинани тўхтатиб, пастга тушдим ва эшикка суянганча бир муддат турдим.

— Энди нима қиламиз? — сўради ёнимга келган Оксана.

Мен Наташага қараб қўйдим. Унинг қовоғи осилганди. Тавба, аёл зоти ғалати бўлади-да, шундай оғир дамда ҳам рашк қилишга имкон толишади.

— Машинанинг ҳаммаёғини титкилаб чиқаман. Анави болага ёрдам бериш керак. Наташанинг ҳамширалиги қўл келадиган бўлди.

Чарчагандим. Ҳеч нимага қўлим бормаётганди. Шундай бўлса-да, машина салонини, юкхонанинг ғилдирак турадиган жойини, моторни кўздан кечирдим. Бир шиша ароқ, латта-путталар билан бирга қандайдир рақамлар ёзилган қоғоз топдим. Шиша оғзини очиб, уч-тўрт қултум ароқ ичдим. Шундан сўнг ўз-ўзидан кўзим юмилиб кетаверди. Шу боис нарироққа бориб, игна баргли қайин дарахти остидаги майсага чўзилдим. Бирпасда ухлаб қолдим. Алламбало туш кўрдим. Рабабнинг ёнига бориб қолишни, қишлоғимни соғингандим. Агар шулардан бирортасига тушимда бориб қолганимда борми, уйғонгач, ширин хотира билан анча вақтни ўтказардим.

Аёллар уйқумни бузмади. Ўзиям роса мизғидим. Лекин бунга жуда кўп вақт кетибди. Кўзимни ишқалаб ўрнимдан турганимда, қуёш бота бошлаганди. Шу пайт машина ёнида Оксана билан гаплашиб турган йигитга кўзим тушди. Уни дарров таний олмадим. Шунинг учун бироз тикилиб турдим. Ярадор йигит хаёлимга келди. «Дарров оёққа турғазишибди-да», дея кўнглимдан ўтказдим.

Уйғонганимни кўрган Наташа ёнимга келиб ўтирди.

— Қорнинг очдим? — сўради юзимга тикилиб.

— Билмадим. Балки. Овқат борми?

— Ҳа, шу атрофда роса кўзиқорин кўп экан. Оксана иккаламиз териб келдик. Олов ёқиб пиширдик. Бирам мазалики!

— Анави оёққа турибдими? Исми нима экан?

— Тарас. Жароҳати унчалик оғир бўлмаганлиги учун бир соатда оёққа турди. Фақат гўштининг у ер-бу ери эзилган. Айтганча, у Оксана билан яхшигина чиқишиб қолди.

— Худога шукур.

— Нега унақа деяпсан?

— Рашк деган бир балодан қутулибман.

— Рашк? Сени ундан рашк қилибманми?

— Йўқ. Менга шундай туюлди-да.

— Жиннисан. — дея Наташа қиқирлаб кулиб юборди.

— Ҳайронман, қандай қилиб жиннига хотин бўлиб юрибсан?

— Чунки ўзим ҳам жинниман-да.

— Унда, ҳурматли жиннининг иккинчиси, менинг қорним роса очқаб кетди. Кўзиқоринларингизнинг нақ бир қопини ямламай ютадиган аҳволдаман, тезлаштиринг, — дедим Наташанинг шодланиб кулаётганидан завқ олиб.

— Ҳозир-да, хўжайин.

У ўрнидан туриб, машина томонга югурди.

Мен ошиқ-маъшуқалар каби бир-бирининг пинжига тикилгудек турганларнинг ёнига бордим.

— Мен сендан миннатдорман, — деди Тарас уларнинг ёнига етишим биланоқ. — Агар вақтида етиб келмаганингда, ҳозир Оксана билан гаплашиб турмаган бўлардим.

— Кўйсанг-чи, — дея унинг елкасига қўлимни қўйдим, — ҳаммаси тақдирдан. Лекин сен боланинг ироданг мустаҳкам экан. Бунчалик тез соғайиб кетасан деб ўйламагандим.

— Бу ёғига Оксана билан Наташа қарашиб юборди.

— Оғзингдан ароқ ҳиди келаяпти. Менга қолдирдингми? — дея жилмайдим.

— «Шнапс» ўзимизникидай ўткир бўлмайди. Лекин...

— Ичкиликка нуқта қўямиз! — деди Наташа.

У биздан икки-уч қадам нарида майса устига қўлбола дастурхон ёзаётган эди.

— Ана, ризқимиз қирқилибди. Юр, менга шерик бўласан. Қўзиқорин еймиз.

— Ёнингда ўтираман. Лекин емайман, қизлар роса тўйғазишди.

— Қара-я, — дедим ва Наташанинг ёнига бориб, оёғимни чалкаштириб ўтирдим.

Наташа чўғда пиширилган қўзиқоринлардан олдимга қўйди. Биттасини олиб, оғзимга солдим. Дарҳақиқат, у мазали экан. Хаёлимга заҳарли қўзиқоринлар келди. Ёшлигимда телевизорда кўп кўрганман. Кутилмаганда миямга келган нохуш ўй иштаҳамни бўғди. Шунга қарамай, оғзимга бирма-бир қўзиқорин сола бошладим. Емай қўйсам, Наташа хафа бўлади. Қолаверса, менгача буларнинг учаласи ҳам обдан қоринларини тўйғазишган. Ана, бирортасига ҳам жин урмаган. Демак, заҳарли эмас.

— Биз Нюрнбергга етиб олишимиз керак. У ер бошқа жойларга қараганда анча тинч. Қолаверса, бир танишимнинг уйи ҳам бор. Танишим эса ҳозир Петрда. Икки ҳафта бурун кетган. Ҳали-бери келмайди.

— Узоқми Нюрнбергинг? — дедим қўзиқорин чайнаб.

— Унчаликмас. Бирор тўрт соатда етиб оламиз.

— Ишончлими?

— Албатта.

— Яхши. Лекин сенга олдиндан бир нарсани айтиб қўяй. Мен ҳазилни ёқтирмайман.

— Буни айтмасанг ҳам кўрдим. Бир ўзинг уларнинг ҳаммасига қандай қилиб бас келганингга ҳайронман.

— Бунисини қўя тур. Иван кочегар ким?

— Менинг билишимча, ҳеч ким. Ҳақиқатан ҳам, уни уч марта кўрганман. Петр яқинидаги қишлоқлардан бирида туради. Олов ёқиб, сув иситади. Лекин унинг шунча одамни қўлга олиши, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишларни қилиши тасаввуримга сиғмайди. Аммо, — дея Тарас пешонасини тириштириб, ўйланиб қолди, — бизнинг ҳар сафар, албатта, у билан учрашиб келишимизни тайинлашарди. Кейин у бизга қулфланган қора жомадон бериб юборарди. Очишга ҳаддимиз сиғмасди. Ҳар сафар жомадонни олган Дмитрий терисига сиғмайдиган даражада хурсанд бўлиб кетарди. Бизни хонасидан чиқариб, сўнг очарди.

— Шундай қилиб жомадонда нима борлигини билмаган-сан? — сўрадим Тараснинг гапини бўлиб.

— Нега энди? Охирги марта эшик орқасида туриб пойлаганман, қора дори экан... Игорь сенга: «Иван кочегарни урганман», деди. Рост, урган. Ўшанда ҳам бирга борганмиз. Тўғри, мен урганини кўрмаганман. Ташқарида, машинада қолгандим. Игорь: «Тепкилаб ташладим. Бор-йўғи бир чимдим қора дори ундирдим», деганди. Лекин Иван кочегар, ҳақиқатан ҳам, тўдабоши бўлса, бизнинг шу қилиғимиз учун индамасмиди? Индарди. Теримизни шилиб, сомон тикарди. Шунга анави Диманинг гапларига, очиғи, ҳайрон бўлдим.

— Бас қилинглар! — деди ҳалидан бери ёнимизда гапимизга жимгина қулоқ солиб ўтирган Наташа. — Нуқул ўғрилиқ, зўравонлик тўғрисида гаплашасизлар. Ундан кўра бу ердан эртaroқ кетишни, одамга ўхшаб яшашни ўйласанглар-чи.

— Тўғри, менинг ҳам жонимга тегиб кетди ҳаммаси, — дея унинг гапини маъқуллади Оксана.

— Оз қолди. Ҳали мутлақо эшитмайсизлар, — деб Оксанага юзландим: — Лекин ҳозирча сиз қандай қилиб Саша, Миша, Дима билан топишганингизни айтиб берасиз.

Оксананинг бирдан ранги оқариб, кўзларини олиб қочди.

— Нега жимсан? Ёки аввалдан алоқанг бормиди? — дедим ундан кўзимни узмаган кўйи.

Ҳозир ҳамманинг нигоҳи унга қаратилганди. Нима деркин, дея оғзини пойлашарди.

— Илгаридан, — деди Оксана бироздан сўнг, — йўқ, илгаридан уларнинг бирортасини кўрмаганман. Эҳтимол, кўргандирман-у, лекин эслолмайман. Семён Эдуардовичнинг пуллари ҳисоб рақамимга ўтиб, қандайдир бирор соат ичида бойга айланиб, банкдан чиқсам, мени кутиб туришган экан. Уларга тегишли бўлган таксига ўтирибман. Буни, албатта, билмасдим... Очиғи, уларга ким хабар бергани менга қоронғи. Сен тўғрингда гапиришди. «Йўқ қиламиз», дейишмади. «Ҳамкорликда ишлаймиз», дейишди. Ана шу ҳамкорлик ўрнатилишида ёрдам беришимни сўрашди. Дўқ-пўписа қилишмади, самимий гапиришди... Кейин мен уларга ишонибман. Ўлай агар, мақсадларидан хабарим йўқ эди. Битгаси икки-уч кун ёнимга келиб юрди. Ишонасизларми, мен унга пул ҳақида гапириб қўйдим... Падар лаънати, ишим осон битишини билардим. Лекин мен ундан пулларнинг катта қисмини сенинг ҳисобингга ўтказишда ёрдам беришини сўрабман. Кошкийди, озгина пул бўлса... Амир, мени ҳайдаб юборишинг ёки шу

ернинг ўзидаёқ ўлдиришинг мумкин. Чунки шунга лойиқман. Сoddалигим, ишонувчанлигим боис сизларни nobуд қилишимга оз қолди... Агар ўрнингда бошқа биров бўлганида...

— Семён Эдуардовичнинг пулларига эга чиқаётганингни улар қаёқдан билибди? Ким етказган бундай хабарни? Ҳар қалай, Семён Эдуардовичнинг ўзи бўлмаса керак, — дедим.

— Рости, таажжубдаман, — деди Оксана ва Тарасга юзланди: — Боя сигарет чеккандинг. илтимос, менга бир дона бер.

Оксанани ортиқ безовта қилмадим. Ўрнимдан туриб, ўрмон ичкарисига кирдим. «Кетиш керак», деган ўй келди хаёлимга. Лекин қаёққа? Ҳеч қаерни билмайман. Атрофдагилар... Улар бир-биридан шубҳали. Ҳагто Наташа ҳам. Бундай дейишга тилим бормади. У мен учун куйинади, қайғуради. Аммо ана шу сабаб ҳам қовун тушириб қўйиши мумкин. Бир марта бўлди-ку шу нарса. Бундан чиқди, бу заминда қолмаслигим зарур... Россия жуда олисда. Орада қанчадан-қанча ўрмонлар, шаҳарлар, одамлар бор. Бундай ўйлаб қарасанг, уммон қатърига тушган игнадай битта одамни қидириб топиш мумкин эмас. Бироқ топишдан ҳам осони йўқ экан. Изимга қайтдим. Уч ҳамроҳим бир-бири билан уришиб қолгандай утиришарди.

— Оксана тўғри айтди, — деди Наташа. — Унинг биз билан қиладиган иши йўқ. Лекин Оксанани бу ерда қолдиrol-маймиз. Шаҳарга бориш керак. Чиройли, ёш. Ҳар қандай йигитнинг кўнглини олишни билади. Немис тилида бийрон гаплашади. Кўчада қолмайди...

— Наташа! — бақриб юборди Оксана. — Ҳеч ким, ҳеч қачон менинг тақдиримга аралашолмайди. Сизларнинг ёнларингдан кетаман... Аммо...

— Оксананинг кўнглида кир йўқлиги кўриниб турибди. Шунинг учун ҳеч нарсани яширмай, ҳаммасини гапириб берди...

— Йўқ, — деди Оксана Тараснинг гапини бўлиб. Унинг кўзидан дув-дув ёш оқарди. — Мен, барибир, қолolмайман. Сизлар билан бирга юролмайман. Ўлмасам... Пулим бор. Балки Францияга кетарман. Ҳа, шундай қиламан. Шуниси маъқул.

— Балки бизнинг келишимизни кутмасдан, олдинроқ кетганингда бўлармиди? Ҳисобимизга пулни ўтказибсан. Шу билан ишинг битган. Кетганингда, ҳеч ким хафа бўлмасди.

— Наташа мен сизларга ёмонлик раво кўрмаганман. Мабодо мана шу зимистонга айланиб бораётган ўрмонга ёлғиз ташлаб кетсанглaр ҳам, гина қилмайман. Франция ҳозиргина хаёлимга келди. Олдинроқ шу ниятим бўлганида, эҳтимол, яхши бўларди.

— Буни қара-я, сени айблашнинг ҳеч чораси йўққа ўхшайди. Шундай оппоқсанки, ҳатто қор ҳам сендан қорароқ.

— Бас! — дедим жаҳлим чиқиб. — Ҳозир тортишишнинг мавриди эмас. Бу ердан кетайлик-чи, кейин қолгани бир гап бўлар. Машинага ўтиринглар.

Мен Наташанинг билагидан ушламоқчи эдим. Лекин у қўлимни силтаб ташлади. Наташанинг назарида, мен Оксанинг ёнини олаётгандекман эдим. Аслида ҳам шундай. Чунки Наташа очикдан-очиқ рашк қилар, нафратини сочарди.

Машинани ўзим ҳайдадим. Шундай қилсам, банд бўлади. Майда-чуйда нарсалар билан бошимни оғритмайман. Ўзи улов бошқарган бошқалардан камроқ чарчайди. Эҳтимол, зерикмаганлиги учун шундайдир.

Зум ўтмай, йигирма чақирим ортда қолди. Мен энди машинага буткул қўниқиб қолган эдим.

— Тўхтат! — деб қолди кутилмаганда Наташа.

Сабабини сўраб ўгирмай, тормозни босдим.

Наташа эшикни очди. Сўнг менга юзланди:

— Мен шу ерда қоламан. Менсиз яхшироқ кетасизлар.

— Тушунмадим, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Тушуниб оларсан.

У эшикни қарс этказиб ёлганча, орт тарафга кета бошлади. «Бунинг эси жойидами? Падар лаънати, нима қилмоқчи?» дея кўнглимдан ўтказдим. Қоида бўйича машинадан сакраб тушишим ва хотинимнинг ортидан чопқиллашим, «Гўзалим, асалим, умримнинг гулшани, ҳаётим фариштаси, наҳотки нозик, беғубор дилингни оғритиб қўйган бўлсам? Мен қўпол, маданиятсиз, тутуриқсиз, каллаварамни кечир. Кетсанг, тамом бўламан», дея қўлларини кафтимга олиб чўлпишлатиб ўпишим, тиз чўкишим керак эди. Аммо бу иш менинг қўлимдан келмайди. Қайсарлик йўл қўймайди бунга. Лекин кечаси унинг ёлғиз ўзини қандай ташлаб кетаман? Бунинг устига, йўлнинг ҳар икки томони кета-кетгунча урмон... Ростки, кундузи шаҳарнинг қоқ ўртаси бўлгандаям Наташани ташлаб кетолмайман.

— Тўхта! — дедим машинадан тушиб.

— Нима дейсан? — деди Наташа юришда давом этиб.

— Гап бор.

— Оксанага айтавер. Мени эсингдан чиқар.

Бир тарафдан хурсанд бўлишим керак... Тўғриси, хурсанд бўлардим, агар бошқа жойда, ана айтайлик, жилла қурса, қишлоғимизда. Наташа рашк қилганида. Лоладан бўлса ҳам

майли. Тил билмай туриб рашк қилганида шундай енгил тортардим. Тасаввур қилаяпсизми? Мен ногаҳон бевафо Лолли қишлоғимизнинг қоқ ўртасида — кўчада учратиб қоламан. Ёнимда Наташа бўлади. Жилмаяди. “Бевафонинг бевафоси менсиз юрибдими, шоду хуррамликда, жаннатда?” дейман. Унинг юзи қизариб кетади. Худди лоладай. Кейин нимадир дейди. Гапида гина, араз ва бир чимдим менга ҳам ёқадиған нарса бўлади. Шунда Наташанинг рашки кўзийди. Маза қиламан. Ҳам рашк ярашади, ҳам роҳатланаман. Лекин ҳозир... У рашк қилиши мумкин, аммо мен яйролмайман-да. Бунинг ўрнига жаҳлим чиқади. Чунки ҳозир рашк қилишнинг мавриди эмас.

— Қайт орқанга! — дедим овозимни хийла баландлатиб.

Наташа кетаверди. У аста-секин қоронғиликка сингиб бораётган эди. Тезлик билан юриб унга етдим. Кўлидан ушлаб тўхтатдим.

— Майнавозчиликни йиғиштир! Йўқ жойдан бир нималарни ўйлаб топиб, жиғимга тегма! — дедим бақариб.

— Ўзинг шуни истаяпсан-ку...

Унинг овози қалтираб чиқди. Одамнинг ичини куйдириб, кишида раҳм-шафқат уйғотади қалтираши. Беихтиёр кучоқлаб олдим. У ҳам шуни хоҳлаган экан. Қаттиқроқ ўзини босди.

Биз бир муддат шу тахлит турдик. Сўнг мен уни машина томон етакладим.

Тарасни орқа ўриндиққа ўтказдим. Унинг ўрнига Наташа ўтирди ва Оксанадан кечирим сўради.

Қарийб бир ярим соат юрганимиздан сўнг кичкина шаҳарчага дуч келдик. Умуман, шаҳарчагайм ўхшамайди. Қишлоқ дейиш ҳам ноўрин. Тахминан ўн-ўн беш иморат бор. Кўчаси ёритилган. Уйларнинг ҳаммаси икки-уч қават. Илгари немис диёрида кечки пайдан бошлаб дўконларнинг ҳаммаси ёпилади деб эшитгандим. Аммо бу шаҳарча ёки қишлоқда битта очиги бор экан. Тўғриси айтсам, кўзиқоринга кўпам тўймагандим. Бошқаларга ўзимни тўқ кўрсатгандим. Расталарда қатор тизилиб турган егуликларни кўриб, оғзимнинг суви қочди.

Машинага ўтирганимизда, ҳамманинг юзида қандайдир хурсандчилик аломатлари бор эди. Айниқса, Тарас бошқача қувонаётганди. Сабаби... Сабаби, у пивога етишибди. Ўзиям биттасини машинага етгунча ичиб тутатди. Кейин иккинчисини очди-да, кекириб қўйиб, қулқуллаиб ича бошлади. Ростини айтсам, мениям томоғим тақилаб кетди. Аммо оддий минерал

сув билан қаноатландим-да, Наташа терисини шилиб, менга узатган колбасадан катта бўлак тишладим. Ортидан нон. Ана лаззат-у, мана лаззат! Қарасам, Наташа ҳам ўзгача шиддат, ишгаҳа билан луқмасини чайнаяпти.

— Вагонча тиркаб олсак бўларкан, — деди Тарас оғзидаги овқат билан гўлдираб, — ётоғимиз ҳам тайёр бўларди.

— Кейин битта мулла ҳам керак бўларди. Ўзларингники, албатта, — дедим мен.

— Нега? — сўради Оксана қизиқсиниб.

— Тарас иккалангга никоҳ ўқиб қўярди.

— Нима? — деди бирдан Оксана.

— Ҳозирча фуқаролик никоҳи ҳам бўлаверади, — дея хиринглади Тарас.

— Аҳа, яна кўнгиллари нимани тусайди?

— Оксана иккаланг роса бир-бирларингга моссизлар. Аммо мен фуқаролик никоҳига қаршиман. Ҳаммаси рисоладагидек бўлгани маъқул, — дедим ва менга тикилиб турган Наташага қараб қўйдим.

У менинг атайин шу гапни қўзғганимни сезиб турган бўлса керакки, тиззамдан чимчиб қўйди.

Нюрнберггача қарийб беш соатча юрдик. Тун бўлгани учунми ёки омадимиз келибми, полициячилар йўл ёқасида (аслида, йўл бўйида полициячилар туриш-турмаслигини билмайман) турмайдиган маҳалга дуч келдикми, ишқилиб, омон-эсон манзилга етдик. Шаҳар ички йўлларини Тарас айтиб турди. Кўзим уйқуга тўлган эди. Ухлаб қолмаслик учун ҳар-ҳар замон юзимга уриб қўярдим. Бироқ уйқу ўлгур яна қаердандир бостириб келаверарди. Бу, айниқса, шаҳар ичкарисига кирганимизда кучайди. Бунни қарангки, ҳали тонг отишига бироз бўлса-да, шаҳар уйғониб бўлганди. Кўчалар машиналарга тўла, автобус тиқилинч. «Улар кунни иккига бўлишган. Иш вақти тонгги тўртда бошланиб, қоқ туш маҳали тугайди. Кейин кечгача шахсий юмушлари билан шуғулланади», деганди кимдир. Ҳозир карахт бир аҳволдаман. Шу боис ким айтганини эслолмайман.

Ҳартугул, манзилга етдим. Иккинчи қаватга қўтарилдик. Ёстиққа боши қўйишим билан қотиб қолибман. Ишонасизми, тушимга Рабаб кирди. Йўқ, мен бу сафар аввалги тушларимнинг давомини кўрмадим. Яъни биз Рабаб билан қабиладагиларимиз орасида биринчи бўлиб оила қургандик. Энди (буйруқ шундай бўлганди) ҳаммани оила қуришга, жуфт бўлиб яшашга даъват этишимиз керак эди. Шу нарсани

қилдикми, йўқми, менга қоронғилигича қолди. У туман ичида эди. Оппоқ, кенг кўйлак кийган. Кўйлаги шамолда пирпирайди. Рабабнинг сочи қизғиш... Йўқ, қоп-қора эди. Униям шамол тебратар эди. У менга «Тур, тур», дегандек бўлди. Шошма, ундай демади. Лаблари қимирлади. Қўли билан ишора берди. Менга унинг ишораси «тур» дегандай туйилди. Назаримда, қандайдир хавф-хатар яқинлашиб келаётганди. Кейин у кўздан ғойиб бўлди. Ҳаммаёқни зулмат қоплаб, совуқ шамол эсди. Этим жунжикди. Мендан қарийб ўн-йигирма чақирим нарида ҳар қаноти икки-уч қулоч келадиган аждаҳосифат бир қуш пайдо бўлди. Синчиклаб қарасам, ўн-ўн беш одамни чангаллаб кўтарганча тўппа-тўғри устимга бостириб келаяпти. Қочай дейман-у, оёқларим ҳаракатга келмайди. Қўлимга бирор нима олиш учун ён-веримга аланглайман. Сал узоқда тош бор. Бироқ уни олишнинг сира иложи йўқ. Чунки юролмайман.

Чўчиб уйғониб кетдим-да, бир муддат ўзимга келолмадим. Кўз ўнгимдан ўша аждаҳосифат қуш кетмади. Кейин Рабаб ҳам. Унинг юзини аниқ-тиниқ кўролмаган эсам-да, хаёлимда ўша кўрганим Рабаб эди. Бунга ич-ичимдан ишонар эдим. Ногаҳон кўзим ёнгинамда сочлари ёстиққа ёйилган, пишиллабгина ухлаётган Наташага тушди. У шунақанги чиройли ухлар эдики, қараб кўзинг тўймайди. «Шу бечора ҳам мени деб сарсон-саргардон юрибди. Танлагани бошқа биров бўлганида борми, ҳозир жони роҳат-фароғатда бўларди. Ишқилиб, сени бундан-да, баттар қийнаб қўймасам эди» дея кўнглимдан ўтказдим ва шу заҳоти ўрмонда ундан шубҳаланганим хаёлимга келди. Нега шубҳаланганимни, очиги, ўзим ҳам тушунмайман. Агар бегона машинага мени ўтиришга даъват этганини ҳисобга олмасак, мутлақо ортиқча ҳаракат қилгани йўқ. Лекин мен ундан гумонсирадим. Нега? Шу савол мени талай муддат ўйлантирди. Сўнг ўрнимдан туриб, дераза ёнига бордим-да, пардани тортиб, ташқарига қарадим-у, қотиб қолдим. Чунки бизнинг машинамиз ёнида икки нафар полициячи турар ва нималарнидир гаплашишарди. «Оббо, шуниси камлик қилганди» деган ўйда дарров пардани ёпдим-да, Наташани турткиладим.

— Тур, тур! — дедим ҳаяжон билан.

— Нима, нима бўлди? — деди у чўчиб ёстиқдан бошини кўтараркан.

— Ташқарида полициячилар турибди. Машинамиз ёнида. Тарас билан Оксана қани?

— Эй, худо! Улар қўшни хонада бўлса керак.

Мен бу уйнинг хоналарини билмасдим ҳали. Кирибоқ каравотни кўриб, ечинмасдан ўзимни ташлаган эдим. Қўшни хонанинг эшигини итардим. Савил, очилмади. Жаҳлим чиқиб йўлак бўйлаб юрганча охириги эшикни итардим. Оксанага кўзим тушди. У Наташадан фарқли равишда мутлақо кийимсиз, устига ҳеч нарса ёлмасдан, шифтга қараб ётган экан. Ноқулай бўлди. Эшикни ёпдим. Ўзимнинг хонамга бордим. Наташа дераза ёнида пардани очганча ташқарига қараб турарди.

— Нима қилаяпсан у ерда? Яхшиси, бориб Оксанани уйғот. Тарасни сўра, у йўқ, — дедим.

Ранги оқарган Наташа югуриб кетди. Бироқ икки дақиқага қолмасдан:

— У билмас экан, — деган гап топиб келди.

— Нега билмайди? — дея пешонамни тириштирдим.

— Қайси хонада ётганини билмайман, деди.

— Бу ерда ўзи нечта хона бор? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Бешта. Яна ошхона, ювиниш хонаси...

— Тушунарли, — дея унинг гапини бўлдим-да, ўзим Тарасни қидиришга тушиб кетдим. Аммо у ҳеч қаерда йўқ эди. «Эшак, сотибди» деган ўй келди хаёлимга.

«Балки, унақамасдир. Бирон жойга чиққандир. Ахир уни ўлимдан олиб қолдим. Мен бўлмаганимда, аллақачон тупроқ остида ётган бўларди. Шошма, мен сабабли ўлишига бир баҳя қолди-ку... Ўртоқлари ўлди. У эса омон. Бундан чиқди, жонини сақлаб қолганим «Вақти келса, ошналаринг учун ўч оласан», деганим... Масаланинг бу томонини сира ўйлаб кўрмаган эканман. Энди ўзим пиширган овқатни иссиқ-совуғи-ю, маза-таъми қандай бўлишидан қатъи назар, ичишим шарт... Рулни унга берганимда чарчаб, менга ўхшаб узоқ ухларди» дея кўнглимдан ўтказдим.

Бу орада Оксана ҳам хонага кириб келди. У елкасига юпқагина халат ташлаб олганди. Унинг кўзида ваҳима, кўрқувдан кўра ҳайрат кўпроқ эди.

— Тарас қарёққа гойиб бўлиши мумкин? — деди у нигоҳини мендан узиб, Наташага қараб қўяркан.

— Агар шуни билганимда, сени уйқудан уйғотишни сўрамаган бўлардим, — дея дераза томонга ўгирилиб, пардани оҳиста четга сурдим.

Полициячилар ҳамон туришибди. Синчиклаб қарасангиз, уларнинг баҳслашаётганига гувоҳ бўласиз. Шунинг ўзиёқ Тарас бизни сотмаганидан далолат бериб турарди. Мабодо у

чақимчилик қилганида, полициячилар машина ёнида туришмасди. Биз қўнган квартирага бостириб киришарди. Миямга муштлаб қўйиб, аёллар тарафга ўтирилдим.

— Гуноҳимдан ўтасизларми? — дедим жилмайиб.

Қарашимдан яхшилик аломатини илғаган қизларнинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Кечирамизми? — сўради Наташа Оксанага юзланиб.

— Шунчакими? Бирон нимани бўйнига қуйиб, кейин кечирсак-чи?... — деди унга жавобан Оксана.

— Қойил!.. Назаримда, бирингиз прокурор, иккинчингиз ҳакамга ўхшайсиз. Лекин гапларингиз оҳангида раҳмдиллик борлигидан бениҳоя хурсанд бўлдим.

Улар кулиб юборишди. Наташа келиб мени қучоқлади.

Дарҳақиқат, кейинги тахминим тўғри чиқди. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, Тарас икки қўлида елим идиш билан кириб келди. Унинг юзида ўз ишидан мамнунлик ифодаси бор эди. Чунки у бизга сездирмасдан чиқиб кетиб, нонушта келтирганди.

Тарас биз сўрамасак-да, машинамиз ёнидаги икки полициячи ҳақида гапирди.

— Иккиси жанжаллашяпти, — деди у ошхона столи устига олиб келганларини бирма-бир қўяркан. — Гаплари ғалати. Бири иккинчисига «Ўғлинг ўғлим билан учрашмасин, гаплашмасин», дейди. Иккинчиси «Ўзингники ҳам...» дейди...

У ёнма-ён стулга келиб ўтирган қизларга қараб хўрсиндида, гапини шу ерда тўхтатди. Яхши қилди. Чунки моҳиятини англаб, ғижина бошлагандим. Ғалати одатлари бор экан. Келган куниёқ дуч келгандим бундай воқеага. Рости, ўшанда Наташа ёнимда бўлмаганида, ярамасларни бир ёқли қилардим. Наташанинг борлиги ҳам, аслида, яхши экан. Ким билади, агар ўша куни қаҳвахонада жанжал кўтарганимда, оқибати нима билан тутарди?... Лекин, барибир, жанжал бўлди ва мен ўша можаро сабаб Нюрнбергга келиб қолдим. Меҳмонхонадан Тараснинг уйига кўчиб ўтдим.

— Францияга бориш фикридан қайтмадингми? — сўрадим Оксанадан.

У кутилмаганда берилган саволдан ҳайрон бўлиб менга қаради ва елкасини учирди.

— Франция зўр жой. Тўғри, мен сира бормаганман. Лекин борган, кўрганлар билан гаплашганман, — дедим.

Наташа кулиб юборди-да:

— Тавба, Амир, нималар деяпсан? Бу гапларингдан бошқалар Франция ойда бўлса керак, деб ўйлашади, — деди.

— Бўлиши мумкин. Лекин шундай деб ўйлаш ҳам мароқли. Бўпти, аёллар овқатга уннасин, биз гаплашиб ўтирамиз, — дедим.

— Гап дарров тугаб қолади. Бунинг устига, сен танийдиганларни мен танитайман. Меникиларни сен билмайсан. Биргаликда биладиганларимиз жуда оз. Шунинг учун зерикиб қоламизми, деб ўйлаб, қарта олиб келдим. «Аҳмоқ» ўйини ўйнаймиз, — дея Тарас шимининг чўнтагидан ўзи айтган матоҳни олди.

Биз ўйинга берилиб кетганимиздан вақт ўтганини сезмабмиз. Аёллар овқатга таклиф қилишди. Ўша пайтда қўлимда иккита «туз» бор эди. Тарас ўйинни охирига етказмай, ўрнидан турди. Мен эса қўлимдаги қарталарга термилиб қолдим. Назаримда, унинг бурчак-бурчакларида қандайдир ҳарфлар ёзилганди. У шунчаки қарашда сезилмасди. Аммо синчиклаб тикилсангиз, албатта, илғаб олишингиз мумкин. Табиийки, мен ҳарфларни жамлаб, сўз чиқаролмасдим. Шу боис нонуштадан сўнг ўйинни бас қилиб, тўртта «туз»ни олиб, ёнимга Наташани чақирдим. Тарас эр-хотинга халақит бермаслик мақсадида (аслида, унинг Оксана билан гаплашгиси бор эди) Оксанага идишларни ювишга ёрдамлашиш учун ошхонага чиқиб кетди.

— Манавиларни кўраяпсанми? — дея ўзим илғаган ҳарфларни биқинимга келиб олган Наташага кўрсатдим.

Наташа бир муддат термилди. Сўнг қарталарни ёнма-ён қўйиб, узоқ қараб турди-да:

— Ғалати, — деди.

— Нимаси ғалати? — сўрадим ундан.

— «Жаннатни кўрмоқчи бўлсанг, Голландияга бор», деб ёзилган, — дея жавоб берди у.

— Нега Голландияга? У ерда нима бор экан?

— Билмадим. Лекин майда ҳарфлар билан шундай деб ёзилган.

— Қизиқ, жаннатни... Шошма, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

— Нима? — дея сўради Наташа қизиқсиниб.

— Бунга ўзим ҳам билмайман ҳозир. Лекин нега айнан қартага, яна «туз»ларга шундай деб ёзиб қўйишибди. Очиқ-ойдин. Эй-й, ана, масала қаерда кўндаланг? Ёзув билинар-билинемас. Демак, Голландияга бориш тақиқланади. Нега тақиқланаркан? Европа давлатларида биридан иккинчисига ўтиш худди қўшниникига бориб келишдек гап эмасми?

— Худди шундай.

— Унда нега? — дедим-да, қарталарни қулимга олиб, ҳарфларга гўё уларни ўқий оладигандай диққат билан тикилдим.

— Хўш? — деди Наташа.

— Бошим қотиб қолди. Нега айнан қартага? Нега айнан майда ҳарфлар билан?

Мен гўё ўзимга ўзим савол бераётгандек эдим.

— Билолмадингми?

— Афсуски, йўқ. Лекин ниманидир топгандайман. Бу нимагадир таклиф, даъватга ўхшайди. Тўхта, бошқа қарталарни кўрмадик-ку, — дедим.

«Туз»дан бошқа бирорта ҳам қартада Голландияда жаннат борлиги ҳақида ёзилмаган эди. Бу менинг қизиқишимни икки ҳисса ошириб юборди. «Туз»ларни бир неча марта айлан-тириб кўрдик. Бирини икки бўлдим ҳатто. Аммо хаёлимни эгаллаб олган саволларга жавоб тополмадим.

Агар Оксана билан Тарас бараварига қийқириб қулишмаганида эди, аҳтимол, ўйга чўмиб ўтираверардим. Чунки Наташа менга халақит бермай қўйган эди. Ҳатто унинг ёнимда эканини буткул унутгандим.

— Наташа! — бақирди Оксана.

Қайлигим менга қараб мийиғида кулди-да:

— Нима дейсан? — деди.

— Бу ёққа кел. Амир ҳам келсин.

Наташа чопиб кетди, мен эса дераза ёнига бордим. Пастга қарадим. Полициячилар қаёққадир ғойиб бўлибди. Машинанинг ўзи сўппайиб турарди. «Наҳотки машинанинг олиб қочилгани ҳақида ҳеч кимга хабар берилмаган бўлса?!» деган ўй ўтди хаёлимдан. Кейин бирдан илжайдим. «Ахир бу улов ашаддий жиноятчиларники бўлса, у ҳақда ким ҳам полицияга мурожаат қиларди? Бир ҳисобдан уларнинг машинасини миниб кетганимиз яхши бўлибди. Ҳам хавфли, ҳам хавфсиз. Хавфлилиги шундаки, у махсус идораларда рўйхатда турган бўлиши мумкин. Хавфсизлиги юқоридаги каби...»

— Амир, қаёқда қолиб кетдинг? Келсанг-чи, — дея чақирди Наташа.

Шу заҳоти хаёлимни яна қарталар эгаллаб олди. «Таклифнинг қартага ёзилиш сабабини билишим керак» деган ўйда чақирганлар томон юрдим.

Вожаб, Тарас Оксананинг қаршисида тиз чўкиб турарди. Қиз шўрлик қизариб кетган, нима қиларини билмайди. Наташанинг эса юзида табассум.

— Англаганим тўғри бўлса, Оксана, рози бўл, — дедим уларни кўришим билан.

Тарас ёниб турган кўзлари-ла боқди менга. Унинг чеҳрасида миннатдорлик жилваси кўриниб турарди.

— Мен кутилмаган таклифни қандай қабул қиламан? — деди Оксана.

— Жуда оддий. «Розиман», дейсан, олам гулистон. Ахир йигит тиз чўкиб, кўлингни сўрапти.

— Бунинг учун одам севиши керак-ку!

— Севиб қолишингга ишонаман.

— Менга ҳам Амирнинг гаплари маъқул, — дея мени кўллаб-қувватлади Наташа.

Оксана Тарасга кўлини узатди. Ўшанда йигитнинг шодлигини бир кўрсангиз эди. У ўрнидан сакраб туриш асносида ёрини қучди.

Қолгани менга қизиқ эмасди, шу боис Наташанинг кўлидан ушлаб, энди кетмоқчи бўлиб турганимда:

— Бизнинг бахтимизга шерик бўлмайсизми? — деди Оксана.

Кўриниб турибдики, унинг ўзида ҳам Тарасга нисбатан мойиллик бўлган. Йўқса, менинг икки оғиз гапимдан кейин ўлақолса рози бўлмасди. Яна бахтларига шерик бўлишимизни сўраш кўнглидагини икки ҳисса ошкор этарди.

— Албатта. Лекин сизларни томоша қилиб туриш ноқулай, — дедим.

— Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганман. Бу ёгини сўрасангиз, черков ҳам топиб келдим, — дея илжайди бахтдан масрур Тарас.

— Нега бунисини менга айтмагандинг? — сўради Оксана.

— Сенинг розилигингни олмасдан туриб айтолмасдим, — дея ўзини оқлаган бўлди Тарас.

— Демак, кечқурун базм бор, — дедим мен.

— Ҳа, — жавоб берди Тарас.

— Дарвоқе, черковга бориб келиш мумкин-ку. Мўйсафид...

— Ташқарида бировларнинг кўзига кўринишни истамадим.

Бунинг устига, художўйни кўндиришнинг ўзи бўлмади. У тушдан кейин соат учларда келиши керак.

Мен улар билан бирга Наташани қолдириб, ўзим ётоққа ўтдим. Чунки ҳаёлимдан бир дақиқа бўлсин, қартадаги ёзув кетмаётган эди. Бошқалар билан гаплашаётганда ҳам, у ҳақда ўйладим ва ўзимга ўзим янгидан янги саволлар бердим. Энди шу саволларга жавоб топишим керак эди.

«Бошқа қарта тўпламини олиб келиб кўриш керак» деган фикр келди миямга. Тўғри-да, агар уларда ҳам шу ёзувлар бўлса, демак...

«Шошма, Амир, нега бунча бошингни қотирасан? Исталган нарсани кўр, албатта, унинг қаеригадир ишлаб чиқарувчининг номи битилган бўлади. Баъзиларида кичкина, баъзиларида катта ҳарфлар билан... Тўхта, унда нега битта «туз»нинг ўзигаёқ ёзиб қўйилмади? Нега «туз»ларнинг тўрталасини жамлаганингдагина Голландиядаги жаннатта таклиф чиқаяпти. Демак, бунда бир гап бор.

Наташа хонамга кириб келиб, хаёлим бузилди. Биринчи марта унинг келишидан норози бўлдим.

— Ошиқ-маъшуклар ниятларидан қайтишди, — деди у.

— Нима? Турмуш қурмайдиган бўлишдими? Бунча тез айланишди? Бирга яшамай туриб-а?

Наташа гапимга қулиб юборди.

— Йўқ, — деди у бошини чайқаб, — улар аҳду паймонларида туришибди. Фақат художўйни бу ёққа чақиришмоқчи эмас. «Ўзимиз бориб келамиз», дейишди. Маслаҳат мендан чиқди. Сабабини биласанми?

— Жумбоқларни кўпайтирмасдан ўзинг айтиб бер.

— Сабаби, мен сенга айтсам, уларсиз иккимизнинг шу ерда қолишимиз.

— Бизга халақит беришмаётганди-ку.

— Лекин сен билан ёлғиз қолишни тусоди кўнглим.

— Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Ишонсанг, улар менга ёш боладай кўринади. Озгина назардан четда қолдирсанг, албатта, ишқал бошлашади.

— Ёки ўйинчоқ талашишади, — дея қулди Наташа.

— Балки...

— Хавотир олма, шу сафар улар бундай қилишмайди. Қолаверса, биз ҳам бирга борамиз.

— Оббо, шуниси камлик қилаётганди.

— Лекин ўзинг айтдинг-ку, назоратсиз қолдириб бўлмайди, деб. Шунинг учун...

— Бирга боришимиз керак, — дедим қайлиғимнинг оғзидаги гапини илиб кетиб.

— Биз попнинг ҳузуридан қайтаётганимизда шўхлигимиз тутиб, бирон қаҳвахонага кириб қолишимиз, кимлар биландир...

— Танишиб, жанжал чиқариб... — дея унинг гапини давом эттирарканман, қовоғимни уйдим. — Аслида, сени олиб

қолмоқчи эдим. Лекин энди бундай қилмайман. Сен ҳам улар билан бирга борасан. Билганларингни қилинглар!

Бақириб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Бу, албатта, табиий ҳолат эди. Хотиннинг эрига кесатишига бало борми? Наташанинг қовоғи осилди.

— Сен бировнинг бахтидан шодланмайсанми? Ёки бошқа нарсадан умидинг бормиди? — деди у.

— Бўлганида, шу пайтгача бўларди. Энди бор, мен ёлғиз қолишни хоҳлаяпман.

Наташа ранги гезариб хонани тарк этди.

Мен унинг қовоқ солганини, норози боққанини тезда унутдим. Чунки фикру ёдим қартадаги сирни аниқлашда эди.

Тарас билан Оксана кўп ёлворди. «Биз билан бирга бул», дейишди. Аммо кўнмадим. Эҳтимол, Наташа кесатмаганда, келин-куёвни сарғайтирмасдан уларга никоҳ ўқиладиганда ёнларида бўлардим. Наташа минғирлашни бошлагач, бошим оғриётганини баҳона қилиб, каравотга чўзилдим.

Уйда ёлғиз қолгач, тўртала «Туз»ни дарров қўлимга олдим ва яна бошқа белги борми-йўқми дея синчиклаб тикилдим. Тополмадим. Чироққа тутганимда эса ғалати нарсаларни кўрдим. Лотинча «Н» ҳарфига туташган гул, унинг ёнида сайраб турган қуш сурати бор эди. Ундан пастроқда эса ниҳоятда сулув қизнинг сурати шунақанги усталик билан чизилган эдики, у «Голландия» сўзига уйғунлашиб кетганди. Буни билиш учун диққат билан термилиш кифоя эди. Энг қизиги, қартани айлантисангиз, сурат рақсга тушаётгандай туйилади. Кўзим жимирлаб кетди. Кулдим. Чунки бир неча соат муқаддам қалин журнал қўлимга тушиб қолганди. Унинг охириги саҳифасида айлана тусидаги шакл бўлиб, остига «Ҳамма нарсани унутиб, эътибор билан шаклга тикилинг» деб ёзиб қўйилганди. Мен худди шундай қилдим. Орадан икки-уч дақиқа ўтиши билан сездимки, шакл айланыпти. Ўшанда кўзим жимирлаб, «Боғлашибди», деб қўйгандим. Ҳозир ана шу воқеа эсимга тушди. Энди буларнинг мазмунини жамлашим керак. Ана шунда, балки, қандайдир мазмун чиқар. Ана шунда Голландияга таклифнинг сир-синоати аниқланар, деган хаёлга бордим. Қўлимга қалам-қоғоз олиб, олдин сўзларни ёздим, сўнг қуш, гул ва рақсга тушадиган қизни чиздим. Ёзувларга қарарканман, кулиб юбордим. Чунки таклифда жаннат тилга олинган бўлса, суратларда жаннатни акс эттиришга уриниш бор. «Нима қилиб шу арзимаган сафсатага бошимни қотириб

ўтирибман? Ундан кўра, бу ердан кетишни, уйимга боришни ўйламайманми?» дея кўнглимдан ўтказиб, қарталарни улоқтириб юбордим-да, каравотга чўзилдим. Беш, ўн дақиқа ўтди ва буни қарангки, тагин қарта хаёлимни ўғирлади: «Голландия шунчалик жаннат экан, газетага ёз, ҳамма ўқисин, телевизорда айт, ҳамма эшитсин. Нима қиласан қартага яшириб? Уни биров ўқий олади, биров эътибор ҳам бермайди. Шошма, синаб кўрсам-чи?...» Қарорим ўзимга маъқул келди ва никоҳ ўқитишга кетганларни кута бошладим. Телевизор кўйдим. Қанақадир кино бўлаётган экан. Тилини билмаганим боис зерикарли туйилди ва телевизорни ўчириб қўя қолдим. Вақт имиллаб ўтарди. Менинг эса қиладиган ишим йўқлигидан юрагим сиқила бошлади. Ухламоқчи бўлиб, ёстиққа бош кўйдим. Аммо уйқу ҳам келмади. Шунда тагин қарталарни қўлга олдим. Тикилдим. «Т» ҳарфининг остидаги жуда ингичка чизиқчаси пастроқдаги ёнчасига тортилган бошқа бир чизиққа туташган. Кейин у узун тўртбурчакка айлантирилган. «Нимагадир ўхшаб кетаркан» ўйладим мен. Бироқ айнан нимагалигини билолмадим. Эҳтимол, отвёркага... Биринчи бўлиб хаёлимга шу ўй келди ва ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Чунки ўхшатишим ғалати эди. Кейингиси йиртилган оёқ кийимларни тикадиган игна бўлди. Туманимиз марказидаги автошоҳбекат ёнидаги будка эсимга тушди. Унда ёши қирқлардан ошиб қолган соқол кўйган яҳудий этикдўз ишларди. Мен уни икки марта кўрганман. Дадам билан бозорга тушганимда, оёқ кийимим йиртилиб кетганди. Беш-олти ёшда эмасманми, йиғлаб юбордим. «Одам шунгаям йиғлайдими?» дея дадам уришиб берган ва қўлимдан етаклаганча этикдўзнинг ёнига олиб борган. Бош кўтармай ишлаётган уста ўзбек тилини бузиб гапираркан. Биринчи эътиборимни тортгани шу бўлди. Иккинчиси, менга хунук иржайиб қаради. Ўз-ўзидан оғзидан сўлагани оқди. Кейин туфлимни ўзи ечмоқчи бўлиб, қўлидаги игнаси билан оёғимни тилиб юборди. Дадам бу пайтда йўқ эди. Этикдўзга оёқ кийимимни тикиб беришини илтимос қилганидан кейин носини туфлагани ташқарига чиққанди. Тилинган жойдан қон сизиб чиқди. Мен этикдўздан уялганим учун чинқириб юбормаган эдим. «Оббо, чатоқ бўлди», дея уста бошини сарак-сарак қилди-да, бармоғи билан қонни артди. Сўнг ўша бармоғини ялаб қўя қолди. Мен ҳангу манг эдим. Шунингдек, қўрқа бошлагандим. Агар дадам келмаганида, йиғлаб юборардим.

Ҳозир қартадаги чизиқлар ўша этикдўз қўлидаги игнали асбобга ўхшаб кетгани боис мен ўша воқеани эсладим. Кейинчалик анча улғайганимдан сўнггина этикдўз менинг қонимни ялаганини англадим.

Диққатимни яна қарта тортди. Ажабки, мен унга қанча кўп термилсам, шунча кўп нарсани илғайтган эдим. Хаёлимдаги саволлар қисқариб, битта «неча»да тўхтаганди.

«Дўконга бориб яна қарта тўпламидан олиб келсам-чи?» деган фикр келди хаёлимга. Ҳа, шундай қилганим маъқул. Қани, кўрайлик-чи, бошқаларида ҳам бормикан?

Худди чумчуқдай эҳтиёткор бўлиб қолгандим. Юриш асносида атрофимга кўз ташлар, ким қаёққа кетяпти, ким менга қараяпти, ҳеч бири назаримдан четда қолмасди. Шу билан бирга, бўлар-бўлмасга бошимни буравермасдим. Чунки бошқаларни шубҳалантириб қўйишим мумкин.

Уйдан чиқаётганимда, тил билмаслигимни эътиборга олмаган эканман. Дўконга боргач, роса бошим қотди. Яхшиям, сотувчи фаросатлигина экан. Қартани кўрсатишим билан қоғозга нархини ёзиб берди.

Уйга қайтиб, дарров қутисини бузиб, «туз»ларини ажратиб олдим. Манзара ўша-ўша эди. Фарқи, бу қарталарнинг ранги аввалгисига нисбатан очроқ эди. Шунинг учун янада очроқ бўлган белгиларни билиш бироз мушкулроқ бўлди.

«Хўп, нима бўпти? Қарталарга Голландияга бориш рекламаси яширинча ёзилган бўлса, бунинг менга нима қизиғи бор?» деб ўз-ўзимга гапирдим ва бироз мизғиб олиш учун ўзимни каравотга ташладим. Аммо ухлаёлмадим. Эшик ортидаги қийқириқ кулги ўрнимдан туришга мажбур этди.

— Бизни бемалол табриклашинг мумкин! — деди ҳаммадан аввал ичкарига кириб, бўйнимга осилган Оксана. — Поп «Эр-хотинсизлар», деб эълон қилди. Бахтимизга, у ерда одам кўп экан. Ҳаммалари табриклашди, ҳатто биттаси гул ҳам берди.

Оксана мени қўйиб юборгач, Тарас унга:

— Бормаганинг чатоқ бўлди. Ёнимда бўлганингда эди... — деди.

— Лекин мен хурсандман. Тўғриси. Кечки пайт буни исботлайман, — дедим жилмайиб.

Наташа қўлтиғимга кирди. Қучиб негадир ўксиниб қўйди. Аёллар кичиккина тўйга тайёргарлик кўраётганда биз деразани очиб, ташқарини томоша қилганча гаплашиб ўтирардик.

Тарас ёшлигини қисқагина гапириб берди. Айтишича, отаси қурувчи бўлган экан. Тарас етти ёшга тўлганидан уч кун ўтиб, тўртинчи қаватдан йиқилиб ўлибди. Шундан сўнг онаси нақ беш марта эрга тегиб чиқибди. Тараснинг «Ўғай оталаримнинг бари менга кун бермаган... Адашмасам, учинчиси икки кун оч қолдирган. Онам Москвага кетганди. Силлам қуриб ўлиб қолай дегандим. Очофатларча овқатга ёпишганимни кўрган онам шўрлик йиғлаб юборган...» деган гапи мени титратди. Чунки ёш болаларни қийнаганларни азалдан ёмон кўрардим.

— Тарас, қарта ўйнаймизми? — дедим у ҳикоясини тутатиб, маъюсланиб ўтирганида. — Кўрқма, сенга ютқазаман. Чунки бугун сени ютиб бўлмайди.

Унинг юзида табассум пайдо бўлди.

— Бўпти. Лекин менга ён босадиган бўлсанг, ўйиннинг қизиги қолмайди. Кейин мени ютаман деб, бекорга овора бўласан. Кўз очиб юмгунча ютиб ташлайман, — деди у.

Дарҳақиқат, Тарас уста экан. Кетма-кет уч марта ютди. Кейин ютқазди.

— «Туз»ларга яхшилаб қара, нима кўраркансан? — дедим навбатдаги ўйин олдида.

Чунки у неча марта қартани қўлига олган бўлса, бирор марта ҳам «Туз»га эътибор бермади. У сузишдан тўхтаб, айтганимни қилди.

— «Туз»дақа «Туз»... Яна нима бўлиши мумкин? — дея менга нигоҳ ташлаган Тарас елкасини учуриб қўйди.

— Яхшилаб қара.

— Бирорта белги қуйганмисан?

— Йўқ. Сен қара.

У яна термилди. Бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг хўрсиниб қўйди-да:

— «Туз», «Ғишт», «Ғишт»нинг ранги қизил, оч қизил, бошқа жойи оппоқ, — деди.

— Чироққа тут.

У ўрнидан турди. Чироқни ёқди. Кундузи унинг ёруғи деярли йўқ эди. Шундай эса-да, қартани тутди.

— Ҳимм, бир нималар борга ўхшайди, — деди.

— Кўздан қолганмисан, нима бало? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Ҳа-а, мана кўрдим, немисча ёзув. «Голландия» деб ёзилган.

— Яша, энди бошқаларини ҳам чироққа тут, нима кўраркансан?

Тарас айтганимни қилди. Сўнг ҳайрат тўла нигоҳи билан боқиб:

— Голландияда жаннат бормишми? — деб чап қўли билан бошини қашлади.

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Ҳозир нариги қарталарни олиб келайлик. бошқа нарсаларни ҳам кўрасан.

Бунисидаги чизгилар яққолроқ бўлгани учун Тарас дарров ҳамма нарсани кўрди.

— Мени бир нарса ўйлантираяпти. Ўша Голландияда яшаш яхши экан, бунни айтиш ҳечам жиноятмас. Тўғрими?

Тарас бошини қимирлатиб, гапимни тасдиқлади.

— Хўш, унда нега қартага билинар-билинемас ҳарфлар билан шу ҳақда ёзишган? Яна гул, қуш, гўзал қиз расмини чизишган. Нега?

Тарас лабини бурди.

— Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Тўхта, қартани кўпроқ кимлар ўйнайди?

— Бекорчилар, — жавоб берди Тарас.

— Аниқроғи-чи?

— Бекорчилар бизга ўхшаб «аҳмоқ» ўйнашади. Қартабозлар эса қимор...

— Ким ютади?

— Кўпроқ сенга ўхшаган эътиборлиси.

— Демак, унинг чўнтаги пулга тўлади. Чўнтаги пулга тўлган қиморбоз айш-ишрат қилгиси келади. Чизилган расмлар... Шошма, у ерда бир нарса бор! — дедим-да, қартани қўлимга олиб, синчиклаб қарадим: — Бу ҳеч қанақанги этикдўзнинг асбоби эмас. Бу оддий шприц!

— Шприц?! — такрорлади Тарас.

— Ўҳ, ярамаслар... Ўша давлатда наркотик истеъмол қилиш тақиқланмаганми?

— Ҳа-а.

— Мана, гап қаерда? Қиморда ютган одам қартадаги белгиларни илғайди, кейин ўша реклама қилинган жойга боради. Айш-ишрат қилиб бор пулини ташлаб келади... Ўта кетган аблаҳлик!

Бақирганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Тарас чўчиб тушди. Унинг ранги бироз оқарганди. Кечга тайёргарлик кўраётганлар олдинма-кейин бизнинг ёнимизга келишди.

— Нима бўлди? — деди Наташа киприклари пирпираб.

— Мен... Мен қартадаги ёзув ва суратлар мазмунини топдим. Бу ифлослар жуда ақлли иш қилишган. Янаям аниқроғи... Нималар деяпман ўзи?

— Ҳайронман, — деди Наташа мендан кузини узмай. — Бир нималарни...

Оксана Наташа гапини охирига етказмасдан кулиб юборди. Унга Тарас ҳам қўшилди.

— Жоним, — деди Наташа ёнимга утириб, мени қучаркан, — қўй шу қарталарни.

— Тўғри айтасан, бу падари лаънати эрталабдан бери миямни эговлайди, — дея жавоб қилдим унга.

Аёллар кетишди. Тарас ҳам уларнинг ортидан равона бўлди. Мен бир муддат ёлғиз қолиб, ўзимга келиб олмоқчи эдим. Бўлмади. Анави қарта чиқарган маккор, каззоб, одамхўрларнинг ишлари тагин бутун ўй-фикрларимни эгаллаб олди.

«Яшаш даҳшат. Бирон жойда кам-кўст кўрмайсан. Бир кун кўриш шунчалик бўлар-да. Аммо ишратнинг чексиз, адоқсизлигини кўриб ҳам эсинг кетади. Дарвоқе, булар бизга намуна қилиб кўрсатилади. Машиналар, биноларининг минг етти юзинчи йилда қурилиб, бирон жойига шикаст етмаганидан ҳамон одамларнинг яшаб келаётгани, савдо-сотикда фирромлик бўлмаслиги, ишончнинг юқорилиги ва ҳоказо. Тўғри, бунақанги нарсалардан ўрнак олса бўлади. Аммо шунча намуналар бор жойда тубанликнинг ақл бовар қилиб бўлмайдиган турлари ҳам кўплигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши».

Қарталарни ёқиб ташладим.

Кечки базм ҳаммага бирдек ёқди. Ичкиликбозлик бўлмади ҳисоб. Оксана билан Тарас Францияга кетадиган бўлди. «Мен Марселдан уй сотиб олмоқчиман. Мерседес юрган кўчаларда юраман. Умуман, сайру саёҳат қиламан. Ўтган кунларимни бутунлай унутиб, Тарасга кетма-кет фарзандлар ато этмоқчиман. Шубҳасиз, улар бахтли бўлишади. Чунки мен бойман. Албатта, Тарасни камситмоқчи эмасман. Ундан умидим катта», дея у ёнида ўтирган йигитнинг юзидан чўлпиллатиб ўпиб қўйди.

— Менинг сенга роса ҳавасим келаяпти. Аммо сендай юролмасам керак. Чунки Амир ниҳоятда чўрткесар ва ўзбошимча. Яна уни ёлғиз қолдириб ҳам бўлмайди. Бирорта ишқални бошлаши мумкин. — деди Наташа.

— Балки. Лекин, мана, Европага келганимиздан бери ишқални нуқул сизлар ўйлаб топаяпсизлар. Менинг эса жоним ҳалак. Ҳаммаёқни текислаш, тозалаш билан овораман, — дея қўлимга қадаҳни олдим-да, бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юбордим.

Базм тунги ўн бирга яқинлашганда тугади. Ҳамма чарчаганди. Айниқса, ёш келин-куёвнинг ўзларини бошқариши қийинлашиб кетаётганди.

Эртасига Тарас машинани қаёққадир ташлаб келди. Чунки уни бу ерда ортиқ сақлаб бўлмасди. Шундан сўнг бир ҳафта Нюрнбергда қолиб кетдик. Шаҳар айландик, театрга тушдик. Кечқурунлари эса ресторанларда овқатландик. Мен сочимни тагидан олдириб ташлагандим. Шу боис бемалол юравердим. Тўғри, паспортдаги расмимга кўп-да ўхшамай қолдим. Аммо негадир ҳеч нарсадан қўрқмадим.

Навбатдаги ҳафта ўрталаб қолганида, келин-куёв Парижга учиб кетишди. Биз уларга ўрганиб қолган эканмиз, дарров зерикдик.

— Бўлдим, шу ерда шунақа қилиб яшайверамизми? — деди Наташа орадан икки кун ўтгач.

Гаплашадиган гап қолмаганди ҳисоб. Асосан, телевизор кўриш билан вақтни ўтказаетган эдик.

— Бошим қотган, қаерга боришни билолмаяпман, — дея жавоб бердим унга.

— Балки биз ҳам Парижга кетармиз. Агар улар жойлашиб олган бўлса, албатта, бизгаям...

— Сўзсиз! — дея унинг гапини бўлдим. — Лекин мен боришимизда мантиқ кўрмаяпман. Хўп, беш-олти кун Парижни томоша қиламиз. Кейин-чи? Кейин яна мана шунақа битта хонага қамалиб олиб ўтираверамизми кун санаб?

— Унда, — деди Наташа титраганча, — унда мана шу ерда худди турмада ўтиргандай ўтираверамиз. Ҳеч иш қилмаймиз. Бировнинг кўзига кўринмаймиз. Қўрқамиз!

У зерикканидан портлайдиган ҳолга келиб қолгани шундоққина кўриниб турарди.

— Бўпти, фақат Францияга эмас. Бутун Европани айланиб чиқамиз. Дарвоқе, бу ерда ҳар қадамда туркларни кўраяпман, — дея гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлдим.

— Юришгандир-да бизга ўхшаб.

— Йўқ, менимча, қандайдир иш қилишса керак. Анталияга боргинг келмайдими? Денгизда чўмилиб маза қиласан. У ердан бизнинг юртга бориш осон.

Наташа индамади. Ўрнидан туриб, ошхона томонга кетди. Бироздан сўнг қандайдир идишнинг сингани эшитилди.

«Уйда уззукун ўтиришнинг охири жанжалга айланиши бор гап экан-да. Бундан чиқди, қандайдир иш топишим... Тил билмайман-ку. Билганимда-чи... Дам олиш менга ярашмас

экан... Голландияга борсак-чи? Анави қартада акс этганлар, ҳақиқатан ҳам, шундайми, йўқлигини билиб олардим... Билганимда нима қиламан? Бориб ҳамма нашаванд, қорадори-фурушларни ер билан битта қиламанми? Тавба, одам ётаверса, хаёлига келмаган нарсанинг ўзи бўлмас экан. Энг яхши вариант Туркияга йўл олиш. У ёқда озгина дам олиб, кейин ватанга қайтаман. Бошқаларга ўхшаб яшайвераман. Дарбадарлик жонимга тегиб кетди-ку!» Хаёллар қонимни кўпиртириб юборди. Ўрнимдан сапчиб туриб, важоҳат билан ошхонага кирдим. У ерда бошини кафтлари орасига олганча столга тирсагини тираган Наташа йиғлаб ўтирарди. Бақирмоқчи эдим. “Аламингни идишдан олаяпсанми?” демоқчи эдим. Ўтиришини кўриб, бечорага ичим ачиб кетди. Бориб қучдим.

— Амир, кетайлик, илтимос! Қарга бўлса ҳам майли! Бу ерда жинни бўлиб қоламан. Худо хайрингни берсин! — деди у.

— Бўпти, сен айтганча бўла қолсин. Эшитишимга қараганда, Парижга поезд қатнаркан. Ўтирамиз-у, жўнаймиз... Шошма, Оксана билан Тарас қарга тўхтаганини билмаймиз-ку.

— Шартми улар? Меҳмонхонага жойлашамиз.

— Келишдик. Унда дарров ўрнингдан тур-да, кийимларингни кий. Вокзалга бориб, чипта олиб келамиз.

Наташа хурсанд бўлиб кетди. У ўрнидан сапчиб турди-да, юзимдан чўлпиллатиб ўлиб қўйди. Сўнг югурганча ётоқхона томон кетди.

Ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Совуқ этни жунжиктирар, ҳализамон ёмғир ёғиши эҳтимоли бор эди. Наташа қўлимдан маҳкам ушлаб олди. Биз автобус бекатига боргунча тўртта полициячига дуч келдик. Аввалги иккитаси индамай ўтиб кетди-ю, кейингилари тўхтатишди. Иккиси ҳам қорин қўйган, бақбақалари осилганди. Башаралари бирам хунук эдики, одамнинг гаплашгиси келмасди. Буни қарангки, улар менинг ҳужжатларимга қизиқиб қолишди. Ўзиям икковлашиб роса термилишди. Бахтимга, Наташа тилни яхши билади. Бир нарсалар деб чулдираб ташлади. Мен эса «Яна ишқал чиқмасин» деган ўйда нафасимни ичимга ютиб туравердим. Шу билан бирга, нигоҳим-ла автобус бекатигача қанча қолганини, атрофимизда яширинадиган жойнинг бор-йўқлигини ва машиналар тезлигини кузатдим. Аммо иш мен ўйлаган даражага бормади. Полициячилар ҳужжатимни қайтиб бериб, йўлларида давом этишди.

— Нима дединг уларга? — сўрадим Наташадан.

— Сенинг тобинг йўқлигини, касалхонага кетаётганимизни айтдим. Рангинг оқариб кетгани фойда берди.

— Менинг рангим оқарибдими?

— Ҳа, негадир оқарган. Менга қара, балки, ҳақиқатан ҳам, мазанг қочгандир.

— Нималар деяпсан? Соппа-соғман. Расмимга ишонишмади, шекилли.

— Ҳа, шубҳаланишди.

— Яна бошқа паспорт оладиганга ўхшаймиз.

— Жинни, ким ҳам сенга паспорт берарди?

— Тўғри, ҳеч ким бермайди. Демак, аввалги ҳолимга қайтишимга тўғри келаркан.

Наташа кулиб қўйди.

Нюрнбергдан Парижга тўғридан-тўғри поезд бўлмас экан. Бунинг учун Берлинга бориш керак экан.

Биз уйга қайтдик. Эртасига саҳарлаб Берлинга жўнадик. Ҳамма нарса илгаригидек тартибда. Поезд сонияларга ҳам адашмасдан жойидан қимирлади. Кўзим атроф-муҳитга кўникиб қолгани боис, гарчи дераза ёнида ўтирсам-да, ташқарини томоша қилмадим. Шунчаки кўзимни юмиб, хаёлот дунёсига сафар уюштирдим. Аммо сафарим, адашмасам, икки соатдан нарига ўтмади.

Аввалига нимадир қарсиллаб кетди. Кўзимни очишга улгурмасимдан олдинги ўриндиққа урилдим (поезд вагонининг салони худди трамвайникига ўхшарди. Фарқи, ўриндиқлар оралиғи кенгрок). Кейин вагон Наташа томонга тўнтарилиб кетди. Мен-ку, ўриндиқ ушлагичидан тутиб қолдим. Аммо Наташа ёнига ағанади. Қий-чув, дод-вой, қасир-қусур орасида қайлиғимнинг бақиргани, ёрдам сўраганини эшитмадим ҳам... Умуман, нима бўлаётганини билиш қийин эди. Бир нималарга урилдим. Аввал оёқларимда, кейин қўлларимда кучли оғриқ турди.

Кейин... У ёғини билмайман. Кимларнингдир ўзга лаҳжада сўзлашишлари кўзимни очишга мажбур этди. Аввало, оппоқ шифт, ёниб турган чироқни кўрдим. Бир зум қаердалигимни билолмай, гарангсидим. Менинг бундай ҳолга иккинчи марта тушишим эди. Аввалгисини айтгандим. Ўшанда ўт ичига кириб, Александр Абрамовични олиб чиқиш асносида баданимнинг у ер-бу ери куйган, тутундан кўп ютиб қўйиб, ҳушимдан кетганча йиқилган эдим. Айнан ўшанда Наташани учратганман...

Бошимни кўтармоқчи эдим, аъзойи баданимда лўқиллаган оғриқ туриб, инграб юбордим. Ёнимда дарров бир киши пайдо бўлди. У ғира-шира туман ичида турарди. Бир нарсалар деди. Бироқ мен ҳеч вақога тушунмадим. Индамай ётавердим. Нотаниш одам укол қилгач, мени шунақанги қаттиқ уйқу босдики, киприкларимни-да кўтаришга мадорим етмай, ухлаб қолдим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман. Кўзимни очганимда, ҳамма нарсани аниқ-равшан кўрардим. Ҳатто бошимни ҳам кўтара олдим. Тўғри, мени кузатиб турган ҳамшира бошимни ёстиққа қўйишга мажбур этди. Бироқ ичим қизиб кетаётгани боис яна қаддимни ростламоқчи бўлдим. Бу пайтда палатада мен ва тагин уч бемордан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Бошимдан ташқари оёқ-қўлларим, белим дока билан ўраб боғланган эди.

Мен нима бўлганини эслашга ҳаракат қилиб кўрдим. Бирдан поезд кўз ўнгимга келди. Хаёл сураётгандим... Тарақа-туруқ, қарс-курс, дод-вой... “Немислар ҳеч қачон адашмайди”, дейишарди. Лекин бутун бошли поезд вагонлари билан бирга қулаб кетди-ку... Нега ағанади? Наҳотки бошқа поезд билан тўқнашиб кетган бўлса? Унда жуда кўп одам... Шошма, Наташа қани? Унга нима бўлди? Ишқилиб, мендек аҳволга тушмаган бўлсин. Эй, худо...

— Ким бор? Бу ёққа келинг! — дея бақирдим.

Зум ўтмай, палатага ранги совуққина ҳамшира қиз кирди. У пилдирабгина ёнимга келиб, бир нималар деди.

— Наташа қаерда? Соғми?! — дея унинг кўкимтир кўзларига тикилдим.

Ҳамшира қўлларини икки ёнга ёзди. Шунда оёқ томонимдаги каравотда ётган бемор тилга кирди. Албатта, мен унинг гапига тушунмадим. Чунки у немис тилида сўзлади.

Ҳамшира унинг тепасига бориб, алланималарни сўради. Орада Наташа ҳам тилга олинди.

— Ҳозир билиб келаркан. Айтишича, элликка яқин аёл бор эмиш. Уларнинг ҳаммаси ўша поездда бўлган экан... Ажабмас, ораларида сенинг Наташанг ҳам бўлса, — деди ҳамшира чиқиб кетганидан кейин палатадаги бемор.

— Раҳмат, — дедим ҳамхонамга миннатдорчилик билдириб.

Вагон ағдарилди, қанча одам оҳ-воҳ қилди. У ер-бу ери синганлардан ташқари омонатини топшириб қўйганлар... Ўз уйимдан вужудим титраб кетди. Йўғ-э, Наташа омон қолган. Эҳтимол, фақат ур ер-бу ери тирналгандир. Балки менинг

ўзимга келишимни кутиб ўтиргандир. Бундай пайтда кишининг хаёлига нуқул бемаза ўйлар келишини қаранг.

Ҳамшира кирди. Унинг совуқдан-совуқ юзида бирон илиқлик кўриш умидида термилдим. У менга кўз ташлаб қўйди-да, палатадошим ёнида тўхтаб, алланималар деди.

— Наташа исмли аёл бор экан уларнинг орасида. Лекин аҳволи анча оғир эмиш. Ҳали ўзига келмабди, — дея унинг гапларини таржима қилди ҳамхонам.

— Аҳволи оғир? Нима қилибди? — сўрадим шошиб.

— Учта қовурғаси синган. Умуртқа поғонаси дарз кетган. Жигарига ҳам озгина шикаст етган. Бошқа аъзолари соғ, — деди бу сафар бемор ҳамширанинг гапларини мен тушунадиган тилга ўтириб.

«Хайрият, тирик экан. Ҳозир аҳволи оғир бўлса, кейинроқ яхшиланади» дея кўнглимдан ўтказдим-да:

— Айтинг, илтимос, Наташа ўзига келиши билан менга хабарини етказсин. У мабодо мени сўраб қолса, аҳволим яхшилигини айтсин, — дедим.

«Ўзига келади. Отдай бўлиб кетади. У яшаши керак. Ҳеч кимй йўқ. Биргина синглиси Анна... У ҳали жудаям ёш. Боз устига, Мариянинг қўлида... Анна учун ҳам керак» дея хаёлимдан ўтказдим.

— Қайси шаҳардансан? — дея сўради ҳалиги бемор хаёлимни бўлиб.

— Менми? — дедим унинг сўзини тезда илғай олмаганимдан саволга савол билан жавоб бериб.

— Ҳа, сен.

— Қайси шаҳар?... Шаҳармас, қишлоқ. Лекин шаҳардан зўр қишлоқ.

— Оти нима экан ўша шаҳардан зўр бўлган қишлоқнинг?

— Отими? Оти Азизтупроқ.

— Азизтупрак?

— Йўқ, Азизтупроқ.

— Азез...

— Йўқ, Азизтупроқ.

— Нима бўлса ҳам, эшитмаган эканман. Қарда у?

— Ўзбекистонда.

— Ҳа-а, шунақами? Исминг нима?

— Амир.

— Меники Пётр Сафонович.

— Нега шунчаки Пётр эмас?

— Одобсизлик қилдингиз. Шунга қарамай, жавоб бераман. Биринчидан, ёшим олтмиш бешдан ошган. Иккинчидан, олимман. Учинчидан, иқтисодни яхши тушунаман ва психологияни яхши ўрганганман.

— Ўххў, унда мени кечиринг, Пётр Сафонович.

— Хўш, бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Саёхат.

— Наташа деган аёлни сўрадингиз. У кимингиз бўлади?

— Хотиним.

— Уйланганингизга анча бўлганми?

— Йўқ.

— Германия ёқдими?

— Бирон нима деёлмайман.

— Биринчи келишингизми?

— Ҳа.

— Айтинг-чи...

— Пётр Сафонович, саволларингиз кўпайиб кетмадими?

— Асло. Мен сизни машқ қилдирыпман. Ҳозир кучли стрессда бўлишингиз мумкин. Поездларнинг тўқнашуви, вагоннинг ағанаши, қайлиғингизнинг аҳволи оғирлиги сизнинг иродангизни букиб қўяди. Одамнинг ташвиш кутариш меъёри бор. Қайғуси ўша меъёрдан ошиб кетса, киши қаттиқ руҳий азоб чанғалида қолади. Кун келиб, бу касалликка олиб боради. Гапирсангиз, маълум ҳужайраларингиз фаоллашади. Қонингиз юришади. Сизнинг суяқларингиздан бошқа жойингизга шикаст етмаган, шундайми?

— Билмадим.

— Ўрнингизда мен бўлганимда, аввало, ўзимнинг ҳозирги ҳолатим тўғрисида докторлардан сўраган бўлардим. Одам қанчалик ўзи ҳақида қайғурса, бошқаларга кўпроқ фойдаси тегади.

— Шунақа деб ўйлайсизми?

— Албатта. Мен бунни исботлаб, матбуотда эълон қилганман. Ҳатто китоб ҳолида чиқарганман. Биласизми, у қанчалик шов-шув бўлиб кетди. Инсон ўзини билишни жудаям истайди. Аммо, афсуски, ўз-ўзини англолмай, нариги дунёга рихлат қилади. Шундай экан, бошқа бировнинг руҳий ҳолатини, психологиясини қандай ўргансин? О, мен сизга айтсам, табиатнинг сир-синоати жуда кўп ва у айнан инсондан бошланади... Мен қамалиб чиққанман.

— Нималар деяпсиз? Олим бўлсангиз, сизни қандай қамашлари мумкин? Ҳа-а, — дедим кулиб, — тушундим. Сиз студентлардан пора олгансиз.

— Бас қилинг! — қичқириб юборди Пётр Сафонович. — Нималар деб валдираяпсиз? Бунинг учун кечирасиз-у, сиз билан битта палатага тушиб қолганим учун тақдиримга лаънатлар айтгим келди. Одамнинг бунчалик шафқатсиз, пасткашлигини ҳар доим ҳам учратавермайсиз.

— Нега ҳақорат қиляпсиз? Олим бўлсангиз, институтда ишлаган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой? Институт домласини олимлиги учун қамамайдилар-ку.

— Қамашади. Боя сиз айтган, аслида, олимликка дахли бўлмаган тубанликни касб этганларга жин ҳам урмайди. Бироқ илм эгаларининг сўзлари ҳамма вақт ҳам, ҳаммагаям ёқавермайди. Идеализм бирламчи ва худо оламни яратган, деган фикрни илгари сурганимда, ҳали иттифоқ даври эди. Қолаверса, ўзим ҳам ёш эдим. Дарров қаршилар сони кўпайиб кетди. Уларнинг аксарияти файласуфлар бўлиб, ашаддий материалистлар ҳисобланишарди. Боя сиз ҳақиқатни айтдингиз. Мен шундай одамларни инсон қаторига қўшмаганим боис сизни ҳақоратлаб юбордим. Менинг ёнимга студентни юборишди. Ҳеч вақони билмайдиган ошқовоқ бир бола эди. Табиийки, мен уни имтиҳондан йиқитгандим. У эса хонамга кирди-ю, ҳе йўқ, бе йўқ, бир даста кип-қизил ўнталикларни столим устига ташлади ва ҳайҳайлашимга ҳам қарамай, югурганча кабинетни тарк этди. Натижа... Натижа кундай равшан эди. Судда мени аяб ўтиришмади. Айниқса, ҳамкасбларим. Аммо турмада ҳам тинч ўтирганим йўқ. Тинимсиз изландим. Қанчадан-қанча илмий ишлар қилдим, китоблар ёздим. Жуда кўп адабиётларни ўқиб чиқдим... Сиз мени вайсақи чолга чиқариб қўйган бўлишингиз мумкин. Лекин сиздан илтимос қиламан, хулоса чиқаришга шошилманг.

— Қайтанга, маза қилаяман.

— Ҳа, шундай. Демак, сиз билан...

Унинг сўзи бўлинди. Хонага олдинмаз-кейин оқ халатли икки киши ва бизга қараб турган ҳамшира кириб келди.

Ҳамшира тил билмаслигимни уларга айтган, шекилли, Пётр Сафоновичнинг каравоти ёнида тўхташди.

Пешонам ярақлаган экан. Йўқса, немис тилини ўз тилидан ҳам яхшироқ биладиган одам билан битта палатага тушиб қолармидим? Мана текин таржимон. Менга қанчадан-қанча фойдаси тегиб ётибди.

Докторлар белим, оёқларим, қўлларимдан бўлак яна қаерим оғриётганини сўрашди.

— Ҳозир сиз айтган жойлар ҳам оғримаяпти. Наташанинг аҳволи қалай? Кўзини очдимиз? — дедим.

Жавоб қониқарли бўлди. Қайлиғим ўзига келибди. Сув сўрабди. Лекин унга ҳали безовталаниш мумкин эмас экан. Шу боис ухлатиб қўйишибди.

— «Клиника харажатларини ўзингиз тўлайсизми?» деб сўрашяпти, — деди Пётр Сафонович докторларнинг кейинги гапларини таржима қилиб.

— Албатта. Менинг пулим бор. Банкда. Чўнтагимда... Сумкамда ҳам бор эди. Лекин ҳозир сумкам қаердалигини билмайман. Ишқилиб, биров кўтариб кетиб қолмаган бўлсин, — дедим мен.

— Хавотир олманг. Пулларингиз кўчада сочилиб ётган бўлса ҳам биров тегмайди, — дея докторлар ўрнига Пётр Сафонович жавоб берди.

Врачлар сумкамнинг рангини, шаклини сўрашди. Айтдим. Кейин улар илжайганча чиқиб кетишди.

Палата жимжит бўлиб қолди. Пётр Сафоновичдан садо чиқмай қўйди. Мен ҳам ўзимдан билиб гапира қолмадим. Бўлмаса, сўрамоқчи бўлганларим кўп эди.

Бироздан сўнг навбатма-навбат ён томондагилар ҳам ўзларига келишди. Ҳамширани чақиришди. Унга бир нима-ларни гапиришди. Бири ҳамширанинг жавобидан қониқмади, шекилли, овозини баландлатди. Ҳамшира палатани тарк этиб, бояги докторлардан бирини етаклаб келди. Доктор асабийлашган беморга алланималарни тушунтирди. Ҳатто илжайди ҳам. Шундан кейингина кетди.

Яна бироз вақт ўтиб, «уйғониш»да биздан ортда қолганлар бир-бирлари билан сўзлашишди. Уларнинг гапларини Пётр Сафонович қисқатгина таржима қилди.

— Судга беришмоқчи. Доктордан қайси клиника ва арзномани қабул қиладиган одамни сўради. Яна яхши докторларни унинг соғлиғи учун жавобгар этиб қўйишларини тайинлади, — деди у.

— Қойил! Поезд фалокатга учраган жойда қолиб кетганида, нима бўларди? Шукур қилмайдими? — дедим мен.

— Асло. Лекин у ҳақ. Боя худди шу нарсани мен сизга айтган эдим. Биз аввал бошқаларни, кейин ўзимизни ўйлаймиз. Булар эса, аввало, ўзини ва яна ўзини ўйлайди. Кейин бошқани... Шунда ҳам яқин қариндошларидан бири бўлсагина. Йўқса, ишлари йўқ. Ўлиб кетмайдими, нима фарқи бор? Мен сизга айтсам, бир воқеа эсимга тушиб қолди. У Европа давлатларидан бирида бўлган. Яъни бир одамнинг отаси қазо қилади. Ўша одам бу пайтда жононаси билан иссиқ ўлкада

дам олаётган бўлади. Энг яхши ресторанларда овқатланади, беш юлдузли меҳмонхонада яшайди. Кўм-кўк денгиз суви мавжланиб турибди. Унга «Жаноб фалончи, отангиз қазо қилди. Таъзияга келинг» қабилида хабар беришади. Шунда ўғилтой оёғини қўлига олиб, отасини сўнгги манзилга кузатишга югурмайди. Бунинг ўрнига, жавоб хати ёзиб қўя қолади. «Отамнинг вафотидан чуқур қайғудаман. Аммо таътил, дам олиш муддатим тутамаганлиги боис таъзияга боролмайман. Илтимос, уни ўзларинг дафн этинглар» деган мазмунда.

Мени яшин ургандай бўлди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ичимда шунақанги оғриқ турдики, афтим бужмайди. Ахир ота уйини тарк этганимга, яқинларим, қавм-қариндошларимни кўрмаганимга қанча бўлиб кетди? Бориш... Боришга имконият мингдан зиёд бўлди. Аммо мен бесадоқ, ватангадо борамдим!

— Имм!

— Нима бўлди? — деди Пётр Сафонович шошиб.

Бир муддат жавоб бермадим. Беролмадим.

— Оғриқ турдими? Нега жимсиз? — дея хавотир олиб сўради Пётр Сафонович.

— Йўқ, — дедим тупугимни зўрға ютиб. — Ўзим шундай.

— Ҳа-а, мен бўлсам, инграб юборганингизга бирор жойи оғриб қолдимикан, деб ўйлабман.

Ичикдим. Ўкириб юбормаслик учун лабларимни маҳкам тишладим.

— Ана кўрдингизми? — деди бир муддат ўтиб, гапини давом этказган Пётр Сафонович. — Мен ҳақ бўлиб чиқдим.

Унинг каравоти гичирлади. Сим каравотларга ўхшаб ғийқ-ғийқ қилмади. Гичирлашга ўхшаш бир нима эшитилди. Сўнг мени ҳайрон қолдириб, Пётр Сафонович ўридан туриб ўтирди. Шунда унинг сочи оппоқлигини, кўзлари ичига кириб кетганлигини кўрдим.

«Ёшингизга нисбатан жудаям қари экансиз», дердим... Йўқ, инсоф юзасидан бундай демасдим. Шунчаки кўнглимдан ўтказган бўлардим, агар хаёлимни ота-онам, ука-сингилларим эгаллаб олмаганида.

— Нимадан бунчалик қайғудасиз? — сўради Пётр Сафонович бироз тикилиб тургач. — Қаерингиз оғриётганини нега яширяпсиз? Бу ер тиббиёти тараққий топган жой ҳисобланади. Пайтдан фойдаланиб, бутун танангизни кўрикдан ўтказиб олинг.

— Раҳмат. Мен ҳам ҳозир шуни ўйлаб ётгандим, — дедим илжайишга уриниб.

Шу пайт бирдан бошимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Яна лабимни тишладим. Пётр Сафонович сўзлаш учун оғиз жуфтлади. Аммо ундан илгари эшик ортида кимдир соф рус тилида гапирди-ю, палатадошим бирдан шу томонга қаради. Овоз менга жуда таниш эди. Бошимда оғриқ, Александр Абрамовичнинг атрофида юрадиган одамларни бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказа бошладим. Агар овоз эгаси унинг йигитларидан бирортаси бўлиб, бизнинг палатага кирса борми, ҳаммаси тамом бўлади. Яъни мен соғайишга улгурмайман.

«Бўлиши мумкин эмас. Уларга бу ерда пишириб қўйибдими? Одамнинг овози одамникига ўхшайди-да. Тўғри, рус тилида гапирди. Хўш, шунга нима қипти? Амирбек, миянг айнишни бошлаганга ўхшайди. Эргароқ чорасини кўр, жўражон. Йўқса, жинни бўлиб қолишинг тайин. Арзимаган нарсага шубҳаланаёпман. Бу аҳволда ўзимдан ҳам гумонсираб қоламан».

— Сенга нима бўлди? — сўради мен томонга тикилиб ўтирган Пётр Сафонович хаёлимни бўлиб.

— А? Йўқ, ўзим шундай. Руслар кўпга ўхшайди. Йўлакдан овозлари келаяпти.

— Бўлиши мумкин. Айниқса, сўнгги пайтларда кўпайиб кетди. Мен охирги ўн-ўн беш йилни назарда тутаяпман. Европада сайру саёҳат қилиш бизга одат бўлиб қолди. Топганимизни шу ерга олиб келиб, ташлаб кетаяпмиз.

— Нима қилиш керак, сизнингча?

— Ҳозир, — дея Пётр Сафонович кутилмаганда ўрнидан сапчиб турди (мен унинг фалокатга учраган поездда бўлганига шубҳаланиб қолдим) ва энгашиб ёстиғини кўтарди-да, қаламга ўхшаш бир нима олди ҳамда ёнимга оқсоқланганча келиб: — Манавини кўраяпсанми? — деди.

— Албатта. Кўзимга ҳеч нима қилмаган. Худога шукур, соппа-соғ, — дея кесатдим.

У менинг кесатишимга эътибор ҳам бермади.

— Сиз менинг қаламни ушлаб турганимни кўраяпсиз, шундайми?

Мен унинг гапини тасдиқлаб, бошимни қимирлатдим.

— Хатоингиз ҳам мана шунда. Яъни эътиборсизлигингизда, ошнагинам. Бу жуда оддий туйилиши мумкин. Аммо оқибати даҳшатли. Ҳа, худди шундай. Даҳшатли бўлганда ҳам, унча-мунча эмас. Миллионлаб, миллиардлаб пуллардан ташқари маънавий зарарни айтмайсизми?

— Ваҳима қилманг. Битта қаламни ушлаб турганингиз миллионлаб, миллиардлаб пулга айланиб кетармишми? Тўғри,

айланиши мумкин. Фақатгина, фақатгина унда сиз эмас, бошқа бойлигининг охири кўринмайдиган одам ушласа, шунақа бўлиши мумкин.

— Эҳ, — дея бир қўлини мушт қилиб, иккинчи қўлининг кафтига урди Пётр Сафонович, — мен сизга нима деяпман-у, сиз не дейсиз? Оشناгинам, ахир мен қаламнинг бир учидан ушлаб турибман-ку. Шунга эътибор бермаганингиз мени жиғибийрон қилди. Эҳ, менинг ёш дўстгинам. Мен ушлаган томон, тасаввур қилинг, Европа. Ҳеч нима кўтариб турган иккинчи учи эса бизники. Ваҳоланки, икки томонини ҳам нимадир, албатта, тутиб туриши шарт!

Пётр Сафонович сўзлаш асносида титраб кетди. У театр сахнасида роль ўйнаётган актёрга ўхшарди. Афти-ангоридаги ўзгаришлар, бир нуқтага термилиши... Эҳтимол, у ўзини, ҳақиқатан ҳам, артист тасаввур этгандир. Палата — сахна, бош қаҳрамон — у. Ақли, донишманд, кўпни кўрган авлиё... Лекин туриши ўхшамади. Юзига озгина грим керак. Шунда, эҳтимол, донолар доноси ролини ўйнайдиган актёр тусини берар бужмайган башара қурмағур.

— Нега илжасиз? — деди у ўткир нигоҳини менга қадаб.

— Менми? — дедим хаёлим тумандай тарқаб.

— Ҳа, худди ўзингиз. Билиб қўйинг, бу илжайдиган нарсасиз. Фожа бу! Уқдингизми, фожа? Мана қаранг.

У ушлаб турган қалами учини озгина бўшатди. Шунда иккинчи томони пастга тушиб кетди.

— Ана кўрдингизми? — деди юзи жиддий тус олган Пётр Сафонович. — Ўйинчоқмиз. Хоҳласа, унақасига, хоҳласа, бунақасига ўйнатишади бизни. Негагини биласизми? Билмайсиз! Билганингизда, илжаймаган бўлардингиз... Бўпти, тезроқ соғайиб кетинг.

У каравотига бориб ўтирди. Чин кўнгилдан хафа бўлгани кўриниб турарди.

— Мендан хафа бўлманг, — дедим бир муддат ўтказиб. — Ростини айтсам, оёғим қақшаб оғриётганди. Оғриқни сизга билдирмаслик учун кулишга мажбур бўлгандим.

Пётр Сафонович жавоб қайтармади. Аввалига «Кўнглининг кўчасига», дедим. Сал туриб, «Қизлар ҳам бунчаликка бормайди» деган хаёлга бордим. Охири Пётр Сафоновичга ичим ачий бошлади. Ўзимдан эса хафа бўлдим. Яна бир марта кечирим сўрашга оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, унинг ўзи тилга кириб қолди:

— Ҳамма нарсага панжа ортидан қарашимиз, илм олишга лаёқатимиз йўқлиги сабаб бунга. Энди уларнинг энг тубан ишлари ҳам бизга дастуриламал бўлиб қолди... Бу ерга келганингизга қанча бўлди?

— Кўп эмас.

— Нималарни кўрдингиз?

— Чиройли шаҳарлар, тартибли ўрмонлар, экин-тикин... Машиналар зўр. Дўконларда кўзни қамаштирувчи моллар...

— Буларнинг бари ибрат. Яна нималарни кўрдингиз?

— Айтишга тилим бормаяпти.

— Ана кўрдингизми? Сизнинг ҳозирча тилингиз бормаяпти. Лекин вақт ўтиб, кўникасиз. Кўзингизга оддий, одатий нарса бўлиб кўринади. Ҳатто жирканмай қоласиз...

— Русларнинг ҳаммасини кўришим, аҳволидан хабар олишим керак, — деган овоз эшитилди эшик ортидан.

Бу овоз эгаси аввалгиси билан бир хил эди. Демак, мен уни танийман. Шошма, у ким бўлиб келди? Рус тилида гапиришига қараганда, немисчани билмайди. Одатда, элчихонадагиларнинг ҳаммаси маҳаллий тилни билгувчи эди. Ҳар қалай, шундай деб эшитгандим. Дарров кўнглимга шубҳа оралади. Айни дамда қўлимдан ҳеч нима келмайди. Мени нобуд қилиш учун энди профессионалнинг ҳождати йўқ. Ҳеч балодан хабари йўғиям эрмакка тинчитса бўлади.

— Ана кўрдингизми, биродар? Тараққиёт тўғрисида сўз очишга улгурмасимдан бўғиб қўйишди. Яна ўзимизникилар, — дея ҳиринглаб кулди Пётр Сафонович.

— Тақдирга шундай битилган бўлса, минг уринманг, ўзгартиролмайсиз.

— Шунақага ўхшайди. Аммо уринишим зарур.

— Иш чиқмаса керагов.

— Тўғри, бунинг учун чекни янгилаш зарур.

— Иложи йўқ.

Эшик очилди. Олдинма-кейин тўрт киши кирди. Олдинги иккитаси шу клиника докторлари. Кейингилари эса, ҳойнаҳой, бизнинг ҳолимиздан хабар олувчилар бўлса керак. Улар қоп-қора костюм-шим кийиб, шунга монанд оқ кўйлагига бўйинбоғ тақишганди.

— Мен ўзим даволанишга келганман. Поезднинг фалокатга учраганини шу ерда эшитдим, — деди Пётр Сафонович ортиқча саволга ўрин қолдирмай.

Ҳожатбарорлар менинг ёнимга келишди. Иккаласи ҳам бараварига юзимга тикилишди.

— Истинг нима? — сўради бири юзида табассум билан.

— Бекинбауэр, — дедим киприк қоқмай.

— Бекинбауэр, — дея такрорлади у шеригига қараб кўз қисганча.

— Кўзингни қисгунча бошқа жойингни қис, — дедим тап тортмай.

Унинг ранги бирдан гезариб кетди.

— Хўш, Бекинбауэр, — дея шериги гап бошлади, — нима бўлди?

— Испанларга қарши ўйнаётгандим. Учта гол урдим. Шулардан биттасини орқачасига туриб, акробатик усулда тўққизликка жойлаб қўйдим. Бутун «Уэмбли» портлаб кетди. Тарихда биров ҳали бунақанги голни урмаган...

— Кейин-чи, кейин нима бўлди? — деди кўзи қувонча тўлган ҳожатбарор.

— «Хет-трик». Яна испанлар дарвозасига... Ўйин тугаб, бир-биримизни қутлаб, ечиниш хонасига кираётганимизда, стадион, ишқибозлар ўтирган ўриндиқлар қулаб кетди. Бўлди қий-чув! Бўлди тўполон! Менинг омадим бор экан. Дўхтирлар шундай дейишди. Мени «синди» деганларга айтинглари, телевизорга чиқиб айтинглари. Бекинбауэр тирик ва у уч ойга қолмасдан, майдонга тушади. Уҳху!

— Томи кетибди, — деди шу пайтгача тепамда энгашиб турганлар қаддини ростлаб.

— Қанақа том? — дедим дарров уларнинг гапини илиб кетиб. — Мен сизларга «ўриндиқлар» дедим. Ўриндиқларда том нима қилади?

— Яхши, жаноб Бекинбауэр, биз сизнинг тезда тузалиб кетишингизга ва яна жавлон уриб тўп тепишингизга ишонамиз. Дарвоқе, қайси клубда ўйнайсиз? — деди сал новчароқ ҳожатбарор.

— Қайси бўларди? Менинг клубимга бутун дунё мухлислик қилади. Бу «куч-қудратда тенгсиз», «енгилмас» деган ном олган «Бавария».

— Ў-ў-ў! — дея бирдан иккаласи ҳам қарсақ чалиб юборди.

Уларнинг қийқириғи докторларга ёқмади. Ва мен тушунмайдиган тилда минғирлашди. Хонада фақат беморлар қолгач, чуқур нафас олдим-да, кўзимни юмдим. Тезлик билан бу ердан кетиш режасини тузишим зарур. Акс ҳолда, манави тиррақилар мени алоҳида зиёрат қилиш учун келишади. Ундан кейин ҳаммаси тамом. Савил қолгурлар, қаердан ис олиб келишди?..

— Сендан бундай ҳазилни кутмагандим, — деди Пётр Сафонович хаёлимни бўлиб. — Нега бунақа дединг?

— Ҳайронман. Афтилари ёқмади.

— Йўқ, бу ерда бошқа гап бор, — дея у каравотини билинар-билинемас гижирлатиб ўрнидан турди ва менинг ёнимга келиб, юзимга тикилди-да: — Негача бунча рангинг оқариб кетди? Уларни танийсанми? — деди.

— Худди сиз каби биринчи марта кўриб туришим. Тўғриси айтсам, башаралари ёқмади. Кейин гаплариям. Ғўдайишларига бир қаранг.

— Одамларни жуда яхши ўрганганман. Шундай экан, мени чалғитолмайсан. Биринчидан, сен уларни танийсан. Иккинчидан, ораларингда нимадир бўлган. «Рафиқам билан бирга эдим», деганмидинг? Ҳар қалай, шунга яқин гап айтувдинг.

— Пётр Сафонович, нима кераги бор?

— Чунки улар давлат идорасининг одами эмас. Ҳар битта ҳаракат, сўз, талаффуз бундан далолат бериб турибди. Наҳотки сени қидириб келган бўлишса?

— Билмадим.

— Аниқ. Биринчи далил, сен уларга исми-шарифингни айтмадинг. Ваҳоланки, улар докторлар кўлидаги қоғозлар орқали кимлигингни аниқлаб олишади. Аслида, бунга зарурат ҳам йўқ. Чунки ҳаммаси қундай равшан. Хўш, келишмовчилик бор эдими?

— Балки...

Пётр Сафонович устимдаги кўрпани олиб, баданимга бармоғини теккизди. Мен унинг негача бундай қилаётганини тушунмай, ҳаракатини кузатиб турдим. Бармоқлар тегиши қитиғимни келтирди. Аммо тишимни тишимга босиб, чидадим. Бир муддат бармоқларимни гоҳ тепага, гоҳ пастга судрагач, кафти билан силашга ўтди.

— Нима қилмоқчисиз? — сўрадим охири чидай олмай.

— Текширдим. Тананг қотма. Жисмоний машқлар билан жуда кўп шуғуллангансан. Терингда куйиш аломатлари ҳам бор. Хўш, гапир энди, келганлар ким эди?

У фавқулодда тезлик билан юзимга қаради. Мен унинг кўзи ўт бўлиб ёнаётганини кўрдим. Кўз ўнгимни бир нималар қоплагандек бўлди. Сўзлай бошладим. Ўзим истамаган, сир туттан нарсаларни шунақанги мароқ билан гапирдимки, тилни тишлаб қолишнинг сира иложи йўқ.

— Бўлди! — деди Пётр Сафонович ҳамшира кириб келгач. — Қолганини кейин. Ҳозир чарчадинг.

У ҳамширага нимадир деб ҳазиллашди. Афт-ангори совуққина, сариқ сочли қизнинг юзида табассум пайдо бўлди. Ҳамшира ёнимга келиб, қон томиримни ушлаб кўрди-да, нариги беморлар ёнига борди. Улар гаплашаётганида, мен кимир этмай ётардим. Бошимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлганди. Агар қандайдир амалини қўллаб, мени сайрашга мажбур этмаганида, Пётр Сафоновичдан ҳамширага айттириб, бирорта дори олиб беришни сўрардим. Кўрган ва олдиндаги оғриқлар олдида биргина бошнинг лўқиллаши нима бўпти? Бирпас кўзимни юмиб ётсам, ўтиб кетади.

— Арининг уясини бузиб қўйибсан. Тўғриси, сенга қандай ёрдам беришни билмай, бошим қотаяпти, — деди Пётр Сафонович.

— Шарт эмас. Шу кунгача биров ёрдам бермади. Ҳар сафар ўз ёғимга ўзим қовурилганман. Мени ҳозир кўпроқ Наташа ўйлантираяпти. Агар у соғайиб чиқса...

— Эй, менинг ёшгина дўстим. Умидни ҳозирданок сўндириб қўйсангиз, бизнинг кунимиз кимларга қолади? Александр фақат ўзини ўйлайди. Унинг учун энг яқин қариндошлари ҳам икки чақа. Манфаат келса, Африкадаги ёввойиларнинг бирортасига айланиши мумкин. Шошманг, сизни у ўлдиришга буюрган деб ўйлайсизми?

— Ҳамма нарсани билиб олдингиз. Назаримда, сизгаям кундай аён бўлса керак.

— Йўқ, яхшилаб эсланг. Ёнаётган, тутунга тўлган ертўладан олиб чиқдингиз. Кейин ҳушдан кетиб ётдингиз. Дала ҳовли. У ердан қочиш. Ўрмоннинг қоқ ўртасидаги ер ости уйи. Сўнг бирдан сизни олий жазога ҳукм қилишди. Александр Абрамович ҳар қанча тўнғиз бўлмасин, сизга зиён етказмасди ўша ҳолатда. Гапиришга-да ночор эди у. Агар енгилроқ жароҳат олганида, қутқарганингиз учун тақдирларди...

Худди мана шу жойда нимадир содир бўлган, тўғрироғи, сизнинг обрўйингиз ошиб кетишини ва чўнтагингиз бир неча миллионга бойишини кимдир истамаган ёки буларнинг барига унинг ўзи эга чиқишни хоҳлаган...

Пётр Сафоновичнинг гапи бўлинди. Ҳамшира кириб, менинг соғ қўлимга игна санчди. «Анави ярамаслар иш кўрсатиб кетмадимикан?» деган ўй ўтди хаёлимдан ва дорини томиримга юбораётган қизнинг қўлига тикилдим. Ҳартугул, ҳаяжон сезилмади. Демак, ҳали анавилар ишга киришмаган.

Овқат олиб келишди. Пётр Сафонович емагини кўтариб, менинг таом столим утига қўйди. Кулгим қистади. «Чол тушмагур мендан нима топдики, ўзини бунчалик яқин олаятти?» деган ўй ўтди хаёлимдан.

— Сиз билан кўп ишларни қилишни режалаштирдим, — деди у оғзига бир бўлак нон солиб чайнаркан. — Хотинингиз ҳам бизга ёрдам беради. Ҳалигидай қоғоз ишларига.

— Пётр Сафонович, сиз менинг кимлигимни билмайсиз. Яна қўлимдан қанақа ишлар келишидан бехабарсиз, бундай ўйлаб қараса...

— Ҳаммасини англаб бўлдим. Ҳисоб-китоб, ёзув-чизув, ади-бади айтишиш сизга мутлақо ёқмайди. Сизга «Фалончини уриб, жағини синдир, пистончини ушлаб кел. Фалон жойни қўриқла», дейишса, қойилмақом қилиб бажарасиз. Тўғрими?

— Жа унчаликмас. Ҳар қалай, калланиям онда-сонда ишлатиб тураман.

— Жуда оз ишлатасиз. Ваҳоланки, имкониятларингизнинг чегараси йўқ. Сизнинг ўрнингизда бошқа биров бўлганида, аллақачон тупроқнинг остида ётган бўларди. Поезд ҳалокати рўй бергандаги охирги ҳаракатингизни эслай оласизми?

— Ўриндиқ ушлагичидан тутиб қолдим. Вагон думалади. Мен отилиб кетдим. Билганим шу.

— Йўқ, шу эмас. Тиззангиз ва қўлларингиз билан танангизни ҳимоя қилиб қолгансиз. Дўхтирлар шундай дейишди. Чунки худди сизнинг шароитингизда иккитаси ўлган. Ичи эзилиб кетган уларнинг...

Яна ҳамширанинг қайтиб келиши палатадошимнинг гапини бўлиб қўйди. Бундан у аччиқланмади. Шунчаки бурнини жийриб қўйди-да, қорачадан келган қиз (бунисининг истараси иссиққина, яна шунақа нозланиб боқардики, эркак зоти беихтиёр ишшайрди) билан унинг лаҳжасида сўзлашди. Кейин кулди.

— Эҳ, сизнинг ўрнингизда мен бўлмаган эканман, — деди.

— Нега? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Чунки ўз қўлингиз билан ҳеч нарса еёлмайсиз. Мана шу жонона едириб қўяди.

— Шарт эмас. Битта қўлим соғ.

— Овсаргина бола, жон-жон демайсанми? Қўли соғ эмиш. Кўриб турибман қай даражада соғлигини. Укол қилинадиган жойидан бошқа ҳаммаёғи ўраб ташланган.

Пётр Сафонович кетиши билан таом қўйилган столни менинг яқинроғимга сурган қиз каравотимга ўтирди-да, қўлига

қошиқни олиб, менга қараб жилмайиб қўйди. Ҳа, унинг табассуми ўзгача. Менимча, одамзодда бунақа табассум бўлмайди. Бунинг учун махсус ўқиб келиш керак, назаримда.

Ўзимни ёш болага ўхшатиб юбордим. Қиз оғзимга овқат солади. Чайнайман, ютаман. Лаб-лунжимни оппоққина, майингина сочиқча билан артиб қўяди. Тобора ишгаҳам очилиб кетаверди. Бунга сайин қиз ҳам тинимсиз жилмая бошлади. Аста-секин унинг ёнимдан жилмаслигини истаб қолдим. «Ўла, ўзинг не аҳволда ётибсан-у, нималарни хоҳлайсан?» дейдиган одам йўқ. Дарвоқе, бир нарсани айтишни унутибман. Қиздан шунақанги антиқа атир ҳиди келардики, одамни маст қилиб қўяди. Бундай атирдан Наташа ҳеч қачон фойдаланмаган.

Ҳаш-паш дегунча овқатланиб бўлдим. Қиз лаб-лунжимни артиб бўлди-да, бир нималар деди.

— Раҳмат. Овқат жуда мазали экан. Сизнинг қўлингиздан ейиш ундан-да мазали бўлди, — дедим унга жавобан.

Пётр Сафонович кулиб юборди ва гапимни қизга таржима қилиб берди. Эвазига овқатлантирувчи қиз юзимни силаб қўйди ва нозик овозда тагин алланималарнидир сўзлади.

— «Сиздай йигитни тамадди қилдириш менга завқ бағишлади», деди у, — дея таржима қилди Пётр Сафонович.

— Йўғ-э, шундай дедими? Эртароқ учрамаган экан-да.

Мендан сўнг палатадошим гапирди. Қиз кўзини қисиб қўйиб, табассум ҳадя этганча хонани тарк этди.

— Бошқача таржима қилдингизми? — дедим мен.

— Гапинг унинг энсасини қотирарди. Шунинг учун «Бир умр қўлингиздан овқат ейиш насиб этармикин?» дедим унга. Натижасини кўрдинг.

— Шу гапингизни Наташа эшитганида борми, нақ иккаламизнинг ҳам теримизга сомон тикарди.

— Ҳа-а, аёлларни биламан... Мана, қисқа танаффус ҳам қилиб олдик. Энди мавзуга қайтайлик.

— Турли мавзуда жуда қўп гаплашдик. Лекин бир марта ҳам гапимизни охиригача айтолмадик.

Қарама-қарши томондаги бемор ўрнидан туриб ўтирди ва бир менга, бир ҳамсухбатимга ўта норози қиёфада боқди-да, минғирлади. Унга жавобан Пётр Сафонович нимадир деди. Беморнинг жаҳли чиқиб, бақириб юборди.

— Тинчликми? — сўрадим мен.

— Кулоқ-миясини еб қўйибмиз. «Қариндошимни учратиб қолдим», десам, «Қариндошинг билан ташқарига чиқиб гаплаш», дея бўкириб юборди.

— Бошқа палатага ўтсин, ёқмаётган бўлса, — дея сўхгаси совуққа қараб қуйдим.

Пётр Сафонович юмшоқ гапирди. Ётиғи билан нималарнидир тушунтирди. Шундан кейингина унинг уни ўчди.

— Энди озгина ухлайлик. Булар жа ҳақ-ҳуқуқини яхши билишади. Яхшиси, тортишмаган маъкул, — дея каравотига чўзилди ҳамхонам.

Мен кўзимни юмдим. Анча вақтгача ухлай олмай, хаёл суриб ётдим. Хаёлларим бир-биридан чалқаш, счимсиз. Чунки энди мен нима қилишимни билмасдим. Ҳаттоки бу палатадан соғ-омон чиқиб кетишимга ҳам кўзим етмасди. Ўзимни илк бор чорасиз ҳис этаётгандим. Алам билан ҳеч нимани ўйламасликка тиришдим ва кўп ўтмай, ухлаб қолдим. Тушимга ҳам аллаамбалолар кирди. Яна бир-биридан ваҳимали.

Уйғонсам, палатамиз деярли одамга тўлибди. Иккита бегона беморнинг қариндошлари келибди. Улар нималардир деб чуғурлашарди. Икки аёл эса кўз ёш тўкаётган эди. Сўнг ҳар икки бегонани носилкага солиб, кўтариб чиқиб кетишди.

— Қутулдик, шекилли, — дедим.

— Шунақага ўхшайди. Ўзларининг шаҳарларига олиб кетишди. Бу касалхона ёқмаган эмиш. «Шароит йўқ», дейишди, — деди Пётр Сафонович.

— Шароит? Яна қанақа шароит керак экан буларга?

— Боя айтгандим-ку бу халқнинг қанақалигини. Оқсуяқлар, энг олий уруғ вакиллари. Агар шу шароит бизда бўлганида, яна тўртта касал кириб олган бўларди.

— Бир нарсага сира тушунмайман.

— Нимага?

— Нега буларда сал истара озроқдай?

— Салмас. Мутлақо йўқ. Чунки иқлим шунақа. Зах. Деярли ҳар куни ёмғир ёғади. Сўнг чарақлаб қуёш чиқиб, ҳаво исиб кетади. Сув буғланади. Қарабсизки, ҳаммомнинг ўзгинаси. Анави сизни овқатлантирган қиз бошқа ерлик. Бунни аниқ биламан. Акцент билан гапирди. Ҳойнаҳой, бразилиялик ёки мексикалик бўлса керак.

— Фолбинлик ҳам қилиб тураман, денг.

— Йўқ. Кўзи кўм-кўк. Сочлари, қош, киприги қоп-қора. Бадани ҳам оқ эмас. Кейин боқишида ўзига тортадиган сеҳр бор. Қасрдадир ўқиганман. Бразилиянинг жанубий штатларида қизларга эркакларни ўзига жалб қилиш сир-синоати ўргатилар экан. Яна уларда табиий ишққа мойиллик бор.

— Мен уларнинг фақат футболи зўрми, десам, бошқа нарсалари ҳам ривожланган экан-да.

— Давлат унчалик ҳам бой эмас. Яшаш учун кураш биздагига нисбатан ўн чандон оғир. Шу боис ҳам бошқаларнинг эътиборини тортиш учун минг битта айёрликларни ўйлаб топишган.

— Футболида маккорлик йўқ. Ҳақиқатан ҳам, уларда зўр.

— Бу гапингизга қўшиламан. Аммо манави тулкилар уларнинг ҳамма ютуқларидан фойдаланишади. Ўша сиз айтган — мен қизиқмайдиган футболчиларини арзимаган пул эвазига сотволади-да, олиб келиб шоу уюштиришади. Мен шу ерлик одамларни, халқни маккорликда, шайтонликда айбламоқчи эмасман. Чунки улар ақл заковати эвазига яхши ҳаёт кечиришади. Шоу уюштирадиганлар эса шайтонга дарс беришади. Айтайлик, улар қадимда бу ёқларга келиб қолишган. Ҳозир ҳам сафлари кенгайиб бораётти. Шулардан биттаси сизу мен биладиган Александр Абрамович...

Мавзудан четлашиб кетдик. Келинг, яхписи, сизнинг нега бундай аҳволга тушиб қолганингизни муҳокама қилайлик. Хўш, ўз-ўзидан сизга ов уюштирилди, шундайми?

— Айб қўйишди. Ертўланинг портлаши ҳақида аввалдан билганман. Ва бу ҳақда хўжайинни огоҳлантирганман. Уларнинг айтишича, портлаш содир этилмасдан бурун шефни мажлисда қатнашишига йўл қўймай, олиб чиқиб кетишим керак экан... Кейин каллам ишлаб қолган. Агар хўжайин тирик қолган бўлса ва мен уни қутқарсам, ҳам буюртмачилардан, ҳам Александр Абрамовичдан мўмайгина пул ишлаб топишим мумкинлигини тушуниб етганман.

— Тушунарли. Энди айтинг-чи, дала ҳовлидан қочишга ким раҳбарлик қилди?

— Бунақанги вақтда мен хавфсизликни таъминлашим керак эди. Исталган одамга буйруқ бериш кафолати менга берилганди.

— Мана, сиз қасрдан бошлаб бошқаларнинг жигига тега бошлагансиз. Албатта, уларга Александр Абрамовичнинг тирик қолиши сув билан ҳаводек зарур бўлган. Аммо аynи пайтда сизни олдинга қўйиб юбориш ҳам уларни обрўсизлантириб қўярди...

Тағин Пётр Сафоновичнинг гапи бўлинди. Чунки эшик очилиб, боя мени овқатлантирган соҳибжамол кўриниш берган эди. Бироқ бу сафар унинг юзида безовталиқ аломати бор эди. «Наҳотки киллер вазифасини шу қиз бажарса?» деган ўй яшин тезлигида ҳаёлимдан ўтди.

Иккимиз ҳам барабарига унга тикилдик. Қизнинг безовталиги ошди. У нега келганигини унутиб, ортига қайтди.

Чиқиб кетишга улгурмасидан Пётр Сафонович қизни тўхтатди. Бир нарсаларни сўради. Гапи орасидаги “Бразил” сўзинигина тушундим. Қиз жавоб қайтарди. У мен тушунадиган иккита сўзни талаффуз қилди: “Ес, Бразил!” Кейин ҳам улар бир муддат чуғурлашиници. Сўнг қиз кетди.

— Тил билмаганим учун азобланиб ётибман, — дедим эшик ёпилиши билан.

— Ҳа, тил билмаслик ёмон. Ҳечқиси йўқ, ҳали ёшсиз, ўрганиб қоласиз.

— Нима деди у?

— Ўзининг дарди билан юрган экан, шўрлик.

Қиз роса ўқиб, тил, касб ўрганибди. Минг бир қийинчилик билан шу ерга ишга жойлашибди. Дарвоқе, ишга олинишдан олдин “қадимий касб” билан шуғулланишга мажбур бўлибди. Ахир уч ой моянасииз яшаб бўларканми?.. Хуллас, ишлаб, пул топиб, океан ортидаги севгилисига жўнатибди. Икки йил шундай қилибди. Чунки у жуда камбағал экан-да. “Уй, машина олсин, биргаликдаги ҳаётимиз яхши ўтсин”, деб ўйлаган экан-да қиз бечора. Йигит эса “Жуда вақтида пул жўнатибсан. Аҳволим оғир эди. Очликдан ўлиб кетсам керак, деб юргандим. Сен менинг нажоткорим, фариштамсан. Худди айтганингдай қиламан. Озгинасини ўзимга ишлатиб, қолганини йиғаман ва сенинг қайтишинингга чиройли уй ва машина сотволаман... Иш топишга ҳаракат қилаяпман. Изланишларим бесамар кетмайди, деган фикрдаман” деган мазмунда хат йўллабди бошида. Кейин ҳам миннатдорчилик мактублари келиб турган экан. Қиз яқинда ҳамюрт танишини учратиб қолибди. У қизнинг севгилиси аллақачон ўзига бошқа маъшуқа топиб олганини айтибди. Шунга ҳозир қиз довдираб юрган экан...

Кўз ўнгимда Лола гавдаланди. Бошида рўмол, эгнида гулли кўйлак... Мен уни айблай оламанми? Ҳеч қачон. Кўй, шу ҳақда ўйламай.

— Чатоқ бўпти, тўғрими? — деди Пётр Сафонович.

— Ҳа. Лекин қизнинг ўзи ҳам бу ерда оппоқ бўлиб юрмабди-ку.

— Тушунча бошқа. Бу мажбурликдан... У қутилмаган моддий қийинчилик туфайли шу иш билан шуғулланган...

— Қиз меҳрибон экан. Шунисига ачиндим. Тил билганимда, овқатлантираётганида нималар деганини тушунган бўлардим. Менимча, овқат янаям мазалироқ туйилиши учун ширин гап айтдиёв.

— Бу унинг профессионал бурчи... Дарвоқе, биз боя қаерга келиб қолгандик? Ҳа, эсладим, сиз кимнингдир жиғига тегиб қўйганингизга. Ҳа, яхшилиқ қиламан, деб ўзингиз билмаган ҳолда бировнинг кўнглига ёвузлик уругини сепгансиз.

— Мен сизни тушунолмаяпман. Ахир қандай қилиб? Маска кийиб, қўлларига қурол ушлаганлар ана ўлдираман, мана ўлдираман, деб туришган бўлса, Александр Абрамовичнинг хавфсизлигини ҳар қандай шароитда таъминлаш менинг бўйнимда бўлса. Ўша менга гайирлик қилган одам бизнинг орамизда эди. Демак, мен шеф билан бирга уни ҳам қутқарганман. Жонини сақлаб қолганман.

— Бу ишингизни икки хил баҳолаш мумкин. Биринчиси, чин юракдан бурчингизни бажаргансиз, иккинчиси имкониятингиздан фойдаланиб, амал ёки қўшимча маблағга эга чиқишни режалаштирган чапдаст сифатида. Бундан келиб чиқадики, улар сизга иккинчи баҳони қўйишган ҳамда Александр Абрамовичдан узоқлаштириб, йўқ қилиб юборишни маъқул кўришган.

— Шеф ҳеч нарсага аралашмаган демоқчимисиз?

— Эҳтимол. Чунки бундай аҳволга тушган одам аввал ўтган кунларини, қилган ишларини, молу дунёсини ўйлайди. «Энди бунча бойлик кимга қолади?» дея қайғуради. Қачонки ҳали кўп йиллар яшашига ишонч пайдо бўлгачгина, бошқа нарсалар хусусида бош қотириши мумкин.

— Бундан чиқди...

— Ҳа, худди шундай. Касалликни келтириб чиқарган вирусни топишингиз ва у билангина курашишингиз зарур. Агар ташхисни тўғри қўя олсангиз, ютасиз. Албатта, мен сизга бунда ёрдам бераман.

— Нима эвазига?

— Бир дунё режаларим бор. Дарвоқе, мен сиздан ўз манфаатим учун фойдаланмоқчи эмасман. Олим одамнинг қўлидан бу нарса келмайди. Одатда, олимлар ёш боладай содда ва ишонувчан бўлишади.

— Лекин сиз жуда ақллига ўхшайсиз?

— Йўқ. Бирпасдан кейин палатага бир гала қушлар келишади, деб ишонаман ва шундай бўлишини кутаман... Мавзудан четлашмайлик. Сизнинг энг яқин дўстингиз ким эди?

— Фёдор.

— Биринчиси у. Ундан тепароқда сизнинг вазифангизга яқин яна ким бор?

— Ким?

— Яхшилаб эсланг. Бўлган воқеадан кўпроқ ташвишга тушган, безовталанган. Эҳтимол, у сиз билан бирга бўлмагандир.

Мен ўша кунги воқеани бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказа бошладим. Бироқ ён-атрофимдагиларнинг биронтасидан шубҳаланишим мумкин бўлган аломатларни тополмадим. Четдан, шаҳарда қолганлардан... Александр Абрамовичнинг уйини қўриқловчи йигитлар бошлиғи — Ларён исмли барзангини хаёлимга келтирдим-у, ўйланиб қолдим. Одатда, катта жусса эгалари содда, кўнгли бўш бўлади, дейишади. Ларён ундайларга сира ўхшамайди. Туриш-турмуши сир. Кам гапиради. Боқиши ўткир. Ўзиям жуда кам кўриниш беради. Ларён унинг исмими, фамилиясими ёки бўлмасам, лақабими, биров қизиқмаган. Беш-олти марта унинг Александр Абрамович билан танҳо гаплашиб турганини кўрганман. Шефнинг яқинлари ҳам уни кўрганида, бирданига ўзгаришади. Демак, Ларён уларга таъсир ўтказа олади...

— Нега бунчалик ўйга толиб қолдингиз? Наҳотки Фёдордан бошқа бўлмаса?

Пётр Сафоновичнинг сўроғи хаёлимни бузиб юборди.

— Бор, биттаси. Лекин у портлаш пайти ва ундан кейин ҳам орамизда йўқ эди.

— Муносабатингиз қандай эди у билан?

Мен Пётр Сафоновичнинг саволига жавоб беришга улгуролмадим. Чунки бизга кечки овқатни олиб келишганди. Худди бўрдоқига боқилгандай семиз, афти чўтир хотин билан бояғи бразилиялик қиз. Айнан ўша қиз мени овқатлантириб қўйди. Шу аснода сеҳрли табассум ҳадя этиб, бир нималар деди. Бахтимга, Пётр Сафонович бор экан. У айтган ҳамма гапни мен тушунадиган тилга ўтириб турди. Суҳбат мана бу тарзда кечган эди:

— Сен спортчи бўлсанг кераг-а?

— Шунга яқинроқ.

— Мен спортчи бўлишни орзу қилганман.

— Нега бўлмадинг?

— Камбағаллигим сабаб.

— Спортчи бўлиш кўп пул талаб қилмайди-ку!

— Яхши емасанг, ўртаҳол бўп қоласан. Ўртаҳоллик билан ҳеч нарсага эришмайсан. Бизда рақобат жуда кучли. Айт-чи, севган қизинг борми?

- Нафақат бор. Мен унга уйланганман ҳам.
- Вой. Мен бунақа деб уйламагандим. Демак, сен бой экансан.
- Уйланишим учун бойлик шартми?
- Бўлмасам-чи? Йўқса, ота-онамга ўхшаб бир умр ночорликда кун кечиришга тўғри келади. Хотининг чиройлими?
- Ҳа.
- У қаерда ҳозир?
- Шу касалхонада.
- Иккингиш ҳам фалокатга учрадингларми?
- Шундай.
- Қайси палатада?
- Билмадим. Агар аниқлаб, уни кўриб, менга хабар етказсанг, хурсанд бўлардим.
- Бўпти. Бундан осони йўқ-ку. Сен учун хизматимга пул олмайман.
- Шуям пул турадими?
- Бўлмасам-чи.
- Қойил! Бизда бундай иш қилинаётган пайтда пул тўғрисида ўйланмайди.
- Бахтли экансан. Ҳавасим келди. Мен ҳам шунақанги жойда туғилганимда эди...
- Орада овқат едим. Пётр Сафоновичнинг оғзини пойладим. Қизнинг мийиғида кулишини томоша қилдим. Вақт шунақанги тез ўтиб кетдики, мен бирон нима еганимни ҳатто сезмай ҳам қолдим. Қиз идишларни йиғиштиргач, уйқудан олдин келишини айтиб чиқиб кетди. У кетгандан сўнг Пётр Сафонович билан суҳбатимиз бутунлай бошқа мавзуга кўчди.
- Бундай қизларнинг ошиқлари кўп бўлади. Александр Абрамович бирон нимани реклама қилмоқчи бўлса, албатта, энг гўзал қизларни излаб топарди. Бу қиз улардан ўн чандон гўзал. Наҳотки уни ҳеч ким сезмаётган бўлса? — дедим.
- Балки корхоналар менежерлари, ҳақиқатан ҳам, уни кўришмагандир. Иккинчи томондан, баъзан импотенция ривожланиб кетган жойда шундай санамлар ҳам четда қолиб кетишади.
- Импотенция? Тушунмадим. Нега импотенция ривожланаркан? Ҳамма тўқ бўлса, тиббиёт кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражага етган бўлса.
- Қизларнинг юриш-туриши бу нарсани ривожлантириб юборади. Аёллар деярли ярим яланғоч юришади. Бу эркакларга жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда улар фақатгина

ичкилик ёки наркотикдан лаззат оладиган даражага тушиб қолишади... Сизларда аёлларнинг ёпиқ юришига катта эътибор беришади. Шунинг билан ўта хавфли касалликнинг олди олинади.

— Ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ҳа, ҳаёлингга келмайдиган, кўринмайдиган нарса бу. Бесоқоллар ҳақида гапиргандингиз. Юқоридагилар сабаб бу нарса пайдо бўлади ва дунёни бузади. Дарвоқе, сиз уларни ҳақоратлай кўрманг. Улар қонун билан ҳимояланган.

— Тўғриси, шу нарса ҳақида гаплашгим келмай қолди. Жирканч шунақанги кучли, ҳозир шу аҳволимда ўрнимдан туриб, дуч келганини дўппослашдан ўзимни тиёлмайман.

— Дарҳақиқат, бугун сиз билан керагидан ортиқ эзилдик. Дам олинг. Миянгиздан ортиқча нарсаларни чиқариб ташланг. Менинг айтганларимни эса маълумот ўрнида қабул қилинг.

Кўзимни юмдим. Ухламоқчи бўлдим. Аммо уйқу бегонасиради. Бунинг ўрнига, ҳолимиздан хабар олгани келган икки киши ҳаёлимга келди. Улар мени таниб қолишганди. Демак, бундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шошилишмаяпти. Ёки ҳали клиникага “йўл” топишолмаган. Эҳтимол, давлат фалокатдан омон қолганлар рўйхатини олган-у, ҳар бирининг соғайиб чиқишини назоратда ушлаб турибди. Бундай пайтда бирорта одам кутилмаганда, сабабсиз жон берса, оқибати хунук бўлиши мумкин... Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, тунни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўтказиш керак. Эҳ, фақатгина битта жойим синганида борми, юриш, жилла курса, ўрнимдан туриб ўтириш имконияти бўлганида борми, кечани ҳеч кимдан кўрқмасдан ўтказган бўлардим.

Шошма, улар Наташанинг ҳам шу ерда эканлигидан хабар топишган бўлса-чи? Тўхта, анави қиздан хабар олиб келишни илтимос қилгандим. Анча вақт ўтиб кетди. Лекин унинг қораси кўринмади. Тўхта, у менга нега ўзидан-ўзи “Спортчимисан?” деди. Бунга у қандай аниқлади? Ахир ҳамма жойим дока билан ўраб ташланган, мушакларим мутлақо кўринмаётган бўлса. Маълумот олишнинг турлари кўп. Баъзида одам истаган нарсасини билиб олиш учун ўзини бечора қўйдай ювош қилиб кўрсатиши ҳам мумкин.

Ўйларим аста-секин чалкашиб кета бошлади. Уни тартибга солишнинг иложи бўлмай қолди. Чарчаганга ўхшайман... Пётр Сафонович ухладимикан? Ухламаган. Мияси гапга тўла одам бунчалик тез пинакка кетмайди. Лекин гаплашганим билан нима фойда топаман? Шундоғам бошимни оғритиб юборди.

Эшикнинг гийқиллаган овозидан кўзимни очдим.

Остонада меҳрибон қиз пайдо бўлди. Пётр Сафонович, ҳақиқатан ҳам, ухламаган экан. У қиз иккаласигина тушунадиган лаҳжада сулуvgа сўз қотди.

— Яхшиси, исмини сўранг. Танишдик. Мабодо керак бўлса, чақириш имконияти бўлсин, — дедим мен.

— Эсиз, ёш эмасман. Йўқса, бу қизни ўзимники қилиб олардим, — деди у менга.

Сўнг қизга гапирди. Қизнинг жавоби орасида “Луиза” деган сўзни тушундим. Бундан чиқди, унинг исми Луиза.

— Луизахон, — дедим рус тилида, — Наташани топдингизми? Аҳволи қалай экан?

— Топибди. У ҳам сени сўрабди. Хотининг чиройли экан. Хавотир олмаслигингни, тезроқ соғайишингни айтибди, — дея Луизанинг гапларини таржима қилди Пётр Сафонович.

— Пётр Сафонович, сиз унга менинг раҳматимни айтинг. Кейин анави бевафо йигитини деб сиқилмасин. Ҳали шунақа зўрига учрайдики, даҳшат умр кечиради.

Луизанинг юзида табассум пайдо бўлди. У бир-бир қадам босганча олдимга келди-ю, гапирди.

— Агар хотининг келишнинг иложини тополганида, албатта, сени бўса билан сийларди. Рухсат берсанг, шу ишни унинг учун мен қилсам.

— Пётр Сафонович, наҳотки Луиза шундай деган бўлса ёки сиз бошқача таржима қияпсизми? — дея кулдим мен.

— Оббо,— деди палатадошим ва Луизага савол мазмунида бир нима деди ва “Ес!” деган тасдиқни олди.

Қиз энгашди ва юзимнинг очиқ жойидан ўпди. У жуда ҳам паст товушда сўзладики, Пётр Сафонович эшитмади. Шу боис кўзимни юмиб очиб, гарчи тушунмасам-да, маъқуллаб қўйдим.

Қиз кетди.

— Шунақасиям бўлиши мумкинми? Афт-ангорим тўла кўринмаса, танам дока билан ўраб ташланган, бундан чиқди, баданим кўринмайди. Шунга қарамасдан, Луиза ўзини жудаям яқин тутаяпти.

— У иссиқ мамлакатда вояга етган. Бунинг устига, қорачадан келган. Сенга бу ҳеч нарсадан далолат бермайдими?

— Агар сизга ўхшаб олимликни касб этганимда, умримни одамларни ўрганишга бағишлаганимда, унинг ранги-рўйи, яшаган жойига қараб, қанақа қиз эканлигини айтиб берардим. Одамнинг кўз ҳолатига қараб, унинг ниятини оз-моз билиб

оламан, холос. Агар сизнинг гапингиз туғри бўлса, бразилиялик қизларнинг ҳаммаси мени кўришлари билан ёпишишарканда.

Пётр Сафонович кулиб юборди:

— Йўқ, ундай эмас. Сизга қандай тушунтирсам экан? Майли, кейинроқ батафсил айтиб берарман. Лекин ҳозир шуни билингки, Луиза ишққа мойил қизлар сирасига киради. Чунки унинг ўзи ҳам қандай эканлигини ошкор этиб қўйди. Буни ўзингиз ҳам яхши сезиб турибсиз.

— Мен бошқача ўйдаман. Гўёки бизнинг, ҳақиқатан ҳам, соғлиғимизни билиш, бу ердаги шароитнинг маъқул келаётган-келмаётганини сўраш учун келганлар Луизани сотволиб, унга шунақа кўрсатма бергандай туйилаётти. У аввал менга ўзини яқин тутди. Кейин ишини бажариб, ғойиб бўлади.

Пётр Сафонович бирдан ўрнидан турди. Стулни кўтариб яқинимга олиб келиб қўйди-да, ўтирди. Унинг кўзлари ўта жиддий боқарди:

— Эҳтимол, сиз ҳақсиз. Аёл макри — ҳамма жойдаям аёл макри. Биз, эркаklar, доим унинг олдида ожизмиз. Балки уни ёнимизга чақирармиз. Ўзимизни гўлликка солиб, бирон нималарни сўраймиз. Во-о, топдим. Мен унга ўзимнинг ўта бой одам эканлигимни. Қатар банкида улкан сармоям кундан-кунга фоиз туғиб кўпайиб ётганини айтаман.

— Нега энди Қатар банки? Швейцария, Кипр десангиз, кўпроқ ишонмайдими у?

— Ҳақиқатан ҳам, Қатардаги банкда пулим бор-да. Озгина, юз мингга яқин.

— Хўш, бойлигингизни билганида, унга нима?

— Хайрия фонди очишни, бутун дунёдаги ночор одамларга ёрдам беришимни ва иш юритишда тил биладиган кўмакчи зарурлигини айтсам, у ўйланиб қолади. Чунки пулдорнинг энг яқинидаги одам, албатта, тўқ яшайди. Европанинг сўлим гўшаларида уй қуради. Қимматбаҳо машиналарда юради. Оламни кезади. Яхта ва ҳоказо. Менимча, бундай ҳаёт ҳар бир аёлнинг орзуси. Шундай экан, Луиза буюртмадан воз кечади. Агар у, ҳақиқатан ҳам, буюртма олган бўлса.

— Ҳали буюртма берилмаган бўлса-чи? Унда сиз шунча нарсани ваъда бериб қўйиб, кейин ўзингиз ёлғончига чиқиб қолмайсизми? Ҳар қалай, менга шу пайтгача ўзингизни софдил одам сифатида кўрсатдингиз.

— Эҳ, менинг ёшгина дўстим. Ахир сизга режамни айтдим-ку.

— Қойил! — дея кулдим. — Сиз Луизани эмас, балки мени алдамоқчи экансиз-да. Ўша жамғармани тузиш, яна алламбалолар...

— Ҳозир ҳеч нарса демоқчимасман. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Энди сизни палатада ёлғиз қолдираман. Маълум вақтга, — дея Пётр Сафонович ўрнидан турди.

Унинг чиқиб кетишини нигоҳим билан кузатиб турдим.

Хонага оғир суқунат чўмди.

“Чолнинг тахмини бўйича Фёдор менинг биринчи рақамли душманам. Ўзини менга жуда яқин олиб юрган. Аслида эса кўролмаган. Менинг ўрнимга утирмоқчи бўлган. Эҳ, Фёдор, наҳотки мен қилган ишлар қўлингдан келса? Тўғри, сен чаққонсан, беҳато отасан, қўл жангида унча-мунчаси сенга бас келолмайди. Аммо буларнинг ҳаммаси етарли эмас-ку. Балки етарлидир. Мен ўзимга ортиқча баҳо бериб юборгандирман. Агар шундай бўлса, сенинг ошиғинг олчи. Бунинг учун, албатта, сендан қасос олишим керак. Аммо қандай қилиб Ларён билан тил топишганингга ҳайронман. Ахир иккаланг бир-бирингнинг кўзингни ўйишга-да тайёр эдинг. Уч марта... Ҳа, худди шундай! Уч марта бир-бирингнинг пешонангдан дарча очмоқчи бўлганингга, ораларингга тушиб, иккингниям сақлаб қолганман. Энди ҳар иккинг ҳам менга қасдлашдинг... Тўхта, Пётр Сафонович менинг овозимни эшитгандаёқ ўзини яқин тутди. Мен уни аввал кўрмаганман, эшитмаганман ҳам. Аммо у усталик билан менинг ичимдагиларни билиб олди. Ақл ўргатди ва ўзи кўрмаган одамларни айблади. Нега? Одам бир хунлик танишига шундай дейиши мумкинми? Бу биринчидан. Иккинчидан, икки ҳожатбарор бутун бошли Европанинг миттигина касалхонасида ётганимни қаердан билишди? Дейлик, Ларён билан Фёдор мени йўқотишга жазм қилишди. Аммо улар Александр Абрамовичнинг ёрдамисиз, ким бўлишларидан қатъи назар, бутун Россия бўйлаб орқамдан қувиб юришга, ўлдириш учун одам ёллашга ва ниҳоят, шу ергача етиб келишга етмайди-ку”.

Агар шуларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, уларнинг менга нисбатан ғаразгўйлиги йўқ. Қайтанга, Пётр Сафоновичнинг ўзи шубҳа уйғотиб турибди. Ахир у Луизани ҳам ҳимоя қилмадими? “Олимман, ҳамма нарсани биламан”, деяпти-ю, гоҳ-гоҳида довдираб қолаяпти. Шунингдек, маҳаллий аҳолини очиқчасига ёмонлаяпти. Ваҳоланки, ўзи шу ерда дардига дармон топаяпти. Александр Абрамовични

танибди. У кимни қидириб юрганидан хабардор. У қидираётган одам оёқ-қўли синиб, бир аҳволда ўзининг ёнига келиб қолди. Энди нега дўстига янгиликни етказиб, бир нима ундирмаслиги керак? Албатта. Шунинг учун ҳам иккита ҳожатбарор мени ҳеч қийналмасдан топиб келишди.

— Афсуски, — дея кириб келди Пётр Сафонович иржайиб (мен уни ҳаммадан ҳам ёмон кўриб кетдим), — Луиза осмонга чиқиб кетганми, ерга кирганми, ҳеч қаерда йўқ. Битта-иккитасидан сўрагандим, елка қисишди. Шубҳангиз тўғрига ўхшаб кетаяпти.

— Елка қисишгани ғалати эмасми? Наҳотки ҳеч ким танимайдиган қиз бемалол касалхона ишларига аралашиб юрган бўлса? — дедим андак жаҳлим чиқиб.

— Клиника жудаям катта.

— Лекин сиз уни бутунлай бошқа томонга бориб қидирмагандирсиз? Шу атрофдан излагандирсиз.

— Шундай, лекин бу атрофда ҳам бегона ҳамширалар юрган бўлиши мумкин-да. Айтганча, сизга янгилик топиб келдим.

— Қанақа янгилик?

— Наташангиз бор-йўғи икки палата нарида экан. Кириб, сиз менинг ҳамхонам эканлигингизни, ниҳоятда одамли-лигингизни айтмоқчи бўлдим-у, вақт алламаҳалга яқинлашиб қолгани боис ниятимдан қайтдим.

— Шундай қилиб, Луиза йўқ денг, — дея дарров Пётр Сафоновични чалғитмоқчи бўлдим.

— Аммо унинг ўзи келади.

— Қандай қилиб? Балки у ҳам бизни ухлаган ҳисоблаб, хонамизга кирмай қўя қолар. Эртага бўлса, уйига кетади. Агар биздагидай навбатчи эртасига дам оладиган бўлса.

— Билмадим. Келинг, энди дам олайлик, — дея Пётр Сафонович каравотига ўтирди, сўнг чўзилди.

“Унинг олимлигиям, бошқа нарсасиям бекор”, дея ҳаёлимдан ўтказдим ва шу заҳоти палатадошимнинг пишиллаётганини эшитдим. Мана, сизга керак бўлса, яна битта шубҳа. Каравотга ётди-ю, шу заҳоти ухлаб қолди. Лекин илож қанча? Чидаш керак. Соғайиб оёққа туриб олишим учун мен ҳам худди у каби минг хил шайтонликни кўрсатишим зарур. Орадан йигирма дақиқалар ўтар-ўтмас, чироқ нури секинлик билан хиралаша бошлади. Бу “Ухламасанг ҳам, ухлайсан”, дегани эди.

Вақт эринчоқлик билан ўтиб борар, мен узоқ ўйга чўмган эдим. Бир маҳал эшик жуда секинлик билан очилаётганини сезиб қолдим. “Ана бошланди. Эй, худо, наҳотки жонимни

шу ерда олсанг?” дея хаёлимдан ўтказиб, бироз қимирлаб қўйиб, тишимни тишимга босдим.

Хонага аввал битта оқ халатли киши, сўнг иккинчиси кириб келди. Ҳозир ёнимга яқинлашади, сўнг кўксимга пичоқ уришади. Ана шундан кейин ҳаммаси тамом бўлади. Пётр Сафонович ухлаб қолган. Табиийки, ҳеч нарсани кўрмаган, эшитмаган. У эртага сўроқ пайти шундай жавоб беради.

Наҳотки ҳимояланишнинг чораси бўлмаса?..

Чақирилмаган меҳмонлар қўлларига нимадир кийишди. “Қўлқоп, қўл изини қолдирмаслик учун”, дея кўнглимдан ўтказдим ва гипсланган қўлимни кўксимнинг устига қўйдим. Ҳарна, пичоқнинг йўналишини бироз ўзгартирсам, юракка тўғри бормай, уни четлаб ўтиши мумкин... Бўғиб ўлдиришсачи, унда нима қиламан? Томоғимга қўл тегиши билан чуқур нафас оламан-да, бир муддат бўғишганларидаёқ бошимни бир томонга қийшайтираман ва ўзимни ўлганга соламан. Эҳтимол, шунда тирик қоларман. Эй, худо, ўз паноҳингга асра!

Шунда кутилмаган воқеа содир бўлди. Оқ халатли, қўлларига ҳозиргина қўлқоп кийганлар менга етишларига икки қадамча қолганида тўхташди. Сўнг ҳар икки қўлини ҳам юқорига қўтарганча энгашишди. «Демак, шу тахлитда менинг ёнимга келишса керак», деб турганимда, полга узала тушиб ётиб олишди. Ана шундан кейингина мен учинчи одамни кўрдим. Бу, адашмасам... Йўқ, адашмаган эканман. Учинчи одам, ҳақиқатан ҳам, Пётр Сафонович экан. У бориб чироқни ёқди (чироқ ўзидан-ўзи ўчганди. Бундан чиқди, у ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан бошқарилар экан).

— Нима бўлаяпти? — дедим ўзимни гўлликка солиб.

— Айтарли ҳеч нарса. Сиз ва мен кутган одамлар келишди. Мана, ётадиган жой тополмаганларидан палатамизнинг ўртасига чўзилиб олишди, — деди Пётр Сафонович.

— Илтимос, — деди ётганлардан бири минғирлаб, — бизни қўйиб юборинг.

— Ҳа, тўғри, сизни қўйиб юбораман. Бу ерда сақлаб, нима ҳам қилардим? Аммо мен сизни бу ерга бошлаб келмагандим. Шу боис кузатиб қўйишни ҳам истамайман. Шеригимни кўриб турибсизлар. Сизларга илтифот кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто жойидан қимирлолмайди ҳам, — деди Пётр Сафонович унга жавобан.

— Ўзимиз кетамиз.

— Тўғри, лекин баъзи бир саволларга жавоб беришингизга тўғри келади.

Пётр Сафонович ўта майин ва паст овозда сўзлар эди.

— Тушундим. Шарқий мафия блогиданмиз. Беш оила буюртмасини бажарамиз.

— Наҳотки беш оила вакиллари шундай майда ишларга ҳам қўл ура бошлаган бўлса? Шу билан мени ишонтирмоқчи бўлсанглар, чучварани хом санабсизлар. Ва ўзларингга яна битта оғир гуноҳни орттириб олдингларки, жазоси ҳар доимгидан ҳам оғир бўлур.

Пётр Сафонович пўписа эмас, кўпроқ нутқ сўзлаётган эди. Яна палатамиздагиларга тескари ўтирилиб олиб, девор билан сўзлашаётгандек эди. Мени ҳаммасидан кўпроқ таажжубга солгани беш оила ҳақидаги гаплар эди. У қанақанги беш оилани назарда тутаяпти? Улар кимлар? Мана шу нарса мени ўйлантириб қўйди. Шунингдек, қаршилиқ кўрсатишга ожиз беморни ўлдириш учун келганларнинг ўз-ўзидан полга чўзилиб ётиб олиши яна бир ажабланарли ҳолат эди.

— Биз ижрочилармиз. У ёғини билишга қодир эмасмиз, — деди ерда чўзилиб ётган, Пётр Сафонович билан сўзлашаётган кимса.

Дарвоқе, кундузги ҳожатбарорлар орасида у йўқ эди. Чироқ ёқилгач кўрдимки, кутилмаган меҳмон кал бошига докторларнинг қалпоғидан кийиб олган экан.

— Ҳозир суякларинг қарсиллаб сина бошлайди... Оғриқни сезаяпсан, бармоқларингга биров игна санчаяпти...

Пётр Сафонович гапини тугатмасидан киялەر ўкирганча типирчилай бошлади.

— Ҳали бу ҳолваси, ҳозир шеригинг билагингни тишлайди, — деди палатадошим шўрликнинг додлашига парво ҳам қилмай.

Мен “Наҳотки шундай бўлса?” дея хаёлимдан ўтказиб, манзарани яққолроқ кўриш мақсадида бошимни хиёл кўтардим. Дарҳақиқат, шу пайтгача миқ этмай пешонасини полга тираб ётган меҳмон аввал оғзини катта очиб, тишларини кўрсатганча ит каби ириллади. Сўнг шеригига ташланди. Оғайниси гўё полга елимлаб қўйилгандек ётарди. Негадир мутлақо қимирлай олмас, кучи фақат овозига етаётганди.

— Бас, энди сен уни тишла! Бурнидан тишла. Бир умр эсида қоладиган қилиб тишла!

Пётр Сафонович ҳалигача бир-бирини навбатма-навбат ғажийётганларга қарамаган эди. Туриши ўша-ўша. Ҳатто ўзи чизган суратни деворга осиб қўйиб, камчилик қидираётган рассомга ўхшаб кетарди.

— Бўлди, ҳақингни олдинг, — дея амр қилди у икки-уч дақиқадан сўнг.

Киллер шеригини қонига белаб ташлаганди. Хонадошим буюрганидек, унинг бурнини ҳам узиб олганди. Тўғриси, бунақанги манзарани кўрганда, одамнинг эти жунжикиб кетаркан. Вампирлар... Ҳа, улар худди вампирга ўхшарди.

Бироқ мени ажаблантиргани Пётр Сафоновичнинг қилт этмагани бўлди. У олим, иқтисодчи, сиёсатчи, дунё кўрган, бағри кенг ва раҳмдил одам эди-ку. Наҳотки иккита шўринг қўрғурни таъсирига тушириб олиб, уларнинг устидан истаганча кулса, азобласа. Агар бирортасининг юзига мушт туширсам ёки мен туфайли одам ўладиган бўлса, тушуниш мумкин. Бир неча марта шундай ҳам бўлди-ку.

Лекин Пётр Сафонович нега тошбағирлик қилаяпти? Бунинг ўрнига, шифохона соқчиларига, мабодо уларга ишонмаса, полициячиларга топшириб юборса, олам гулистон эмасми?

— Йўқ, асло!

Пётр Сафоновичнинг фавқулодда баланд овози қулоғимни тешиб юборай деди. Мен ҳайратланганча унга қарарканман, киприklarимни пирпиратдим.

— Сиз қаттиқ янглишаяпсиз, менинг дўстгинам. Буларни полицияга топшириб бўлмайди. Агар шундай қилсак, ўзимизга муаммо орттириб оламиз.

— Муаммони бекор айтдингиз. Қўйиб юбориб ҳам қутулмайсиз энди. Сотинади.

— Наҳотки ухлаётганлар бирон нимани эшитади деб ўйласангиз?

— Ухлаётганлар... Улар ухлашаяптими? — дея бошимни баландроқ кўтариб, полда чўзилиб ётганларга қарадим.

Дарҳақиқат, улар пишиллаб нафас олишарди. Шунча азобдан кейин бунчалик тез пинакка кетиши одамни ҳайрон қолдирарди, албатта.

— Кўрдингизми? — дея илжайди Пётр Сафонович.

— Энди уларнинг полга ўз-ўзидан ётиб олиши, бир-бирларини ғажишини тушунтириб берарсиз.

— Албатта, бунинг ҳеч сири йўқ. Мен шунчаки билимимни ишга солдим. Дарвоқе, мента анчагина ишончсизлик билдирдингиз. Сизнинг ўрнингизга ўзимни қўйиб кўрганим учунгина хафа эмасман. Ахир мен ҳам ишонмаган бўлардим.

— Ҳали сиз менинг хаёлимдан ўтган гапларни ўқиб олдингизми?

— Йўқ, ўзингиз айтиб бердингиз. Мен ора-чора сизни оний лаҳзага беҳушлантирар ва қўпол қилиб айтганда, манқуртлаштираётгандим. Ўша маҳали сиз барчасини гапириб бердингиз.

— Кимсиз ўзи?

— Олимман дедим-ку.

— Шу холосми?

— Бўлмасам-чи.

— Мен умримда бунақанги олимни учратмаганман.

— Афсуски, ҳақсиз. Агар инсон бутун онгу шуурини, қобилиятини илмга бағишласа, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишларни бажара олиши мумкин. Бутун ер юзи ривожланишнинг энг юқори чўққисига чиқиб кетади... Ҳозир эса юзаки олимлар кўпайиб кетди. Яқинда мен бир докторлик иши ҳимоясида иштирок этдим. Ишонасизми, ўзимдан ниҳоятда хафа бўлдим. Ахир икки соатлик умримни ҳавога совурган эдим.

Пётр Сафонович сўзлашдан тўхтаб, пешонасини қашлаганча бироз турди-да, каравотга ўтирди. Чуқур нафас олди. Назаримда, у полда ётганларни бутунлай эсидан чиқарган эди.

— Бировлар ёзган китоблардан парчалар йиғиб, тўплам қилган одам ҳеч вақт олим бўладими? Шуми унинг кашфиёти? Пул! Пул! Пул!

Пётр Сафонович ўрнидан сапчиб турди-да, юра бошлади. Юзининг қизаргани, қўлининг муштлиги ўта асабийлашганидан далолат бериб турарди.

— Манави хумпарларни нима қилмоқчисиз? — сўрадим уни чалғитиш мақсадида.

У чўзилиб ётганларга нафрат билан тикилди. Сўнг «Тфу!» деди жаҳлини босолмай.

— Булар дунёга одам сонини вақтинча кўпайтириш учун келган бечоралардир. Нима қилмоқчиман? Нимаям қилардим?.. Сиз Рим карнавали ҳақида эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Афсус. Майли, ўзим айтиб бера қоламан. Ўн гўққизинчи асрнинг биринчи ярмида байрам — карнавал уюштирилган. Биласизми, шодиёна нима билан бошланган? Ақл бовар қилмайди. Жиноятчиларни омма қаршисида қатл этиш билан. Тушунаюпсизми, қиз-жувон, бола-чақасини етаклаганлар байрамни одам ўлдиришни томоша қилиш билан бошлашади. Ҳамманинг юзида табассум, қалби қувончга тўла. Супа шаклидаги баланд қатлгоҳда эса жаллод болтаси билан

жиноятчининг қўлиларини, оёқларини ва ниҳоят, бошини чопиб ташлаяпти. Сиз манзарани бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Даҳшатнинг ўзгинаси. Ваҳшийлик билан ўлдирилган одамни томоша қилганлар кейин байрамда қандай иштирок этишлари мумкин? Қандай қилиб бир-бирларига турфа рангта бўялган тухумларни, конфетларни улоқтириши мумкин? Йигитларнинг оқ билак хонимларга муҳаббат изҳори-чи?.. Менга қолса, ялпайиб ётган мана шу икки нусхани худди ўша карнавалдаги жаллод қўлига топширган бўлардим.

— Наҳотки? Сиздай зиёли одам-а? Ҳозиргина ўша карнавални танқид қилиб тургандингиз, шекилли, — дедим кулиб.

— Карнавал танқидга лойиқ. Лекин бу икковига бошқача жазо енгиллик қилади. Хўш, энди буларга жавоб берайлик, — дея Пётр Сафонович чўзилганларнинг тепасига келиб, уларга синчковлик билан тикилди-да: — Туринглар, — деди.

Шунда мен ҳайратдан бутунлай даҳшатга тушдим. Чунки палатадошимнинг юзидан қони қочиб, мурдаларникига ўхшаб қолганди. Совуқ башарага қараган одамнинг, ҳеч шубҳа йўқки, юраги орқасига тортиб кетади.

Асирлар деярли барабар ўринларидан туришди. Ҳар иккиси ҳам оғриқ сизди, шекилли, афтини бужмайтирганча инграшди.

— Сизлар билан ҳисоб-китобимиз тутади. Палатамизга ўта хунук ниятда келдинглар ва шунга яраша жазоландинглар. Дарвоқе, мен сизларни ким юборганини эзилиб сўрамадим. Ҳолатиям йўқ эди. Шунинг учун дарров жазолаб қўяқолдим. Ортга қайрилиб, қандай келган бўлсанглар, худди шундай жўнаб қолларинг. Йигирма дақиқадан сўнг гипноз кучи кетади ва ит азобини тортасизлар. Қолганига пешоналарингда нима ёзилган бўлса, шуни кўрасизлар.

Тунги қароқчилар — киллерлар чиқиб кетишди. Пётр Сафонович аввал тиззаларига суянди, сўнг каравотига ўтирди. Унинг қаттиқ чарчагани шундоққина кўриниб турарди. Мен у каравотига ётганидан кейин ҳам талай муддат ухлаёлмадим. Кўрганларим тушга ўхшарди. Одамзоднинг бундай имкониятга эгалигини сира ақлимга сиғдира олмасдим.

Эртасига ҳамшира келганидан кейингина уйғондим. Очиғи, уйқуга тўймагандим, шу боис аранг кўзимни очдим. Томиримга укол қилишди. Сўнг иккита хандорини ютгач, тагин ухлаб қолдим.

Адашмасам, чошгоҳ маҳали мени Луиза уйғотди. Кўзимни очсам, жилмайганча тепамда турибди. Столни кўрсатиб, бир

нималар деди. Гапига тушунмаганим боис бошимни кутариб, стол томонга қарадим ва овқат, нон, қанд ҳамда сариеғга кўзим тушди.

— Овқат егим йўқ. Уйқум келаяпти, — дедим.

У кўзини олиб қочди. Бошини қийшайтириб қимирлатди.

— Ея қол, демоқчимисан? Тушундим. Лекин иштаҳа йўқ. Айтганча, Пётр Сафонович қаерда? — дея оёқ томонимга қарадим.

Ҳеч ким кўринмади. «Оббо, энди бу билан қандай гаплашаман?» деб кўнглимдан ўтказдим.

Луиза қўли билан эшик томонни кўрсатди.

— Демак, Пётр Сафонович чиқиб кетган. У бўлмагач, иккаламиз фақат сурдо тилида гаплашишимиз мумкин.

Луиза гапларимни тушунгандай жилмайди ва столнинг устидаги косани олиб, каравотимга ўтирди-да, қошиқлаб оғзимга овқат тутди. Ноилож едим. Луиза майин сўзлар, ҳар гапидан сўнг жилмайиб қўярди. Табиийки, мен ҳеч балони англамас, шунга қарамай, бошимни қимирлатиб қўяверардим.

Нонуштадан сўнг у юзимдан ўпиб қўйишдан ўзини тийиб туролмади. Бурнимга ўша таниш хушбўй атир ҳиди урилди. Юрак жунбишга келди. «Аҳмоқ, шу касалхонада хотининг ётибди. У ҳам сен каби бемор. Нега бу қизга сўлагингни оқизасан? Мабодо хотинингга бирорта эркак шундай қилса, чидаб тура оласанми? Ҳеч қачон. Шундай экан, ўпкангни бос», дея кўнглимдан ўтказиб, ўзимни тинчлантирдим.

Роппа-роса бир ҳафта деганда ўрнимдан туриб, ўтирадиган бўлдим. Яхшиям, бахтимга, Пётр Сафонович бор экан. Йўқса, зерикишдан юрагим ёрилиб кетган бўларди. Ўзиям палатадошимнинг билмаган нарсаси йўқ, шекилли, қандай мавзуда гап очсам, соатлаб гапиради. Ётавераман оғзига қараб. Иккинчи ҳафта охирлаганида, ўрнимдан туришга, қўлтиқтаёқ ёрдамида икки-уч қадам юришга муваффақ бўлдим.

Мендан кўра Наташа тез тузалди. Энди икки-уч қадам боса бошлаганимда, у палатага келди. Озиб кетган, юзи докадек оқарган, кўриниши жуда нимжон эди. Уни кўришим билан теримга сиғмайдиган даражада қувониб кетдим.

— Менинг жиннивойим, — деди у кучоқлаб, — соғиндим сени.

— Яхшиси, бориб ҳовлида айланиб келай, сизлар бемалол гаплашинглар, — дея Пётр Сафонович бизни холи қолдириб, хонадан чиқди.

— Бирпасда орзуларимиз саробга айланиб кетди, — деди Наташа ўксиниб.

— Нега сароб бўларкан? Иккаламиз ҳам соғ-саломатмиз. Тузалиб чиқишимиз билан истаган томонга кетамиз. Ўзи худо бизни шундай дам олдириб қўймаса, бир жойда тўхтамасдик-да, — дедим илжайиб.

— Тўғри, — дея бурнини тортиб қўйди у, — икковимизнинг ҳам жонимиз омон қолди. Лекин...

— Нима лекин?

— Айтолмайман.

Наташа пиқиллаб йиғлаб юборди. Қучоғимдан чиқиб, каравотга ўтирди. Мен бир муддат унга ҳангу манг бўлиб қараб турдим ва секин ёнига ўтирдим.

— Мен сени зўрлаб, ичингдаги нарсани билиб ололмайман. Хушингга келмаса, ҳожати йўқ, деб ўйласанг, индамаганинг маъқул. Аммо соғлиғинг билан боғлиқ муаммони билишим шарт, — дея унинг сочини силадим.

— Йўқ, билишинг керак. Кошкийди... Эй-й, худо, ўзинг менга қувват бер.

— Наташа, ҳаммаси яхши. Дунёда ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Шошилмасдан, ортиқча ҳаяжонга берилмасдан, битта-битта гапир. Мен ёнингдаман. Гарчи суякларим тўла битмаган бўлсаям, бемалол ёрдам бера оламан.

— Қаттиқ севасанми?

— Шубҳанг борми?

— Йўқ. Гапимга жавоб бер.

— Севаман.

— Амир, сенинг олдингда айбдорман. Мен сенга ҳеч қачон бола туғиб беролмайман.

Бошимга биров гўрзи билан ургандай бўлди. Кутилмаган хабар мени карахт қилиб қўйди. Бир муддат нима қилишимни, нима дейишимни билмай қолдим.

— Наташа, — дедим, ниҳоят, ўзимни қўлга олиб, — сенга буни ким айтди?

— Докторлар, — жавоб берди Наташа кўз ёшини кафти билан артиб.

— Докторлар адашган. Ҳаммаям адашади. Мана кўрасан, бу ердан чиқишимиз билан ҳомиладор бўласан.

— Бу ернинг тиббиёти ҳамма жойникидан зўр... Фалокат жуда қаттиқ таъсир қилибди. Докторлар ҳаттоки болам тушиб қолганини ҳам билишди.

— Сиқилма. Унда шундай яшайверамиз.

— Авлодинг давом этмайдими? Кун келиб, мендан зерикасан-ку.

— Авлодим масаласига келсак, укаларим, сингилларим бор. Улар аллақачон фарзандли бўлишга улгуришган. Демак, ота авлодим давом этаяпти. Менинг қонимдай қон жиянларимда ҳам оқади.

— Лекин улар сенинг фарзандларинг эмас.

— Нега энди? Бизда уканинг боласини “ўғлим” дейишади. Ундан кейин сен мени сираям зериктирмайсан. Буни жуда яхши биламан.

— Кўнглимни кутарма.

— Мен ҳақиқатни гапираяпман.

Наташа мени маҳкам қучоқлаб олди. Шунда билдимки, унинг вужуди тинимсиз титраётган экан. Уни яна юпатмоқчи бўлдим. Аммо тузукроқ сўз тополмадим. Биз шу тахлит талай муддат ўтирдик. Пётр Сафонович палатага кирди. Гарчи Наташа йиғламай қўйган эса-да, унинг кўзидан ёш оққанини дарров сездим.

— Нақадар бахтлисизлар. Сизларни кўриб, ҳавасим келди. Ҳатто севинч ёшлариям ярашибди, — деди.

— Кошкийди, севинч ёшлари бўлса, — деди Наташа алам билан.

— Ораларингизда айрилиқ бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, мени алдашга сира уринманг, хоним... Энди менга қаранг-чи.

Наташа бошини кўтариб, у томонга юзланди.

— Бу мафтун этувчи чеҳрага табассумгина егишмайди, — деди Пётр Сафонович.

Наташа бошини эгди. «Бу одам бизга ёрдам беролмасмикан?» деган ўй ўтди хаёлимдан.

— Қайғу одамни тез қаритиб қўяди. Ҳеч бир зот инон-ихтиёри бўйича яшолмайди. Яратганнинг изми билан юради ҳамма. Шундай экан, яшаш керак. Бандаси танга азоб бермасдан, руҳни қийнамасдан умргузаронлик қилишга мажбур. Ёнингизда ҳавас қилишга арзигулик турмуш ўртоғингиз бўла туриб, қайғуга ботаётганингиз нимаси?

— Пётр Сафонович, масала бошқа ёқда, — дедим.

— Ортиқ ўтиролмайман. Балки, кейинроқ келарман, — дея Наташа ўрнидан туриб, палатадан чиқиб кетди.

Мен бир қанча муддат гапни нимадан бошлашни билолмай ўтирдим. Ҳамхонам ҳам аввал ўзим сўз очишимни истади, шекилли, мендан садо чиқишини кутди.

— Хуллас, — дедим охири хўрсиниб, — биз умримизнинг охиригача фарзандсиз яшаймиз.

Пётр Сафонович бошини қашлади. Шунинг ўзиёқ унга бўлган ишончимни йўқотди. Аслида, нега ундан умид қилдим, ҳайронман. Ахир у авлиё эмас-ку, қўлидан ҳамма нарсга келавермайди.

— Дарҳақиқат, оғир муаммо. Ташвишга тушдингизми, демак, болали бўлишни астойдил истайсиз. Ваҳоланки, Европада кўпчилик оилалар буни ортиқча даҳмаза деб билишади, — деди бир муддатли сукутдан сўнг Пётр Сафонович.

— Уларнинг нима деб билишининг мен учун икки пуллик аҳамияти йўқ.

— Тўғри, — деди Пётр Сафонович менга қараб ва жилмайганча қўшимча қилди: — Мен йўл топгандайман.

Юрагим шу заҳоти гупирлаб уриб кетди. Бирдан ўрнимдан турдим.

— Фақат ҳозир айтмайман. Кейинроқ, шифохонадан соғайиб чиққанингиздан сўнг. Шунгача муҳлат берасиз, хўпми? Ҳа-а, эсимдан чиқай дебди. Бугун менинг даволаниш муддатим туғади.

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Назаримда, тўла соғайиб кетгандекман. Сизга ҳам тўрт кундан сўнг жавоб беришади. Қолганига ўзингизни эҳтиёт қилсангиз, соғайиб кетасиз.

Назаримда, Пётр Сафонович мендан ниманидир яшираётганга ўхшаётган эди.

— Россияга кетасизми?

— Қанийди. Афсуски, бу ерда қиладиган ишларим жудаям кўп. Шунингдек, сиздан хабар олиб тураман. Касалхонадан ҳам ўзим олиб кетаман. Қаршилиқ қилмасангиз керак.

— Йўқ. Лекин биз Францияга кетишни режалаштирганмиз.

— Жуда яхши. Мен қарийб йигирма марта Парижда бўлганман. Дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири. Боришга, томоша қилишга арзийди. Яна менинг сизга бир олам таклифларим бор.

— Қандай таклиф?

— Бу ҳақда ҳали бафуржа гаплашамиз. Энди рухсатингиз билан нарсаларимни йиғиштираман.

Шундай суҳбатдошдан айрилиш мен учун оғир эди. Лекин бундан бошқа чораси бўлмагач, нима ҳам қилардим? Ахир у билан бир умр ёнма-ён юролмайман-ку. Қолаверса, Пётр Сафонович бошқа олам, мен бошқа олам. Тўғри, гапларимиз кўпинча бир жойдан чиқади. Шундай эса-да, у олимлигига шўнғиб кетган маҳал мен зерикиб қоламан. Айтмоқчи, унинг

таклифи нима экан? Биргаликда бирон ишни қилишми ёки у ҳам мендан худди Александр Абрамович каби фойдаланмоқчими? Агар шундай нияти бўлса, чучварани хом санабди. Мен ҳассамни икки марта йўқотмайман. Агар у йўқдан бор қила оладиган сеҳргар бўлган тақдирда ҳам. Бундан бу ёғига нимаики иш қилмайин, аввал ўз манфаатимни кўзлайман.

— Мана бўлди, — деди Пётр Сафонович хаёлимни бўлиб, — энди кетаверсам ҳам бўлади.

У мени бағрига босиб қўйгандан кейин палатани тарк этди. Мен ўринга чўзилдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетганди. Шу боис шифтга термилганча бақрайиб ётавердим. Қачонки эшик очилиб ёпилганидан кейин бошимни кўтардим. Луиза келибди. Унинг юзи чексиз қувончга тўла эди.

— Нега иржайиб, тиржайяпсан? — дедим.

У елка қисди. Сўнг чаққон юриб келиб, каравотимга ўтирди-да, бир нималар деб сайради.

— Пётр Сафонович кетди. Энди қанча гапирганинг билан, барибир, тушунмайман. Ундан кўра нима демоқчилигингни чизиб кўрсат.

Луиза юзимга тикилди. Киприк қоқди. Аниқки, у балониям тушунмади.

— Эҳ, қизгина, кошки, мен каллаварам ёшлигимда немис тилини ўрганганимда, ҳозир нима деганингни билиб олардим. Гаплашиб ётардим.

Луиза халатининг чўнтагидан расм олиб, менга узатди. Суратда сочи елкасини қоплаган бадбашара бир йигит иржайиб турарди.

— Ошиғингми? — дедим Луизага қараб. — Эй, сен тушунмайсан-ку. Ҳозир...

Қўлимга стол устида турган ручка билан қоғозни олдим. Қоғозга иккита юрак расмини чиздим. Унга “Бири сеники, бири суратдагиники” мазмунида кўрсатдим. Луизанинг бирдан қовоғи осилди. Қўлимдан ручкани олиб, битта юракчанинг устидан чизиб ташлади, сўнг расмни йиртди.

Худди шу маҳал Пётр Сафоновичнинг гапи ёдимга тушди. «Йўлини топгандекман», деганда, у наҳотки Луиза орқали менинг муаммомни назарда тутган бўлса? У ҳолда Наташа бутунлай адо бўлади-ку.

Луизанинг ҳозиргина жилмайиб турган кўзларида ёш пайдо бўлди. Афтидан, унинг ярасини тирнаб қўйдим, шекилли. Кошки, менда забон бўлса-ю, унинг кўнглини кутарадиган гаплардан гапирсам. Қиз тоқатсизланди. Бирпасда кўзимга сўлгандай кўриниб қолди.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бундай олиб қараса, нима қиласан шу томи кетган, аҳмоқни? Шундай кечвор, тамом-вассалом, — дедим жилмайиб.

У гапимнинг оҳангидан ўзича бир нималарни тушунди, шекилли, юзида тағин табассум пайдо бўлди.

Мен унинг қўлидаги расм парчаларни олиб, имо-ишора билан ахлат қутига ташлаб юбориш кераклигини тушунтирдим. Луиза бошини қимирлатиб, англаганини маълум қилди. Яхшиям, сурдо тили бор экан. Йўқса, бундай пайт биров бировга фикрини уқтириш ўлимдан ҳам қийин бўларди. Луиза алианималарни гапирганидан кейин чиқиб кетди. Мен ўзимни каравотга ташладим. Шу дамда жуда хафа эдим. Чунки умримни бекорга ҳавога совурибман. Бунга қарангки, ўтган вақт мобайнида биронта тилни ўрганиш сира ҳаёлимга келмабди. Шошма, ҳали ҳам ақлимни, хотирамни йўқотганим йўқ-ку. Чин кўнгилдан тиришиб ўқисам, жуда тез ўрганиб олсам керак. Қолаверса, Наташа ҳаммаша ёнимда, у ёрдам беради. Бўлди, бундан бу ёғига тил ўрганиш билан шуғулланаман.

Ичимда қандайдир энтикиш пайдо бўлди. Тезроқ тузалиб, касалхонадан чиқиб кетгим келди.

Ширин ҳаёллар оғушида шифтга термилиб, талай муддат ётдим. Бир пайт эшик очилиб, сариқ юзли, қовоқлари шишган, боқиши ўткир, хийла семиз ноганиш аёл билан Луиза кириб келди. Мен уларнинг келишини кутмагандим. Боиси, Луиза яқиндагина бу ердан чиқиб кетган, нима иш қилиши керак бўлса, ҳаммасини бажариб бўлганди. Мен билан суҳбатлашишнинг эса, табиийки, иложи йўқ. Эҳтимол, у ўзи билан таржимонни бошлаб келгандир. Шундай дейдиган бўлсак кўринишидан совуққина хотиннинг қўлтиғида каравот устига ёпиладиган уч-тўртта чойшаб бор. Бундан чиқди, янги кўшни келади. Ишқилиб, мен билан забондош бўлсин-да. Йўқса, фақат ҳаёл билан суҳбатлашишга мажбурман.

Луиза жилмайиб, бир нималар дея кўрсаткич бармоғи билан койиган бўлди. Унинг гапларига сўл тарафдаги каравотни тартибга келтираётган совуқ юзли аёл ҳиринглаб кулди.

— Ярамаслар, ҳозирча кулиб туринглар, кейин менинг навбатим келади. Тил ўрганиб, ҳаммангни мот қилмасам, юрган эканман, — дедим.

Уларнинг бошқа сабабдан кулганлиги салдан кейин маълум бўлди. Палатага Наташа келди. Тўғрироғи, уни кўчиришибди.

— Кутмаганмидинг? — деди у кириши билан.

— Рости, ёрилиб кетсам керак, деб ўйловдим. Бир оғиз айтиб қўймабсан, — дедим гўё гина қилиб.

— Ҳимм, Луиза билан топишволиб...

Луиза исмини эшитиши билан у ялт этиб Наташага қаради.

— Топишиш учун одамда тил бўлиши керак.

— Аҳа, гаплашиш имкони бўлганида... Бекорга «Эрингиз жуда хушчақчақ одам экан», демабди-да. Қани, айт-чи, яна нималарни...

— Ҳеч қурса, сурдо тилини билганимда, гумон қилсанг ярашарди. Лекин сен келгач, бир қарич ўсдим, назаримда.

— Унда бўйингни ўлчаб кўрайлик-чи, — деди Наташа кулиб.

Ўрнимдан турдим. У ёнимга келди.

— Ҳа, назаримда, ўсганга ўхшайсан. Мен эса Луизахонимнинг ичини кўйдириб қўйишни истайман. Мана бундай қилиб.

У мени чўлпиллатиб ўпганча қучоқлади. Буни кўриб, Луиза ва унинг шериги жилмайди. Луиза икки бармоғи билан «О» шаклини кўрсатди. Бу «ОК!» деган маънони берар эди.

— Қайтанга, уни хурсанд қилдинг-ку, — дедим Наташага.

— Шунақами? Оббо, мен унинг жигига тегмоқчи эдим-ку.

— Демак, шубҳанг бекор экан.

Наташа хонадагиларга сўзлади. Улар кулишди. Луиза Наташанинг бўйнидан қучиб, қулоғига шивирлади.

— Мени гийбат қилаяпсизлар. Унинг гапи мен тушунадиган тилга ўтирилишини талаб қиламан.

Наташа қиқирлаб кулиб юборди ва мен нима деганимни Луиза билан шеригига айтиб берди. Тўғриси, одамнинг афтангори қанақа бўлса, кулгиси, овози ҳам шунга монанд бўлар экан. Луизада жозиба, нозиклик, нозланиш борлигини ва бу қиқирлашиданоқ сезилган бўлса, шеригининг кулгиси эркакларникига ўхшаб кетар экан.

— Таниш-билишчиликни аввал менга қилишинг керак эди. Сен бўлса, негадир бегоналар тарафга ўтиб олибсан, — дедим гўё ўзимни аразлаган кўрсатиб.

— Нега? — ҳайрон бўлди Наташа.

— Чунки аввал Луиза қулоғингга нима деб шивирлаганини таржима қилишинг керак эди. Сен эса гапларимни уларга етказиб ўтирибсан.

— Ўзимнинг аразчимдан. Шунга хафа бўлаяпсанми? Бемалол айтаман. У мабодо сени маҳкамроқ ушламасам, бошқалар илиб кетиши мумкинлигини айтди.

— Хўш, нима деб жавоб бермоқчисан унга?

— Сени бошқа бировга берадиган аҳмоқ йўқ. Шунинг учун ҳам хонангга кўчиб келдим. Айниқса, манави жонона, атайлабдан у тушунмасин деб исмини айтмаяпман, кўпроқ рашкимни кўзитяпти.

Хаёлимга яна Пётр Сафоновичнинг гапи келди. У фарзандли бўлишимнинг йўли борлигини айтганди. Тавба, мен дарров Луиза ҳақида ўйлай бошладим. Аммо буни ўзим сира истамайман. Лекин мабодо Наташа «Шундай қилайлик», деб қолса... Бўлиши мумкин эмас. Яхшиси, болалар уйдан фарзанд асраб оламиз.

— Сен, ҳақиқатан ҳам, хафа бўлдингми? Нега ўйланиб қолдинг? — сўради юзимга тикилган Наташа.

— Ўзим шундай.

Луиза Наташа билан хайрлашди. Наригиси индамай чиқиб кетди.

— Бошқа келмас экан, — деди Луиза ҳам хонани тарк этгач. — Бечора қизнинг тортмаган азоби қолмабди.

— Тақдир-да. Бизнинг ҳам ўтмишимизга ҳавас қилиб бўлмайди.

— Тўғри, лекин уники аянчлироқ. Яъни у ўзи истаб, бировларнинг кўнглини овлаган.

— Яхшиси, шунга мажбур бўлган, десанг-чи.

— Сен буни қаёқдан биласан?

— У келганида, палатадошим Пётр Сафонович билан гаплашиб қоларди. Кетгач, хонадошим менга ҳаммасини айтиб берарди.

— Аммо йигити номардлик қилибди.

— Биринчидан, шундай кўзга яқин қизнинг бир ўзини қайси аҳмоқ хорижга жўнатади? Жўнатибдими, демак, у қиздан қутулишни ўйлаган. Ёки ундан фойдаланишни истаган. Шундай қилибди ҳам-ку... Қолаверса, унинг ўзи ҳам ўша севган йигитига хиёнат қилмаган деб ўйлайсанми?

— Жуда қизиқ. Майли, буни қўяйлик. Ёнингга келганимга хафамасмисан?

— Келмаганимга ўзим борардим. Чунки бу ерда портлаб кетаман. Дарвоқе, Луиза нега келмас экан?

— Бошқа жойга ишга ўтибди. Айтишича, маоши жудаям кўп бўлармиш. Шошма, Луизанинг бошқа келмаслиги сени қийнаяптими?

— Нималар деяпсан? У билан муглақо ишим йўқ. Боя ўзинг: «Бошқа келмайди», деганимга ҳайрон бўлувдим. Яхши иш топибдими, қандини урсин.

— Менга бу ердаги одамлар ғалати туюлаяпти. Ҳамма нарсани пулга чақишади. Эшигим очиқ эди. Иккитасининг ўзаро суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. «Онамни кўришга боришим керак. Ўтган сафар йўл харажатларининг ҳаммасини ёнимдан тўлагандим. Шунгайм, мана, бор-йўғи олти ой бўлди. Онам яна мени кўргиси келиб қолибди. «Бориш-келишимни кўтарасизми?» десам, унамади. Шунинг учун бормаи кўя қолдим. Чунки дўкондан яқин дугонамининг туғилган кунига кияман деб, янги кўйлақ сотиб олмоқчи эдим», деди биттаси. «Тўғри қилибсан. Қариялар кейинги пайтларда эс-хушини еб кўйишаяпти. Яқинда қазо қилган бувим мол-мулкини сўнгги эрига васият қилиб қолдирибди. Нақд икки юз минг евро ва яна Гамбургдаги уй. Бўлмаса, улар бор-йўғи икки йил яшашган. Бувим олтмиш саккиз ёшида еттинчи марта эрга текканди. Мен учун йўқотилган пулларни эсласам, ҳали-ҳануз мазам қочади. Бўлмаса-чи, бундан роппа-роса тўққиз йил муқаддам Пасха байрамида ниҳоятда тўлиб-тошиб боргандим. Ўша пайтда мерос масаласида ҳам келишиб олгандик. Шунга қарамай, эрига қолдирди шунча пулни», дейди иккинчиси.

— Мен ҳам шундай хулосага бораётгандим. Луиза ўзини бошқа эркакларга топширгани, узоқ ўлкада қолган йигитининг ўзга қизлар билан кўнгилхушликка берилиб кетганидан эмас, пулларидаан айрилганидан изтиробда.

— Бундан чиқди, мабодо бирорта одам «Мен сенга ўша пулларингни тўла-тўқис ва ортиғи билан топиб бераман. Эвазига айтган ҳамма ишимни қиласан», деса, бажонидил рози бўларкан-да.

— Эҳтимол. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўша пул йўқотган одам кейинчалик йўқотганидан кўпроқ пул топган бўлса ва яна унга ўша йўқотганларини беришни таклиф қилишса, рози бўлмаслиги мумкин.

— Буни сен шундай деб ўйлайсан.

— Ўзинг-чи?

— Мен ҳам сен билан бир хил фикрдаман. Аммо бу ернинг ҳавоси бутунлай бошқачага ўхшайди. Аввал мол-мулк, кейин эмин-эркин яшаш, саёҳат, дам олиш...

Мен кулдим. Наташа ажабланиб, киприкларини пирпиратди.

— Гапим сенга ёқмадими? — деди.

— Маъқул. Лекин бу сен билан мен бош қотирадиган нарса эмас. Қолаверса, қўлимиздан ҳеч нима келмайди. Бунинг

устига, мен ўзимни жудаям ёмон кўриб кетаяпман. Мана ўйла, мен билан Луизанинг нима фарқи бор?

— Тушунмадим.

— Мен уйдан чиққанман-у, кетганман. Мана неча йилдирки, ота-онамни, қариндош-уруғимни кўрмайман. Ундан биттагина фарқим эркаклигимда. Танамни сотмаганимда... Нима ишлар қилиб ташламадим? Мабодо шу ерда ўлсам...

— Бас! Керакмас! Мен сенинг ярангни тирнамоқчи эмасдим. Кечир.

У ўрнидан турди. Ёнимга келиб, мени кучоқлади.

— Қайтамиз. Бирга. Тузалишинг билан. Хўпми? Сенинг ота-онанг меники ҳам. Тўғрими? Сиқилма. Йўл-йўлақай Аннани ҳам ўзимиз билан бирга олиб кетамиз.

Ичиқдим. Хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди. Кўз ўнгимда ўсиб-улғайганим — қишлоғим намоён бўлди. Баланд-баланд тераклар, эсаётган шамолда уларнинг шохлари тебраниши, кўча чангитиб югуриб юрган болакайлар, сўрида йўлга кўз тикиб ўтирган энам, пешонасидаги терни тез-тез артиб қўяётган отам.

— Бўлди, жоним, озгина ёт. Ҳадемай бизга тушлик олиб келишади. Телевизорни ёқайми? — деди Наташа меҳрибонлик билан.

— Йўқ. Сен айтганча, кўзимни бироз юмиб ётай-чи, балки ухлаб қоларман.

Ўша дақиқадан эътиборан Наташа ҳаддан зиёд меҳрибон бўлиб қолди. Фақат ширин гапирар, келтирилган овқатни аввал ўзи татиб кўриб, менинг иштаҳамни очиш учун мақтагани-мақтаган эди. Яна кайфиятимни кўтариш учун ўзининг ёшлигидаги шўх қилиқлари ҳақида гапириб берарди.

Яна Луизанинг қадди-қоматини роса мақтади.

— Қўйсанг-чи уни, — дедим Наташанинг гапини бўлиб. — Мен Луизани умуман ўйлаётганим йўқ. Қадди-қомати масаласига келсак, сенинг олдингда у ҳеч ким... Нима бўлган тақдирдаям, сени ташлаб кетмайман. Уқдингми?

Наташа менга бир муддат тикилиб турди, сўнг жилмайди.

— Жиннивой, мен Луизани сенга мақтаганим билан унга сени бериб қўймоқчимасман. Шунчаки сени зерикмасин деб айтаяпман... Бундан бу ёғига фақат сен учун яшамоқчиман. Ўзимга ўзим бирон марта бўлсин, «Дилини оғритиб қўймайман», деб қасам ичдим. Яна сенинг ҳар бир қароринг мен учун қонун. Агар бошқа хотин олиб (сизларда мумкин-

ку), у сенга бола туғиб берганида ва менга қулдай муомала қилганида ҳам, ёнингдан кетмайман.

— Нималар деяпсан? Мен сенга «Бошқага уйланаман», дедимми? Мен бутунлай бошқа нарсани ўйлаётгандим... Немис тилини ўрганмоқчиман. Устозлик қиласан.

Наташа мендан бунақа гап кутмаган, шекилли, анграйиб қолди. Сўнг жилмайди.

— Бўлди, унда бугундан, ҳозирданоқ бошлаймиз, — деди у.

Пётр Сафонович айтган пайтда бизга касалхонадан чиқишга рухсат беришди. Юришда бироз оқсоқланардим. Лекин оёғим оғримасди. Шу боис жомадонни кўтариб, Наташа билан қўлтиқлашганча шифохона ҳудудидан чиқдик.

— Жаноб олийлари, бу ёққа, — деган овоз эшитилди.

Мен йўл бўйида кетма-кет турган иккита қоп-қора «Мерс»ни кўргандим. Бироқ эътибор бермагандим. Шу боис Пётр Сафоновичнинг машинадан тушганини кўрмай қолибман. Унга кўзим тушганда эса беихтиёр жилмайиб, бир муддат туриб қолдим.

— Бу нима туриш, келмайсизми бу ёққа? — деди у.

Пётр Сафонович қора костюм-шим, оқ кўйлак кийиб, бўйнига қизғиш галстук таққанди. Сочи орқага силлиқ таралган. Эҳтимол, унга кўз қирим тушган-у, эътиборсиз бўлганим учун ҳам пўрим кийимда ўзи овоз бермагунча танимаган бўлсам керак.

«Борамизми?» дегандай Наташа менга қараб қўйди.

— Мен сизни кутмагандим, — дедим.

— Албатта, ахир мен «келаман» демагандим-да.

Иккимиз қучоқлашиб кўришдик. У Наташани «Мерс»нинг ол ўриндиғига ўтқазди.

— Хафа бўлманг, хоним. Эрингиз билан гаплашадиган гапларим бор. Шунинг учун бирон йигирма дақиқа ёнма-ён ўтириб кетсам дегандим, — деди Пётр Сафонович норози бўлган Наташага.

Наташа «Ҳечқиси йўқ», дея жилмайди. Аммо норози бўлгани шундоққина юз-кўзидан кўриниб турарди.

— Маҳбубангиз сизнинг палатангизга кўчиб ўтганидан хурсанд бўлдим, — деди Пётр Сафонович машина жойидан қимирлаши билан.

— Касалхонадан чиқишимни билганингиз учун келганингизни кўрганимда ажабланмадим. Ҳолбуки, кутмагандим. Аммо Наташанинг хонамга ўтганини ким айта қолди?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Қолаверса, кейинроқ ўзингиз буни билиб оласиз. Аммо бундан бу ёғига ўта эҳтиёткор бўлишингиз талаб этилади.

— Анавилар...

— Ҳа, худди ўшалар... — деди Пётр Сафонович гапимни бўлиб. — Мен сизга буни айтмаслигим мумкин эди. Бироқ охирги икки кун ичида содир бўлган воқеалар мени ташвишга солиб қўйди. Бир-бирини ғажиганларнинг кейинги тақдири жуда хунук бўлибди. Тўғри, улар ишни эплай олмаганлари учун жазо олишларини билардим. Бироқ бу тахлитда эмас. Мен сизга тафсилотларини айтиб ўтирмайман. Ҳожати ҳам йўқ. Оддийгина қилиб уларни қўйиб юборганимиздан кейин хўжайинлари нариги дунёга кузатиб қўйишган десам, менимча, етарли бўлса керак... Аммо шундан сўнг яна икки марта жонингизга қасд қилишди. Мен қолдириб кетган соқчилар уларнинг ҳар икки ҳаракатини йўққа чиқаришди. Албатта, мен буюртмачилар билан келишиб олиш учун уларга хат ёздим. Лекин жавоби қониқарсиз бўлди. Начора, энди ҳимояланамиз. Энг яхши ҳимоя эса ҳужум ҳисобланади. Буни сиз мендан ҳам яхшироқ билсангиз керак. Айтмоқчи, нега энди сизни шифохонадан чиқишингиз билан кўнглингизни хуфтон қилаяпман?

— Мен сира хафа бўлганим йўқ. Қайтанга, билиб қўйганим яхши.

— Пётр Сафонович, наҳотки буларнинг ҳаммасидан қутулишнинг иложи бўлмаса? Қачонгача хавф-хатар остида яшаймиз? — дея гапга аралашди Наташа.

— Хоним, мен сизни жуда яхши тушуниб турибман. Ўйлайманки, юқорида айтганларим вақтинчалик. Дейлик, қоп-қора булут сувини тўкиб бўлгач, кетишга мажбур бўлади. Соябонингиз ёнингизда бўлса кифоя.

Наташа чуқур нафас олиб, чиқарди.

— Менга ажойиб француз виносини олиб келишди, — дея дарров гап ўзанини бошқа томонга бурмоқчи бўлди Пётр Сафонович. — Бирам мазалики, асти қўяверасиз. Унинг қачон тайёрланганини биласизми?

Мен елка қисдим.

— Бундан роппа-роса олгмиш йил аввал... Тўғрисини айтсам, менинг ёшгина дўстим, — деб елкамга қўлини қўйди ҳамсуҳбатим, — сиз билан бирга касалтхонадан чиққанимиздан сўнг ичмоқчи эдим. Аммо чидолмадим ва бир қадаҳгина ичиб қўйдим.

Миямни минг хил саволлар забт этганди. Шунга қарамай, азбаройи Пётр Сафоновичнинг дилини оғритиб қўймаслик, аниқроғи, у мен ҳақимда қайғуравермаслиги учун вино ҳақидаги гапга қўшилдим:

— Ичимни куйдирдингиз, Пётр Сафонович. Тасаввуримда шаффоф бокалда қип-қизил товланиб турган шароб пайдо бўлди. Роса ичгим келиб кетди. Мабодо ўзингиз билан олиб келмаганмисиз?

— Йўқ. Чунки ичингни нимадир қитиқлаб тургани яхши. Висол дақиқалари интизорлик билан кутилади. Аммо мен Наташахонни бундай аҳволга солмоқчи эмасман, — деди жилмайиб Пётр Сафонович. — Марҳамат қилиб бардачокни очсангиз.

Наташа ортига ўтирилиб, бир менга, бир Пётр Сафоновичга қаради.

— Албатта, менинг кўнглимни қолдирмайсиз, деган умиддаман. Очиғи, ўз кўлим билан топширмоқчи эдим. Аммо рашкчи эрингиздан кўрқдим. Шу боис марҳамат қилиб бардачокдаги нарсани олиб қарасангиз.

Наташа истар-истамас унинг айтганини бажарди. Бардачокдан қип-қизил бахмалли қутичани олиб, шошилмасдан очди. Сўнг:

— Жудаям чиройли... Лекин менга ярашмаса керак, — деди.

Наташанинг овозида ҳеч қанақанги ҳаяжон, шодланиш йўқ эди.

— Нега энди? — дедим мен бирдан. — Сенга ҳар қандай нарса ярашади. Қани, менга бер-чи.

Оқ тилла, мошдай келадиган бриллиант. Шундай узук Наташанинг оппоқ бармоғига ярашмас эмиш. Ярашганда қандоқ? Лекин бечора бундай қимматбаҳо нарсаларга қизиқмай қолган кўринади.

— Кўлингни бер менга.

Наташанинг киприклари пирпиради.

— Пётр Сафонович мен учун қадрдон инсонлардан бирига айланди. Аниқроғи, шу ўлкада менинг отамдай гап. Сен эса унинг келини ҳисобланасан, — дея хотинимнинг бармоғига узукни тақиб қўйдим.

Унинг юзида табассум пайдо бўлди. Албатта, Пётр Сафонович ҳам хурсанд эди.

Биз қарийб йигирма дақиқада Пётр Сафоновичнинг шаҳар ташқарисидаги уйига етиб бордик. Баландлиги уч одам бўйи

келадиган девор. Шарқона нақшлар билан безатилган ва олтин рангта бўялган дарвозанинг ўзиёқ ичкаридаги уйнинг нақадар шоҳона эканлигидан далолат бериб турарди.

«Мерседес» дарвоза ёнида бир лаҳза тўхтади. Сунг ҳайҳотдай дарвоза очилиши билан яна юрди. Ичкари тахмин қилганимдай экан. Кўм-кўк, текис қилиб ўрилган майса, қимматбаҳо арчалар, биттагина машина сиғадиган йўлак чеккасидаги ранго-ранг очилган гуллар, миниатюра шаклини эслатувчи ҳайкаллардан отилиб турган фавворалар икки қаватли қизғиш «мушук» услубида қурилган иморатгача бўлган қарийб эллик-олтмиш одим масофани безаб турар эди. Яна шу оралиқда ўзгача ҳаво ҳукмрон бўлиб, киришингиз билан баҳри-дилингизни очиб юборади.

Машина уйга туташ зиналар ёнида тўхташи билан икки хизматчи эшикларни очди.

— Марҳамат, — деди мендан олдин тушган Пётр Сафонович, — бизнинг камтарин кулбамизга хуш келибсиз.

— Агар шу камтарин кулбангиз бўлса, наригиси қанақалигини тасаввур қилиш, менимча, қийин эмас.

— Лекин, барибир, мен учун кулба. Ундан ортиқ эмас.

Машинадан тушиб чуқур нафас олдим.

— Ташқарида озгина айлансак, — деди мени қўлтиқлаб олган Наташа.

— Албатта. Мен сизларга айнан шуни таклиф қилмоқчи эдим. Чунки шунча вақт шифохона ичкарисиди бўлдингиз. Бундай пайтда одам табиатга талпиниб қолади. Шу боис уйнинг орқа томонидаги боғда жой қилдирганман. Ваъда қилинган винони ҳам ўша ерда бераман.

Мен аста-секин юриб борарканман, ўзимни янада тетик сеза бошладим. Наташанинг ҳам чиройи очилди. У ўзгача синчковлик ва қизиқиш билан арчаларга, гулларга тикилар, юзидан табассум аримасди. Пётр Сафонович атайлаб биздан орқароқда келарди. Афтидан, бизда ўзгариш бўлишини олдиндан сезган, шекилли, халақит бергиси келмаётганди.

— Анави қушларни қара, — деб қолди бир маҳал Наташа.

— Мен дарров у кўрсатган томонга юзландим. Ажабо, қанотлари бир-бириникига мутлақо ўхшамайдиган, бироқ камалакдай ранг-баранг товланаётган беш-олтита қуш оппоқ мрамор тўшалган майдончада юришарди.

— Африка ўрмонларидан олиб келтирганман, — дея изоҳ бера бошлади Пётр Сафонович. — Телевизорда кўриб қолгандим. Ниҳоятда кам учрайдиган нодир қушлар. Қизил

китобга киритилган. Менга хабар беришларича, бу турдаги қушлар бор-йўғи минг дон қолган. Ҳар беш йилда бир марта тухум қўйишаркан. Шунинг учун камэйиб кетган бўлса керак. Яна бундай қушларнинг қушандалари ҳам қўп. Пати, тожи, сайраши чиройли бўлиши билан бирга, гушти мазали...

— Шундай қушни ҳам ейишадими? — хитоб қилди Наташа.

— Афсуски. Чунки ўсма касаллигининг ривожланишига йўл қўймас экан.

— Бечоралар, — деди Наташа ачиниб, — бориб, ушлаб кўрсам майлими?

— Албатта. Улар қўлга ўргатилган. Тожи борлари модалари. Фақат жудаям нозик, эҳтиёт бўласиз.

— Хўп бўлади, — дея Наташа қўлимни қўйиб юборди-да, илдамлаб кетди.

— Дўстим, — деди шу заҳоти Пётр Сафонович деярли шивирлаб, — эртага Мюнхенга жўнаб кетасиз. У ердан сизни Бельгияга ўтказиб юборамиз. Фақат у ергагина душманларингизнинг қўли етмайди. Мен ҳамма чораларни кўрдим. Бироқ улар кўнишмади. Бельгияда ҳам, барибир, узоқ туролмайсиз.

— Нега? Мени шунчалик хавфли одам деб ўйлашаяптими? Қолаверса, мен улар билан ортиқ уришмоқчи эмасман, — дедим ғазабим қўзиб.

— Муаммо бошқа ёқда экан. Шу пайтгача буларнинг барини сиздан сир тутишган.

— Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман. Очикроқ гапирсангиз-чи.

— Агар сизни ўлдиришмаса, Александр Абрамовичнинг ҳамма бойликлари сизга ўтиб кетади.

Пётр Сафоновичнинг бу гапига кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай турган жойимда тарашадай қотдим.

— Ажабланманг, айни ҳақиқатни гапирдим, — дея Сафонович елкамга қоқди.

— Ҳар нима десангиз, ишонардим. Аммо бойликнинг менга мерос қолиши... Тўғриси, шу гапни айтсангиз, ёш бола ҳам ишонмайди.

— Балки, — дея тишини сўриб қўйган ҳамсуҳбатим қўлимдан ушлади. — Қани, юринг, бафуржа гаплашамиз. Қолаверса, вионгиз кутиб қолди.

Менинг кўзларим атрофдаги гўзалликни кўришдан мосуво бўлганди. Хаёлларим чалкашиб кетди. Шу боис Пётр Сафонович қайга бошлаганини, умуман, унинг қўлимдан ушлаб етаклаб бораётганини сезмасдим. Гўё сеҳрлангандек эдим.

— Мен сизга сюрприз ҳозирлаб қўйгандим, — деди Пётр Сафонович.

Менинг тартибсиз хаёлим ҳавога сингиб, атрофни борица кўра бошладим. Бу ер ҳовлидан тубдан фарқ қиларди. Арчалар ўрнига турли-туман манзарали дарахтлар экилган эдики, ҳар бири узоқ муддат термилишингизга, ўзгача завқ олишингизга сабабчи бўларди. Ҳовлидаги майсалар ўрнини бу ерда гуллар эгаллаган. Улар, албатта, турфа рангда очилган бўлиб, нақш шаклида ўтқазилган, бир қарашда Эрон гиламларини эслатиб юборади.

— Жаннатга тушиб қолганга ўхшайман, — дедим ҳаяжонимни яширолмай.

— Асли жаннат худонинг даргоҳида. Одам қўли билан шундай мўъжиза яратган бўлса, Аллоҳнинг жаннати қай йўсинда бўлиши тасаввурингизга сиғмайди, — дея жилмайиб қўйди Пётр Сафонович. — Энди сизнинг келишингиз шарафига тузалган жойга қаранг.

У қўли билан биздаги мажнунтолни эслатиб юбуровчи, лекин шапалоқ баргли тўртта, фақат бир тарафга экилган дарахтлар остидаги қордай оппоқ мармар устидаги ноз-неъмат ва ичимликлар билан тўлдирилган столни кўрсатди. Столнинг оёқлари кўринмасди. Чойшаб тўсиб турарди. Шу боис у ердан бўртиб чиққан оқ тошга ўхшарди. Бундан ҳам қизиғи, столнинг ёнидаги қизнинг танишлиги. У Луиза эди. Келинлардай кийиниб олган Луиза. Зумда хаёлимдан қизнинг бошқа иш топганлиги ҳақидаги гаплари ўтди. Аммо у ҳақда бош қотириб ўтирмадим. Чунки мен кўриб турган гўзаллик ҳушимни ўғирлаган эди.

Биз стол атрофига жойлашдик. Мен ҳали-ҳануз ён-веримни томоша қилиш билан овора бўлиб турганимда:

— Аввал озгинадан оламиз. Мияни қизитиб, фикрлашни ривожлантиради, — деди Пётр Сафонович ва салқин ичимликлар солинадиган иккита бокалга ўзи мақтаган винодан қўйди.

— Чача, — дедим мен ундан озгина татиб кўришим билан, — грузинлар чачаси. Ароқдан ҳам кучли. Бунақанги бокалдан биттасини ичсангиз, ҳушингизни олиб, маст қилиб қўяди.

— Тўппа-тўғри. Ҳақиқий чача шундай қилади. Аммо қўлингда турган идишдаги вино ҳақиқий французларники. Дастлаб ичилганда чача таъмини бериши мумкин. Бироқ бир бокали ағдариб ташламайди. Ютуми мазали, одамнинг кайфиятини кўтаради.

— Беўхшов гапим учун узр, — деб бир кўтаришда бокалдаги винони ичиб қўйдим.

Пётр Сафонович эса менга жилмайганча тикилиб турарди.

— Мана шу масалаларда тортишиш жону дилим. Агар қорнинг оч бўлса, тахминан беш дақиқага бормасдан йиқилишинг керак. Албатта, ичганинг чача бўлса, — дея у қўл соатига қараб қўйди.

Мен эса винони қулқуллашиб ичаётганимдаёқ, унинг чача эмаслигини сезган эдим. Шу сабабли бирдан иккала қўлимни ҳам юқорига кутардим.

— Сиз ҳақ экансиз, мен французларнинг олтмиш йиллик виносини эндигина ичаётган эсам-да, чачани анча-мунча татиб кўрганман. Шу боис узримни қабул қилинг, — дедим.

— Оббо, — дея Пётр Сафонович тиззаларига шапатиледи. — Эндигина мириқиб баҳслашмоқчи эдим. Насиб этмади.

— Пётр Сафонович, мен Луизани бу ёққа олиб келишингизни кутмаган эдим, — дедим мавзуни бошқа ёққа буриб.

— У илгариям шу ерда эди.

— Тушунмадим, — дедим ҳайрон бўлиб, — сиз у билан худди бегоналардай муомала қилгандингиз-ку.

— Ҳа, шундай бўлган. Чунки вазият тақозо этарди. Ахир жонни бегонага ишониб бўлармиди?

— У ҳақдаги маълумотларнинг ҳаммаси ёлғон экан-да... Дарвоқе, сиз уста гипнозчисиз. Ҳозир кўрганларимнинг ҳаммаси ҳаёлимда кечмаяптими? Вино, шоҳона қаср, жаннатий боғ... Ҳаммасини тушимда кўрмаяпманми?

— Кўраётганларингиз айна ҳақиқат. Луиза масаласига келсак, тунги клубларни гуллатгани ёлғон. Қолгани... Ҳа, мен сизга нима дегандим? Бразилиялик, иш қидириб келган, тил ўрганган, яна топган пулини севгилисига жўнатиб турган. Йигити эса ўз-ўзидан оқиб келаётган ақчаларни кайфу сафога сарфлаган. Менимча, бошқа гап айтмадим. Айтмадимми, демак, ёлғон гапирмаганман. Сиз касалхонада эканлигингизда у, ҳақиқатан ҳам, ўша ерда ишлаётган эди. Мен уни оддий хизматчи сифатида, янаям аниқроқ қилиб айтганда, ошпазга ёрдамчи, касалларга берилишидан аввал овқатнинг мазасини, шунинг билан бирга, заҳарланганми, йўқлигини билувчи сифатида ишга ўтказиб қўйгандим (ахир у ўз ҳаётини хавфга солган). Албатта, ўз мақсадимни кўзлаб. Чунки менинг ҳам дўст-душманларим бор... Оддий ва бегоналар баъзида шунақанги софдиллик ҳамда чин кўнгилдан хизмат қилишадики, бу сизга жудаям арзонга тушади...

— Касалхонада даволанган муддатим, жонимнинг омон қолиши ва ниҳоят, ҳозиргина ичганим, французларнинг олтмиш йиллик виноси учун қанча ҳақ тўлайин? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Қизишманг, биродар. Мен сизга ҳисоб-китоб дафтари очмаганман.

— Лекин мен сиз ўйлаган одаммасман. Бировнинг измида юришим қийин. Ҳозир сиз билан, ҳар қалай, яқинмиз... Қарама-қаршилик пайдо бўлмасидан рухсат беринг, кетайин.

— Сиз гапларимни бутунлай бошқача тушундингиз...

— Мен сизларни тополмайманми, деб қўрққандим, — деди уч-турт қадам нарида турган Наташа.

Мен унинг келганини сезмай қолгандим. У Пётр Сафоновичнинг гапини бўлиб қўйди. Шу дамда Наташага жуда ачиндим. Ахир у ҳам атрофини ўраб турган жозиба, гўзаллик сохта эканлигини билмайди. Ҳойнаҳой, ҳозир қушчаларнинг ниҳоятда нафис эканлигини гапиреди. «Кўзимни ололмадим, эркалаб тўймадим. Бечораларга ачиндим. Пётр Сафонович сиз уларни бировга бериб қўймайсиз, мушукларга, улардан ҳам баттар одамларга едирмайсиз. Кўпайтирасиз, сонини мингга, миллионга етказасиз», дейди. Шу гапларни айтаётганида, илжайиб турган Луизани кўрмайди. Худди ҳозиргидек, бизнинг ёнимизга келгунча кўрмаганидек. Эҳ, Наташа. Ҳеч қурса, сен унча-мунча мафтункор нарсаларга эътибор бермайдиган бўлганингда нима қиларди? Аслида, мен шунақа тошмехр бўлишим, жаннатта монанд масканни кўрганимда, пинак бузмаслигим керак эди. Ахир худди шунга яқин келадиган ҳовлини, уйни кўргандим-ку, Александр Абрамовичнинг хонадониди.

Буни қарангки, Пётр Сафонович «Қушчалар сизга ёқдими?» дейиши билан Наташа мен кўнглимдан ўтказганларимни гапира кетди.

— Албатта, — дея хитоб қилди Пётр Сафонович унинг гапларини охиригача тинглагач. — Мен уларни шу мақсадда олиб келганман. Кўздаги гавҳар мисоли авайлаб-асрайман.

Наташа мамнун бўлиб, ёнимдаги стулга ўтирди. Мен унга жилмайиб боқарканман:

— Стол устидаги ноз-неъмат, агар қорнинг тўқ бўлса ҳам, иштаҳангни очиб юборади, — дедим.

Наташа стол устидаги егулик, ичгуликларга бир қур назар ташлади-да:

— Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса борга ўхшайди. Манавини биламан, — дея плафтоли катталигидаги мевани

олди. — Буни биламан. Овқатланишдан олдин ейилади. Таъми бироз нордон. Ана шу нордонлик иштаҳани очади. Яна овқат ҳазм бўлишини тезлаштиради. Аргентинанинг жанубида ўсади. «Montella» деб аташади, — деди.

— Браво, хоним. Мени роса қойил қолдирдингиз. Ҳатто казо-казолар, қўлини чўзса, дунёнинг исталган жойига етадиган одамлар ҳам топишолмаганди. Демак, сиз тановулни айнан мана шу мевадан бошлайсиз, — деди Пётр Сафонович ва боядан бери қаққайиб турган Луизага юзланиб, бир нималар деди.

Наташа шундан кейингина Луизани кўрди.

— Тушунмадим? — деди у менга юзланиб.

— Сирли маконда мен ҳам адашиб қолдимми, деб бир неча марта кўзимни ишқаладим. Сонимни чимчилайвериб, кўкартириб юбордим. Шунинг учун мен сенга ҳеч нимани изоҳлаб беролмайман.

— Тўғри гап, — дея ўрнидан турди Пётр Сафонович. — Ҳақиқатан ҳам, изоҳлаб беролмайсиз, ҳурматли Амирбек. Кўрдингизми, сизнинг исмингизга «бек» қўшимчасини қўшиш орқали улуғлаш мумкинлигини биламан... Бироқ кўриб турганларингиз шундай оддий нарсаларки, айтиб берсам, сизнинг ҳам ҳафсалангиз пир бўлади. Мана масалан, — деб у менга ўткир нигоҳини қалади, — сиз нималарга дучор бўлмадингиз? Аммо жисмоний қобилятингиз орқали ҳаммасидан омон чиқиб кетдингиз. Қилган ишларингиздан бошқалар жудаям ҳайратланишади. Бироқ бу ўзингиз учун шунчалик оддийки, худди битта чўпнинг жойини алмаштириб қўйгандек гап. Худди шундай, кўриб турганларингиз менинг илм соҳасида эришган ютуқларим ва булар мен учун жудаям оддий. Исталган пайтда мушук услубида қурилган иморатни (ҳолбуки, бундай иморат бизнинг замонамизда янгилик бўлмай қолди. Дунёнинг исталган мамлакатида тиқилиб ётибди) бузиб ташлаб, бошқасини қуришим, боғни умуман бошқа шаклга келтиришим, дарахтлар, қушларнинг янада ноёбларидан топтириб келишим мумкин. Барига арзимаган маблағ сарфлайман. Чунки олимман ва ўзимнинг билимимдан истаганча фойдаланишим мумкин. Луиза масаласига келсак... Келинлар, дўстлар, томоқ қуриб кетди, озгинадан тановул қилайлик ва менинг ажойиб виномдан ичайлик.

У соф рус тилида гапирди. Орада бирорта ҳам немисча сўз ишлатмади. Шунга қарамай, Луиза дарров ҳаракатга тушиб, бокалларни винога тўлғазди. Мана шу ҳам менинг

ажабланишимга сабаб бўлди. Наташа бир қўлини белига қўйиб, иккинчиси билан шишани ушлаган бразилиялик қизга тикилиб, бир нималар деди.

— Но, — жавоб қилди Луиза жилмайганча елкасини қисиб.

— Ҳаммасини тушунтириб бераман, — дея Пётр Сафонович идишдаги винодан ҳўплаб қўйди.

Мен эса шаробни бир кўтаришда охиригача ичиб юбордим.

— Мен сизларга, — деди у бир бўлак гўштни оғзига солиб чайнарган, — бу кетишда ҳамма сир-асроримни айтиб қўяман. Лекин буларнинг ҳеч бири сизларни қизиқтирмайди ва шунчаки қўл силтаб қўясизлар. Ўрнингизда бўлганимда, эҳтимол, мен ҳам шундай қилган бўлардим. Ахир илм-фан, билишга бўлган интилиш жуда кам одамни қизиқтиради-да... Энг ажойиб ва бетакрор кашфиёт нима эканлигини биласизларми?

Мен Наташага юзланиб:

— Биласанми? — дея сўрадим.

У елкасини қисди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, — илжайди Пётр Сафонович ва Луизага қараб имо қилди.

Қизнинг юзидаги табассум икки ҳисса ошди ҳамда чаққон юриб кетди. Бир муддат ўтиб, тузланган бодринг олиб келди.

— Шуми ажойиб кашфиёт? — сўради Наташа энсасини қотириб.

— Ҳа, худди шунинг ўзи. Токи ароқ бор экан, бу кашфиёт ҳеч қачон эскирмайди. Чунки одамни маълум муддат лаззатлантирувчи суюқликка бундан яхши газакни ҳеч қердан тополмайсиз. Мана шу ичимлик менинг нима демоқчилигимни ҳам билдиради. Яъни ўзимизникидан озгинадан оламиз.

Луиза яна унинг гапини тушунгандай ҳаракат қилди. Шубҳам икки ҳисса ошди. «Сўзлаш асносида сизни гипноз ҳолатига тушириб турдим. Сиз бошингиздан ўтган ғам-андухларнинг ҳаммасини гапириб бердингиз», деганди Пётр Сафонович. Эҳтимолки, у ҳозир ҳам худди шу қилигини қилаётган, кўраётганларимиз, еб-ичаётганларимиз, аслида, йўқ нарсалардир. Эҳтимол, буни бу ёққа «Мерс»да эмас, шалтоғи чиққан машинада олиб келгандир. Луиза ҳам бразилиялик эмас, оддий хунуқкина рус қизидир.

Мен хаёлга берилганимда, Пётр Сафонович тикилиб турган экан.

— Балки ичармиз, — дея ўйларимни тарқатиб юборди у.

— Нимани? Оддий сувними? — дедим жаҳлим чиқиб. — Бу уйинларнинг кимга кераги бор?

— Қўлингиздаги қадахда оддий сув эмас, энг тоза ароқ, — деди бирдан жиддий тортган Пётр Сафонович ва бир кутаришда идишдаги суюқликнинг ҳаммасини ичиб юбориб, ортидан қарсиллатганча шўр бодринг тишлади-да, иштаҳа билан чайнай бошлади.

— Мен бир нарсани сира тушунолмаяман. Қайсики мавзудан гап очманг, ярмига келганда, тўхтатиб қўйяпсиз.

Пётр Сафонович луқмасини ютди. Сўнг илжайди.

— Дарҳақиқат, шундай. Демак, адашмабман. Сиз, ҳақиқатан ҳам, синчковсиз ва менга мутлақо ишонмаяпсиз. Тўғри қиласиз... Ҳар қандай гипнознинг умри қисқа. Маълум муддатдан кейин одам, барибир, ўзига келади. Шундай экан, ҳозир ўрнимдан туриб кетаман. Луиза сиз билан қолади. Мен эса роппа-роса уч соатдан сўнг қайтиб келаман. Шу вақт мобайнида атрофни ўз қўлингиз билан кўрасиз. Баҳо берасиз. Эҳтимол, менинг кулбамдан чиқишни истаб қоларсиз. Ҳартугул, ўзига ишонмай турган одам бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлади.

— Ҳовлингизга кирганимда қай даражада енгил тортган бўлсам, жумбоқли гапларингиздан кейин шу даражада хаёлларим чалкашиб кетди.

— Мана энди сиз билан гаплашсак бўлади. Наташахоним, сиз немис тилини яхши биласиз. Луиза сизга бемалол суҳбатдош бўла олади. Унинг ўзига яраша ажойиб фикрлари бор. Ўйлайманки, зерикиб қолмайсиз.

Пётр Сафонович мен билан ёлғиз қолишни ва кўп нарсаларни Наташа билмаслигини истаётгани.

Наташа менга юзланди.

— Майли, боринглар, сен гўзалликни кўпроқ томоша қилишинг керак. Вақтимиз оз, — дедим унга жилмайиб.

— Ҳўп, — дея ўрнимдан турди у.

— Бошидан бошлайман, — деди Пётр Сафонович аёллар нарироққа кетгач.

Мен қадахдаги ароқни бир кутаришда сипқордим. Ортидан тузланган бодринг газак қилдим. Дарҳақиқат, бодринг жуда ажойиб тузланган ва у ароқдан кейин бошқача бўларкан.

— Қалай? — деди Пётр Сафонович менга ҳавас билан термилиб.

— Зўр!

— Александр Абрамович, — дея у лабини ялаб қўйди, — ҳақиқатан ҳам, барча мол-мулкни сизга мерос қилиб

қолдирмоқчи. У ҳатто васиятнома ёзиб, бир нусхасини пулининг энг кўп қисми сақланадиган Кипр банкига топширган. Албатта, унинг бу қилиғи атрофдагиларни жиғибийрон қилган. Шу боис улар сизни йўқ қилиш пайига тушиб қолган. Сизни ўлдиришса, ўз-ўзидан васиятнома яна бошқа бировнинг номига ёзилади. Мабодо ёзилмаган тақдирда ҳам, Александр Абрамовичнинг қариндош-уруғларига автоматик тарзда ўтиб кетаверади. Мана, нима учун тинимсиз таъқиб остига олиндингиз? Аслида, Александр Абрамович жуда ақлли иш қилган. У ҳеч кимга ишонмаган. Ҳатто сизга ҳам. Ўзини муҳофаза қилишнинг эса энг тўғри йўлини топган. Биринчидан, сиз осонликча ўлим топадиганлардан эмассиз. Сизни бир ёқли қилишмагунча унинг жонига қасд қилишолмайди.

— Александр Абрамович бирдан хасталанган бўлса, қандай қилиб васиятнома ёзди-ю, Кипр банкига бир нусхасини беришга улгурди? Қолаверса, у жароҳатланган маҳали, ҳали у билан ёнма-ён юрганимда, менга хужум қилишни бошлашди.

— Демак, у олдиндан васиятнома ёзиб қўйган. Ахир фавқулодда ҳодисалар бўлиб туради. Александр Абрамовичдай одамлар узоқни кўра олишади. Ресторандаги портлашдан кейин унга ҳукм ўқилган. Ижродан аввал эса ҳаммаёқ текширилган. Кутилмаганда васиятнома чиққан... Бу иккаламизнинг тахминимиз. Яъни ўрин талашиш бўлмаган.

Қоним қайнади. Қўлларим ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди. Мендаги ўзгаришни кўрган Пётр Сафонович дарров қадаҳларни шайтон сувига тўлдирди. Айни дақиқада шундан ўзга нарса билан ўзимни босолмасдим. Албатта, кучли ҳаяжон ёки жаҳлдан қутулишнинг ўзга чораси ҳам бор. Бироқ бунга ҳали мен тайёр эмасдим.

— Шундай қилиб, — дея яна гапини давом эттирди Пётр Сафонович суюқликни ютгач, чуқур нафас олиб чиқарганимдан сўнг, — дастлабки гапимга ойдинлик киритдим. Жисмоний имкониятингиздан ақл-идрок ва билимнинг устунлигини эса теварак-атрофингизга қараб билиб олаверасиз. Луизанинг менинг гапларимга тушуниши масаласига келсак, баъзида тил ўрнини кўз ҳам бажаради. Мен Луиза билан икки йил мутгасил шуғулланганман.

— Касалхонадаёқ унинг кимлигини айтиб қўйишнинг наҳотки иложи бўлмаган?

— Биринчидан, сиз менинг синовимдан ўтмагандингиз.

— Сизга мени синаш иш бўптими? Ухлатиб, ҳамма нарсани сўраб билишингиз мумкин эди.

— Жисмингизнинг бақувватлиги қийинчилик туғдирди. Сизнинг аъзоларингиз ҳар доим ҳам гипнозга бўйсунармайдими. Шу боис сизга душман бўлиб қолишдан чўчидим.

— Мени ўлимдан олиб қолдингиз. Соғайиб чиққунимча касалхонага соқчи қўйдингиз. Ниҳоят, шоҳона дастурхон, жаннатий маскан... Мақсадингизни айтмайсизми? Ахир бекордан-бекорга мурувват кўрсатмаётгандирсиз?

— Албатта. Сиздан фойдаланмоқчиман. Фақат эзгулик йўлида. Бу ҳақда кейинроқ. Ҳозир эса миянгиздаги ташвишлардан қутулишингиз зарур. Битта-битта олайлик. Кейин биз ҳам айланамиз.

Шунчалик сиқилган эдимки, бир қадаҳ ароқ билан қаноатланмадим. Шу боис биринчисининг ортидан иккинчисини кўтардим. Ширакайф эдим. Пётр Сафонович айтганидай, муаммолар гирдобиди эсам-да, кайфиятим кўтаринки эди.

— Агар рухсат берсангиз, мен ёлғиз айлансам, — дедим.

— Ҳақ гап. Ўзи сизни ёлғиз қолдирмоқчи эдим, — дея жилмайди Пётр Сафонович.

Чаманзорга ораладим. Ҳар битта гул ёнида тўхтаб, энгашиб, ҳидлаб кўрдим.

Бизнинг уйимизда, қишлоқда, атиргул, райхон ва яна мен номини билмайдиган беш-олти хил гул экиларди. Ҳаммасининг ҳидини билардим. Атиргулнинг ўзгача ҳиди бор эди... Райхоннинг исми эса яна бошқача. Аммо битта, яъни бир шохдаги икки гул икки хил ифор берганини билмайман. Бу ердагилар эса турли-туман экан. Шунақанги антиқа ҳид таратадики, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Пётр Сафонович: «Кўрганларингнинг ҳаммаси ҳақиқий, ҳақиқатан ҳам, улар бор», дея бир неча марта айтганига қарамай, мен яна кўзларимга, идрок этаётганларимга ишонмаётгандим. «Бу шунчаки ширин туш. Ҳализамон уйғонаман-у, ҳаммаси тумандай тарқаб кетади», дея ҳаёлимдан ўтказдим.

— Амир! Амир! — деган овоз ҳушимни ўзимга келтирди.

Ортимга ўгирилсам, ўн-ўн беш қадам нарида Наташа келаяпти.

— Тинчликми? — сўрадим ундан.

— Қара, менга нима совға қилишди? Жудаям антиқа, — дея у илдам юриб ёнимга келди.

Кафтлари орасида авайлабгина тутиб тургани қушча экан. Қўлимга олдим. Патлари майин. Секин қанотини ёзсангиз, товланади. Кўзи зангори.

— Чиройли. Лекин антиқалигини кўрмайпман. Шунга ўхшаш қушлар Александр Абрамовичнинг боғида ҳам куп бўларди, — дедим нигоҳимни Наташага қадаб.

— Ўша қушлар қанақа сайрашарди?

— Ёқимсиз.

— Бу эса булбулнинг ўзгинаси.

— Эшитдингми сайрашини?

— Албатта. Қани, қушча, яна битта сайраб бер-чи.

Қуш сайрамади. Наташа унга бир неча марталаб ялинди. Бўлмади.

— Сендан кўрқди, — деди у охири вазиятдан чиқиш учун.

— Майли, сен айтгандай бўла қолсин.

— Олиб кетамиз-а?

— Албатта.

— Амир, сенга битта гапни айтмоқчиман, — дея Наташа бирдан кўзини олиб қочди.

— Биламан нима демоқчилигингни.

— Қаердан биласан?

— Кўзларинг айтиб турибди.

— Хўп, айт-чи?

— Шу ерда қолмоқчисан.

— Ҳеч қачон. Саҳройи Кабирга бориб яшасанг ҳам, ёнингда бўламан. Мен бошқа нарса демоқчийдим.

— Қулоғим сенда.

— Биласанми? Ҳалиги... Мен Луиза билан роса айландим. Сухбатлашдим. Кейин уни бир нарсага кўндирдим.

— Нима экан ўша бир нарса?

— Бола.

— Бола?

— Ҳа.

— Тушунмадим.

— У сенинг болангни дунёга келтириб, менга беради. Мен уни парваришлаб катта қиламан.

— Эсинг жойидами? Нималар деб валдираяпсан? Ким айтди менинг бошқа бировдан бўлсаям, бола кўришни хоҳлашимни?

— Ҳеч ким. Лекин зурриётсиз ўтиб кетишингни истамайман!

— Томинг кетиб қолибди сенинг!

— Балки, — деди Наташа.

Унинг кўзидан ёш томчилай бошлади. Мен нима деяримни билмай, қотиб қолдим.

Очигини яширмасдан айтишим керак. Бу гарчи такрор бўлса-да, тўғри қабул қиласиз, деган умиддаман. Луиза,

ҳақиқатан ҳам, латофатли, хушбичим, истарали, гўзал қиз. Онт ичиб айтаманки, уни курган эркак зоти борки, кўнгли сушт кетади. Менинг ҳам, эҳтимолки, Пётр Сафоновичнинг ҳам илк бора бу малоҳат эгасига кўзи тушганида, ичидан бир нима чирт этиб узилган. Аммо... Аммо бир дақиқалик ёки бир кунлик юракнинг ҳаприқиши бошқа барча нарсаларни четга суриб ташлайди, дегани эмас.

Пётр Сафонович ҳар қанча табиб, ҳар қанча уddaбурон, ҳар қанча билим эгаси бўлгани билан аллақачон пенсия ёшига етиб қўйган. Энди минг уринмасин, ўн саккиз ёшли йигитнинг ишини қилолмайди. Менинг эса хотиним бор. Унинг дилини огритолмайман. Айниқса, ҳозирги аҳволида.

— Амир, — деди Наташа бир муддатли жимликдан сўнг, — менинг ўзим шу нарсани истаяпман... Синаяпти, деб ўйлама. Чин юракдан хоҳладим. Жоним, илтимос, йўқ дема.

«Пётр Сафоновичнинг иши. У Наташанинг ҳушини ўғирлаган. Ахир бир марта мени ҳам Луиза ҳақида хаёл суришга мажбур этди-ку... Лекин у нега бундай қилаяпти? Нега?! Муддаоси нима ўзи?! Уйини жаннатга айлантириб қўйибди. Наҳотки менсиз қолган муаммоларини ҳам осонлик билан ечолмаса?» дея кўнглимдан ўтказиб, Наташани қучдим.

— Шошилма. Вақт ўтсин. Обдан ўйлаб кўрайлик. Ҳали иккимиз ҳам тўла соғайиб кетганимиз йўқ. Балки мен сендан бошқадан бола кўришни истамаётгандирман. — дедим.

— Мен сенга туғиб беролмайман. Луиза дарров рози бўлмади. Тиз чўкиб ёлвордим. Йиғлаб-сиқтадим. Агар яна озгина кўнмаганида, оёғини ўпишгаям тайёр эдим.

— Нега аввал мендан сўрамадинг? Олдин мени кўндириш керакмасмиди?

— Биладан, сен менинг фикрларимга қарши чиқмайсан.

— Наташа, биз бугуннинг ўзидаёқ бу ердан кетишимиз зарур. Шарт!

— Амир, илтимос, йўқ дема. Луизани ўзимиз билан бирга олиб кетайлик. Биттагина бола туғиб берсин. Майли, кейин у билан яша, мени ҳайдаб юбор. Мен ўша болани кўрай, бағримга босай, эркалай. Бола меники бўлиб қолсин. Бор-йўқ истагим шу...

Ичишимга сабаб топилди. Лекин бугун негадир сира маст бўлмаяпман. Олтмиш йиллик вино ҳам, энг тоза ароқ ҳам менга умуман таъсир қилмаяпти. Сен атрофингга боқ, гўзалликдан баҳра ол. Мени эса бундай зўр жой зериктирди.

Наташа бақрайган, қошларини чимириб, лабини тишлаган кўйи тахтадек қотди. Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса билан тўлдирилган тўкин стол ёнига бордим. Қадаҳга ароқ қуйишга сабрим етмади. Шишанинг оғзидан қулқуллашиб шайтон сувини ичдим. Қарсиллатиб шўр бодрини тишладим-да, иштаҳа билан чайнадим. Кейин яна ичдим, яна газак қилдим. Шу тариқа орадан ўн беш дақиқача вақт ўтди. Бир шиша ароқ тугади. Аммо мен маст бўлмадим. “Савил қолтур Пётр Сафонович ароққа нима балоларни аралаштириб ташлаганки, одамга сира таъсир қилмайди” дея кўнглимдан ўтказдим. Еб-ичиш асносида дилимни оғритадиган ортиқча нарсаларни ҳаёлимга келтирмасликка уринардим. Аммо аксига олгандай, айнан шундай ўйлар миямга бостириб келаверарди. Навбат шишада қолган олтмиш йиллик винога етди. Уни бокалга қуйдим. Ранги бошқача товланади. Ичишдан кўра томоша қилиш завқлироқ. Қайсидир кинода қаҳрамон худди шундай вино ичгани ёдимга тушди. Ўшанда у винодан заҳарланиб ўлган эди. Мен ҳам ўлиб қолсам-а?.. Боя ичганимизда, таъсир қилмаганди. Менинг яна ичишимни олдиндан сезган Сафонович заҳри қотишдан бир томчи солиб қўйган бўлса-чи?.. Эй, нима бўлса бўлар. Суюқлик ўлдирмайди. Лекин ароқдан қолган озгина кайфниям кесиб ташлади. Шуниси менга бироз алам қилди. “Ҳамма нарсани эсдан чиқаришим учун онгсиз мавжудотга айланишим лозим. Демак, қанча зарур бўлса, шунча ичишим керак” дея ўйлаб, навбатдаги шишани қўлимга олганимда, Луиза келиб қолди.

— Сен мендан бола кўришга, кейин болангни Наташага беришга кўнибсанми? — дедим унга.

Киприкларини пирпиратганча менга қараб турган қиз ҳеч нарсани тушунмади. Жаҳлим чиқди.

— Қонимга ташна қилманглар. Боягина Сафонович нима деса, ҳаммасини илғаб олаётгандинг. Энди мен гапирсам, ўзингни гўлликка солаяпсан.

— Амирбек, қўйсангиз-чи. Мен сизга ҳаммасини айтгандим-ку. Наҳотки ҳалигача ишонмаётган бўлсангиз? — деди Луизанинг ўрнига Пётр Сафонович.

У уй тарафдан яқинлашиб келаётганди.

— Яхши. Бундан чиқди, мен ғирт аҳмоқ эканман-да. Шишалаб ароқ ичаман, маст бўлмайман. Атрофимдаги манави манзара — одам зотининг ҳеч қачон қўлидан келмайдиган, имкони йўқ нарсаларни кўраман. Лекин булар, аслида, йўқ бўлсаям, бор деб тасаввур қиламан. Кутилмаганда ёнимга

Наташа келиб, Луиза менга фарзанд ато этишини ва бундан у жудаям хурсандлигини айтади. Мен уни онгли равишда шу қарорга келган, деб қабул қиламан. Александр Абрамович чек-чегарасиз бойлигини менга шунчаки... Нима кераги бор буларнинг бари?! — дея бирдан бақриб юбордим.

Шу заҳоти Пётр Сафоновичнинг кўзи ёнди. Ҳа, худди шундай бўлди. Мен илгари ҳеч қачон одамнинг кўзи бу тахлит ёнишини, чарақлашини кўрмаган эдим.

— Шундайми?! Унда манавиларни ушла! — деди Сафонович стол устидаги нарсаларни бирма-бир улоқтирганча.

Мен гоҳ олма, гоҳ ликопча, гоҳида қошиқларни тутиб қолар ва оёғим остига ташлардим. Пётр Сафонович борган сари жаҳл отига минар, ғазаби жўшиб, ҳеч нарсани ўйламасдан жон-жаҳди билан шишаларни отарди. Охири отгулик нарсанинг ўзи қолмади. Шунда у ранги докадек оқарганча хўжайинининг қилиқларини кузатиб турган Луизага қандайдир топшириқ берди. Қиз буйруқни адо этиш учун чопқиллаб кетгач, менга юзланиб:

— Қараб тур, сенга қандай томошэ кўрсатаман, — деди.

Унинг юз-кўзидаги қаҳр-ғазаб сўнмаган, аламидан қўлини мушт қилиб олганди.

Луиза патнисда бир неча ханжар кутариб келди. Пётр Сафонович улардан бирини қўлига олди.

— Мен пичоқ отиш санъатини мукаммал эгаллаганман. Шу пайтгача бирон марта ҳам хатога йўл қўймаганман. Жонинг омон қолишини истасанг, ҳимоялан! — деди ва ханжарни менинг кўксимга тўғрилаб отди.

Жойимдан қимирламадим ва чапдастлик билан пичоқни ушлаб қолдим. Кейин навбатдаги тиглар мен томонга уча бошлади. Бироқ ҳар сафар уларни тутиб қолардим. Иккита ханжар Пётр Сафоновичнинг хатоси туфайли ёнимдан ўтиб кетди.

Энди бўлар, Пётр Сафонович жаҳлдан тушар, дегандим. Адашибман. Олти нафар барзанги келиб, бараварига менга ташланди. Тўғриси, Пётр Сафонович улоқтирган нарсаларни ушлаш асносида қўлимнинг синган жойида оғриқ бошланганди. Энди манавиларни бир ёқли қилишим учун оёқларимни ҳам ишга солишим керак.

— Аяб утиришмайди. Жонинг борича ҳимоялан. Йўқса, ўлдиришади. Бунинг учун мен ўзимни айбдор ҳисобламайман! — дея ўшқирди Пётр Сафонович.

Мен шу заҳоти ерга ўтирдим ва боягина Пётр Сафонович улоқтирган нарсалардан фойдалана бошладим. Барзангиларнинг

кучи кўп, қўлига тушиб қолсам, эзгилаб ташлашади. Шу билан бирга, улар жуда оғир қимирлашади. Биттасининг бошига ароқ шишаси тегди. Иккинчиси учиб бораётган биринчи ликопчани қайтарди-ю, аммо унинг ортидан келаётганига чап беролмай қолди. Пешонаси ёрилди шўрликнинг. Қўлимга ханжарни олганимдан кейин барзангилар тўхташди ва бараварига Пётр Сафоновичга қарашди.

— Тўппончаларинг бор-ку! — дея ўқирди хўжайин.

Оғир бир қадам босгунча чаққон икки одимни ортда қолдиради. Пётр Сафонович гапини тутатиши билан тўрттала барзанги ҳам қўлидан жароҳатланди.

— Етар! — бақирди хўжайин ғазаб билан шотирларига қараб. — Қораларингни ўчирларинг!

Барзангилар афтларини буриштирганча жуфтакни ростлашди. Пётр Сафоновичнинг юзидан эса кутилмаганда табассум пайдо бўлди.

— Хўш, йигитча, сизнинг ҳозирги хатти-ҳаракатингизни одам боласи бажариши мумкинми? — сўради у.

— Кўрдингиз-ку, — дедим оғриётган билагимни силаб.

— Тўғри. Лекин, барибир, шубҳаланаяпман.

— Нега?

— Қайдам. Эҳтимол, сизнинг доимий шубҳаларингиз, менга ҳам юққандир.

— Бўлди, ҳаммасига ишондим. Лекин нега маст бўлмаяпман?

— Шошилманг. Бу ердаги микроиклим қарийб икки минг метрли тоғ ҳавосига мослаштирилган. Дарвозадан ташқарига чиқишингиз билан ичингиздаги спирт ўз таъсирини кўрсатади. Ана шунда кўрамыз аҳволингизни... Лекин ҳозир мени бошқа нарсга ўйлантиряпти.

— Нима экан у?

— Гап шундаки, душманларингиз билан келиша олмадим. Улар қатъий туриб, сизни топширишимни сўрашяпти.

— Наташанинг омон қолиш имкони борми?

— У билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Яхши. Унда, ҳурматли Пётр Сафонович, бир мурувват кўрсатинг. Наташа даргоҳингизда бўлсин. Сизнинг ёнингизда унга хавф йўламайди... Мен... Мен тақдиримдан кўрдим. Балки бориб, бошимга бало-қазолар ёғдирган одамни нариги дунёга кузатиб, ҳаммасидан қутулиб қўя қоларман.

— Бу аҳволингизда узоққа боролмайсан. Жароҳатлар ҳали анчагача безовта қилиши мумкин. Шунчаки ўлиб кетишингни истамайман. Бельгияга жўнашинг зарур.

Мен ҳамон унинг нега бунчалик меҳрибонлик қилаётганини тушунмаётгандим. Шу боис кўзларига тикилдим. У чуқур хўрсинди. Шундан билдимки, қандайдир дард уни илгаридан муттасил қийнаб келган ва у менинг кўмагимда ўша дарддан халос бўлмоқчи.

— Улар билан телефон орқали гаплашдим. Энди учрашиб, юзма-юз бўламан. Балки шунда ниятларидан қайтарарман, — деди Пётр Сафонович.

— Балки ўша падари лаънатининг бойликларидан воз кечсам, мени тинч қўйишар.

— Балки. Бўпти, мен кетдим. Сен хонимларни зериктириб қўймай, ёнларига бор. Дарвоқе, Наташа нима деса, рози бўлавер. Барибир, истамасанг, унинг хоҳиши ҳеч қандай роль ўйнамайди, — деди Пётр Сафонович елкамга қоқиб қўйиб.

Унинг нима истаётгани менга қоронғилигича қолаверди. Оёғимни судраб Наташанинг ёнига кетдим.

У ўта оғир меҳнат қилиб, ҳолсизланиб қолган одамдай шалпайиб ўтирарди. Қуш йўқ. Ҳойнаҳой, қўйиб юборган бўлса керак. Ҳолатига ачиндим. Одатда, инсон зоти чорасиз, умидсиз қолгандагина шундай қўйга тушар, агар шундай пайти ёрдам берувчи бўлмаса, камида оғирроқ дард орттириб олиши мумкин.

— Сиқилма, — дедим унинг ёнига ўтириб.

— Амир, ажрашайлик, — деди Наташа бошини кутариб.

Кўп йиғлаганидан унинг кўзлари қизариб кетганди.

— Нера?

— Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Ҳар қанақасига тўғри келмаскан. Энг яхши вариант — ажрашиш.

— Энг аҳмоқонаси ҳам шу. “Боя менга Луиза бола туғиб беради”, дедингми? Агар шуни астойдил истасанг, сен айтгандай бўлади.

Наташанинг кўзидан ёш оқа бошлади. Лаблари титради.

— Энди рашк қиялман, — деди.

— Унда керакмас.

— Йўқ, йўқ, жудаям ажойиб бўлади. Мен... биласанми, биласанми, сенимас, у туғадиган болани рашк қиялман. Луиза кейин менга бермай қўйса-чи... Чидолмайман, Амир...

— Беради. Биз тилхат ёздириб оламиз. Қолаверса, Пётр Сафонович ҳам шундай бўлишини истаяпти. Унинг ёрдами билан, албатта, мақсадимизга эришамиз.

— Хаёлимга зўр фикр келди, — деди Наташа кутилмаганда юзига табассум ёйилиб. — Ҳозир ювамиз. Байрам қиламиз. Кейин яна бундай имконият бўладими, йўқми? Хўпми?

У менинг юзимдан чўлпиллатиб ўпди-да, Луизанинг ёнига югуриб кетди.

Мен ерга чўзилганча ётиб олдим. Кўм-кўк осмонга тикилдим. Хаёлларим узоқ-узоқларга кетди. “Балки, Рабаб ҳам фарзанд ато этмагандир менга... Наҳотки у ҳам бошқа бир аёл туққан болани катта қилган бўлса?... Тақдирим ҳамма вақт аянчли бўлган экан-да... Осмон қоронғилашяптими? Ҳали қуёш ботишига бор эди, шекилли. Шошма, ухлаётганга ўхшайман... Тоза ҳаво таннинг роҳати” дея хаёлимдан ўтказдим-да, бирдан ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Нимадир чўчитиб юборди. Биринчи калламга келгани “Пётр Сафоновичга шикаст етказишган” деган фикр бўлди.

Шитоб билан юриб, бир-бири билан хушчақчақ гаплашаётган қизларнинг ёнига бордим.

— Нима бўлди? Рангинг нега оқариб кетди? — сўради Наташа.

— Ўзим шундай. Сизлар гаплашиб тураверинглар. Мен бир жойга бориб келмасам бўлмайди, — дедим.

— Қаёққа? — савол беришда давом этди Наташа.

— Ўзим шундай. Бир нарсани синаб кўрмоқчиман. Яъни дарвозанинг нариги томонига ўтиб, маст бўлиш-бўлмаслигимни билмоқчиман.

— Тушунмадим, — дея киприкларини пирпиратди Наташа.

— Пётр Сафонович “Бу ерда микроклим бор. Қанча кўп ичсанг ҳам, таъсир қилмайди”, деганди. Қани, кўрай-чи, гапиростми-ёлғонми...

— Шартмикан?

— Энди бу ҳам бир қизиқиш-да.

Наташанинг юзида табассум пайдо бўлди. “Содда, дарров ишондинг-а?” дея хаёлимдан ўтказиб, мен ҳам илжайдим.

Дарвоза ёнида кўриқчи йигитлар тўхтатишди. “Рухсат йўқ. Чиқиш мумкинмас”, дейишди.

— Болалар, ростини айтсам, мен Пётр Сафоновичдан хавотирдаман, — дедим асабийлашиб.

Йигитлар бир-бирларига қараб олишди. Сўнг бири чўнтагидан қўл телефон чиқариб, рақам терди-да, қулоғига тутди. Иккинчи кўриқчи билан бирга унга тикилдик.

— Кўтармади, — деди у бир муддатдан сўнг.

— Қайтариб қил! — дедим.

Яна жавоб бўлмади. Учинчи марта қўнғироқ қилингандан кейингина жавоб бўлди.

— Ким бу? — деди кўриқчи кўзлари каттариб.

Шундан билдимки, Пётр Сафоновичнинг телефонини бошқа одам кўтарди.

— Ким галварслигини кўрсатиб қуяман! Пётр Сафонович қани?!

Кўриқчининг қошлари чимирилди. Бир лаҳза жим тургач:

— Пётр Сафонович сизга ким бўлади? — деди ҳаяжон билан.

Шу заҳоти мен кўриқчининг қўлидаги телефонни тортиб олиб, қулоғимга тутдим-да:

— Пётр Сафонович... — дедим шошиб.

— Хотиржам бўлинг, менга ҳеч нарса қилишолмайди... — деган овоз келди телефондан.

Шу пайт алоқа узилди. Бундан чиқди, кимлардир унга зўравонлик қилишаяпти. Наҳотки? Ишонгинг келмайди.

— Қаердалигини биласизларми? — сўрадим йигитлардан.

Улар бош қимирлатиб, “йўқ” ишорасини қилишди.

— Ким билади?! — бақириб юбордим ўзимни тутолмай.

— Бир дақиқа, — деди кўрқиб кетган йигитлардан бири ва чопқиллаганча дарвоза ёнидаги кичкина уйчага кириб кетди.

Уй тошлардан эртакнамо қилиб қурилганди. Бир қарашда шунчаки тошлар уюмига ўхшаб кўринади. Томи ҳам тўлиқ тошдан. Тошлар оралиғидан сув оқиб туради. Сабрим чидамади. Югуриб кўриқчининг ортидан уйчага кирдим. Йигит компьютерга тикилиб турган экан. Оёқ товушимни эшитиб, менга қараб қўйди.

— Ҳозир аниқлаштираман, — деди у худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай.

Ёнига бориб, мониторга тикилдим. Унда харита бўлиб, жойлар, асосий бинолар ва шаҳарни ўртасидан кесиб ўтувчи дарё, стадион аниқ-тиниқ кўрсатилганди.

— Кўтармаяпти. Бир мартагина “Алло!” десайди, топиб олардим. — деди кўриқчи йигит ва қайта-қайта Пётр Сафоновичнинг қўл телефонига кўнғироқ қилаверди.

Ниҳоят, алоқа боғланди. Шу заҳоти хаританинг шимоли-шарқдаги кичик бир жойнинг чироғи ёниб ўча бошлади. Шу заҳоти кўриқчининг юзи ёришди.

— Топилди. Ҳозир бошқа харитадан янаям аниқроқ маълумот оламиз, — дея менга қараб қўйди.

Дарҳақиқат, кейинги хаританинг ёнган жойи манзили экранга аниқ-тиниқ ёзилиб чиқди. Уни кўриқчи кичкина қоғозчага шоша-пиша кўчириб олди.

— Биласанми? — сўрадим ундан.

— Ҳа.
 — Кетдик.
 — Сизга уйдан чиқиш мумкин эмас.
 — Мумкин.
 — Лекин...
 — Лекин-пекинингни йиғишгир. Машина борми?
 — Топилади.
 — Яхши. Шаҳарда яна бирорта машина борми?
 — Бирортамас, ўндан зиёди топилади.
 — Буниси ҳаммасидан ҳам зўр. Машинага ўтирамиз-да, бирорта супермаркет ёнида тўхтаймиз. Шаҳардаги машиналардан бирини худди шу жойга чақир. Дўконга кириб чиқамиз-у, ўша машинага ўтирамиз. Йўл-йўлакай уни ҳам алмаштирамиз. Қўриқчилар бошлиғи ким?

— Кеша.
 — Қаерда у?
 — Шаҳарда ҳозир.
 — Бу ерда нечта қўриқчи бор?
 — Йигирмата.
 — Яхши. Фақат сен мен билан кетасан.
 — Рухсат...
 — Мен сенга рухсат бердим, тамом-вассалом. Кўп эзмаланма, Пётр Сафоновичнинг ҳаёти хавф остида. Югур машинага! Йигит чопқиллаганча уйчадан чиқиб кетди.

Пётр Сафоновичнинг уйи ортда қолиб, марказий кўчага бурилишимиз билан рўпарамиздан юк машинаси чиқиб қолди. У йўлга қўндаланг тўхтаган, ҳайдовчи капотни очганча алланималар билан овора эди.

— Шу етмай турувди! — дедим жаҳлим чиқиб.

Қўриқчи сигнал босди.

Юк машина ҳайдовчиси капотнинг тагидан бошини чиқариб, нимадир деди. Аммо унинг овозини биз эшитмадик. Жаҳли чиққан қўриқчи машинадан сакраб тушди-да, машинаси ёнига югуриб кетди. Иккиси қўлларини ҳавода силкиб, алланималарни бир-бирига тушунтира бошлашди. Охири қўриқчи йигит у турган жойга чиқди, капотнинг тагига бошини суқиб, нимадир қилди. Афтидан, машина касалини тузатолмади, шекилли, пастга тушди-да, рус тилида сўкинганча изига қайтиб кела бошлади.

— Падарингга лаънат, эриб кетибди! — деди менинг ёнимга келгач. — Жони чиқиб, уч-тўртта симни узиб ташлабди. Энди айланма йўл билан боришимизга тўғри келади.

“Машинага жин ҳам урмаган, атайлабдан қилинган. Эриган бўлса, кавлаштириб нима қилади? Ундан кейин кўринишидан янги машинага ўхшайди” дея хаёлимдан ўтказдим. Бироқ кўриқчига лом-мим демадим.

Йўлда бизни иккита “Жип” қувиб ўтди. Агар салондагилар кўзлари чиққудек бўлиб бизга қарашганда эди, мен улардан шубҳаланган бўлардим.

— Шаҳарни яхши биласанми? — сўрадим олдинда кетиб бораётган “Жип”лардан кўзимни ўзмай.

— Биламан. Фақат кичик кўчаларга кирмаганман, — жавоб берди кўриқчи.

— Унда ҳозир дуч келган бурумга қайриласан. Назаримда, кетиб бораётган йўлимизнинг ҳам охири берк бўлади.

— Мумкин эмас. Бу ер...

— Ҳамма жойда битта қўшиқ.

— Лекин кеч қоламиз.

— Хавотир олма, боргунимизча Пётр Сафоновичга жин ҳам урмайди.

Бирор беш дақиқадан сўнг сўлга бурилдик. Кўриқчи газни қаттиқроқ босди. Тезлик ошиб, йўл ёқасидаги қарағай дарaxтлари лип-лип этганча ортда қолаверди.

— Бу ишинг яхшимас. Ҳозир бир гўрдан полиция машинаси чиқиб келади. Ундан кейин улар билан бирга қоласан, — дедим.

— Бу йўлдан биринчи марта юраётганим йўқ. Полициячиларга бирор марта дуч келмаганман.

У гапини тугатиши билан орқа томонимиздан “бип”иллаган товуш эшитилди.

— Юрмай, ҳар бало бўл! — дея бақирдим ҳайдовчига. — Энди газни янаям қаттиқроқ бос. Етволишса, фақат машинани эмас, ўзимизниям обориб тиқиб қўйишади.

Кўриқчи оптимиздан келаётганларни обдан сўқди-да, тезликни янада оширди. Мен секин ўтирилиб, орқага қарадим. Полиция машинаси дарров ортда қолди.

— Одам гавжумроқ жойда тўхта! — дедим ҳайдовчига.

— Қочиб кетамиз! — дея менга қараб илжайди кўриқчи.

— Тўхта, онангни эмгур!

Важоҳатимдан кўрқиб кетган кўриқчи одам гавжум жойни кутиб ўтирмасдан бирдан тормозни босиб қўя қолди.

Ўзиям шунақанги қаттиқ босдики, сал бўлмаса, пешонамни олд ойнага уриб олаёздим. Эвазига эса кўриқчини яхшигина сийлаб қўйдим-да, шундоққина йўл четидаги церковни

эслатадиган қорамтир гиштли бино томон югурдим. Ҳарна, ортига ўтиб олсак, у ёғига бирон йўл чиқишидан умид қилгандим.

Бинонинг ёнидан ўтиб кетаётганимда, оёғимда қаттиқ оғриқ сездим. Аммо югуришни тўхтатмадим. Сабаби, оқсоқланаётганимни кўрган полициячилар тутиб олишдан умид қилиб, қувишга тушиб кетишлари мумкин эди.

Бинонинг орқа томони боғ экан. Узоғи билан беш-олти сотих келадиган боғ. Паст бўйли олмалар экилган, ости майсазор.

Оёқ оғриғи янаям зўрайди. Югуришга қийналдим. Шундай эса-да, оқсоқланиб илдамлайвердим. Кичик боғ тугаб, қарағайзор бошланди. Улар орасига кирдим-у, ўзимни ерга ташладим. Қўриқчи мендан беш-олти қадам илгарилаб кетганди. Йиқилганимни кўриб, дарров ортига қайтиб келиб, қўлтиғимдан оларкан:

— Нима бўлди?! — деб сўради ҳансираганча.

— Оёқ... Оёғим тўла соғаймаган экан, бундан бу ёғига кетолмайман, шекилли, — дедим афғимни бужмайтириб.

— Кетмасликнинг иложи йўқ. Қўлга тушмаслигимиз керак.

— Машина орқали топишади.

— У ёғи бошқаларнинг муаммоси. Ҳозир кўтарволаман.

У амаллаб мени қопдай елкасига ташлаб олди. Илгари ҳеч бундай аҳволга тушмаганим боис бировга юк бўлаётганимдан аламим келди.

— Яхшиси, мени шу ерда қолдир. Амаллаб етволарман, — дедим.

— Оз қолди. Йўлга чиқволамиз. У ёғига таксида кетамиз.

У тўғри айтибди. Ўн дақиқа ичида дарахтзор тугаб, тош ётқизилган йўлга чиқдик. Машиналар серқатнов экан, таксини узоқ кутиб қолмадик. Немис тилида гаплашган қўриқчи мени орқа ўриндикқа ўтказиб, ўзи ҳайдовчининг ёнидан жой олди.

Хавотирланганимча бор экан. Такси бир метр ҳам юрмасидан, рўпарамиздан иккита полиция машинаси тепасида чироғини ёққанча сирена чалиб келди-да, ёнимиздан ўтиб кетди.

Қўриқчи хўрсинди.

— Қўрқдингми? — сўрадим ундан.

— Ўзимдан қўрқмайман. Лекин сени хўжайиннинг рухсатисиз уйдан олиб чиққаним учун ҳам яхшигина ҳақимни оламан. Энди эсон-омон қайтариб оборишим керак.

— Пётр Сафонович шунчалик қаттиққўлми?

— Қаттиққўллик нимаси? Бирорта айтгани вақтида бажарилмаса, ёмон жаҳли чиқади. У ёғи кейинги масала. Изимизга қайтамыз.

— Йўқ!

— Бу аҳволингда ҳаммани қийнаб қўясан.

— Сафоновични тузоққа илинтиришган. Ёрдамга бормасак, жавоб берадиган одаминг бўлмайди.

— Йигитларни ёрдамга чақираман. Тезда етиб келишади. Лекин сен қайтишинг керак.

— Менсиз ишларинг битмайди. Калламни қотирма.

Шу пайт оёғимдаги оғриқ кучайди. Беихтиёр афтимни бужмайтириб, синган жойимни силадим. Сўнг:

— Кўпчилик билан бориб бўлмайди. Кўрдинг, озгина тезликни оширишинг билан ортингда дум пайдо бўлди. Яхшиси, ўзимиз бориб ҳал қиламиз ҳаммасини, — дедим.

— Сен тўғрингда эшитганман. Аммо бу аҳволингда қўлингдан ҳеч нарса келмайди, — дея кўриқчи ортига ўтирилди ва афтимни бужмайтириб ўтирганимни кўриб, қўшиб қўйди: — Айтдим-ку!

Ана шу маҳал таксичи ўз лаҳжасида нимадир деди. Кўриқчи елкам оша машинанинг орқа томониغا қаради.

— Нима экан? — сўрадим ундан.

— “Жип” яқинлашиб келиб, ўтиб кетмасдан яна секинлашаяпти, — жавоб берди кўриқчи. — Таксичининг жаҳли чикаяпти.

— Боя кўргандим. Ҳойнаҳой, иккита бўлса керак.

Кўриқчи бўйнини чўзди.

— Ҳа, шундай экан, — дея гапимни тасдиқлади.

— Таниш эмасми?

— Биринчи кўришим. Шошма, боя кўргандим, бизни қувиб ўтишганди. Қизик, булар ким бўлишди?

Шу пайт таксичи телефонини қулогига тутиб, энди сўзлай бошлаган эди ҳамки, кўриқчи унинг матоҳини тортиб олдида, бақирди.

— Қовун! — дедим жаҳлим чиқиб. — Бу ёғи энди, ҳақиқатан ҳам, расво бўлди.

Аммо расво бўлган-бўлмаганини кўриш насиб этмади. Иккала оёғим бараварига чимиллаб оғрий бошлади. Аввал лўқиллаб турди. Сўнг бирдан кучайиб кетди. Аввалдан оғриққа бардошли эдим. Унча-мунчасига ҳатто афтимни ҳам буриш-тирмасдим. Бу сафаргиси жуда бошқача эди. Бармоғингиз учидан қон олдирган бўлсангиз керак. Олдиниға спирт ёки

йод сурилади. Бутун танангиз ёқимли яйрайди. Бироқ лаззатлана олмайсиз. Чунки ундан кейин қандай оғриқ келишини биласиз. Доктор игнасини санчмай туриб тишингизни тишингизга босасиз. Кейин бирдан чимиллаб кетади. Беихтиёр «им» деб юборасиз. Яхшиям, қон олувчи ишини тез битиради. Йўқса, кўрардингиз ҳақиқий азобни. Лекин буни ёғоч рандалаб, эҳтиётсизлик қилиб қўйган дурадгор яхши билади. Ёғочнинг зирапчаси устанинг нақ тирноғи остига кириб кетади. Кейин то ўша чўпни олиб ташламагунча... Бу ёғини айтишга тилим бормайди. Этим жимираб кетди...

Хуллас, бутун танамни ана шунга ўхшаш оғриқ эгаллаб олди. Пешонамдан реза-реза тер оқар, қовоғимни кўтаришганда мадорим етмасди. Охири ухлаб қолдим. Уйқуга кетишимдан олдин кўриқчи ортига ўгирилиб, нимадир деди. Аммо унинг бирорта сўзига ҳам тушунмадим. Ғудинг-ғудингдан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, тепамда Пётр Сафонович турибди.

— Сизни қўйиб юборишдими? — дея сўрадим шошиб.

— Қаёққаям боришарди? Ўзинг қалайсан? Ҳеч қаеринг оғримаяптими? — деди у жилмайиб.

— Ҳеч қаерим. Шошманг. Ёнингизга кетаётгандим. Очиғини айтай, қандай ухлаб қолганимни билмайман, — деб ўрнимдан турсам, икки оёғимни ҳам гипслаб ташлашибди.

«Ие, буниси қандоқ бўлди? Ким, нега менинг оёқларимни гипслади?» дея ҳаёлимдан ўтказдим ҳайрон бўлиб.

— Оёқни бутунлай ишдан чиқаришингизга оз қолибди. Ахир кийимни эҳтиёт қилиш зарур. У ҳали корингизга яраши керак, — деди Пётр Сафонович.

— Тушунмадим, қанақанги кийим? — дедим мен.

— Қанақа бўларди, танангизни айтаяпман. Ҳали суякларингиз тўла битмай туриб, югурибсиз. Сиздан хафа бўлдим. Шошма-шошарлик қилибсиз.

— Мен...

— Биладан, — дея бирдан оғзимга урди Пётр Сафонович. — Бироқ мен сизни ўта критик вазиятдагина ёрдамга чақираман.

— Телефонда овозингиз бошқача эди. Кейин кимдир телефонни тортиб олди. Мен сизни ҳийла тузоғига тушиб қолган деб ўйладим.

— Аслидаям, шундай эди. Улар кўзимни боғлаб қўйишди. Темир-терсаклар уюлиб ётган қандайдир зах, нимқоронғи хонага олиб киришди. Одатда, қуёш нури тушмайдиган жойлар

шунақа ёқимсиз бўлади. Зах ҳидини сезишим билан, “Ҳойнаҳой, қоронғи жой бўлса керак” деб ўйладим. Ахир кўзларим боғланган эди-да. Темир-терсакни эса кейин кўрдим. Хуллас, қўлларимни ҳам боғлашди. Ҳеч қанақанги сўроққа тутишмади. Талаб қилишди. Сени беришимни... Лекин, мана, кўриб турибсан, ўз уйимдаман.

Кўзимни Пётр Сафоновичдан олиб, бир зумгина атрофга назар солдим. Ташқарига қараганда, бу ер жуда оддий эди. Оч пушти ранг деворнинг ҳар-ҳар жойига картиналар илинган. Деразага парда тутилган. Пол устига деворга монанд гилам тўшалган. Хона анчагина катта ва уни тўлдириш учун иккита шкаф қўйилганди.

— Мен сизнинг уйингиздаманми? — дедим.

— Шундай. Ҳар қалай, доктор чақиришга йигитларнинг фаросати етибди. Дарвоқе, Наташага “Кўзини очиши билан сизни чақираман”, деб ваъда бергандим. Шунинг учун ҳозирча суҳбатимизни узиб тураман.

Пётр Сафонович тўқ малла рангли эшикдан чиқиб кетди. Шундагина унинг оёқяланг юрганини кўрдим. Уй ичкарасида туфлида юришларига кўникиб қолган эканман. Шу боис ялангоёқ юриши ғалати туюлди. Бирпасдан сўнг Наташа келди. Унинг ўпка-гинаси бир дунё экан. Ўзиям обдан дийдиё қилди. «Бахтимга, Пётр Сафонович бор экан. У жонингни сақлаб қолди. Сенинг қилаётган ишларингга ақл бовар қилмайди. Мақсадинг нима ўзи?» дея роса кўз ёш тўқди. Кейин ўзини босиб олиб, бўйнимдан кучди...

Бетоблигим боис Бельгия сафари номаълум муддатга қолдирилди. Пётр Сафоновичнинг уйида яшай бошладим. Зерикш... Мен деярли зерикмаётган эдим. Одам кўп. Кўриқчиларнинг ҳали униси, ҳали буниси билан нарда ўйнар, қолган пайтлари Наташа иккимиз ҳовлини кезардик. Пётр Сафонович мени йўқ қилиш умидида юрганлар тўғрисида лом-мим демади. Шунингдек, ўзи қандай қилиб тузоқдан чиқиб кетгани ҳақида ҳам гапирмади.

Бу сафарги гипс роппа-роса бир ой деганда олиб ташланди. Бироқ, барибир, қўлтиқтаёғимни ташламадим. Докторлар “Оёқни авайланг”, дейишди. Аста-секин таёқ оёққа ўрганиб қолмасайдим, дея ҳадиксирадим.

Адашмасам, яна йигирма кунча ўтиб, Наташа фарзанд ҳақида оғиз очди.

— Ҳозирдан ҳаракат қилмасак, бу ерда анча муддат қолиб кетамиз, — деди у.

— Индамай кўйганингга ниятингдан қайтдингми, деб ўйлагандим. Чин кўнгилдан тўғриси айтмай, хурсанд эдим.

— Амир, тушун, мен сенинг болангни эркататгим келади. Илтимос, яна айнама, — дея киприкларини пирпиратди у.

Кунишдан ўзга иложим йўқ эди. Луизани Наташанинг ўзи тайёрлади. Ҳатто никоҳ ўқитиш учун татар мулла ҳам топиб келди...

Луизада ҳомиладорликнинг иккинчи ойи бошланганида, мен спорт залига бордим. Аста-секин енгил машқлар қила бошладим. Олдинига “Оёғим яна оғриб қоладими?” деб кўрққандим. Ҳартугул, бир ҳафта шуғулландимки, оғриқ сезмадим.

— Ҳаракатчанлигинг яхши. Лекин руҳий машқни ҳам унутмаслик зарур. Шунча вақт мияси дам олсин, деган ҳаёлда индамадим. Энди бундан буён кунига ярим соатдан биргалашиб дарс қиламиз, — деди Пётр Сафонович.

— Олдинда қарийб етти-саккиз ой бор, менимча...

— Оз. Бутун бошли умр етмайдиган илмни “Етти-саккиз ой ичида ўрганиб оламан”, дейиш ақлга сиғмайдиган гап. Шунга қарамай, ҳаракат қилинса, ёмон бўлмайди. Айтишадик, “Тоғдай сўрасанг, қирдай беради”, деб. Пётр Сафонович одатдагидай паст овозда мулойимлик билан гапирарди. Шу билан бирга, у ҳаловатини йўқотиб кўйганга ўхшаб кўринаётганди кўзимга. Луиза енгиллашиб олгандан сўнг кетишим унга маъқул келмаганга ўхшайди. Ўхшайдигина эмас, аниқ. Ахир у бекордан-бекорга менга шунча ёрдам кўрсатдимми? Қуруққина раҳмат билан жуфтакни ростлаб қолсам, алам қилмайдими? Қилганда қандоқ. Кетишимни билса-да, чидаб юрганига қойил. Ёки бирон нимани мўлжаллаганмикин? Ҳойнаҳой, шундай бўлса керак.

— Унда қурбим етгунча ҳаракат қиламан. Сизнинг даражангизда бўлмаса-да, мундайроқ билим ҳам менга етиб ортади. Кейин Европада қошона қуриш ниятим йўқ, — дедим Пётр Сафоновичга.

— Эй, дўстгинам. Аслида, мен ҳам ҳашаматдан холи яшашни истайман. Аммо тақдир экан, нима қилай? Бундай бойлик эгаси бўлганингдан кейин, албатта, шунга яраша душманларинг ҳам пайдо бўлади. Ҳаттоки камбағалликда дўст, биродар бўлиб юрганлар ҳам сенга чоҳ қазишга тушиб қолади. Сабаби, уларга, биринчидан, бой бўлиб кетганинг ёқмайди. Қолаверса, сендан умидвор бўлишади. Яна унча-мунчамас, топганингга тенг шерик бўлишни ишташади. Табиийки, сен бунга кўнмайсан.

Натижада улар душманингга айланиб, ўзларига маътум бўлган камчиликларинг орқали сенга зарба беришга ўтиб кетишади.

Тўрт нафар дўстим бор эди. Шунақанги қадрдон эдикки, орамиздан қил ҳам ўтмасди. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлардим... Шошма, ажойиб воқеа эсимга тушиб қолди. Менимча, бу сен учун ҳам қизиқ.

Ажойиб кунларнинг бирида ўша дўстларимдан энг яқини мендан Питернинг шимолий туманига бирга бориб келишимни илтимос қилди. Сўққабошман. Яна ишим ўнгидан келмай, сиқилиб юрган кунларим эди. Рози бўлдим. “Шу баҳона шамоллаб келаман”, дедим.

Мен, дўстим ва унинг хотини йўлга тушдик. Машина меники эди, кета-кетгунча суҳбатимиз бир дақиқа бўлсин, узилмади. Тўрт соат қандай ўтиб кетганини сезмай қолибмиз. Ҳатто масофа қисқалигидан, тез юриб қўйганимиздан нолидик ҳам. Инженер мезбон бизни кучоқ очиб кутиб олди. Роса меҳмон қилди. Дастурхонга мен ўша пайт ҳали кўрмаганим — финларнинг икрасидан ҳам қўйди. Бирам мазали эканки, эсласам, ҳалигача оғзимнинг суви қочади.

Хуллас, бир кун меҳмон бўлиб, ортга қайтдик. Нега бордик, нега қайтдик, тўғриси, билолмай келаётганимда, ошнамнинг ўзи ёрилди.

— Илмий иш қияпти. Ёрдам бердим. Тўғрироғи, бутунлай ўзим ёздим. Эвазига меҳмон қилди. Ўн минг кўкидан берди. Қилган меҳнатимга яраша эмас. Лекин “Вақти келиб, яна шунча бераман”, деди. Яна битта чўчка сўйиб, машинангнинг юкхонасига ташлаганини ҳам ўзинг кўрдинг, — дея иржайди.

Уларнинг олди-бердиси мен учун қизиқ бўлмагани боис қўл силтаб қўйдим. У шаҳар четида яшарди. “Гўштини ортмоқлаб юрмасин”, деб уйигача элтиб қўйдим.

— Шошма, озгина кутиб тур. Мен ҳозир чиқаман. Зарур гап бор. Айтишим керак, — дея ошнам гўштни елкасига ташлади-да, уйига кириб кетди.

Мен аҳмоқ “Бунинг нима гапи бор экан?” деб оз эмас, кўп эмас, нақ бир ярим соат кутибман. Охири жаҳлим чиқиб, кетмоқчи бўлиб турганимда, иржайиб чиқиб келди. Қўлида целлофан идиш. Ичига оғирроқ нарса солинган, шекилли, оғайним бир томонга оғиброқ турибди.

Табиийки, мени шунча кутгиргани учун ошнамни хумордан чўққунча сийладим. Унинг бир туки ҳам ўзгармади.

— Шундай демаганимда, кетиб қолардинг. Манави сенинг улушинг. Уйингга боргач, бирон нима қилиб ерсан, — деб у

машинанинг орқа эшигини очди-да, целлофан идишни ўриндиқ устига қўйди.

Баттар жаҳлим чиқди. Машинани ўт олдирдим-у, у билан хайр-маъзур ҳам қилмай, жўнаб кетдим.

Уйга етиб, уловни гаражга қўйгач, ошнамнинг тортиғига кўзим тушиб, уни ўзим билан олдим. Аҳмоқман-да! Ўша пайтда идишнинг ичини очиб кўрмаган эканман (очганимда, ўша заҳоти отиб юборган бўлармидим?). Ҳадяни музлаткичга қўйиб, ўринга чўзилибман-у, тошдай қотиб қолибман. Қарийб уч-тўрт соат ўтгач, уйғондим. Ювинганимдан кейин билдимки, қорним оч. Дарров ҳадя ёдимга тушди. “Қўлбола димлама тайёрлайман-у, маза қилиб ейман” деган хаёлда музлаткичдан целлофанни олдим. Шошилмасдан ичини очдим-у, қотиб қолдим. Лабларим титради. Менга теккан улуш куп-қуруқ суякдан иборат эди. Гўштлари яхшилаб тозаланган куп-қуруқ суяк.... Аламимдан кўзим олайиб кетди. Кейин бор кучим билан ҳадяни ерга урдим.

Пётр Сафоновичнинг ранги докадек оқариб кетди. У икки-уч марта култ этказиб ютинди. Кейин ўтирилиб, кўзидаги ёшни яширинча артди.

— Ҳалигача эсласам, хўрлигим келади, — деди хирилдоқ овозда. — Мен унинг туҳфасига зормидим?.. Кейин падарингга лаънати ёрдам сўраб келди. У пайтда мен яхшигина сармояга эга бўлгандим. Бўлиб ўтган воқеани хотирамдан чиқаролмаган эсам-да, сўраганидан ортиқроқ пул бердим. Орадан уч ё тўрт ой ўтиб, яна сўради. Яна бердим. Бироқ учинчи марта илтимосини қондирмадим. Устимдан шикоят қилиб, прокурорга борибди. Эмишки, кўп йиллар бурун қарз олган эканман-у, бермай кетибман. Начора, азбаройи ўша фалокатни қайтиб кўрмаслик мақсадида арзномасидагидан ўн баробар кўп пул бериб юбордим.

Мана шунақа, баъзида бойлик дўстларни бир-биридан ажратиб қўяди. Шундай экан, бундан бу ёғига эҳтиёт бўласиз.

— Менинг ўзимдан бошқа бойлигим бўлмаса, атрофимдагилар мендан нима умид қилиши мумкин? — дея илжайдим.

— Нималар деяпсиз? Александр Абрамовичнинг ёнида юрганингиздаёқ анча-мунча маблағ йиғиб, банкка қўйгансиз. Албатта, бу васиятномадан ташқари.

— Сизни ҳазиллашди, деб қўя қоламан. Биринчидан, йиққанларимни ололмасам керак. Александр Абрамовичнинг эса сариқ чақаси ҳам менга керак эмас.

— Семён Эдуардовичдан ундирилганлари-чи, уларни Оксананинг номига қайтариб ўтказиб юборасизми?

— Қойил! Бошқа гап йўқ. Ҳаммасини биларкансиз.

— Узр. Маълумот йиғишганида, шу фактлар пайдо бўлганди.

— Хафа эмасман. Аммо мени бир нарса ўйлантиради. Майлими сўрасам?

— Албатта.

— Оғир ботмайдими?

— Асло.

— Нега ўйланмагансиз?

Пётр Сафонович мийиғида кулди. Сўнг ёнимга келиб, қўлимдан ушлади-да:

— Юринг, ҳовлига чиқайлик. Бу ернинг ҳавоси анча бузилиб кетди. Қолаверса, тушлик маҳали бўлди. Бугун кийик гўштидан таом еймиз, — дея ташқарига етаклади.

Бу сафарги тушлик ҳовлининг шимолий шарқидаги, Пётр Сафонович «Олхан» дея номлаган, уч-тўртта дарахтни пайвандлаш натижасида келиб чиққан, барглари қизғиштоб, баландлиги тўрт метрча келадиган, шохлари ҳар томонга эгилган дарахт остига тайёрланибди. Одатдагидай стол устида бўш жой қолмаган, турли-туман ноз-неъмат, егулик, ичимликлар билан тўлдирилган.

Пётр Сафонович томоғининг остига, қўлагининг устига оппоқ сочиқ қистириб қўйди-да, ҳил-ҳил пишган гўштан ликобчасига солди. Гўштни иштаҳа билан чайнарган:

— Энди саволингизга жавоб бераман, — деди.

— Агар сизга ножоиз гапириб қўйган бўлсам, шарт эмас, — дедим.

— Ҳаммаси жойида. Хў-ўш, менинг миллатимнинг тайини йўқ. Ота томоним ҳам, она томоним ҳам, чатишавериб-чатишавериб, аслини йўқотган. Шунинг учун “Мен фалон миллатга мансубман”, дея кўкрак керолмайман... Майли, кўп эзилмай. Хуллас, томиримда озми-кўпми яҳудий қони оқади.

— Тушунмадим. Сизнинг ўйланишингизга томирингизда қандай қон оқишининг нима дахли бор?

— Эй, бор-да. Чунки яҳудийларнинг никоҳини турмуш деб ҳисобламайман. Негалигини биласизми?

Мен «йўқ» дегандек бошимни қимирлатдим.

— Сабаби, уларнинг эри билан хотини бир хил мавқедаги иккита ишчига ўхшайди. Эрнинг ўз мол-давлати, хотиннинг ҳам ўз мол-мулки бўлади. Улар бир-бирига асло қўшилиб

кетмаслиги керак. Мабодо эрнинг ёки хотиннинг пули тугаб қолса, униси ёки буниси қарз олиши мумкин.

— Ажойиб-ку, — дея жилмайдим. — Унда уйда тайёрланидиган овқатга ким пул сарфлайди?

— Бараварига. Униси беш доллар чиқарса, бунисиям худди шунча чиқаради. Чунки шартномада шундай кўрсатилган.

— Тушундим. Иссиқлик пайдо қилувчи яқинлик ҳам ҳар икки томоннинг розилиги билан амалга оширилади. Мабодо бир томонда хоҳиш пайдо бўлиб, иккинчи томон истамаса, демак, ҳеч нарса содир бўлмайди. Сабаби эса суриштирилмайди. Ҳаттоки хотин ярим кечаси уйга келса ҳам, эрнинг “Қаерда эдинг? Нима қилиб юрувдинг?” дейишга ҳақи йўқ. Шундай деган тақдирда, хотиннинг ҳуқуқи камситилган ҳисобланиб, эркак судга берилади ва жаримага тортилади.

Мен ўзимни тутиб туролмай, хахолаб кулиб юбордим. Пётр Сафоновичнинг эса бир туки ўзгармади. У шошилмасдан идишига шарбат қуйиб ича бошлади.

— Наҳотки шундан кўрққан бўлсангиз? Сиздай одамнинг бундай дейиши жудаям ғалати, — дедим ўзимни кулгидан тийиб.

— Ғалати эмас. Бу жудаям жиддий масала. Айнан шунинг учун ҳам кўҳна қитъа ҳалокат ёқасига келиб қолган. Қани, озгина шароб ичайлик.

— “Сенга мумкин эмас. Аввалги сафар иродангни синаб кўриш учун ичиргандим. Ароқ ичганнинг суяги синса, битиши қийин бўлади”, дегандингиз-ку.

— Ҳа, шундай дегандим. Аммо икки қултум тоза шаробнинг зиёни йўқ.

Биз тамаддига берилган пайтимизда Наташа билан Луиза қўлтиқлашиб келиб қолишди. Улар охирги пайтда жуда иноқлашиб кетишган, биров уларни кундош деб ўйламасди.

— Сизларни кўрсам, кайфиятим кўтарилади, — дея хонимларнинг ҳурмати учун Пётр Сафонович ўрнидан турди.

— Халақит бермадикми? — деди Наташа ним табассум билан.

— Асло. Қайтанга, келганингиз яхши бўлди, — деб хушомад қилди Пётр Сафонович. — Марҳамат, ўтиринглар. Кўпчилик билан ейилган таом ҳамма вақт лаззатли бўлади.

Кундошлар ўтиришди. Луиза шўр бодрингга қўл узатди. Шу заҳоти унга нисбатан меҳрим жўшиб кетди. Аммо буни билдирмаслик мақсадида:

— Нафс ҳам ҳакалак отган экан-да, — дедим.

Луиза унча-мунча русча сўзларни ўрганган эди. Аммо ҳозир айтган гапим унга нотаниш. Шу боис нажот истаб, Наташага қаради. Наташа эса бирдан менга юзланиб, қовоғини уйди. Сўнг секин қулини тиззамга қўйиб, чимчилади-да:

— Одобсиз, — деди.

Унинг ўрнида бошқа аёл бўлганида, Луизани ҳақорат қилганимни эшитиб, товонигача хурсанд бўларди. Эҳтимол, Наташа қувонгандир-у, сиртига чиқармаган. Эҳтимол, менга ўхшаб номига қовоғини осилтириб, чимчилаб қўйган.

— Озгина уялиш керак-ку, — дедим норозилигимни билдириб қўйиш учун.

— Бундай пайтда уялиш кетмайди. Мен бошқоронғи бўлган пайтим қанчалик қувонганинг эсингдан чиқдими?

— Нима? — деди Луиза талаффузни бузиб.

Наташа унга юзланди-да, бир нималар дея сайрашга тушиб кетди. Луиза илжайганча менга кўз қисиб қўйди.

— Қойил! — деди Пётр Сафонович хурсандлигимдан чексиз қувониб. — Ҳазилларинг, хушомадларинг шунақанги гўзалки, кўриб, эшитиб завқ оласан киши. Энди сизларга ҳалақит бермай. Бунинг устига, бироз ишим бор эди. Вақтида бажариб қўймасам, қолиб кетиши мумкин.

У ўрnidан турди. Томоғи тагидаги сочиқча билан лаб-лунжини артиб, секингина ёнимиздан узоқлашди.

— Жуда сирли одам, — деди Наташа у бироз узоқлашгач.

— Нега бизни бунчалик асраб-авайлаётганини, ёрдам бераётганини сира тушунолмаёпман. Бизда “Мушук бекорга офтобга чиқмайди”, деган гап бор...

— Луиза “Пётр Сафонович барчага қўлидан келганча ёрдам беради”, деди, тўғрими? — дея Наташа сўл тарафига қаради.

Луиза гапирди. Унинг сўзларини Наташагина тушунди ва ҳозиргина менга айтган гапини немисчага таржима қилди.

— Тўғри, — деди Луиза кундошининг гапини тасдиқлаб.

— Ғийбатлашишни бас қиламиз. Келинглار, яхшиси, туғилажак фарзандга исм топамиз, — деди Наташа.

Сўнг худди шу гапни Луиза тушунадиган тилга ўтирди. Қарасам, иккови икки томонга тортаяпти. Биттаси бразилча, иккинчиси русча. Яна шунақанги исмлар айтиляптики, талаффуз қиламан, деб тилингни синдириб олишинг ҳеч гап эмас.

— Шошманглар. Боланинг отаси менманми, демак, унинг отини мен қўяман. — дедим ахийри сабрим чидамай.

Луиза жавдираб менга боқди. Киприкларини пирпиратиб, алланималар деди.

— Тушунтир, — дея Наташага юзландим.

— “Болани сизлар олиб кетасизлар. Унинг улғайганини кўраманми, йўқми, худо билади. Шунинг учун мендан унга биргина ёдгорлик қолсин. Ҳар қалай, ўша борган жойларингда унинг исми бошқаларникидан ажралиб туради. Вақти келиб, у нега бундайлигини сўрайди. Ана ўшанда ҳамма мени эслайди”, деяпти, — дея Наташа Луизанинг гапини таржима қилди.

Нима дейишимни билмай қолдим. Зеро, Луиза мутлақо ҳақ эди.

— Сен нима дейсан? — сўрадим Наташадан. — Бошим қотди. Назаримда, у тўғри гапиряпти.

Наташа ҳам хомуш тортди. Албатта, бунга ҳам сабаб бор эди. Мен эса икки ўт ўртасида қолгандим.

— Яхши, фақат айтилиши осон бўлсин, — дедим.

Шунда Луиза Мариа ва Лусио исмларини тилга олди. Бири қиз боланики, иккинчиси ўғил боланики. Шу билан болага исм танлаш тугади. Аммо бу ҳеч кимни хурсанд қилмади. Иккала жувон хомуш тортиб қолган ва мен уларнинг кўнглини кўтарадиган гап тополмай ҳалак эдим. Бахтимга, мени Пётр Сафонович чақираётганини айтиб қолишди.

Сафоновичнинг иш кабинетига кирдим. Деворларга қадаб қўйилган шкафлар китоблар билан лик тўла бўлган хона тўридаги стол ортида Пётр Сафонович шошиб бир нималар ёзиш билан овора эди. У шу қадар берилиб ёзаётгандики, кирганимни сезмай қолди. Шу боис бир муддат туриб қолдим. Қарасам, олим ҳали-бери бошини кўтарадиган эмас. Секин томоқ қирдим. Пётр Сафонович чўчиб тушди ва ялт этиб менга қарагач, жилмайди.

— Фан шундай ғаройиб нарсаси, ўзига бирпасда маҳлиё қилиб қўяди. Келинг, биродар, ўтиринг, — дея у ўрнидан туриб, столни айланиб ўтди-да, дераза ёнидаги юмшоқ курсилардан бирига ўтирди.

Иккинчисига мен жойлашдим.

— Сиз билан муҳим бир масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Зеро, шундан кейингина осойишта умр кечиришингиз мумкин, — деди у нигоҳини менга қадаб.

— Қандай масала экан?

— Абрамович масаласи. Мен унинг Берлинда эканлигини аниқладим. Анча соғайиб қолибди. Ундан васиятномани бекор

қиладиган хатни ёздириб олишимиз зарур. Мабодо кўнмайдиган бўлса, битта бойнинг баҳридан ўтамиз. Чунки шундан бошқа иложимиз қолмаган. Дарвоқе, яна шунни айтиб қўяй, бу ишни бир ўзингиз бажарасиз. Мен иштирок этолмайман. Мабодо аралашадиган бўлсам, катта шов-шув келиб чиқади.

Сўзлаётган Пётр Сафоновичнинг афт-ангори ўзгариб кетган эди. Аслига (балки асли шундайдир) сира ўхшамасди. Кўзининг олайгани, рангининг оқаргани одамнинг этини жунжиктирарди.

— Қачон? — дедим унга нигоҳимни қадаб.

— Икки ойдан сўнг. Унгача сен тўлиқ соғайиб кетасан.

— Холосми?

— Нима, холос?

— Шу билан юмушим тугайдими?

— Ўзингни. Эркин кўчага чиқа оласан. Истаган жойингга бора оласан.

— Келишдик. Кетсам майлими?

— Ҳа.

Мен унинг хонасидан бошим жуда қаттиқ оғриган ҳолда чиқдим. Негадир Пётр Сафоновичга нисбатан нафрат пайдо бўлди менда. Тўғри, унинг олдида қарздорман. Қарзларим кўп. Умримнинг охиригача унга хизмат қилсам ҳам, қутулолмасам керак. Лекин ҳеч нимани ундан сўраб олмадим. Ҳатто чорасиз қолганимда ўлдиришга келганларни ҳам унинг ўзи даф қилди. Мен ёрдам сўрамадим. Демак, у устомонлик билан ўзининг манфаати учун мени турли-туман қийноқлар гирдобидан олиб чиқди... Луиза туғади. Мендан қолажак ёдгорни дунёга келтиради. Шу билан бирга, менинг пойимга уради. Ожиз қолганимдан сўнг мени бошқариш Пётр Сафоновичга қийинчилик туғдирмайди. Ҳаммаси режалаштирилган.

— Нега бунча хомуш келаяпсан? — деди рўпарамдан чиққан Наташа.

Шундагина мен уни кўрдим. Фалати бўлиб кетдим. Одам... Ҳа, ҳар қандай тоифадаги одам бир нима тўғрисида чуқур ўйга толса, вақтни ҳам, ён-атрофдагиларни ҳам сезмай қоларкан.

— Менми? — дедим ўзимни гўлликка солиб.

— Ҳа. Рангинг бошқача. Нима бўлди?

— Тўғрисини айтсам, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим, — дея ёлғонни бошладим. — Умримни ҳавога совурипман. Боқимандага айланиб қолибман. Ейман, ётаман. Ҳатто Пётр Сафонович шу ёшида шунча нарсага эга бўла туриб, тиниб-

тинчимайди. Бирор дақиқаси йўқки, бекорчиликка сарфлаган бўлса! Мен-чи? Касалхонада немис тилини ўрганмоқчийдим. Аммо шифохонадан чиққан заҳоти унутдим...

— Сиқилма. Озгина дам олишга ҳақинг бор. Бировлар учун озмунча ишладингми? Энди бировларга пича юк бўлсанг, нима қипти? — дея у қўлимни кучиб олди.

— Ўрганмаганман. Тезроқ бу ерлардан кетишни истайман. Илгари мени ҳеч нима тутиб туролмасди. Аммо энди кетишим керак. Кунлар жуда оғир ўтаяпти... Тўхта, Пётр Сафоновичнинг қандайдир иши бор менда. Мен унинг ёнига боришим керак, — деб ортимга ўгирилдим-да, Наташани қолдириб, ўзим шитоб билан юриб кетдим.

Пётр Сафоновичнинг кабинети ёнида йўлимни эшикбон тўсди.

— Чақиртирганмиди? — деди кўзини лўқ қилиб.

— Ҳа, — дедим жаҳлим чиқиб.

— Менинг хабарим йўқ, кириб сўраб чиқай.

— Вақтим тигиз, — дедим баттар тутоқиб.

— Сўрашим керак.

— Бор, сўра! Нега безрайиб турибсан, умрингда мени биринчи марта кўриб турган одамдай? — дея бақириб юбордим.

У ортига ўгирилиб, шошилмасдан эшикни тақиллатди. Сўнг озгина очиб, ичкарига хумдай калласини тикди.

— Кирсин! — деди Пётр Сафонович эшикбон гапиришга ҳам улгурмасидан.

Афтидан, у бизнинг тортишувимизни эшитгандай эди.

— Хум ўрнига зиғирча ақли бор пиёлани кўтар, ярамас! — дедим эшикбонга газаб билан тикилиб.

У ғинг демади. Шиддат билан ичкарига кирдим ва жилмайиб турган Пётр Сафоновичга кўзим тушди. У бояги туришидан бутунлай ўзгариб кетганди.

— Дўстим, ҳали иккаламиз кўп ишлашимиз зарур. Қарийб бешта хатога йўл қўйдингиз! — деди у мен оғиз очишга улгурмасимдан.

Мен бир зум нима мақсадда келганимни эсимдан чиқариб, туриб қолдим. Шунда ўзимни Пётр Сафоновичнинг олдида ожиз ҳис этдим.

— Ортингиздан биров қувмаганмиди? — деди Пётр Сафоновичнинг бир туки ўзгармай.

— Мен, — дедим ўзимни қўлга олиб, — иш билан келгандим.

— Марҳамат, — деб Пётр Сафонович қўлидаги ручкани қоғоз устига қўйди, — қулоғим сизда.

— Юмушингизни бажармоқчиман. Кўп нарсани ўргатдингиз. Энди буни амалда синаб кўрмоқчиман.

— Мен деярли ҳеч нарса ўргатмаганман. Ҳозир бунинг яна бир марта шоҳиди бўлиб турибман. Дарвоқе, сиз охирги пайтларда бирорта китоб ўқидингизми?

Тилим танглайимга ёпишиб қолди.

— Афсус, — дея бошини чайқади Сафонович, — мен сизга Мюллернинг «Инсон» китобини ўқишни тавсия қиламан. Улкан юкни зиммамга олиб айтаманки, китоб сизга кўп нарсаларни беради. Сиз ҳозир бемалол хонангизга бораверинг, ортингиздан китобни етказиб беришади.

Менинг кетишдан ўзга иложим қолмаганди. Бироқ кетишга хоҳиш йўқ. Дилимда алланималар бор эдики, ҳозир Пётр Сафоновичдан сўраб, билиб олмасам, кейин кун бўйи ўзимга келолмай юраман. Аммо ўша нарса айнаи чоғда сира хаёлимга келмаётганди.

Наташа ташқарида кутиб турган экан.

— Нега киргандинг, нимани сўрадинг? У йўқ дедими? — дея саволларга қўмиб ташлади.

— Афт-ангоринг ўша-ўша. Келишолмай қолдингми? — деди мендан садо чиқавермагач, кўзимга тикилиб.

— Ҳаммаси жойида, — дея жавоб қайтардим тоқатсизланиб.

— Ҳечам ўхшамаётти-да. Аммо ҳозир ҳеч нима дема. Режаларинг бор эди-ку, яхшиси, шулар ҳақида гаплашамиз. Юр, хонамизга борайлик.

Наташа кутилмаганда ҳар доимгидан ҳам меҳрибонга айланди. У менинг аҳволимга ачинаётгандай эди. Бироқ бу ачиниш эмасди. Кейинги раундга тайёргарлик кўраётган боксчига руҳий қувват бермоқчи бўлаётган мураббийнинг хатти-ҳаракатига ўхшарди.

Пётр Сафонович бериб юборган китобни атайлаб ўқимадим. Ўқиш у ёқда турсин, қўлимга ушламадим ҳам. Китобни келтирувчидан Наташа олиб, тумба устига қўйди. Мен эса бир қанча муддат шифтга қараб ётганча хаёл сурдим. Гарчи ёнимда Наташа турган эса-да, бир оғиз ҳам гапирмади. Афтидан, мени безовта қилгиси келмади. Кечга яқин ўрнимдан туриб, спорт залига кетдим. Ҳар доимгидан кўп тер тўқдим. Алам ва жаҳл билан ишладим. Бироқ сира ўзимдан қониқолмадим. Чунки маникентга берилган кескин зарба-

ларнинг бирортаси ҳам мўлжалга тегмасди. Орадан уч соатча ўтиб, тинка-мадорим қуриб, ўтириб қолдим. Бироз дам олгач, шуғулланмоқчи эдим. Аммо Луиза Наташа билан бирга келгач, ниятимдан қайтдим.

— Дадамизнинг ҳали-бери тиниш нияти йўққа ўхшайди, — деди Наташа жилмайиб.

— Чарчагандим. Бормоқчийдим... — дея баҳона қилдим ва пешонамдаги терни сочиққа артдим.

Наташа немис тилида Луизага сўзлади. Луиза тескари ўтирилди. Сўнг:

— Бутун менинг илтимосимни бажаришга сўз бер, — деди Наташа менга.

— Ҳамиша бажариб келаяпман, шекилли.

— Тўғри, лекин буниси бошқачароқ.

— Хўш?

— Ваъда берасанми?

— Ким билан боғлиқ?

— Оиламиз билан.

— Тушунмадим.

— Ҳозир оилада тўрт кишимиз. Сен, мен, Луиза ва кичкинтой.

— Ўйлайманки, аҳмоқлик қилмайсан?

— Бўлмасам-чи?

— Ана, ваъда бердим.

— Тунни Луиза билан ўтказасан.

— Жинни бўлдингми? У бизга фақат фарзанд туғиб бериши керак эди.

— Инсоф қил. Нима бўлган тақдирдаям, у хотининг.

— Номига.

— Илтимос, одамни бунчалик қийнама. Агар мени севсанг, бутун Луизанинг ёнида бўласан.

Кўнишдан ўзга иложим қолмаган эди. Наташанинг эса нега шунақанги тушуниксиз ишлар қилаётгани мени ажаблантира бошлади. Ярим кечгача шу ҳақда ўйладим. Эртасига эса китоб-қаламни қўлга олдим. Астойдил тил ўрганишга киришдим. Тушгача қарийб йигирмага яқин сўз ёдладим. Шу билан бирга, немис алифбосини қоғозларга қайта-қайта кўчириб чиқдим. Тушдан кейин эса Пётр Сафонович тўғрисида ўзбек тилида мулоҳазаларимни ёза бошладим. «Шундай қилсам, унинг хатти-ҳаракатларини ил-гайман» деган ўйда эдим. Ишга берилиб кетганимдан вақт ўтганини ҳам сезмабман. Бир маҳал қоғоздаги ёзувлар

хиралаша бошлади. Ҳайрон бўлдим. Кўзимни ишқаладим. Барибир, ҳеч қандай ўзгариш йўқ. «Кўзимга бир бало бўлдим?» деган ҳаёлда ўрнимдан туриб, беихтиёр ташқарига қарайдим. Шундагина қоронғилик туша бошлаганини кўрдим. «Ошна, ҳаддингдан ошма, бугунча етади. Белинг қотиб қолибди. Энди спорт залига бор», дея ўзимга буйруқ бериб, қоғозларни тартибга келтириб қўйдим-да, ташқарига чиқдим.

Кимга қандай, билмайман-у, мен спорт билан шуғулланганимда, роҳатланаман, дам оламан. Мабодо икки-уч кун ўзимга қадрдон бўлган машқларни қилмасам, қандайдир елкамдан тегирмон тоши босиб қолгандай бўлади.

Бир ҳафталик муттасил тил ўрганишим мингга яқин немисча сўзни ёдлашимга кўмак берди. Ҳаттоки Луиза ва Наташа билан гарчи «тормоз» орқали бўлса-да, сўзлашининг иложини топдим. Албатта, ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Орадан роппа-роса икки ой ўтди. Энди немис тилидаги китобларни ўқий бошлаганимда, Пётр Сафонович ёнига чақириб қолди.

Ҳали уйга кирмасимдан бурун йўлимни эшикбон тўсди. Унинг башараси ҳақиқий совуқ башара эди. Бунинг устига, қовоғини шундай уйиб олгандики, кўришинг билан асабинг бузилади.

— Қаерга кетаяпсан?! — сўради у дағдаға билан.

Бундай дағдағани, албатта, кўтаролмайман. Падарингга ланат, қанча вақтдан бери шу ерда юрганимни қурган, Пётр Сафонович билан алоқам яхшилигини билади. Шунга қарамай, дағдаға қилапти. Аммо аввалгидай қизишиб кетмадим.

— Шеф сўраган экан. Келганимни айтиб қўйсангиз, — дея чўнтагимда доим эрмак қилиб юрадиганим, резина ҳалқачани олдим. Уни сиқиб қўйиб юришни одат қилган одамнинг бармоқ мушаклари чиқишини ҳамма билади. Айни чоғда у вақт ўлдириш вазифасиниям ўтаб беради.

Беш, ўн, йигирма дақиқа ўтди. Барзанги, турқи совуқ эшикбондан дарак йўқ. «Ўлиб қолдимми, нима бало? «Фалончи келибди, кираверсинми?» деб сўраш шунчалик қийинми?..» Бундай олиб қаралса, илгари ҳеч ким менинг йўлимни тўсмасди. Узоқдан келаётганимни кўришса, дарров эшикни очиб туришарди. Яна эшикбон қўлини кўксига қўйиб, иржайганча «Сизни кутаётганди», дерди. Мана, икки ойдирки... Мени «Жиғибийрон бўлади», деб ўйлашаётган бўлса, чучварани хом санашибди. Шу қилганига бир боппайин» дея ҳаёлимдан ўтказдим-да, ўзимни ўзим зериктирмаслик

йўлларини қидира бошладим. Топдим. Ёдлаган немисча сўзларни овоз чиқариб айтаман. Шу билан вақт ҳам ўтади, хотирамниям текшириб кўраман.

Машғулот ўзимга ёқиб тушди. Икки ярим мингдан зиёд сўзни бирма-бир айтиб чиқдим. Сўнг охиридан бошига қараб тақорлай бошладим.

Ҳали тугатмагандим, эндигина мингтадан ошгандим, ёнимга эшикбон келди.

- Кираркансан, — деди қовоқ-тумшугини осилтириб.
- Шошмай тур, — дея қошларимни чимирдим.
- Жаҳли чиқади, — деди эшикбон овозини баландлатиб.
- Машғулотимни охиригача етказиб олай, — дедим юмшоқ

оҳангда.

- Жиннимисан?
- Ўхшайманми?
- Ҳа.
- Демак, жинниман.
- Шефнинг жаҳлини чиқарма.
- Сенга нима?
- Майнавозчилик қилма!
- Жиннидан бошқа нимани кутгандинг?
- Мента барибир, жавобни ўзинг берасан.
- Шундайлигини билсанг, мурдангни осилтириб туравер,

нима қиласан менинг асабимни бузиб?

Эшикбон хўрсинди. Кейин чўнтагидан сигарет олиб ҳидлади-да, яна қайтариб жойига солиб қўйди.

Мен эса бошимни осилтирганча унинг ёнидан узоқлаша бошладим.

— Ҳой, қаерга? Шеф кутиб турибди! — деди менинг кетаётганимни кўрган эшикбон.

— Нима қипти? Ўзи чақирганди. Келувдим, ўтказмадинг. Боз устига, шунча вақт куттирдинг, — дедим ўгирилиб, унга қараганча иржаярканман.

Эшикбон тамом бўлди. Тиз чўкиб, икки қўлини мен томон чўзди.

— Мени ўлдиради, худо хайрингни берсин, кир ёнига! — деди йиғламоқдан бери бўлиб.

Мен мутлақ ғолиб бўлгандим. Бақириб-чақирмай, муштлашмай ютиб чиқдим. Нашъа қилдим. Лаззати ўзгача эди. Бутун қон томиримда хурсандчилик югуриб юрарди. Бироқ вужудимдаги, руҳимдаги ўзгаришни эшикбонга кўрсатмадим. Қизгандим. Садқайи сар. Сендақалар бировнинг

хурсандчилигини кўришга муносиб эмас. Доим кўрқувдан юрагинг ўйнаб туриши керак. Тақдиринг шунақа. Тақдирни эса одамнинг ўзи яратади. Эҳтимолки, ёшлигидан, ҳали тиши чикмасидан. Чунки бошда кўп йиғлайди. Онаси эса қаҳрли. Гўдагининг бигиллашига чидаб туrolмайди. «Жонимга тегиб кетдинг! Сенинг дастингдан ҳаловат йўқ менга!» дея бақиради. Жаҳл билан миннатли кўкрагини унинг оғзига солади. Чақалоқ кўрқа-писа «чапилла-тиш»га ботинолмай, «жимгина» эмади... Кейин улғайганда ҳам, шунақа кўрқоқ бўлиб қолади. Жуссасидан ҳўкиз ҳуркади. Лекин юраги куённикидан-да ожиз...

— Пётр Сафоновичнинг ҳўрмати баланд! — дедим изимга қайтиб, эшикбоннинг ёнидан ўтарканман.

Бечора, ўтакаси ёрилаёзган эшикбон тинимсиз қуллуқ қила бошлади. «Ўл-а, ҳеч қўрса, индамай бошингни эгиб, ичингда ўзингни-ўзинг сўкиб ўтир. Қуллуқ қилишга бало борми?» дея кўнглимдан ўтказдим.

Кейинги эшикни кўриқлайдиган йигит иржайиб-тиржайиб турарди. Ёнига етишим билан зулфакни тортганча Пётр Сафоновичнинг хонасини тўсиб турган эшикни очди.

Шеф стол ортида ниманидир ёзиб ўтирган экан. Киришим билан бошини кўтарди. Шу заҳоти юзида табассум пайдо бўлди. Бироқ илгаригидек ўрнидан турмади. Қўлини қовуштириб:

— Азизим, сизни чақиртирганимнинг боисини биласизми? — деди.

У менинг кутиб қолганим ёки ўзи киришга изн берганидан кейин тезда етиб келмаганим ҳақида сўзламади. Чақиртирганининг боисини сўради.

— Албатта, айтсангиз, дарров билиб олардим.

Шундай дейишим билан унинг юзида билинар-билинемас қизиллик пайдо бўлди. Бу бир лаҳза давом этиб, дарров ўрнини одатийлик эгаллаб олди.

— Эсингизда бўлса, мен беш оила ҳақида сўзлаган эдим, — деди у ручкани қайтадан қўлига олиб.

— Ҳа, эсимда, улар дунёни бошқаради, дегандай бўлгандингиз.

— Қарийб шундай.

— Уларга бирон нима бўптими?

— Бе, нималар деяпсиз?... Аммо... Шошманг, бир нимани ёзиб қўяй, — дея Пётр Сафонович оппоқ қоғозга алланимани бита бошлади.

«Ўтиришга таклиф қилмади... Суҳбат бошидаёқ ручкасини қўлига олди. Демак, киришим билан унга ёқмайдиган гап айтиб қўйдим. Демак, мен билан гаплашгиси йўқ. Бекорга мени куттирмаган. Аввалига чақириб қўйган-у, кейин бошқа бир зарурроқ иши чиқиб қолган... Ёки менинг емқўрлигим унинг жонига теккан», деб ўйлаб, Пётр Сафоновичнинг ҳар бир ҳаракатига диққат билан тикилганча туравердим. У қарийб ярим соат бошини кўтармасдан, тинимсиз нималарнидир ёзди. Эҳтимолки, шу вақт мобайнида менинг борлигимни унутгандир.

— Ана бўлди, — дея, ниҳоят, у сўнгги нуқтани қўйиб, ручкани қоғоз устига ташлади ва ўрнидан турди. — Ташқарига чиқамиз. Тоза ҳавода бироз айланайлик.

Дарҳақиқат, Пётр Сафоновичнинг кабинети бироз дим эди. Одамнинг уйқусини келтирадиган ҳаво. Бундай ҳавода калла яхши ишламайди. Кўпроқ уйқуни ўйлайсан. Шундай пайтда Пётр Сафоновичга ҳайрон қолмасдан иложинг йўқ.

— Дўстим, — деди ҳовлига чиқиб, бироз юрганимиздан сўнг шеф елкамга қўлини ташлаб, — қандайдир айқаш-уйқаш замонда яшаётганга ўхшаймиз. Аслида, бу дунё азалдан шундай бўлиб келган. Беш оила ҳақидаги бояги гапимиз узилиб қолганди. Мен сизга айтсам, улар ердан керагидан ортиғини олиб бўлишди. Қўлини қаерга узатса, етади. Қайсидир маконда тўполон уюштиришни исташса, кўнгиллари ажал уруғини сочишни тусаб қолса, ҳеч муаммосиз бунга эришишади. Шу боис дунёдаги ҳар қандай нарсa уларни зериктириб қўйган.

— Унда Саҳройи Кабирга боришсин-да, бир-бирларини отиб ташлашсин. Шундай отишсинки, беш оиладан бирорта ҳам зоғ қолмасин.

Пётр Сафонович хириллаб кулди:

— Кошкийди. Аммо улар буни исташмайди-да. Шунинг учун янада қизиқроқ нарсани қидиришади. Энг қизиғи, топишади ҳам.

— Қаердан?

Пётр Сафонович кўрсаткич бармоғини кўкка қаратди. Мен беихтиёр осмонга қарадим.

— Ўша ёқдан. Яқинда олган хабаримга қараганда, учинчи юлдуз тизимида одам яшаши мумкин бўлган янги сайёра борлигини аниқлашибди. Сув, ҳаво, ўсимликлар, ҳайвонлар, қўйингки, инсон учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси ўша сайёрада мавжуд экан.

— Менимча, буларнинг ҳаммаси шунчаки ёлгон, эртақ бўлса керак. Шу пайтгача учар ликопчалар ҳақидаги афсона билан ҳаммани алдаб келишганди. Энди сайёра ҳақида гап чиқибдими? — дедим Пётр Сафоновичга ишонгим келмай.

Шеф пешонасини тириштириб, менга қаради:

— Фикрингизнинг борлиги дуруст. Лекин мен унча-мунча нарсага ишонмайдиган одамман. Аммо маълумот мутлақо ишончли манбадан юборилган. Муқаддас китобларда ҳам «Сизлар ёлғиз эмассизлар», дейилган. Албатта, ҳали кўп текширувлар ўтказаман. Шундан кейингина якуний хулосага келаман. Мабодо факт исботланадиган бўлса, ўша сайёрага қисқа муддатда етвозладиган қурилма яратилса, оқибати ёмон бўларди.

— Нера?

— Чунки у ернинг ҳам ўз эгалари бор. Худди бир пайтлар ҳиндулар Американинг хўжайинлари бўлганидек. Уларни не кўйларга солишмади? Ерларини тортиб олганлари камлик қилгандай, ўзларини қиришди, қул қилишди... Майли, буларнинг бари эски гаплар ва бу ҳақда жудаям кўп гапирилган. Айтмоқчи бўлганим, ўша ўзлари «Махлуқлар макони» дея ном қўйган сайёра аҳолисининг бошига, албатта, ҳиндуларнинг кунни тушажак.

— Махлуқлар макони. Наҳотки улар янги сайёрани шундай деб аташган бўлса?

— Ҳа, дўстим. Худди шунақа ном қўйишган. Яна «Slh16» деб ҳам номлашади. Албатта, кейингиси бошқалардан яшириш учун қилинган. Беш оиланинг ўзаро ёзишмаларида учрайди.

— Улар ўша сайёрага бора олишлари мумкинми?

— Ҳозир эмас, келажакда. Авлодларигагина насиб этиши мумкин. Лекин ҳозирдан етолмасликларининг олдини олиш лозим.

— Қандай қилиб?

— Аввало, ҳужжатлар йўқ қилинади. Сўнг «Slh16»нинг кашф қилинишида ишлатилган барча қурилмалар фаолияти тўхтатилади.

Еримизда муаммолар керагидан ортиқ. Уларни бартараф этишга юз-икки юз йил ҳам озлик қилади. «Яна биттасини тугатдим», деганингда, бошқаси, қудратлироғи, кўлами кенгроғи пайдо бўлади ва ҳоказо. Умуман олганда, мен буларни ўйлаб бошимни қотирмоқчи эмасман. Чунки ўзимнинг қиладиганларим ошиб-тошиб ётибди. Агар шулардан бўлмаганда, биттасини бажаролсам, шунинг орқасидан

келадиган савоб руҳим маконига боргач, жаннат эшигини очиб беришига етиб ортади. Аммо, барибир, ҳужжатларни йўқотиш зарур. «Sih16» ҳақидаги бирорта ҳам маълумот сақланмаслиги лозим.

Пётр Сафонович сўзлашдан тўхтади. Унинг пешонасини тер босган, юзи қизарганди. Лаблари дир-дир титрарди. Шунинг ўзиёқ дасти етмайдиган муаммога дуч келганидан далолат берарди.

Мен атайлаб уни «Ўзига келиб олсин», деб овоз чиқармай, ён-атрофни кузатган киши бўлиб турдим.

— Биродар, — деди Пётр Сафонович, — инсофни эсдан чиқариб қўйганга ўхшаймиз. Ахир қорин очқаганлиги ҳақида хабар берганига анча бўлганди. Қани, яхши шароб билан тамадди қилайлик.

— Овқат устида гаплашамиз қолган гапларни, демоқчисиз-да.

— Топдингиз.

Ҳар доимгидек тўкин дастурхон. Ноз-неъмат, егуликларнинг қанчаси ейилади-ю, қанчасига қўл урилмайди. Қизиқ, ортган нарсаларни нима қилишаркин? «Наҳотки ҳаммасини ташлаб юборишса?» дея ўйлаган маҳалим:

— Йўқ, тегилмаганларини бошқалар ейишади. Албатта, ихтиёрий. Умуман, бу нарса билан менинг ишим бўлмайди, — деди Пётр Сафонович.

— Тавба, мен ҳали ўйлаб улгурмагандим, сиз...

— Кўзингиз айтиб турибди. Шунингдек, кабинетда сиздаги яхши ўзгаришдан юзим биров қизарганди. Яна гаплашиш ниятим йўқлигидан эмас, сизни қўшимча синаш мақсадида қоғоз қоралагандим. Сизсиз ҳам уйимда харажатлар тиқилиб ётибди. Сира оғринаётганим йўқ.

— Наҳотки ҳаммасини билган бўлсангиз?

— Яна кўзингиз айбдор. Умуман олганда, ҳозирча сир яширолмаяпсиз. Ишлашингиз зарур.

— Боя бошқача эдингиз. Ҳозир суҳбатимиз бошқа сайёра ҳақида бўлади, деб ўйлаган эдим.

— Албатта. Биз ўша сайёранинг топталмаслик чорасини излаб топамиз. Лекин бундан олдин сизнинг олдингизда бошқа кичкинагина юмуш бор.

— Нима экан у?

— Ахир икки ой ўтди, наҳотки эсингиздан чиққан бўлса?

— Александр Абрамович масаласи.

— Ўлманг.

— Эртага йўлга тушасиз! — дея Пётр Сафонович қовурилган жўжа оёғини тишлади ва бир парча гўшт узиб олди-да, иштаҳа билан чайнай бошлади.

Кўлимда шароб тўла бокал тутганча шефга тикилиб қолдим.

— Нариги юмушни бажаришда жуда устомонлик керак бўлади, унгача бўладиган тажриба эса Александр Абрамович... Бир ўзингиз кетасиз. Қурол у ёқда турсин, улов ҳам бермайман. Яёв жўнайсиз. Кўп нарса юмушни қандай бажаришингизга боғлиқ. Балки нобуд бўларсиз. Аммо бу сафар ишим бўлмайди.

Пётр Сафонович оғзидаги луқмасини майдалаб ютиб, бир хўплам шароб ичганидан кейин шундай деди.

Демак, у менга шунинг учун ҳомийлик қилган экан-да. Қачонлардир отам: «Бу дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Бирор нарса содир бўлишига, албатта, бошқа нимадир сабаб бўлади», деганди. Ўшанда отамнинг гапига эътибор бермагандим. Аммо хотирамдан ўчмаган экан.

Иштаҳа билан овқат ейишга киришдим. Илгари менга нимадир ёқмаса ёки жаҳлим чиқса, худди насибасидан қуруқ қоладиган жонивордай пишиллаб, кўз очиб юмгунча косадаги овқатни еб қўярдим. Бу сафар эса ундай қилмадим. Пётр Сафоновичга гапи ёқмаганлигини сездириб қўймаслик мақсадида оғзимдаги луқмани шошмасдан чайнаб ютгач, устидан бир қултум шарбат ичдим.

— «Беш оилага қарши чиқамиз», деган гапингиз менга маъқул тушмади, — дедим орадан бир муддат ўтиб.

Пётр Сафонович лаб-лунжини оқсуякларга хос назокат билан сочиқчага артаётиб:

— Нега? — деди бепарво оҳангда.

— Фойдаси йўқ.

— Қаердан олдингиз бу гапни?

— Кучлар тенг эмас.

— Бунисини биламан. Фақат биз бошқача жанг қиламиз. Ҳозир техника шунақанги тараққий этган даврки, у борни йўқ қилиши ва, аксинча, йўқдан бор қилиши мумкин. Бунинг учун, албатта, жуда катта билим ва ақл керак бўлади. Мен баъзи нарсаларни режалаштириб қўйганман.

— Бундан чиқди, менинг иштирокимга ҳожат йўқ экан-да.

— Зарурсиз, дўстим, зарурсиз. Ҳар нимани техника бажариши мумкин бўлса-да, уни инсон бошқаради. Инсоннинг миясига эса қутилмаганда минг хил ўй келади.

— Буниси муаммо эмас-ку. Мана, мен нимани ўйласам, ниманики режалаштирсам, ҳаммасини билиб олаяпсиз.

— Йўқ, ҳаммасини эмас. Сўнгги пайтларда сиз режаларингизни шундай ниқоблаяпсизки, менинг билишим ўн чандон қийинлашаяпти. Бу, албатта, сиз учун ажойиб хусусият.

— Демак, дастлабки ўринда Александр Абрамович турибди. Қачон ишга киришим керак?

— Кеча.

— Тушунмадим?

— Ишнинг ярмини бажариб бўлишингиз зарур эди.

— Энди тушундим. Бўшманми? — дедим лаб-лунжимни сочиққа артиб.

— Албатта.

У расмий идоранинг раҳбари каби менга тикилганча кетишга изн берганди. Албатта, унинг қараши, сўзлари менинг ҳаракатларимга ҳам таъсир ўтказган эди.

Хонамга кириб, керакли кийим-кечакларни спорт сумкасига жойлаштираётганимда, қароллардан бири келиб, қўлимга қоғозча тутқазиб кетди. Унда Александр Абрамовичнинг айна пайтда қаерда эканлиги ёзилган эди. Қоғозчадаги маълумотни ўқирканман, «Ҳеч кимга ишонмаслигим керак. Биринчи галда Пётр Сафоновичга» дея ўйладим.

Ич-ичимдан тез қайтишимга ишонч бор эди. Фақат мени олиб келишадими ёки ўз оёғим билан кириб келаманми, шуниси номалум эди. «Наташа, Луиза билан хайрлашмайман. Хайрлашадиган бўлсам, ниманидир ваъда беришимга тўғри келади. Кейин ваъдамнинг устидан чиқишим керак», дея кўнглимдан ўтказиб, хонадаги ҳар бир жиҳозга қараб чиқдим-да, эшик томон юрдим.

Дарвозадан чиқаётганимда, биров менга «Қаерга бораяпсан? Нега кетаяпсан?» демади. Демак, улар огоҳлантирилган.

Ишонасизми, мен Пётр Сафоновичнинг уйини тарк этиб, икки юз одимча йўл босганимдан кейин билдимки, ўзимни жуда эркин ҳис этаяпман. Тўғриси айтсам, Пётр Сафоновичнинг ҳашаматли қасри менга худди шайтоннинг уйи бўлиб туйилди. «Ношукур банда, шунча иззат-икром кўрсатилган хонадонга нисбатан шундай дейишга қандай тилинг борди?» десангиз, эҳтимол, сиз ҳақ бўлиб чиқарсиз. Бироқ ўша хонадонда менинг эрким йўқ эди. Гарчи биров индамаса-да, ўз хоҳишим билан ҳаттоки ўзимга ёққан гулни ҳам узолмасдим. Ана, Луизани иккинчи хотин қилиб олиш

менинг истагим бўлмади-ку. Тўғри, Наташа кўндирди. Бироқ Наташа соғлом ақл билан мени даъват этдими? Ҳеч. Бунга ишонмайман. Куни келиб, у айюҳаннос солади. Шунда Пётр Сафонович деган нигоҳи деворни тешадиган одам менинг ёнимда турмайди. Унинг иши битган, эшаги сувдан ўтган бўлади.

Ўй-хаёлларим қонимни кўпиртира бошлади. Ўз-ўзидан кўлим мушт бўлиб тугилди. Суякларим қарсиллади. Шу топда асабимни бузадиган бирорта одам қаршимдан чиқиб қолса борми, шўрига шўрва тўкилади.

Йўлда кетиб борарканман, ёнимдан ўтаётганларнинг ажабланганча қараётганларини сезиб қолдим. «Ўзингни йиғиштир, Амир. Бу аҳволда шаҳар марказигаям етолмайсан», — дея кўнглимдан ўтказдим. Дарров ички чанг-чунглардан чиқиб, атрофга бахтиёр назар ташлаганча йўлда давом этдим.

Аввал банкка кириб, пластик карточкамдан бироз пул ечтириб олдим. Тилни балодай ўзлаштирган эканман, ниятимни пулхонадагиларга тушунтира олдим. Улар иржайиб, тиржайиб менга хизмат кўрсатаётганликларидан минглаб маротаба хурсанд эканликларини айтиб, сўраган пулимни шакиллатиб санаб беришди.

У ердан чиқиб, автодўконга кирдим. Яп-янги машина сотиб олдим. Чўнтагимдаги пулга эмас, албатта, пластик карточкамни ишлатдим. Ҳурмат-иззат, муомала худди банкдагидай бўлди. «Мерс» ўзи бошқача-да. Рулга ўтиришинг билан яйраб кетасан: худди юмшоққина қорда сирпангандай жойидан силжийди. Янги тойчоқда бироз юргач, ресторан ёнида тўхтадим. Ичкарига киришим билан кўм-кўк халатли, қорачадан келган йигитча қўлини кўксига қўйиб:

— Хуш келибсиз! Сиздай азиз инсон бизнинг ресторани танлаганидан бошимиз осмонга етди. Хушчақчақ кайфиятда ўтириб овқатланишингизни, албатта, таъминлаймиз, — деди.

«Бунчалик сермулозамат бўлмаса?» дея кўнглимдан ўтказганча юмшоққина стуллардан бирига ўтирдим. Хизматчиға букюртма бердим ва беихтиёр стол устида ялтиллаб турган қошиқни оппоқ салфеткага арта бошладим. Дақиқа ўтмасдан иккита хизматчи ёнимга югуриб келди.

— Узр. Фақат дилингиз сиёҳ бўлмасин. Албатта, чорасини кўрамиз, — деди биттаси ва кўлимдаги қошиқни олиб қўйиб, ўрнига бошқасини берди.

Сўнг санчқиниям ўзгартирди ва қайта-қайта кечирим сўраб кетди. Бироздан кейин улар ёшгина чиройли қизни бошлаб келишди.

— Мени кечиринг, эътиборсизликка йўл қўйиб, қўпол иш қилиб қўйибман, — деди қизгина йиғламоқдан бери бўлиб.

— Тушунмадим, қанақа қўпол иш? — дедим ҳайратланиб.

— Қошиқни яхши тозаламаган эканман.

— Мен қошиқ тоза эмас, демадим-ку.

— Унда нега артдингиз?

— Шунчаки, эрмак учун.

— Кўринишингиздан бировнинг дилини оғритмайдиган одам эканлигингиз билиниб турибди. Хизматчимизнинг ёнини олаётганингиздан, албатта, хурсандмиз. Ёқимли иштаҳа, — дея қизни етаклаб келганлар изларига қайтишди.

Тўғриси, томоғимга бир нима тикилгандай иштаҳам бузилди. Бунинг устига, қошиққа кўзим тушди дегунча, анави қизнинг маъжус боқиши кўз ўнгимда гавдаланарди. «Яхшиси, бошқа жойга бораман» деган хаёлда шарбатни шоша-пиша ичаётганимда, хизматчи қиз ёнимдан ўтди. Унинг кийими алмашган, кўзи қизарган эди. Ўтаётиб, алам билан нигоҳ ташлаб қўйди.

Мен дарров лаб-лунжимни артиб, ўрнимдан турдим-да, унинг ортидан юрдим.

Мулозаматни хуш кўрувчилар йўлимни тўсиб, овқат емаганлигимнинг сабабини сўрашди.

— Овқатнинг мазасини еганимда билардим. Лекин қошиқ топ-тоза эди. Бекорга бечора қизни йиғлатдиларинг, — дедим-у, уларни четлаб ўтиб кетдим.

Ресторандан юз қадам нарида қизга етиб олдим.

— Шошманг, — дедим унинг олдидан чиқиб.

У тўхтаб, ҳайратланганча юзимга қаради.

— Биласизми, англашилмовчилик бўлди. Мен хаёл билан бўлиб, қошиқни артибман...

— Лекин мени шунинг учун ишдан ҳайдашди.

— Бор-йўғи шунга-я?!

— Ҳа.

— Бошқа жойларда... Кечирасиз, ҳозир мен бориб, ҳаммасини уларга тушунтираман. Сизнинг айбингиз йўқлигини айтаман, — дедим шошиб.

— Фойдаси йўқ. Бир марта айтдингиз. Мен энди бошқа иш қидиришим зарур. Сиз хорижликсиз-а? — дея қиз киприкларини пирпиратди.

— Хорижлик... Ҳа, шундай.

— Мен ҳам.

— Лекин...

— Кўпдан бери яшайман. Шунинг учун яхши гапираман. Польшадан ишлаш учун келганман, — деб қиз хўрсиниб кўйди.

— Мен... Мен сизга иш топиб беришим мумкин. Бундан ҳам яхшироқ ресторандан.

— Раҳмат. Ўзим уриниб кўраман.

— Лекин мен сизнинг олдингизда айбдор бўлиб қолаяпман. Шошманг, илтимос, менга ярим соат вақтингизни ажратинг.

— Шу ярим соатда иш топиб берасизми?

— Уриниб кўраман. Қани, машинага юринг.

У бир муддат менга қараб турди-да, ортимдан эргашди.

Икки кўча нарига бордик. Боягидан кўркамроқ ресторан ёнида тўхтадик. Ичкарига киришимиз билан яна иззат-икром, яна такаллуф бошланди. Кулоққа яхши эшитилади. Бироқ замирида маккорлик бордай эди.

Қиз билан залнинг четроғидаги столнинг икки томонига бир-биримизга рўбарў ўтирдик. Шу заҳоти қиз соатига қараб кўйди.

— Вақтни қадрларкансиз-да, — дедим унга тикилиб.

— Умримга ачинаман. Ортиқча вақт сарфласам, ачинаман, — деди у жилмайиб.

— Лекин идиш-товоқ ювишга озмунча вақт кетадими?

— Тўғри. Аммо мен дам олиш учун ишлардим.

— Бундан чиқди...

— Ҳа, талабаман. Ўқишдан миям чарчаб кетади. Ювилган идишларни назоратдан ўтказиш, тахлаш менга завқ беради. Дам оламан. Бу ёғи маош ҳам келиб турибди.

— Сизга ҳавасим келди. Ўзимга ачиниб кетдим.

— Нега? Ахир яп-янги «Мерс»ни бу ердагиларнинг ҳаммаси минавермайди. Ёки... Дарвоқе, сиз қаерликсиз?

— Россиялик.

— Тушунарли. Сизга ҳеч нима мерос қолмаган. Фақат қайсидир заводни саросима даврида арзон-гаровга олгансиз. Ҳозир у жуда катта даромад берапти. Мен бу ҳақда ўқиганман.

Кулиб, салфеткани қўлимга олдим.

— Илтимос, қошиқни артманг, — деди қиз.

— Ҳа-а, эсим курсин. Сал бўлмаса... Исмингиз нима эди?

— Маргарита, — деди қиз табассум билан.

— Гап бундай, мадмуазель Маргарита. Сизнинг гапларингизга эътирозим йўқ. Ҳақиқатан ҳам, Россиядаги бойлар, асосан, пулларини шу тахлит топишган. Аммо бошқача

йўл билан сармояга эга бўлганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ улар ҳам ўтаётган вақтлари ҳақида деярли ўйлашмайди.

— Ҳечқиси йўқ. Демак, улар омадли одамлар экан. Сиз шу ҳақда гапиргандингиз.

— Дарвоқе, ҳозир, — дея чўнтагимдан телефон олиб, Пётр Сафоновичнинг рақамини тердим ва унга битта қизни ишдан бўшашига сабабчи бўлиб қолганимни айтдим.

— Бу ниҳоятда оддий ҳол, дўстгинам. Сизнинг майда-чуйдалар билан аралашиб қолишингизни сира истамайман. Аммо ўша қизга ёрдам бераман. Манзилни айтинг. Йигитлар ёнингизга боришади, — деди Пётр Сафонович.

Мен дарров кўча ва рестораннинг номини айтдим.

— Бўлдимиз? — дея менга нигоҳ ташлади Маргарита.

— Албатта. Ҳозир йигитлар...

— Йигитлар?

Қизнинг юзи бирдан жиддий тус олди. Бир муддат ўиланиб тургач, у:

— Мабодо нозикроқ... Бунинг учун хафа бўлманг. Сўнгги пайтларда ҳар хил нарсалар тез-тез қулоққа чалиниб турибди... — деди.

— Сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг. Ҳаммаси жойида, — дедим қизнинг чўчиб қолгани боис мумкин қадар уни хотиржам қилиш учун.

Буюртмани келтиришди. Овқатлана бошладик. Қиз соатига қараб қўйди.

— Ўтаётган умрингизни қадрлашингиз, албатта, менга ёқди. Айни чоғда мен ўзимни жудаям ёқимсиз ҳис этаяпман. Гапларимнинг ҳам тузи йўқдай, назаримда.

Маргарита нима демоқчи бўлганимни дарров илғади ва соатини ечиб, сумкачасига соларкан:

— Гарчи хорижлик бўлсангиз-да, тилни яхши биларкансиз. Ҳали сиз вақтига эътибор бермайдиган кишилар ҳақида гапирган эдингиз. Мен бунинг сабабини топдим.

— Хўш, — дея санчқи билан товук гўштини олиб, ликопчага қўйдим.

— Уларнинг ёнларида яхши суҳбатдошлари бор экан. Худди ҳозир мени зериктирмай ўтирган одамга ўхшаган.

— Билимингиз борлиги кундай равшан. Айни гапни топиб айтдингиз. Мен эса шўрваннинг мазали эканлигини сизга билдириб қўймоқчиман.

— Дарвоқе, сиз бизнинг ресторанда нима буюртма қилгандингиз.

- Куён шўрва.
- Худди ҳозиргидай.
- Ҳа.
- Татиб кўрдингизми?
- Сизни йўқотиб қўйишдан чўчидим.
- Ҳақиқий жентельмен экансиз.
- Бўлса бордир.
- Сизнинг менга топган ўша ишга дахлингиз борми?
- Нима десам экан? Озгина бўлса керак. Лекин сиз билан

кўришолмаймиз, деб ўйлайман.

— Нега?

— Яқин кунларда Россияга қайтиб кетсам керак.

Мен косани деярли яримлатиб қўйган эсам-да, Маргарита шўрвага эндигина қошиқ тикди. Икки-уч марта шопирди. Сўнг ярим қошиқ шўрвани оғзига солди. Худди синовчидай бир муддат кўзини юмиб турди.

— Мазали экан. Лекин бизнинг ресторанда бундан ҳам мазали қилишади, — деди ва тамаддиланишга тушди.

Орадан йигирма дақиқалар ўтиб Пётр Сафоновичнинг йигитлари келишди. Юмшоққина, мўмингина, қўй оғзидан чўп олмаган йигитлар. Тарбияси зўр-да. Буйруқни бошлаб бажаришади. Қўполлик, ваҳшийликни ана шу беозорлик ортига яширишни бошлаб уддалашади-да.

— Маргарита ажойиб қиз. Бугундан эътиборан ишга жойлашса, яхши бўларди. Дарвоқе, Маргаританинг шарти менга маъқулроқ туйилди, — дедим «Қиз тушунсин, бошқа хаёлга бормасин», деган ўйда олмонча гапириб.

Йигитлар бош қимирлатиб, «Хўп. Хўжайинга худди шундай деймиз», деган ишорани қилишди.

— Афсуски, сиз билан бирга кетолмайман. Аммо ишонтириб айтаманки, сиз янги ишингиздан мутлақо афсусланмайсиз, ўқишингиз ҳам жойида бўлади, — дедим Маргаритага.

— О-о, мен сиздан бениҳоя миннатдорман. Аммо сиз билан қайта кўришмаслик...

— Асло! — дея кўрсаткич бармоғимни юқорига кутариб, унинг гапини бўлдим. — Асло бундай дея кўрманг. Насиб этса, биз яна учрашамиз.

— Унда менга рухсат, — дея қиз ўрнидан турди.

Мен ҳам ҳурмат юзасидан турдим. Қиз аввал қўлини берди, сўнг бунга қаноат ҳосил қилмади, шекилли, бир қўлини бўйнимдан ўтказиб, юзимдан ўпиб қўйди.

Бу оддий ҳол. Айниқса, ҳозир мен яшаётган давлатда. Шунга қарамасдан, юзимдан тер чиқиб кетди.

— Албатта, сиз билан учрашаман, — деган шивирлаш эса қизартириб юборди.

Гўё илк маротаба аёл киши мени қучган ва қулоғимга шивирлагандай эди. Ўзимни эндигина ўн саккизга кирган йигитчадек ҳис этдим. Маргарита довдираб қолганимни сизди ва кетгиси келмай, йигитларга норозиланиб қаради.

— Хоним, сизни машинада қутамиз, — деди унинг боқишига жавобан йигитлардан бири мийиғида кулиб.

— Ташаккур, — деди Маргарита, сўнг йигитларни нигоҳи билан кузатиб қўйди-да, менга юзланиб: — Кетолмадим. Оёқларимнинг юргиси келмади. Рухсат беринг, яна бироз утирай, — дея жилмайди.

— Сиз вақтни қадрлайдиган одамсиз. Мен эса ҳали бироз ўтирмақчиман.

— Сиз бемалол овқатланаверинг. Мен кузатиб тураман. Вақт... Вақт. Уфф, рости, соат чарчатиб юборди. Қўйинг, эсламайлик.

— Ихтиёрингиз, — дея стакандаги шарбатни қўлимга олдим.

Шу пайт биздан уч-тўрт стол нарида ўтирган икки йигитга кўзим тушди. Уларнинг иккиси ҳам биз томонга қараб ўтиришарди. Башаралари совуқ, серсоқол. Сочлари жингалак, бурунлари узун. «Улар мени кузатишмаяптимики?» деган ўй ўтди хаёлимдан.

— Ёнингизда қолганим ёқмадими? — деди Маргарита жимиб қолганимни кўриб.

— А-а, йўқ. Ҳаммаси жойида. Фақат овқатланаётганимда биров қараб турса, томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Шунинг учун мени кечирасиз.

— Тушундим. Лекин сиз ажойиб йигит экансиз, — дея Маргарита ўрнидан туриб, сумкачасини елкасига илди-да, эшик тарафга кетди.

Мен гўё унинг кетаётганига эътибор бермаётгандай шарбатни ичарканман, зимдан анави икки йигитни кузатдим.

Улар қиз ёнларидан ўтаётганида, унга тикилишди. Сўнг бир-бирига нимадир дейишди.

«Ана энди ҳаммаси аниқ бўлди. Демак, ортимдан тушишган. Бўпти, шунқорлар. Ўзларингизни сездирганларингиз учун раҳмат», дея хаёлимдан ўтказиб, хизматчини чақирдим ва ундан ҳожатхона қардалигини сўрадим. У бошқалар эшитмасин деб, хиёл эгилди-да, шивирлаб орқа тарафда, чапда эканлигини айтди.

Бояги икки изқуварнинг ортимдан ҳожатхонага боришларини қутган эдим. Адашмабман. Афтидан, улар мени шу ердаёқ тинчителишни режалаштирган, шекилли, ҳожатхона эшигини ёпиб, қўлимни ювишга улгурмасимдан пайдо бўлишди. Одам шунақанги шошма-шошарлиги, ақлсизлиги оқибатида ёки ўз кучига ҳаддан зиён ишониб, рақибни менсимаслигидан панд еб қолади. Ҳовлиқмаларнинг иккови бирдан отилиб кирди-да, шу заҳоти бир-бири билан тўқнашиб кетди. Менимча, каллаларининг урилишидан кўзларидан ўт чиқиб кетдиёв. Ҳа-а, буни бошқа пайти душманинг таям раво кўрмайсан. Лекин начора, улар «сузишмаса», мен қийин аҳволга тушиб қолардим-да. Уларни ағанаттанымдан кейин эски одат бўйича қулоқларининг орқасини силаб қўйдимки, токи ухлаш муддатлари чўзилсин.

Ҳеч нарса кўрмагандай еган овқатим учун ҳисоб-китоб қилдим. Сўнг ресторандан чиқиб, машинага ўтирдим-да, моторни ўт олдириб, газни босдим.

Таъқибчилар менда ғалати таассурот қолдирди. Чунки неча вақтдан бери ортимдан биров пойлаб юрмаганди. Осоишталикка қўниқиб қолгандим.

Шаҳардан чиқиб кетгунча кўзгута тез-тез қараб қўявердим. Сабаби, «Ортимдан бирорта машина қувиб келмаяптимики?» деган ўйда эдим. Йўқ, ҳартугул, мени рестораннынги ўзидаёқ тинчителишларига бошқаларининг ҳам кўзи етган, шекилли, қўшимча таъқибчи қўйишмабди. Икки ёнида дарахтлар қатор тизилган текис йўлда машинани елдириб кетарканман, ичимда ортиқча сув тўпланганидан безовталаниб қолдим. Машинани тўхтатдим. Бориб заруратни бажариб, эндигина ортга қайтгандим ҳамки, дарахт шоҳида турган қуш ўз-ўзидан потиллаб учиб кетди. Ростки, чўчиб тушганимдан юрагим товонимга тушиб кетаёзди. Қуш бўлса, кўкка парвоз қиларкан, худди «Бопладимми?» дегандай «чарақ-чуруқ, чарақ-чуруқ» дея сайради.

— Шошмай тур, юрак ёрилиши қандай бўлишини кўрсатиб қўяман сенга! — дея ҳайқирдим соф ўзбек тилида ва унинг парвозини томоша қила бошладим.

Бирдан қуш бўлгим келиб кетди. Ахир хотиржам, ташвишсиз кўкда қанот қоқишга нима етсин?

Қуш озроқ узоқлашгач, яна ортига, менинг тепамга қайтди. Мен худди унинг инига даф қилаётгандай, безовталаниб сайради.

— Бўпти, бўпти. Кўп қарғайверма, ининг, болаларинг шу яқин-атрофдаги дарахтда бўлса, мен кетдим, — дея машина

томон кета бошладим ва кутилмаганда юрагим безовта тепаётганини сездим.

«Яна нима бало яқинлашаяпти? Наҳотки ортимдан кувиб келаётган бўлишса? Унда дарров машинага ўтириб, қочишим керак. Янги, учқур тулпорим беш дақиқада кўз илғамас узоқликка олиб кетади мени», деб ўйлаганча қадамимни тезлатдим. Шунда кўкдаги қушнинг багтар жонсарақ бўлаётгани қулоғимга эшитилди. Гарчи миямда тезроқ жуфтакни ростлаш ўйи бўлса-да, беихтиёр тўхтаб, осмонга қарадим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, қуш жуда безовта эди. «Қизиқ, у нимадан дарак бераёпти экан? Ортимдан кувиб келаётганини тушунган, қочиб қолмоқчи бўлсам... Бундан бошқа яна нима бор?» дея кўнглимдан ўтказдим ва «Мерс» томонга югура бошладим. Бир маҳал анча нарида катта тезликда келаётган машинани кўриб қолдим. У олифта уловлар тоифасидан эди. Шубҳасиз, менинг ортимдан тушишса, худди шунақанги машинани танлашади. Бошқаларининг мени кувиб етиши амримаҳол. «Садқайи Пётр Сафонович кет. Шундай қалтис пайтда ҳеч бўлмаганда биттагина тўппонча бериб қўйсанг, ўлармидинг?» дея ҳаёлимдан ўтказдим-да, худди ҳожат безовта қилаётган одамдай ортимга ўтирилиб, ўрмон томон югурдим. Ажабо, изимга қайтганимни кўрган қушнинг безовталиги камайди. Сайраши узук-юлук чалинардиги қулоғимга. Бундан чиқди, агар қушнинг сайрашига ишонадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, ўша келаётган машинада душман бор. Ҳали замон етиб келишади. Овга чиққаннинг ов қуроли созланган бўлади. Унга чап беришнинг ягона йўли эса ўрмон ичкарисига кириб бекиниш.

Улгурдим. Шоша-пиша шимимнинг тугмаларини ечган киши бўлдим. Аммо... Аммо хавотирим беҳуда экан. «Иномарка» зувиллаб ўтиб кетди. «Савил қолгур қуш, икки марта боппладинг-а? Афсуски, жудаям баланддасан. Бахтинга менинг қуролим йўқ. Йўқса, кўрсатардим алдаш қанақа бўлишини...»

Ҳафсалам пир бўлиб, ортга қайтарканман, судралганча оёқ ташладим. Ажабо, қуш тагин тепамда пайдо бўлди.

— Ярамас, яна мени чув туширмоқчи бўлдингми?! Шошмай тур, — дея энгашиб оёқ остидан тош қидирдим.

Ёнғоқдай, аммо мўлжалга аниқ тегса, унча-мунча қушни асфаласофилинга кетказадиганидан топдим. Қуш сезмасин деган ҳаёлда қўлимга олиб, кўкка кўз ташладим. Қуш пича пастлабди. Безовталиги икки ҳисса ошган, тинимсиз сайрамоқда эди у.

«Ҳозир сен ярамаснинг овозингни ўчираман. Тош билан сийланганинг бир бўлади, ерга гупилаб тушганингдан кейин эса аниқ бирон жойинг синади», деб хаёлдан кечирганча тошни осмонга отдим. Тош қушга етиш тугул, яқинигаям йўламади. Камига тўппа-тўғри тепамга отган эканман, сал бўлмаса, ўзимнинг бошимга тушай деди.

— Маза қилдингми?! Боплаб устимдан кулаяпсанми?! Мениям куладиган пайтим келар?! — дея бақирдим ва юравериб тинка-мадори қуриган одамдай машинамининг ёнига бордим.

Эшикни очарканман, соатнинг чиқирилаган товуши эшитилиб қолди. Бир зум тин олиб ўтирдим-да, хаёлимга келган ўйдан юрагим ёрилаёзиб, уч марта думаладим. Кейин бирдан гумбурлаган овоз эшитилди.

Бир муддат нима бўлганини билюлмай гарансиб ётдим. Негадир уйқум келаверди: «Туришим керак. Эртароқ бу ердан кетишим зарур», дейман ўзимга ўзим. Аммо қимирлагим келмайди. «Қани энди тўшак бўлса-ю, маза қилиб ухласам, биров халақит бермаса», кўнглимдан ўтказдим ва яна бироз ётдим.

— Нима бўлибди?!

— Наҳотки портлаган бўлса?!

— Одам бормикан?

— Золимлар иши!

— Полицияга тезроқ кўнғироқ қилиш керак!

Аёл ва эркакларнинг бақир-чақири мени сергаклантирди. Полиция келмасидан жуфтакни ростлашим лозим, йўқса, сурсур бошланиб кетиб, аслида кимлигимни билиб олишади.

Устимдан нимадир босиб ётарди. Қарасам, эшик экан. Кўтариб ташламоқчи бўлганимда, бир нотаниш аёл:

— Ака, ака! Тирик экан! Ёрдам беринглар! — дея бақирди.

Оёқ товушлари эшитилди.

Улар менинг ёнимга келишди. Икки ё уч кишилашиб мени босиб турган эшикни кўтаришди.

— Имм! — дея белимни ушладим ётган жойимда.

— Омонмисан?

— Ҳозир «Тез ёрдам» келади!

— Тирик қолибсан-а!

— Нима бўлди ўзи?!

Кетма-кет берилган саволларни гўё эшитмаётган одамдай ўрнимдан тура бошладим. Шу заҳоти кўмакчилар пайдо бўлишди. Икки кўлимдан ушлаб кўтаришди. «Жинни бўлишим керак» деган ўй келди хаёлимга.

Оёққа туришим билан бошимни ушладим. Атрофимда йиғилган тўрт-беш одамга ҳайрат-ла боқдим. Улар эса тинимсиз савол беришарди. Бир кампир қўлларимни, баданимни ушлаб кўрди.

— Дунё остин-устун бўлиб кетди. Осмондан юлдуз тушди. Мен самовий бўшлиқ сари учушим зарур. У ерда дунё кафтдек кўринади, — дедим.

Ҳамма менга анқайганча термилиб турар, пойинтар-сойинтар гапларимдан, эҳтимол, «Томи кетиб қолибди», деган хаёлга боришгандир. «Немисчага анча тилим келиб қолибди. Наташа, Луиза билан сўзлашаётганимда тутилиб қолардим. Ана, ресторанда Маргаритага бинойидай гапирдим. Мана, яна дудуқланмадим...», дея хаёлимдан ўтказиб, шартта ортимга ўгирилиб кета бошладим.

— Қаерга кетаяпсан?! — деди кампир.

— Миясига ёмон таъсир қилибди.

— Ушланглар уни!

Мен уларнинг гапларига мийиғимда кулиб қўярканман, қадамимни тезлатдим. Ҳализамон ўрмон ичкарисига кираман. Кейин югураман.

Ортимдан ҳаллослаб келган икки киши қўлимдан ушлади.

— Қўйворинглар, мени порлоқ келажак кутмоқда. У ҳув анави ёқда, ўрмон ортида. Ям-яшил водийда, — дедим мени тутиб турганларга қарамасдан.

— Биламан. Лекин пиёда юриб етолмайсан у ёққа. Яхшиси, машинада...

— Машина!.. — дея бирдан ҳайқириб юбордим, — Йўқ, йўқ, машина ёмон, ёмон машина! — дедим-да, уларнинг қўлларини силтаб ташлаб, югуриб кетдим.

— Ушланглар! Ўзини бир нарса қилиб қўяди! Ақлдан озибди, — деб ўкиришди менга ёрдам бермоқчи бўлганлар.

Шу пайт қулоғимга полиция машинасининг сиренаси эшитилди. «Валак-салаклар, қасрда тайёр турган экан?» дея хаёлимдан ўтказиб, қадамимни янада тезлатдим. Ўрмонгача бирор ўн қадам бор. Тезроқ юурсам, полициячилар машинадан тушгунларича қочиб қолишга улгураман.

— Тўхта, отаман! — қичқирди полициячи.

«Жа аҳмоғингни топибсан-да», дея янада тезроқ югурдим ва йиқилиб тушдим. Чирмовиққа ўхшаган аллақандай ўсимлик тутиб қолди. Ўзиям ўмбалоқ ошиб кетдим. Кейин... кейин қолгани расво бўлди. Ўрнимдан турай десам, оёғим лўқиллаб оғрияпти. Бу аҳволда қочиб қутулолмайсан, яхшиси, жиннига айланиш зарур.

— Менга тегинманглар! — дея бақирдим етиб келган полициячиларга. — Ўрмон орти мени кутиб турибди. Сўлим боғлар, чиройли қизлар...

— Қанақа сўлим боғлар?! — деди полициячилардан бири.

— Йигитча ақлдан озган. Портлаш таъсири, — дея изоҳ берган бўлди ҳаллослаб келган ёши ўтинқираган, сочлари оппоқ, бақ-бақаси осилган, сариқ футболка, жинси шим кийган киши.

— Ҳа, тушунарли. Лекин ҳечқиси йўқ. Яхшилаб даволаб қўйишади. Хўш, машина қандай портлади? — сўради полициячи менга кўзини лўқ қилиб.

— Машина портлади. Гум! А-а-а-а, ёрдам беринглар! Портлатишди! — дея бўкириб юбордим-да, думалай бошладим.

— Боя биз ҳам машина ҳақида гапирганимиздан сўнг, у мана шунақа жазавага тушганди. Афтидан, «Тирик қоламан» деб ўйламаган бўлса керак, — деди сариқ футболкали.

— Ҳаммасини кейин ҳал қиламиз. Илтимос, «Тез ёрдам» машинасини чақиринглар, — деди полициячи ва энгашиб кўлимдан ушлади. — Ҳаммаси ўрнига тушиб кетади, сиқилма. Бошинг омон қолибди-ку, шунга хурсанд бўлавер.

Унинг гапидан кейин мен баттар типирчилашга тушдим.

Шу ўтган қисқа фурсат ичида ўнлаб ўткинчи машиналар тўхтаган, улардан тушган одамлар ўттиздан ошиб кетганди. Ҳамма бир-биридан нима бўлганини, нега менинг машинам куйиб кетганини сўрашарди.

«Тез ёрдам» кўп кутгирмади. Мен бу пайтда полициячилар машинасида ўтирганча қўлларим билан бошимни яшириб олгандим. Полициячиларнинг гапларига алмойи-алжойи жавоб қайтариб, ора-чора газаб билан ўриндиқни ғажимоқчи бўлардим, ҳуллас, жинниликимни намоёйиш этаётган эдим.

Дўхтирлар ёмон экан. Полициячиларнинг икки оғиз гапига ишониб, думбамга укол санчишди. Шундан сўнг икки дақиқа ҳам ўтмай, пинакка кетдим ва кейинги воқеаларни идрок этолмадим.

Хастахонада ўзимга келдим. Кўзимни очишим билан полициячини кўрдим. У уйқусираб ўтирарди.

— Оҳ машина, воҳ-воҳ машина! Гўзал машина, янги машина, — дея хиргойи қила бошладим.

Полициячи менга қараб кулди, кейин иржайди.

— Рост айтасан, машинанг яп-янги экан. Ачиндим...

— Ҳе, онангни эмгур! — дедим бирдан унинг гапини бўлиб. — Сен ит, менинг яшил водийимдаги хурмоларни кесибсан-ку!

Полициячи бақа бўп қолди.

— Сен ҳаромини танидим. Устингдаги лаш-лушларингни ўзгартирибсан, лекин сени таниб олдим. Танайми дебсан-а?! — дея бармоғимни унга кўрсатиб силкитдим.

— Нималар деяпсан? Қанақанги яшил...

— Ҳа, энди қўлга тушдинг, ярамас! Мен сени сарғайтириб қўяман, — дея каравотдан сакраб тушмоқчи бўлдим-у, инграб юбордим.

Йўқ, каравотдан тушмадим, ҳеч қаерим оғримади ҳам. Шунчаки инградим. Довдираб қолган полициячи эса шу заҳоти дўхтирларни чақирди ва ўзи чиқиб кетди.

Менга укол қилишди, яна ухлаб қолдим. Кейин элас-элас эслайман, қандайдир аравачага ўтқазинди-да, бир жойларга оборишди. Қанақангидир аппаратга туширишди. Касаллигим хусусида иккита дўхтир обдан маслаҳатлашишди.

— Соппа-соғ, нега ўзини жиннилардай тутяпти? — деди бири иккинчисига.

— Ҳайронман, телбалик аломатларини кўрмайпман. Портлашнинг жуда яқинида бўлган. Бир-икки кун ўтказиб, яна текшириш керак. Ҳозирча тинчлантирувчи укол қилиб турамиз.

Уларнинг якуний хулосаси шу бўлди.

Ўзимга келдим. Ўша олдинги палата. Худди учар жисм ичкарисида ётганга ўхшайман. Дўхтирларнинг юриш-туриши, кийимлари, турли аппаратлари, гоҳ-гоҳида имо-ишоралар билан сўзлашиши, ҳамма-ҳаммаси учар ликопча... Ҳа, худди шундай, фантастик кинолардагина бўладиган учар ликопчанинг ўзгинаси эди.

Келган дўхтир эҳтиёткорлик билан менга яқинлашди. Қўлидаги шприцга дори тортилган.

— Ҳимолай тоғининг қаердалигини биласанми? — сўрадим ундан.

У бошини сарак-сарак қилди.

— Унда нима қилиб дўхтир бўлиб юрибсан? Яна замонавий клиниканинг врач, суф сенга!.. — дедим жаҳл билан.

— Ҳа-а, сен ҳақсан, — деди у.

Унинг оғзи латта ниқоб билан тўсилгани боис кўзлари кулиб турганини кўриш мумкин эди.

— Жағингга ўхшатиб бир туширай, — дедим қўлимни мушт қилиб.

— Нега? — дея у ортига тисарилган бўлди.

— Биринчидан, Ҳимолай тоғини билмаганинг, иккинчидан, қўлингга тўппонча ушлаб олганинг учун. Сен душмансан! Ўрта асрлардаги душман!..

Дўхтирнинг қўлт этиб ютингани эшитилди. У бир муддат киприкларини пирпиратиб турди, кейин секин юриб эшик ёнига борди-да, чиқиб кетди. Очиғи, маза қилдим. Овсарлик, юраксизлик ҳам шунчалик бўладими, икки оғиз пўписамдан кўрқиб, қочиб кетса-я? Ёки менга ҳақиқатан ҳам «жинни» деган тамға босилдими? Ростдан ҳам, жинни бўлсам-а? Унда аҳволим чатоқ-ку. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Мана, бинойидек ўйлаяпман. Дўхтирларни лаққа тушираяпман. Демак, ақлу ҳушим жойида. Мақсадим — текшир-текширлардан омон чиқиш, қолгани бир гап бўлар.

Эшик очилиб, калта оқ халат, оқ шим кийган икки аёл кириб келди. Ҳар икковиям тўлагина. Икковининг ҳам қовоғи солиқ эди.

— Кўзичоқ, кабоб бўлгинг келдими? — деди улардан бири хунук иржайиб. — Ҳозир нимталаб, гўштингнинг яхши жойларини ажратиб оламиз.

— Эй-й, менинг гўштимнинг сира мазаси йўқ. Ҳаммаёғи вирус. Касал бўлиб қоласизлар. Мен-чи, Карл IVнинг қизи билан рақсга тушганман.

Аёллар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарашди.

— Қанақа Карл? — деди гўштимни кабоб қилмоқчи бўлгани.

— Карл IVни танимайсизларми? Ўтган ойнинг ўн бешинчисида у бал уюштирди. Шунақанги жанонлар келишдики, сўлагинг оқади... Мен шляпамни қўлга олиб, жентелменлар каби эгилиб, таъзим бажо келтирдим ҳамда Елизаветта хонимнинг қўлини ушладим. Унинг бели хипча, юзи оппоқ, лаби қип-қизил эди. Кийиб олган париги...

— Ҳали ҳаммасини гапириб беришга улгурасан, — деди у ҳикоямни охиригача эшитмай, тўғрироғи, эшитгиси келмай.

Сабаби, Елизаветтанинг номини эшитиб, гаши келди. Чунки ўзи ундай бўлолмайди-да, юзидаги сепкиллар, бунинг устига, бадқовоқлиги ва семизлиги халақит беради.

Иккаласи икки ёнимдан ўтиб, бараварига ўзларини устимга ташлашди. Войбўй, бунча оғир бўлмаса? Бадбўй ҳид келишини айтмайсизми? Афтим буришиб, қимирлолмай қолдим. Аёллар гавдаларига нисбатан хиёл чаққон экан, бирпасда қўл-оёқларимни каравотга чандиб боғлаб ташлашди.

— Наполеон саркардасига беҳурматлигингиз учун ҳам жавоб берасиз! — дея ҳайқирдим.

Аёллар кулишди.

— Наполеон саркардаси жа нимжон экан-да? — дейишди.

— Қирол номи билан айтаман, тезда қўлларимни ечинг-да, мундирларимни келтиринг! — дедим қовоғимни солиб.

Аёллар маза қилишди. Анчадан бери мен каби жиннига дуч келишмаган, шекилли, қотиб-қотиб кулишди. Шундан сўнг бири боя оёғи куйган товукдай қочиб қолган дўхтирни чақириб қолди.

— Келиб ишингни бажар! Бирам мулойим бўлиб қолдики, Наполеон саркардаси худди мушукка ўхшайди.

— Сизнинг қўлингизга тушган ҳар қандай йиртқич ювош тортиб қолишини биламан, — деди врач ва ёнгинамга стол қўйиб, ўтирди.

Аёллардан бири унга ёрдам берган бўлиб, енгимни шимарди.

— Ўйинчоқ тўппончанг отмайдими? — дедим дўхтирга.

— Ўзинг ўйинчоқ деб турибсан-ку, қаёқдан отсин?!

У укол қилди. Мен бирдан ҳўнграб йиғлаб:

— Оғриди! — дедим.

— Ҳечқиси йўқ. Энди ҳақиқатан ҳам, мўмин-қобил бўлиб қоласан, — дея мени тинчлантирган бўлди дўхтир.

Бу сафарги уколдан кейин ухлаб қолмадим. Лекин қандайдир хотиржам эдим. Шу боис шифтга термилганча ётавердим.

Тахминан орадан уч соатча ўтди. Бояги хотиржамлик йўқолди. Қўлларим боғланганидан сиқилиб кетдим. «Қўлимни ечинглар!» дея бақирмоқчи бўлдим-у, ўзимни тийдим. «Жинни-лигимга ишонмай қўйишади», деб ўйладим ва тишимни тишимга босганча кўзимни чирт юмдим. Шу тахлит ухлаб қолмоқчи эдим. Бироқ уйқу ҳам аразлаган, шекилли, ҳеч келай демасди. Яна бир қанча вақтдан сўнг ўша таниш полициячи келди.

— Шоввоз, ишлар қалай? — деди кулиб.

— Ҳе, онангни... — дея сўкиндим унга жавобан.

— Тушунмадим, — дея у менга бирдан ўқрайиб қаради.

— Сен «Максимилан» кemasига ҳужум қилган қароқчилардансан! Ҳа, мен сени таниб қолдим. Биз Ҳиндистондан қайтаётган эдик. Жангда ғолиб чиқдик. Тумтарақай қочдинг. Кейин яна бир марта ҳамла қилдинг. Бор-йўғи икки киши омон қолиб, ёғоч устига чиқволиб, зўрға қирғоққача етиб келганмиз, — дедим жаҳл билан.

— Оббо, шунақамиди? Мутлақо хотирамдан кўтарилган экан. Энди менга айт-чи, машина қандай портлади? Сен қандай омон қолдинг?

— Машина? Йў-қ, йў-қ-қ, мени қутқаринглар! Ана, соат чиқилаяпти, қочиш керак! Қочишимга ёрдам беринг! Қўлимни қўйиб юборинглар! Қўйиб юборинглар! Қўйиб юборинглар!

Мен тинимсиз бақариш билан бирга ўзимни ҳали у ёққа-ҳали бу ёққа ташлашга уринар ва ҳар сафар оёқ-қўлларимни боғлаб турган ип тортиб қоларди.

Полициячи яна дўхтир чақаришга мажбур бўлди.

Ич-ичимдан хурсанд эдим. Ахир ролимни маҳорат билан ижро этаётган эдим-да. Лекин бу қанча давом этади?.. Бу ёғи танамга қандай дори юбораётганлари ҳам менга маълум эмасди. Тўғри, уколдан кейин ўзимни анча хотиржам ҳис қилаяпман. Бироқ соғлом танага юборилаётган кераксиз дори, албатта, қайсидир аъзога салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин-ку. Демак, бундан бу ёғига укол қилишларига йўл қўймаслигим зарур. Палатамга нотаниш дўхтир кирди. Кирди-ю, оёқ-қўлимни кишандан бўшатди. Сўнг ҳалатини ечиб, қўлимни букди-да, мушакларини кўрсатди.

— Спорчи, бокс, самбо бўйича Олмония биринчилиги қатнашчиси. Югуришда чемпионларни ҳам ортда қолдирувчи шахс рўпарангизда. Шундай экан, ҳар қандай ҳамла ёки қочишни дафъ эта оламан, — дея ҳалатини кийиб, стулга ўтирди ва оёқларини чалиштириб олди.

Мен эса ўрнимдан туриб, чордана қуриб ўтириб оларканман, билагимни силадим.

— Мен психотерапевтман, — деди дўхтир.

— Ўргимчак шунча ипни қандай ичига солиб юаркан? — дедим дўхтирнинг гапига эътибор ҳам бермай.

— Демак, ҳашаротлар ҳақида гаплашамиз. Буни қарангки...

— Биттасини еганман. Кейин икки кун қусганман.

Дўхтирнинг афти ўзгарди.

— У пайтлар ўрмонда яшардим. Африка ўрмонларида иштон киймасдим. Барглар, ўт-ўланлар ип вазифасини бажарарди.

Гапларимни диққат билан тинглаётган психотерапевтнинг юзига қон югурди.

— Бир куни тимсоҳ дуч келиб қолди. Мен бу пайтда Амазонка дарёси irmoғидан ўтаётгандим...

— Амазонка Америкада, — дея гапимни бўлди психиатр.

— Ҳа, дельфинлар сузиб юради. Наполеон қўшинининг саркардаси учун ҳар қандай душман икки пул. У керак бўлса, Карл IVнинг қизи билан бемалол балда рақс тушиши мумкин.

— Тасанно, зўр, зўр! — дея қарсак чалди дўхтир.

Шу пайт мен кўзимнинг қорачиғини айлантира бошладим. Ёшлигимда синфдошларим билан қорачиқ айлантирар ўйнардик. Бугун синфда йигирмата ўғил бола бўлса, шундан бори ўғил олтитасига қайта-қайта уринишдан кейин кўзни бойўғилинигига ўхшатиб айлантириш насиб этган. Шулардан биттаси мен эдим.

— Дахшат! Қойил! Циркда ишлашинг керак! — дея ҳайқирди дўхтир.

Мен бошимни ёстиққа ташладим ва индамай ётавердим.

— Нега жимиб қолдинг? — сўради жиннилар ҳаками.

— Битта чивин тутиб бер, роса қорним очқади. Наполеон саркардасига хизмат кўрсат. Йўқса, авахтада чирийсан.

— Тушундим. Қорнинг очқаган. Ҳозир сенга овқат олиб келишади.

У чиқиб кетди. Бопладим, ўзича мени текшириб кўрмоқчи эди. «Асбобинг аниқлолмаётган нарсани сен қаёқдан биласан?» дедим ичимда ва ўрнимдан туриб, ёстиқнинг бир чеккасини ғажий бошладим. Ахир палатага камера ўрнатилган ва мени кузатаётган бўлишлари мумкин-да.

Ёстиқни қанча чайнамайин, йиртилмади. Савилнинг матоси пишиқ экан. Аммо мақсадимга етдим. Ҳақиқатан ҳам, кузатишаётган экан, анави зўравон аёллар кириб келишди. Олдингидай ташланиб, тагин оёқ-қўлимни боғлай бошлашди.

Шу кунни мени бошқа жойга, яъни жиннихонага олиб кетишди. Хафа бўлишимниям, хурсанд бўлишимниям билолмай бошим қотди. Ахир ўзим мени жиннилар қаторига қўшишларини истагандим. Мана, ниятимга етдим. Энди бундан бу ёғига нима қиламан? Қарийб турмахонани эслатиб юборадиган тақиқларга бисёр макондан қандай чиқиб кетаман? Мана шу нарса мени қийнади.

Мени уч кишилик хонага жойлашгизишди. Борганимда икки ҳамхонам жойига чўзилганча ўзига ўзи бир нималарни гапириб ётишган экан. Мени кўрсалар-да, пинак бузишмади.

Мен эса ётмадим. Дераза ёнига бориб ташқарига қарадим. Оқшом тушган, ҳаммаёқ зим-зиё, ҳеч нарса кўринмасди. Айни дамда менинг-да кўнглим худди шундай эди, балки бундан-да баттар эди. Ҳеч вақо кўринмасди. «Нега шундай бўлди? Нега? Нега?» дея ўзимни сўроққа тутдим ва Пётр Сафоновичнинг уйидан чиққанымдан тортиб машина портлаган вақтгача бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказдим. «Қаерда хатога йўл қўйдим?» деб сўрадим ўзимдан ва шу ондаёқ жавоб топдим. Овқатланмаслигим керак эди. Эркинликдан ҳаддан зиёд қувониб кетмаслигим лозим эди. «Машинага бомбани ким

қўйди? Александр Абрамовичнинг одамлари. Ана, иккитасини ресторанда тинчитдим-ку!» Демак, улар ресторанга киришдан аввал машинага портловчи қурилма ўрнатишган. Мабодо емакхонада ишлари ўнгидан келмаган тақдирда ҳам, машина портлаб, мен гумдон бўламан. Шу боисдан ҳам бомбани маълум вақтдан кейин портлайдиган қилиб қўйишган. Бу биринчи вариант. Иккинчиси Пётр Сафонович. У мени кузатаётганида кўзини олиб қочди. Яна ҳеч бало бермагани етмагандай, дарвозадан чиқарди-ю, ҳайдади. «Бу ёғига ўлсанг ҳам, қолсанг ҳам, ишим йуқ», деди. Маргаритага иш сўраганимда эса, энсасини қотирди. Йигитлари қарийб йитирма дақиқадан кейин келишди. Шаҳарда қанчадан-қанча шотирлари изғиб юради, шулардан бирортаси кўз очиб юмгунча етиб келиши мумкин эди-ку... Кейин ресторандаги йигитларнинг пешонасига «Александр Абрамовичнинг одамлари» деб ёзиб қўйилмаган эди. Мен овсар ҳам, ҳеч курса, биттасидан ким юборганлигини сўрамасдан икковининг ишини барабар ҳалоллаб чиқиб кетибман... Уларни Пётр Сафонович ёллаган бўлса-чи?.. Тахминлар жуда кўп. Бу эса мени кўринмасдан ишлашга мажбур этади.

— Бер бу ёққа!

Чўчиб тушдим. Хаёлларим тўзғиб кетди. Ортимга утирилсам, икки хонадошим бир-бирини бўғаяпти.

«Падарингга лаънатлар, нимани бўлишолмаётган экан?» деган хаёлда ёнларига бордим.

— Бе-е-р! — ўкирарди бири.

— Ўзимники! — қичқирарди иккинчиси.

«Ажратиб қўймасам, булар бир-бирини бўғиб ўлдиришади», деган хаёлга бордим. Аммо шу заҳоти ниятимдан қайтдим. Кузатишаяпти. Синашаяпти. Менинг жинниликимга ҳали тўла ишонч ҳосил қилишмаган, деб ўйладим ва ўзимнинг каравотимга ўтириб, тирноқларимнинг остларини кўра бошладим. Ора-чора бинт билан ўралган оёғимни силаб қўявердим. Жиннилар анча вақт думалашди. Ҳали униси, ҳали буниси шеригининг устига чиқар, бўғар, бақирарди. Охири чарчашди. Ёнма-ён чалқанча ётволишди. Шундан кейингина мен уларнинг тепасига бордим ва ит эгасига қарагандай бошимни ликиллашиб тикилдим.

— Бер! — деди биттаси менга қўлини чўзиб.

— Туф, ана, ол.

Унинг юзига тупугим тушди. У ижирғанди. Ёнида ётган жиннини тепди.

— Мен сени танидим! Сен аблаҳ «Максимилиан» кемасига тажовуз қилган босқинчисан! Ўшанда биз снгандик! Сен ит,

яна ҳамла қилдинг! Тахта устида зўрға қирғоққача етиб олганман! Мана сенга!

Унинг биқинига кучим борица тепдим. Сўнг иккинчисига ҳам шундай деб бақирганча оёқларим билан сийладим. Улар ўрнидан барабар сакраб туриб, менга биргаликда ёпишишди. Шунинг ўзиёқ уларнинг жинни эмаслигини, мени синаш учун ётганлигини билдиради.

Ерга ағанадим. Аслида, оний лаҳзада уларни бир ёқли қилиб қўйишим мумкин эди. Бироқ унда сирим очилиб қоларди. Шу боис зиён етказиб қўйишмасин, деган ўйда ўзимни у ёқдан-бу ёққа ташлаб ҳимоя қилавердим. Бир-икки марта «жинни»ларни чимчиб олдим.

Эшик очилди. Тўртта оқ халатли бостириб кирди. Аяб ўтиришмади. Юзинг-кўзинг демай тепкилашди. Албатта, анави икковини авайлаб, менга эса раҳм-шафқат қилмасдан. Тавба, шуми цивилизацияси қўл етмас даражадаги давлатнинг аҳволи? Охирги эшитишимга қараганда, буларнинг жиннихоналари тугул, ҳаттоки турмаларига ҳам телевизорлар ўрнатилган, диванлар қўйилган, маҳкумларга нисбатан идеал муомалада бўлишарди-ку. Бу нима аҳвол? Жаҳлим чиқди. Шунга қарамасдан, калтакларига жавоб қайтармадим. Ҳали хонанинг у бурчагига, ҳали бу бурчагига қочдим. Бироқ тўрт киши, барибир, тутиб олаверишди. Ҳар тутганда уч-тўрт тепки еявердим. Қарасам, валак-салак оқ халатлилар ҳали-бери калтаклашдан тўхтамайдиган. Бу аҳволда майиб қилиб қўйишлари ҳам мумкин.

— Ир-р-р! — дея ўкирдим дераза томонга ўтиб уларга юзланарканман.

Тўртталаси ҳам бирдан жойида қотди. Ҳайратланиб тикилиб қолишди. Каравотнинг устига сакраб чиқдим-да, ёстиқни тишлаб йиртдим ва ҳали-ҳануз тахтадай турган дўхтирлардан бирининг устига ўзимни арслондай отдим. У чап беришга улгурмай, орқаси билан қулади. Шу заҳоти елкасига тишимни ботирдим.

Шўринг қургур:

— Кутурган! Кутурган! — дея ўкириб юборди.

Уни қўйиб юбордим-да, тезда каравотнинг устига чиқиб, арслон мисол тўрт оёқлаб турдим.

Мени хона бўйлаб қувлаётганларнинг учтаси қотиб қолганди. Гўё сеҳрланган, ҳадемай тошга айланадигандек эди.

— Ир-р-рр! — дедим овозимни янада баландлатиб.

Ҳайкалларга жон кирди. Учаласи ҳам эшик томон югуришди. Елкаси сийлангани ҳам ўрнидан турасола шериклари

ортидан жуфтакни ростлади. Алам, газаб билан кузатиб қоларканман, улар кетган томонга ёстиқни отдим. Айни пайтда кучим шундан бошқа нега ҳам етарди?

«Ия, жинни хонадошларим қаёққа кетди? Ана, ҳаммаси ошкор бўлди. Куз очиб юмгунча улардан олдин ташхис қўйиб бўлдим. Лекин ҳозир ақл йўқотиш ўйинини давом эттиришим зарур» дея ўйладим ва каравотдан сакраб тушиб полга ётдим-да, ётоқ остига қарадим, бир нималарни қидирган бўлдим. Албатта, излаганимни тополмадим. Бу мени жудаям қайғуга солиб, думалаганча йиғлай бошладим. Ўзга иложим йўқ эди. фақат шу аҳволда ухлаб қолишим ва баҳонада дам олишим мумкин эди.

Кўзим илинган экан, эшикнинг қарсиллаб очилишидан уйғониб кетдим. Бироқ кўзимни очмадим. Полда узала тушганча, чўзилиб ётавердим.

Кирганларнинг икки кишилигини гўлдираб гаплашганларидан билдим. Дарҳақиқат, улар мени жинни деб ўйлашаётган эди. «Худого шукур, мақсадга эришиб олдим. Энди бу ёғига нима қилишни яхшилаб режалаштиришим зарур» дея хаёлимдан ўтказдим.

Келувчилар кўлимга, томиримга игна санчишди. Қон олишди. Мен оғриқдан инграган бўлдим. Кўзимни очиб, уларга қараганча, бечоралар мисоли боқдим. «Қулт» этиб ютиндим. Шу билан ўзимни ниҳоятда абгор аҳволдалигимни кўрсатмоқчи эдим. Аслида ҳам, ҳавас қилгулик даражада эмасдим.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали отдай бўлиб кетасан, болакай, — деди биттаси ва бошимни силади.

У аёл эди. Тўладан келган, (қизик, нега буларнинг ҳаммаси бақалоқ? Наҳотки овқатни шунчалар яхши кўришса?) кафти юмшоққина эди. Худди мушукдай миёвлаб юборишимга сал қолди. Улар ишларини битириб, чиқиб кетишгач, менга овқат олиб келишди. Одам умрида қилмаган ишига қўл урса, ғалати аҳволга тушаркан. Буги чиқиб турган косадаги овқатни кўрдиму, кўзимни олайтирдим. Телевизорда кўргандим. Мультфильмиди, кўғирчоқ фильмиди ёки эртақ... Хуллас, ўшанда шайтонвачча нигоҳи тушиши билан қорнини силаб, «ням-ням», дерди. Ўша ҳолат айни дамда ёдимга тушганини қаранг, ҳатто кулиб юбориб, шунча қилган меҳнатимни ҳавога совуришимга бир баҳа қолди. Лекин «ням-ням» деб, борган сари йўқолиб кетаётган қорнимни силашни бошладим. Аниқ биламанки, кўрсатаётган кароматларимнинг ҳаммаси ниҳоятда

ишончли, табиий чиқаётган эди. Мана, овқат олиб келганлар бемалол жинни дейишппти. Ахир бу ерларда соғ одамга нисбатан асло бу атамани қўллашмайди. Чунки маданият, ҳа, маланият, виждон амри ва инсонийлик йўл қўймайди (Балонинг калтаги, қанақа виждон амри? Қўйиб беришса, «жинни» дейиш севиклисига айтилган энг юмшоқ, сеҳрли сўзга айланади).

— Қорнинг очиб кетдими? Ўзим ўргилай, мана сенга овқат. Одобли бола бўлиб ўтирсанг, яна келтирамиз.

Кирганларнинг бири аёл эди. Бошқаларидан фарқли ўлароқ қотмадан келган, қорача аёл. Ана шу аёл мени эркалади. Худди гўдакни сут билан сийлагандай, эркалади. Шу заҳоти оғзим қийшайиб, ўшшайдим. Ўхшасин деб, бироз тупук ҳам чиқардим ва косани аёлнинг қўлидан тортиб олдим-да, каравотимга ўтирганча, тиззаларим орасига қистириб, худди овқатини бошқа биров тортиб олишидан чўчиётган жонивордай (майли, у йиртқич бўлса ҳам) атрофга олазарак боқдим.

— Бемалол еявер, ош бўлсин. Тўймасанг, яна олиб келамиз, — деди ҳалиги аёл.

Шундан кейингина қошиқни қўлимга олиб, кўрқа-писа овқатланишга тушдим.

Ҳа, жиннилим тўла исботланган эди. Демак, мени ҳеч ким сўроққа чақирмайди ва жиноятчилигим ошкор этилган тақдирда ҳам қамашмайди. Ҳозирча менга шуниси маъқулроқ.

Ярим тун. Шифтга қараб ётибман. Хаёлимдан мени ўлимдан олиб қолган қушча кетмайди. Уни боплаб сўқдим. Тош отиб ҳайдадим. Лекин у кетмади. Машинадан узоқлашсам, узоқлашди, яқинлашсам, яқинлашди. Жони борича чирқ-чирқ қилди. Хавфдан огоҳ этди. Мен бўлсам, ҳеч балога тушунмай... У оддий қушмиди? Шунчаки-я?... Тасодифан... Мумкин эмас. Наҳотки руҳ бўлса? Руҳ... Кимнинг руҳи? Яқинларнинг руҳи кишини турли бало-қазолардан асрайди, деб эшитганман. Кимнинг руҳи эди ўша қушча? Яқинларим, яқинларим... Нима?! Наҳотки! Бўлиши мумкин эмас!

Ўрнимдан сакраб турдим. Бутун аъзойи баданим дағ-дағ қалтирар, пешонамда реза-реза тер пайдо бўлганди. Кўрқиб кетдим. Чунки энам сиймоси кўз ўнгимда намоён бўлганди. Агар ўша қушча энамнинг руҳи бўлса, унда... Йўқ, йўқ, бошқа ўйламайман. Қушча шунчаки тасодиф. Шу яқин атрофда унинг ини бўлган. «Машинангни олиб кет, болаларимни кўрқитиб юборасан», демоқчи бўлган.

Ҳолсизландим. Ўзимни каравотга ташладим. Нафас олишим тезлашди. Жинни. Ҳақиқатан, жинни бўлиб қоламан.

— Жинни! — дея бақириб юбордим соф ўзбек тилида.

Бу эҳтиётсизлик эди. Лекин тупурдим, ўша эҳтиётсизликка. Бу ердан тезда кетишим зарур. Тўғри Ўзбекистонга. Менга Александр Абрамовичнинг олдида пишириб қўйгани йўқ. Бойлиги, бошқа ҳаммаси йўқ бўлиб кетмайдими?

Ўзим билан ўзим овора бўлиб, қачон ухлаб қолганимни ҳам сезмабман. Тушимга энам кирди. Маъюс, маъсума энам. Бир қўлида супурги, иккинчисида челақ. Ҳовлига сув сепётган эмиш... Жилмайиб турибди.

— Тўй бошлашдан олдин ҳаммаёқни супур-сидир қилиш зарур. Келинни тўзгиган уйга олиб келмайсан-ку? — дермиш.

— Эна, ҳали келин йўқ-ку, — десам, энажоним:

— Ўзимнинг муғамбиргина ўғлим-а, шунча пайт яширганинг билан, барибир, билиб олдим, — дебди.

Шу заҳоти энамнинг бошидан рўмоли тушиб кетибди. Сочлари қордай оппоқ эмиш. Яхшилаб қарасам, қош-киприк-лари ҳам оқарган.

— Эна, сочингизни ким оқартирди? — дебман довдираб.

— Бебоштина, ақлсизгина болам. Билмайсанми?

— Мени кечиринг, эна!

Ўзимни волидамнинг оёқлари остига олдим. Шу пайт бошим бир нимага қарсиллаб тегди-ю, уйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, ерда ётибман. Аввалига қаердалигимни билолмадим. Худди турманинг алоҳида хонасига ўхшаган жой. Кўзимни очишим билан мени «Қачон қамалиб қолдим?» деган савол қизиқтирди. Бироқ салдан сўнг жиннихонада эканлигимни эсладим. Ўрнимдан туриб, темир панжара билан тўсилган дераза ёнига бордим. Аллақачон тонг отган, қуёш бир терак бўйи кўтарилишга улгурган эди.

Эшик кулфи шиқирлади. Ортимга ўгирилмадим, туравердим.

— Одобли бўлиб қолганга ўхшайди. Яна битта укол олади, шу билан мулойимгина-да.

— Ҳа, бу ерга келганлар дарров мўмин-қобил бўлиб қолишади.

Мен улар томонга ўгирилдим. Кўзимдан дув-дув ёш оқиза бошладим.

Овқат ва шприц кўтариб келганлар ўзаро кўз уриштириб олишди. Шу заҳоти тиззалаб ўгирдим. Бурнимдан томчилай бошлаган сувни артдим.

— Уколдан қўрқаман, — дедим йиғи овозда.

— Ҳечқиси йўқ. Шундай игна санчамизки, сезмай қоласан. Кейин овқатингни бемалол еяверасан.

Кўз ёшимни сидирдим-да, нонни кўриб, думини ликиллатган кучукчадай иржайганча, ликиллаб уларнинг ёнига бордим. Лабимни яладим.

— Қорнинг очдими? — сўради овқат келтирган хотин.

— Ҳи, ҳи, ейман, ейман, — дея баттар ликилладим.

— Михаил, овқатдан кейин эди, шекилли, уқолинг? — деди таом келтирувчи хотин.

— Шундай.

— Яхши, қани, ўзимнинг жиннивойим...

Бу сафар аввалгидай шоша-пиша овқатланмадим. Бемалол нон чайнаб, компот ичиб, косадаги картошкаларни оғзимга солдим. Бунгача анови иккови сигарета чекиб туришди. Мени тўла жиннилар қаторига қўшиб қўйишгани боис айти пайтда менга эътиборсиз уйларидаги муаммоларни гаплашишяпти. Бирининг эри хасис, иккинчисининг хотини ёмон. Кулгим қистади. Маданият, ривожланиш дейди. Аммо ташвиш бундан юз, эллик йил олдин қандай бўлган бўлса, шундайлигича турибди (ахир биз доим улар фалон йилга илгарилаб кетган деймиз-ку). Фарқи, сал маданийлашган.

«Нима бўлган тақдирда ҳам, ўзимга укол қилдирмаслигим керак. Аввал-ку, нуқул тинчлантирувчи укол юборишганди танамга (ҳар қалай, мен шундай хаёлламан). Агар жинни деган ташхис қўйилган бўлса, демак, дори ҳам айнан мия айланишига қарши бўлади. Мен эса соппа-соғман».

— Овқат тугади, — дедим.

Суҳбатлашувчилар барабарига менга қарашди. Шу заҳоти фикру ёдимни, куч-қувватимни кўзимга тўпладим. «Шприцдаги дорини тўкиб ташла! Мени укол қилиб бўлдинг!» дея хаёлан Михаилга буйруқ бердим. Аввалига у бироз довдиради. Сўнг менинг буйруғимга итоат этди. Ўрнимдан турдим-да, ишғонимни ечиб, думбамни уқаладим. Сўнг яна шалвиримни кийдим.

— Ёмон экан, оғритаркан. Аввалгилари бунақа эмасди, — дедим ва каравотимга чўзилиб ётдим.

Орадан оний лаҳза ўтиб, шприцли йигит тилга кирди:

— Ана кўрдингми? Озгина чимиллатади, сўнг оғримай қолади. Сен бўлсанг, кўрқаётганинг.

Улар чиқиб кетишди. Мен эса хурсанд эдим. Ахир уддаладим, қўлимдан келди. Хурсанд бўлмайинми? Бундай пайтда одам ирғишлайди, байрам қилади. Менинг эса кўзимни чирт юмиб, хурсандчилигимни нишонладан ўзга иложим йўқ

эди. Чунки камера... Дарвоқе, камера қаерга ўрнатилган экан?.. Анавиларни-ку, бир ёқли қилдим. Лекин камерани алдаёлмайман-ку. У йўқ бўлса-чи? Бекорга хавотирланаётгандирман. Уфф, бунча ташвиш кўп?

Кўп ўтмай эшик тагин очилиб, янги ҳамхоналаримни олиб келишди. Бировининг кўзи косасидан чиққудек олайган, иккинчисининг оғзидан кўпиги чиқиб турарди. Ҳар икковини ҳам дарров каравотга ётқизишди-да, думбаларига игна санчишди. Бечоралар чинқиришди, дод-вой қилишди. Аммо уларнинг ноласига ҳеч ким эътибор бермади. Бунинг ўрнига тўрт нафар оқ халатлилар бир-бирларига навбат бермасдан, шўринг қурғурларни сўкишди. Биттаси ҳатто кўзи олайган жиннининг башарасига мушт туширишдан ўзини тийиб туролмади. Мен барини жимгина ётиб қузатдим.

Жиннилар тинчиб қолгач, дўхтирлар чиқиб кетишди. «Ана, бундан бу ёғига зерикмайдиган бўлдим. Ҳамроҳларим билан, худо хоҳласа ё уруш-уруш, ёки қувлашмачоқ ўйнаймиз» дея ҳаёлимдан ўтказдим.

Вақт ўтиши ниҳоятда оғир эди. Ҳамхоналарим ўзларига келгунча қарийб беш-олти марта ўрнимдан турдим. Юрагим сиқилиб, портлаб кетгудек бўлардим.

Ҳартугул, иккаласи ҳам узоқ муддат қимирламай ётганидан кейин ўзларига келишди.

— Сен кимсан? — сўрадим кўзи олайганидан.

У ҳайратланганча менга боқди. Сўнг каравотдан сакраб тушиб, икки марта думалади-да:

— Танимаяпсанми? Мени бутун дунё билади-ку! — деди.

— Доллармисан? — дедим қизиқчилик қилмоқчи бўлиб.

Шу заҳотиёқ у хўмрайди ва килприкларини пирпиратиб:

— Бундан ортиқ ҳақорат бўлмас!.. Доллар менинг олдимда нима бўпти?! — деди жаҳл билан.

— Ҳа, сен Гитлер ёки Наполеонсан, тўғрими? — дея жилмайдим.

— Нима?! Гитлер?! Ўйлаб гапир, мен ҳеч қанақанги Гитлер ҳам, Наполеон ҳам эмасман! Таги паст зотлар менинг уруғимда йўқ!

— Унда бутун дунё биладиган яна ким бор? Шошма, топдим, Ленин ё Майкл Жексон...

Гапимни охирига етказмасимдан, у томоғимдан ғиппа бўғди-да:

— Ҳақорат қилма деяпман! — дея ўкирдим.

— Унда, унда... айт кимлигингни, — дедим унинг чангалига амаллаб чидаб.

— Айиқман. Қўнғир айиқ. Куч-қудратда тенгсизман. Яна одамларга ўхшаб гапиришни ҳам биламан...

— Ў-ў, айиқполвон ҳазратим, ҳайвонлар шоҳи!...

У мени қўйиб юборди. Кафтимни бошига қўйди.

— Мен, ўрмон султони қўнғир айиқ, бундан кейин сенинг ўз мамлакатимда ов қилиш ва ҳайвонлар билан дўстлашиш ҳамда чангалзор қонун-қоидаларига бўйсуниб яшашингга изн бераман! Бундан сўнг сенга «Маугли» дея ном бераман ва навбатдаги йиртқишлар кенгашида ҳаммани хабардор қиламан.

Мен кулгидан ўзимни зўрға тийиб турар ва «қўнғир айиқ» нутқини тезроқ тугатишини кутардим.

— Бизга хабар беришларича, яқинда сариқ итваччалар...

Бу ёғига чидолмадим. Ўрнимдан сакраб туриб, шунақанги хохолаб кулиб юбордимки, овозим зарбидан деворлар зириллади. Кулавердим, кулавердим, кулавердим. Сал бўлмаса, ичагим узилаёзди. Каравотга чўзилдим.

— Бўлди! Бўлди, бошқа кулмайман, ўлиб қоламан ҳозир, — дедим ўзимга ўзим ва ўрнимдан тураётиб, «қўнғир айиқ» қа қарадим.

У ҳайратланганча менга тикилиб турарди. Яна пиқилладим...

Ўзимга келгунимча ярим соат вақт ўтди. Ҳатто жиндек хафа ҳам бўлдим. Чунки аҳмоқ, бефаросатларгина жиннилар устидан кулади. Ахир бечора «қўнғир айиқ» нима деяётганини билмаса, одамларга хос онгу шуурдан маҳрум бўлса, унинг устидан кулишга бало борми?

— Менинг лашкарларим жудаям кўп, биз, албатта, сариқ итваччаларнинг додини берамиз, — дея пичирлаб сўзлай бошлади «қўнғир айиқ».

— Ҳа, тўғри. Биз биргалашамиз. Энди ётгин-да, дамингни олиб, жангга тайёрлан, — деб унинг елкасига қоқдим.

Бечора, беозор, мўмин ва итоаткорларча дарров ёстиққа бош қўйди.

Мен ҳам ётдим. Бу ердан эртароқ кетишим керак, йўқса, албатта, бирор балога гирифтор бўламан ёки бошқа бировни худди шундай аҳволга солиб қўяман. Ҳар икковида ҳам виждоним қийналади. Худди... Худди... Намунча кўп бу «худди-худди»лар!.. Буни қарангки, шунга ҳам ўзим сабабчиман. Қочиш учун ҳаракат қилдим, шунда беихтиёр бировларнинг бурнини қонатиб қўйдим. Қасос олмоқчи бўлдим, яна шу аҳвол... Ишқилиб, бу ердан бировга зиён етказмасдан чиқиб кетайин-да.

Овқат келтиришди. Тушлик. Ҳамхоналаримга жон кирди. Иккиси ҳам барабар ўрнимдан сакраб турди.

— Мен биринчи оламан, мен биринчи оламан! — дея чинқаришди.

Сал бўлмаса, ёқалашиб кетаёзди.

Ошпаз билан келган йигитнинг қўлида резина таёқ бор эди. Ҳар иккала жиннининг бошига бир мартадан туширганди, шўринг қурғурлар дарров шаштидан тушиб, пусиб қолишди.

— Сен нега остини ҳўл қилиб қўйган боладай ўтирибсан?! — дея дағдаға қилди ошпаз менга.

— Ҳиндихитой ярим оролига сузиб кетишимиз керак, ўртоқ капитан, лангарни кўтаришга буйруқ беринг, — дедим ўрнимдан туриб, қаддимни ғоз тугганча.

— Ҳиндихитоймиш, косани ушла, ярамас! — деди ошпаз пинагини ҳам бузмай.

«Бир туки ҳам ўзгармади-я?... Бунақанги гапларни эшита-вериб, дийдаси қотиб кетган-да» кўнглимдан ўтказдим.

— Бутун йўлга чиқишимиз ниҳоятда хосиятли, сизга айтсам. Осмон тиниқ, майин шабада эсиб турибди. Кун ҳам ҳафтанинг айнаи сешанбаси...

— Ўчир овозингни! — бақирди ошпаз.

Ёнидаги йигит эса резина таёғи билан менга ҳамла қилди. Ўз вақтида бошимни олиб қочдим. Аммо таёқ елкамга тушди. Аблах, жони борича урди. Кўзимдан ўт чақнади. Бир хаёл ўша ярамаснинг жағини синдирай дедим-у, аммо ўзимни босдим. Чунки ақлсизлик қилишга ҳақим йўқ. Мақсадга етгунча тишимни тишимга босиб чидашим шарт.

Индамасдан, косани ушладим. Менга нисбатан нафрати юзидан сезилиб турган ошпаз худди итга бергандай, косамга икки чўмич суюққина шўрва солди. «Падари лаънати, эрталаб тузуккина эди-ку, нима жин урди дарров?» дея хаёлимдан ўтказдим. «Шошмай тур, шундай томоша кўрсатайки, шеригингнинг олдида шарманданг чиқсин» дея ўйладим. Бир қошиқ шўрва сувини оғзимга солдим-у, «Ва-а-а!» деб юбордим қупол овозда.

Ошпаз кетишга чоғланган эди. Тўхтади-ю, нафрат билан менга қаради. Бу пайтда мен унга тикилган ва бор қувватимни кўзимга жамлаган эдим. Унинг туси ўзгарди, демакки, таъсирига тушишга мойиллиги борлигини дарров сездирди.

«Идишингни полга қўйиб, қопқоғини очгин-да, каллангни тикиб овқат е!» дея буйруқ бердим унга.

У сўзсиз итоат этиб, шоша-пиша шеригидан қизғанаёттандек унга терс ўгирилиб, бошини шўрвага тикди. Шўрва қайноқ эди. Ошпаз эса айнаи дақиқада иссиқни сезмасди. Тўғриси, қўрқиб кетдим. Чунки у қуйиб қолиши мумкин эди-да.

Шундоқ ҳам кечиккан эканман. Уни гипноз ҳолатидан чиқаргунимча, қайноқ шўрвага нафақат оғзини, балки юзини ҳам ботирибди.

Ошпазнинг азобли чинқирғидан бутун хона ларзага келди. Кафтлари билан юзини тутиб, куйиш азобига чидолмай қичқираётган ошпазнинг аҳволи чиндан аянчли эди. У шеригининг етовида кастрюлкани тепиб ағдариб, ичидаги шўрвасини тўкиб, хонани тарк этди.

Бутун вужудимга титроқ кириб, пешонамдан тер чиқди.

Хонадошларим (эхтимол, улар ҳозирча қисматдошларимдир, яна ким билсин) эшикнинг очиқлигини кўриб, хурсандликларидан қийқириб, ўзларини эшикка уришди. Мен чиқмоқчи ёки имкониятдан фойдаланиб, қочмоқчи эмасдим. Аммо ҳақиқий жинниларнинг хатти-ҳаракатидан кейин «Шундай қилиш керак экан» деган ўйда ортларидан югурдим.

Йўлак узун эди. Бир томони тўла дераза, иккинчи томони эса темир эшиклардан иборат эди. Биз тўғри келган томонга югуриб кетаётгандик. Мен бир нечта деразанинг очиқлигини кўрдим. Аммо уларнинг ёнида тўхтамадим. Тўхтасам, ташқарига сакраб тушсам, тамом — жиннилигимдан асар ҳам қолмайди. Телбалигимга энди-энди ишона бошлаганлар майнавозчилик қилиб юрганимни сезиб қолишади ва турмага обориб тиқишади. Рўпарамиздан бир гала оқ халатлилар чиқишди. Икки жинни уларни кўриши билан гўё сеҳрлангандай тўхтаб, жойларида қотиб қолди.

— Итдан тарқаганлар! — деган сўкиш эшитилди қулоғимга.

Бу сўкиш менга ҳам тегишли эди. Шу боис вужудимдаги қон бирдан кўпчиди, қўлим мушт бўлиб тугилди. «Шунча ҳақорат, камситиш, хўрлаш, алдаш каммиди?» дея хаёлимдан ўтказиб, уларнинг устига тўғри бостириб боравердим.

«Ҳар қандай ҳолатда ҳам одам ўзини тутишни билиши зарур. Жаҳлга эрк бериш одамни ҳалокатга етаклайди», деган эди Пётр Сафонович. Кутилмаганда унинг ана шу гаплари хаёлимга келди. «Сўкканлари учун булар ҳали жавоб беришади», деб шивирладим ҳамда:

— Халойиқ! Тартиб сақланг, биз голибона юришдан қайтдик! Император жаноблари сизни ҳозир қабул қилолмайди. У ниҳоятда чарчаган! — дедим бир қўлимни юқорига кўтариб.

— Ҳозир сенга императорни кўрсатиб қўяман! — қичқирди дўхтирлардан бири.

Мен орқага тисландим. Бундан оқ халатлиларга баттар жон кирди. Улар ҳайкалдек қотиб қолганларни четга суриб ташлаб, менга ёпиша кетишди.

Негадир резина таёқлар нуқул бошимга тўғри келаверарди. Биттаси, иккитаси, учтасига чап бердим. Сўнг утирилдим-у, қочдим. Хонага кирдим. Қўлимга ёстиқни олиб, каравот устига чиқдим.

Жиннихонада тартибни сақловчилар (буни мен кейинроқ билдим, чунки уларнинг ҳаммаси оқ халат кийиб юришар, кўрган борки, дўхтир деб ўйлаши шубҳасиз эди) ортимдан бостириб киришди.

— Император ҳазратларининг шон-шавкати учун олға, ганимга, хиёнаткорларга асло шафқат йўқ! — дея қичқирдим уларга қарата.

Калтак тегди. Ўзим атайлабдан теккиздим. Албатта, унча қалтис бўлмаган жойларимга. Йўқса, сирим ошкор бўлиш эҳтимоли бор эди-да.

Ҳамхоналаримни чинқиртириб укол қилишди. Мени ҳам шундай жазоламоқчи бўлишганди, бироқ ўша Пётр Сафонович берган сабоқ боис қутулиб қолдим.

Бир ойдан зиёдроқ вақт ўтди. Хонамиздагиларнинг ҳаммаси бинойидек бўлиб қолди. Энди кундузлари ҳовлига чиқиб, сайр қиладиган бўлди. Ҳатто бир-икки сафар халати ўзига ярашмаган, кўзойнак таққан, оппоқ сочли, пешонасини ажин босган аёл китоб ўқиб берди. Эртас китоб. Эртас қанотли отлар, ҳайвонлару балиқлар, ўт-ўланлар, сув ва кўкдаги булутлар ҳақида экан. Жиннилар уни мароқ билан тинглашди. Ҳатто эртақдаги буғу арчанинг шохини синдирганида, кўзларидан ёш оқизишди. «Бечора арча янги йил кечасида кўрк бўларди. Шохсиз у янги йилни қандай кутиб олади?» дейишди. Ақлу ҳушим бўлмаганида, очиги, мен ҳам йиғлаган бўлардим.

Ўзимни сипо тутишим, кулиб туришим, гоҳида алмойи-алжойи гапиришим ва ҳаммага бирдек мулойим боқишим дўхтирлару хизматчиларнинг мента нисбатан қарашларини ўзгартириб юборди. Албатта, ўша жиннисифат гапларим бўлмаганида, полициячиларни чақиритиб: «Мана, йигитча тузалди, обориб. бемалол сўроқ қилишларинг мумкин», дейишлари кундай равшан эди. Шу сабабдан гоҳ-гоҳида ўрмон ортидаги яшил водий ва унинг сайроқи қушлари-ю (доим ўша водий ҳақида гапираётганимда мени фалокатдан сақлаб қолган қушча ёдимга тушади), дарахтлар ҳақида дўхтирларни ҳайратга солиб, гапириб берардим. Бошқа маҳал Тунисга қилган юришимиз. Ҳиндистондан мол олиб келатганимизда қароқчилар ҳамласига дуч келганимизни тилга олардим.

Яна бир ойни шу тарзда ўтказдим. Бу дов-дарахтлар баргларини тўккан, қор ҳам икки марта ерни оқартирган эди.

«Бўлди, етар, майнавозчилик ҳам эви билан. Менимча, ортимдан пойлоқчилик қилиб, қулай фурсат келиши билан гумдон этмоқчи бўлганларнинг ҳам, полициянинг ҳам ёдидан кўтарилиб бўлдим. Энди ишга киришишим лозим». Қарорим қатъийлашгач, тўғри бош врачнинг хонасига бордим. У тепакал, ёши ўтиб қолган одам эди. Неча марта кўрган бўлсам, қўлида китоби бўлган. Одамлар ҳам қизиқ-да. Шу ёшда китоб ўқишга бало борми?

У мени илиқ кутиб олди. Ўтиришга жой кўрсатди. Сўнг кал бошини силаб қўйди-да, менга қараб гап бошлади:

— Қани, йигитча... Дарвоқе, сен Наполеон армиясининг саркардаси эдинг-ку. Бир неча тарихий жангларда иштирок этгансан. Императорнинг назарига тушгансан. Хуллас, сенинг гапларингга тўлалигича ишонаман...

Қарасам, бош врач ҳали-бери гапини тугатмайдиган. Шу боис вақтни ўтказмасдан дарров кўзим нурини ишга солдим. Кўп китоб ўқиган кишининг таъсирчанлиги менга қўл келди. У бир зумда амримга бўйсунадиган одамга айланди.

— Дарров менинг хастахонадан чиқишимга рухсатнома ёзинг!

— Хўп, — дея бош врач шоша-пиша қоғоз қоралашга тушди.

— Полициячилар ҳужжатларимни беришганми?

— Ҳа, ўзларида нусхасини олиб қолишган.

— Соғайсам, олиб кетишлари керакмиди?

— Шундай. Яна икки ой бор бунга.

— Яхши. Ҳужжатимни беринг.

— Ҳозир.

У сейфни очди. Менга тегишли ҳужжатларни олиб, столнинг устига қўймади, балки, қўлимга берди.

— Қачон пенсияга чиқасиз? — сўрадим ундан ишларим битгач.

— Оз қолди. Бор-йўғи ярим йил.

— Умид қиламан. Энди ёрдамчиларингиздан бирини чақириб, унга кийимларимни келтиришни буюринг.

— Хўп бўлади.

Дарвозадан чиқиб, чуқур нафас оларканман: «Нега шу масалани эртaroқ ҳал қилмадим? Осон экан-у», дея афсусландим.

Бахтимга банкдан пул оладиган карточкам чўнтагимда экан, шунингдек, озроқ пул ҳам. Бу ердagиларнинг шуниси яхши-да. Тоза одамлар. «Жинни-ку, нимани билиб ўтирибди?» дея чўнтакни қоқлаб қўйишганда бўларди-ку.

Сершовқин кўчада кетиб борарканман, бундан бу ёғига ақллироқ бўлишим кераклигини ўйладим. Ҳа, мени чув туширишганди, лекин ўша маккорларнинг кимлиги номатълум. Энди менинг навбатим келди.

Бир сафар поездга ўтиргандим, касалхонага тушдим. Кейин машинада йўлга чиқдим. Жиннихонада меҳмон бўлишимга тўғри келди. Энди самолётга чиқсам, тўғри нариги дунёга ўтиб кетсам керак. Шунинг учун яна поездга чиқа қолай дедим-да, такси тўхтатиб, вокзалга равона бўлдим. Бахтим бор экан. Мен борадиган манзилнинг поезди вокзалга етганимдан ўн дақиқа ўтиб жўнади. Дарвоқе, вокзалда бир нечта полициячига дуч келдим. Биронтаси ҳам гинг демади. Ҳатто ёнларидан ўтаётганимда қараб ҳам қўйишмади. Шунинг ўзиёқ ҳеч кимдан чўчимасдан эркин юришим мумкинлигини англатарди.

Очиғи, вагонга чиқиб, чиптамда кўрсатилган жойга ўтирганимдан бошлаб, тўрт соат давомида юрагимни ҳовучлаб, «Ишқилиб, яна бирор кор-қол содир бўлмасин-да» деган ҳаёлда кетдим. Очиғини айтсам, миямни энг даҳшатли (ўлимдан даҳшатлироғи бўлмаса керак. Қаранг, ҳар нарсанинг зўри бўларкан), одамни жунбишга келтирувчи нарсалар бир зум бўлса ҳам тарк этмади. Поезд манзилга етиб, пастга тушганимдан кейингина чуқур нафас олдим ва ўз устимдан ўзим кулдим. Аввало, солиқ идорасининг ёнига бордим. Кириб чиқувчиларни кузатдим. Кейин бўй-басти ўзимга мосини топдим-да, ортидан тушдим. Палакат ўзиям шаҳарни обдан кезди. Неча-неча идораларга кириб чиқди. Кун охирлаб қолгандагина кичкина қаҳвахонага кириб, пиво буюртирди. Келтирилган салқин ичимликни иштаҳа билан бир-икки марта хўплади. Ана шу пайт унинг рухсатисиз столининг қарама-қарши томонига ўтирдим. У ҳайрон бўлиб, менга қаради:

— Бўш жойлар кўп-ку, — деди.

— Нима қипти? Бўш жой менга улфатчилик қилолмайди.

— Адашдинг. Мен кўп ичадиганлар хилидан эмасман.

— Тушундим, хотининг рухсат бермайди.

— Хотинимнинг нима даҳли бор? Ўзимнинг табиатим шундай.

— Табиатмиш, эркаксан-ку, табиатга бало борми?

— Нега менинг калламни қотиряпсан?

— Мен ҳам дунёга келиб, пиво ичиб, кимнингдир асабини бузишим керак-ку.

— Полиция чақирайми ёки ихтиёринг билан думингни тугасанми?

— Ҳақорат қилиш яхшимас, оғайни.

— Мен сени ҳақорат қилдимми?

— Албатта, «маймун» дединг.

— Маймун?!

— Ҳа, «Думингни туг», дединг. Дум маймунда бўлади. Ҳар қалай, уларнинг баъзи турлари одамларга ўхшаб кетади. Ҳақорат учун қанча жарима беришади, биласанми? Дарвоқе, сен солиқчисан, биласан...

— Қаердан билдинг солиқчилигимни?

— Кийимингдан.

— Тўғри, лекин... Мен ёлғиз қолишни истайман. Сенда-қалардан нафратланаман.

— Тушунмадим. Мендақаларга нима қилпти?

— Соқол ўстирмайдилар.

Кулиб юбордим. Сўнг бирдан жиддий тортдим:

— Биринчидан, менинг соқолим сеникидан узунроқ. Ҳойнаҳой, ҳар куни қиртишласанг керак. Атиринг ҳам алламбало, эркакларникига ўхшамайди.

— Ҳой, тилингга эрк берма. Ҳозир муштим билан кимлигимни кўрсатиб қўяман! — дея кўзини олайтирди у.

— Ошна!..

— Мен сенинг ошнанг эмасман!

— Оббо, сира гапга тушунмас экансан-да. Сал жим тур. Мана, қара, қаҳвахонада деярли мижоз йўқ. Менинг бўлса ичгим келяпти.

— Мени бировларга ҳомийлик қилади, десанг, адашасан.

Чўнтагимга қўлимни тикдим, бир даста пулни олдим-да, стол устига қўйиб:

— Шу пулга иккаламиз бўккунча ичишимиз мумкин, — дедим.

— Мендан нима истайсан? — деди сабри чидамай солиқчи.

— Битта ишда ёрдам берсанг.

— Сени танимасам, қандай қилиб ёрдам беришим мумкин? — дея у пешонасини тириштирди.

Шу билан хотиржам торггандай бўлди. Чунки қизарган юзи бошқатдан сарғайиб, асл ҳолига қайтган, бокални қўлига олган эди.

— Ҳозир айтаман, аввал бир кружка пиво ичиб олайин, — дея бўйнимни чўзиб, хизматчини қидирдим.

У беш-олти қадам нарида тескари қараб турган экан, чақирдим. Дарров тўрт бокал пиво олиб келишини буюрдим.

— Мен сенга айтдим, бир кружкадан ортиқ ичмайман, деб, — эътироз билдирди ҳамсуҳбатим.

— Ўзим учун. Одатда, ҳар қандай ишим чиқиб турган тақдирда ҳам, бировга мурувват кўрсатиш одатим йўқ, — дедим-да, кулиб қўйдим.

— Ғалати одам экансан.

— Балки... Айтганча, уйланганмисан?

— Аллақачон. Ўғлим бор. Ўзинг-чи?

Шу заҳоти ҳаёлимни Луиза билан Наташа ялаб ўтди. Хўрсиниб қўйдим.

— Мен... Мениям хотиним бор. Бир эмас, иккита.

— Нима? Иккита? Рост гапираяпсанми?

— Ҳамма билган нарсани сендан яширармидим? Хўп, яшириб нима топаман?

— Томинг кетган экан сенинг. Айтдим, «Бу бола нега бунча довдираяпти?» деб. Гап бу ёқда экан-да. Демак, иккита хотининг сени жинни қилиб қўйган. Чунки мен биттасига зўрға чидаяпман.

— Бундан чиқди, сен илонни хотин қилиб олибсан-да, — дедим кулиб.

— Илон... Унда сенда иккита илон бор экан. Ҳайронман, уларнинг заҳрига қандай чидайсан?

— Йўқ. Меникилар бутунлай бошқача.

— Нега бошқача бўларкан? Илон сариқ, қора бўлиши мумкин. Лекин ҳамиша...

— Уларнинг ҳар икковиям меҳрибон.

— Бундан чиқди, мен шўрлик адашган эканман-да. Бўлмаса, танлаб-танлаб, уч йил фуқаролик никоҳида бўлиб, ана ундан кейин уйлангандим. Битта туғди-ю, бутунлай бошқа аёлга айланди.

— Жонингга тўзим берсин, оғайни. Манавини ич. Озгина мияни дам олдир.

Солиқчининг идишида ҳали пиво бор эди. У бир кўтаришда ҳаммасини симирди-да, мен узатган бокални кўтарди. Қўлт-қўлт ютди ачқимтир ичимликдан. Мен бўлсам, ичимда унинг устидан кулдим. Ахир ҳозиргина «Нима бўлган тақдирда ҳам, бир бокалдан ортиқ ичмайман», дея катта гапирган эди-да. Атиги ўн-ўн беш дақиқа ичида ўзгарди-қолди. Ҳозир яна озгина қитиқ патига тегсам, бир бочка ичишим ҳеч гапмас.

— Хўш, — деди у лабини артиб, — иккита хотинни қандай эплаяпсан?

— Сенга нима қизиғи бор?

— Бу нима деганинг, ошна? Мабодо сенинг услубинг ёқиб қолса, мен ҳам шундай қиламан.

— Бунинг тарихи жуда узун. Айтиб тутатунимча, тонг отади.

— Ҳечқиси йўқ, — деб у бокални яна қутарди.

Охиригача ичди. Сўнг менинг олдимда турган бошқа бир кружкага қўл узатди.

— Боя «Биттагина ичаман. Иккинчисини оғзимга ҳам олмайман», деяётгандинг, шекилли?... — дедим кулиб.

— Ростини айтсам... — дея ҳамсуҳбатим худди биров эшитиб қоладигандай ён-атрофига қараб олди, — пиво ўлгурни роса яхши кўраман. Лекин ҳали айтганимдай, хотин чатоқ, оғзимни бир ҳидлашда қанча ичганимни билиб олади. Мана, сенинг иккита хотининг бор экан. Демак, иккиси ҳам сени ҳурмат қиларкан. Лекин бунга сира ақлим бовар қилмаяпти... Ёки жудаям бойваччамисан?

— Бойлик... Албатта, нолимайман. Лекин гап пулда эмас.

— Унда қандай қилиб илғор замонда аёл ўзини ерга уриб, иккинчи хотин бўлиб юрибди?

— Замонавий аёлларнинг иккитаси бир эркакни эр қилишолмаскан. Хўп, тушундик, боя, ўзинг айтгандай, жирканч оила қуришлари мумкин экан-да! — дедим негадир жаҳлим чиқиб.

— Улар тубандан тубан! — деб яна атрофга кўз ташлаб қўйди солиқчи. — Тўғри, ҳозир ундайлар жуда кўпайиб кетган.

— Бўлди, оғайни, исқиртлар тўғрисида бошқа гаплашмаймиз... Иккита хотин олиш, бахт-саодатда умр кечиришни мен сенга ўргатиб қўяман. Кўриб турибман, роса сиқилган одамга ўхшайсан.

Солиқчининг юзи яна бирдан жиддийлашди.

— Мен маошга кун кўрадиганларданман... Лекин, майли, айт. Таваккалга қўл урмаган одам ютмайди. Хўш, гапир, шартинг нима?

— Қараб турсам, яхши гапни тушунадиганлар хилидан экансан. Аммо бутун ичдинг, менинг таклифимни, барибир, бажаролмайсан.

— Одам ўлдириш эмасми?

— Агар мени шунақанги багтоллар тоифасидан деб ўйласанг, янглишасан. Шунчаки бир жойга борамиз. Сен ишингни қиласан. Ўрни ҳужжат текширасан, олам гулистон. Хўш, розимисан?

Ҳамсуҳбатим бир муддат ўйланиб қолди. Шу аснода пиво ичди.

— Ҳаммаси қонуний бўлади. Қонундан бир қадам ҳам четлашмайсан, — дея унга тикилиб туравердим.

— Майли, — деб у қўл силтади, — бир марта шунақа ишниям қилай-чи.

— Бу гапинг бошқача бўлди, — дедим кулиб ва лаззатланганча бокалдан пиво симирдим.

— Лекин, барибир, ақлим бовар қилмаяпти. Сен қандай қилиб иккита хотинни эплаяпсан? Жанжал, хиёнат қийнаб кўмаяптими?

— Эй, оғайни, нималар деяпсан? Бунақанги майда-чуйдаларни ҳал қилишнинг йўли осон. Демак, эртага туш пайти, соат роппа-роса ўн иккида, худди мана шу жойда кўришамиз. Унгача омон бўл. Ҳа, айтиб қўяйин, хотинингдан кўрқма, — дедим-да, ўрнимдан туриб, эшик томонга юрдим.

Бориб меҳмонхонага жойлашдим. Эртанги юмушлар олдидан тўйиб ухлаб олиш ниятида каравотга чўзилдим. Аммо ухлаш учун ҳам одам хотиржам бўлиши керак. Елкангдан юк босиб турган маҳали кўзингга сира уйқу келмаскан. Кўзимни юмиб, қанча ётмайин, барибир, ухлаёлмадим. Хона жиҳозларини кўздан кечира бошладим. Бу ернинг ҳам бошқа меҳмонхоналардан деярли фарқи йўқ. Кўкиш тусдаги шкаф, унинг ёнидаги катта кўзгу, девор рангининг бошқа жиҳозларникига уйғунлиги, қандилнинг жимжимадорлиги, дераза пардасининг нафис кўриниши, каравот устига ёпилган матодан таралаётган ўзгача ифор фақат роҳат-фароғат учун мўлжалланган. Янаям аниқроғи, пул учун. Бу ерга бир келган одам яна келсин, келганда ҳам, қулайликларни кўриб, кетолмай қолсин-у, меҳмонхона ҳўжайинининг чўнтагини жарақ-жарақ пулга тўлдирсин...

«Ресторанга кириб, пича вино ичаман, шундан кейин, албатта, уйқум келади» деган хаёлда хонадан чиқдим. Аслида, шу ерга буюртирсам ҳам бўларди. Бироқ оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Ахир билиб бўлмайди, винога нима қўшиб келишади.

Меҳмонхона ресторанида иккитагина мижоз ўтирган экан. Кўринишидан арабларга ўхшаб кетади. Уларга эътибор бермай, барменнинг ёнига бордим-да:

— Вино, — дедим.

— Оқиданми, қизилиданми? — сўради у.

— Оқидан.

— Испанларникими, французларникими ё итальянларники?..

Қарасам, рўйхат чўзилиб кетадиган, қўлимни кўтариб, уни сўзлашдан тўхтатдим-да:

— Ҳаммасидан озгинадан, — дедим.

— Даражаси қанақа бўлсин?

— Тушунмадим.

— Юмшоқроқми ёки ўткирроқ?

— Хит қилиб юбординг. Ўткиридан бир шиша. Французларники бўлсин. Бирдан очиб бер. Шу ерда ичаман. Газагига қовурилган жўжа бўлсин. Энди бошқа савол бермассан?

— Вазифамиз шунақа. Мижоз асло ранжимаслиги лозим.

— Ранжитиб бўлдинг. Бер тезроқ!

Барменга ўқрайиб қўйдим-да, бориб бўш столга ўтирдим.

Ичкиликдан бироз кайфим ошди. Шунингдек, иштаҳам ҳам очилди. Мароқ билан жўжа гўштини паққос туширдим. Қорним тўйгач, кайфиятим бироз кўтарилди. Ҳисоб-китоб қилиб, хонамга йўл олдим. Телевизорни ёқиб, бирор ярим соат ўтиргач, уйқум келди. Тошдек қотиб ухлаб қолдим.

Уйғонганимда, эндигина тонг отган экан. Ҳали тушгача вақт кўп. Фақат ётаверсанг, ёрилиб кетасан. Демак, нима биландир шуғулланиш зарур... Шошма, мени Александр Абрамовичнинг итигача танийди. Кўриниш беришим билан таппа босишади. Бундан чиқди, қиёфамни ўзгартиришим зарур.

Шундай хаёлда пастга тушиб, калитни топширдим-да, ташқарига чиқиб, дўкон қидириб кетдим. Қарийб ўн биргача шаҳар кўчаларида кездим. Икки-учта дўконда парик, юз ниқоблари бор экан. Бироқ парик тўғри келгани билан ниқобнинг ўзимга мосини тополмадим. Охири шу парикнинг ўзиям етиб ортади, дедим-да, сунъий сариқ соч сотиб олдим.

Солиқчи роппа-роса ўн иккида келди. Шошиб келган, шекилли, юзи қизарибди. Терлабди.

Рўпарамдаги стулга ўтирди-ю:

— Сен менга исмингни айтмадинг? — деди.

— Ўзинг ҳам.

— Данте.

— Амир.

— Осиёликмисан?

— Ҳа.

Данте кулди-да, чуқур нафас олди ҳамда пешонасидаги терни артиб:

— Тушундим. Осиёликман, дегин. Ҳаҳ, мен аҳмоқ «Бу қандай қилиб иккита хотинни эплаб юрган экан?» деб бош қотириб юрибман-а? Сизларда бу жудаям оддий ҳол-ку. Қатарлик шайхлардан бирини биламан, ўн саккизта хотини бор экан.

— Меникиларнинг иккови ҳам европалик. Уларга Европада уйланганман. Шунингдек, мен ҳеч қанақанги шайх эмасман.

— Унда қандай эплайпсан?

— Вақти-соати келади, айтаман. Ҳозир ўзинг ишга тайёрмисан? — сўрадим унга тик қараб.

— Мен-ку, тайёрман. Аммо сендан шубҳаланияпман. Мабодо террорчи эмасмисан? Мен билан бирга бориб, ниманидир қўйиб келсанг-у, кетганимиздан сўнг... Бундай воқеалар кундан-кунга кўпайиб бораётти.

— Хавотир олма.

— Бу билан иш битмайди. Сени ҳатто полицияга топширишни ҳам ўйладим.

— Менга қара, Данте. Гапларимни қулоғингга яхшилаб қуйиб ол. Қўлимдан жуда кўп иш келади. Ҳатто шундай қиламанки, нима десам, қулоқ қоқмай бажарадиган бўлиб қоласан. Тўғри, менинг кимлигимни мутлақо билмайсан. Шунингдек, мен ҳам сен тўғрингда солиқ идорасида ишлашингдан бошқа хабарга эга эмасман... Электр энергия, газ, сув ва бошқа бало-баттарлар учун биз борадиган қаср эгалари тўловни ўз вақтида амалга оширганми-йўқми, сен шуни суриштирасан. Хужжатларни кўрасан. Менинг хонадон эгаси билан гаплашадиган гапларим бор. Унинг кабинетига кириб-чиқаман, бўлди.

— Барибир...

— Айтганимни қиласанми, йўқми?! — сўрадим жаҳл билан. Дантенинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Қилмайсан. Демак, мен бошқа усул қўллайман. Сен билан яхшигина оғайни тутинмоқчи эдим. Афсуски, бўлмади.

— Қанча берасан? — сўради у айёрона боқиб.

— Ўн минг евро.

— Кўндирдинг.

— Кетдикми?

У сўзсиз ўрнидан турди.

Нега бу йигитга ишонаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Тўғри, исталган пайтда мен уни измимга сола оламан. Бунинг учун тажрибам етарли. Аммо негадир ўша сеҳрни сира ишлатгим келмаётганди. Данте жиддий кўринса-да, ниҳоятда содда экан. Бу унинг гап-сўзларидан сезилиб турарди. Айни чоғда иродаси ҳам бўш. Бу эса эртами-кечми, мени сотиб қўйишидан далолат. Лекин сотганининг фойдаси бўлмайди. Чунки узоқлаб кетган бўламан.

— Сен айтган ўша қасрнинг эгаси билан бўладиган суҳбатни нега мендан яшираяпсан? — сўради Данте бироз юрганимиздан сўнг.

— Яширмаяпман. Ўзинг сўрамадинг. Умуман, бу жудаям сир эмас... Биз борадиган хонадон ниҳоятда бой. Шефи хорижлик. Унинг қизи бор...

— Нима, сен унияи илинтирмоқчимисан?

- Йўқ, — дедим кулиб, — қиз билан икки-уч марта кўришганмиз. У мени севиб қолди.
- Ана холос! У чиройлими?
- Чиройли дейиш камлик қилади. Хўрлиқо. Дунёга келиб, ундай жононани кўрган эмасман.
- Йўғ-эй.
- Ҳа, ишонавер. Бунинг устига, ниҳоятда ақлли. Яна Гарвард университетини битирган. Ана энди унга отасининг бойлигини қушсанг...
- Ўҳҳу! Бирдан иккита хотинингнинг баҳридан ўтиб, ўша қизга уйланволсанг бўлмайдими?
- Бўлади. Лекин менда виждон бор.
- Хўш, унда нима муаммо? Бойнинг уйига бориб, қизга кўриниб, бечорани қийнамоқчимисан?
- Аксинча, уни қутқармоқчиман. Шўрлик қиз мени севиб қолганини отасига айтибди.
- Хўш, хўш?..
- Отасининг бирдан тепа сочи тикка бўлибди. Аввалига дўқ-пўписа қилибди. Аммо қизини йўлдан қайтаролмабди. Аврабди. Менинг иккита хотиним борлигини айтибди. Бироқ буниси ҳам иш бермабди.
- Кейин қамаб қўйибдими?
- Бундан ҳам баттар.
- Нима, ўлдирибдими? — деди Данте кўзлари косасидан чиққудек бўлиб.
- Бе, нималар деяпсан? Якка-ю ёлғиз эркатой қизни ўлдириб бўларканми?
- Нима қилибди, бўлмаса? — сўради Данте баттар диққати ошиб.
- Сургун қилибди.
- Сургун?
- Ҳа, дунёнинг бир бурчагига... Перу бор-ку, Жанубий Америкадаги...
- Биламан.
- Ўша биргина чизикдан иборат давлатнинг жанубидаги қишлоқчага. Ҳозир бечора қиз кичкинагина кулбачада яшармиш.
- Оҳ, шўрликкина.
- Нимасини айтасан, бойнинг ўша ёқда плантацияси бор экан.
- Плантация?
- Шунга ўхшаш.

— Ундай отани отиб ташлаш керак! Номард!.. Сен қандай кутқармоқчисан қизни?

— Ўша плантациями, гўрми, ерми, хуллас, ўша ёққа мен иккала хотинимни олиб кетаман. «Қизингизни қайтаринг», дейман золим отага.

— Яша! — деди бирдан кўзлари чақнаб кетган Данте. — Агар шундай қилсанг, ҳақиқий ўғил бола бўласан. Қаҳрамон!

Мен кулдим. Чунки ёлғонларимга ўзим ҳам ишониб қолаётгандим.

Кўзланган манзилга етгунча, шу каби ёлғон-яшиқлардан бир дунёсини тўқиб-бичишимга тўғри келди. Худонинг ўзи кечирсин-у, бошқа иложим йўқ эди. Зеро, мақсадга етмоқ учун, керак бўлса, циркда маймун ўйнатишга ҳам тайёр бўлмоғим керак.

Парик кийганимга Данте парво қилмади. Бир қараб қўйди-да, ҳаммасига тушунди.

Александр Абрамовични алақачон касалхонадан уйига олиб келишган эди. Бу ҳақда Пётр Сафонович айтганди. Мен унинг бу иморатини тахминан тасаввур қилиб кўргандим. Умуман, буни тасаввур қилишга ҳожат ҳам йўқ. Ўрусияда ва бошқа давлатларда бўлгани каби, бу ерда ҳам қарийб ярим гектар ернинг атрофи баланд деворлар билан ўралган. Дарвозаси ҳам, албатта, шунга яраша. Девору дарвозаси шундай бўлса, иморатнинг ўзи қандайлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Тўғри, сўз билан таърифлаш жуда мушкул. Чунки шакли, бир қарасанг, тоққа, бир қарасанг, қайсидир ҳайвонга, яна бир қарасанг, учиб юрган қушга ўхшаб кетади. Яхшиси, бундай иморатни суратга олиш керак-да, «Мана, Александр Абрамовичнинг кошонаси», деб кўрсатиш керак, тамом-вассалом.

Дантени ҳаяжон босди. Ҳа, у умрида бундай иморатни кўрмаган. Шу лаҳза, эҳтимол, ниятидан қайтишни ҳам режалаштираётгандир. Тезда уни чалғитиш кераклигини фаҳмладим.

— Булар ўлганларидан кейин ҳам қабрларини шундай ўраб қўйишармикан? Тавба, битта эркатой қизни тузукроқ таъминлаб қўёлмаган-у, қурган иморатини қара. Суф, сендай бойваччага!.. — дедим бурнимни жийриб.

— Тўғри айтасан, — гапимни маъқуллади Данте. — Бундан кўра кўпқаватли уйнинг бешинчими, олтинчи қаватида шу биттагина қизни (бунинг устига, у ниҳоятда офатижон бўлса) хотининг билан бирга бағринга босиб ўтирганга нима етсин? Ўшанда менга ўхшаган дарди бедаво, хотиндан ёлчимаган, камбағалгина йигитчанинг ҳам пешонасига офтоб тегармиди?

— Хавотир олма, ошна. Агар ишимиз бароридан келиб, миллиардер билан учрашолсам, сенинг унга куёв бўлишингга

уриниб кўраман. Бўлди. Кўп гаплашмайлик. Булар оғиз қимирлашидан нима деяётганингни билиб оладиган мутахассисларни ҳам монитор қаршисига ўтқазиб қўйишади, — дедим.

Биз аста-секин дарвозага яқинлашдик. Тавба, оддий одамларнинг эшиги ёнига борсанг, ичкаридан итнинг ҳуришини эшитасан. Буларникида эса дўрилдоқ овоз эшитилади.

— Кимсан? Нега келаяпсан?

Дантени турткиладим.

— Солиқ идорасиданман. Текширув ўтказгани келдим, — жавоб берди у.

— Изингга қайт. Ўзимиз идорангга ҳамма ҳужжатларни етказамиз, — деди дўрилдоқ овоз қўполлик билан.

— Сув, газ, электр счётчикларини кўришим шарт! — деди бу сафар турмасам ҳам Дантенинг ўзи қайсарлик қилиб.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмасдан дарвозанинг кичик табақаси очилди. Бошида бир дона ҳам туки йўқ, шунга монанд қош-киприклари ҳам қириб ташланган девсифат нусха рўпарамизда пайдо бўлди. Шу заҳоти ҳужумга ўтдим. Бир неча лаҳза ичида кўзимнинг нури уни ўзлигидан айирди.

— Киришлар, — дея ортига қайтди у.

— Ана кўрдингми, булар мени кўришлари билан оёқларигача қаттираб кетишади, — дея гўдайки Данте шивирлаб.

— Зўр экансан, ҳақиқатан ҳам, икки оғиз гап билан синдирдинг ярамасни, — дедим уни руҳлантириб.

Ичкари ҳали айтганимдай қарийб жаннат. Бироқ Пётр Сафоновичникидай эмас.

— Мен шахсан ҳўжайинни ўзлари билан гаплашишим зарур, — дедим итоатимдаги қўриқчига.

— Яхши. Шеф айнан ҳозир уйғоқ, мен билан юринг, — дея кенг ҳовлининг ўртасидаги (ибодатхонани эслатиб юборади) иморатга бошлади у.

Йўл-йўлакай беш-олти қўриқчига дуч келдик. Ҳар сафар фаол ишлашимга тўғри келди. Александр Абрамовичнинг эшиги ёнига келганимиздан кейин эса Дантени бизни бошлаб келган қўриқчи билан суҳбатлашиб туришга мажбур этдим. «Сен шу ерда тура тур. Мен ўзим шеф билан алоҳида гаплашиб оламан», дегандим, унамади. Кейин унинг ҳушини маълум муддатга ўтирлашга мажбур бўлдим. Баландлиги қарийб уч метр келадиган кўш табақали эшикнинг очилгани ҳатто сезилмади ҳам. Мен дадил ичкарига кирдим ва олтин суви югуртирилган кенг хонанинг тўрида Александр Абрамовични ишлаб ўтирган ҳолда кўрдим. У девор рангига монанд стол ортида алланималарни

ёзиш билан банд эди. Гарчи эшик товуш чиқармаган, юрганим сезилмаган эса-да, ишидан боштини кутармаган кўйи:

— Нега кирдинг?! — дея хитоб қилди.

Одатда, у ишлаётган маҳали хонасига ҳеч кимни киритмасди. Мабодо бирорта хизматчи тасодифан унинг эшигини очиб қўйса борми, балога қоларди. «Ўтирибди. Ишляпти. Демак, соғлиғини тиклаб олган», дея кўнглимдан ўтказдим.

— Нега кирдинг?! — такрор қичқирди у ва боштини кутарди.

— Баъзан рухсат сўрамасдан ҳам киришга тўғри келади, — дедим мумкин қадар ўзимни хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

— Кимсан?.. Шошма, танидим... Наҳотки сен?.. — деди у ажабланиб ва кўзойнагини олиб, ёзаётган қоғозининг устига қўйди.

— Кутмаганмидингиз? Ўлиб кетган деб ўйлагансиз-да, — дея бошимдаги парикни олдим.

— Йўқ, йўқ, нималар деяпсан? Асло...

— Наҳотки?.. Дарвоқе, сиз тириксиз. Шунинг ўзиёқ менинг ҳали ҳаётлигимдан далолат беради.

— Дўстгинам, — деди Александр Абрамович иржайиб, — сени қанчалик қидирганимни, қўмсаганимни билганингда эди...

— Мен аёл эмасман, сиз қўмсайдиган.

— Асло бундай дема, қадрдоним, — деди у ва сўл тарафга бурилиб, оромкурси суянчиғи устидаги қизил тутмачани босди.

У юрди. Шундан билдимки, унинг куни ўзи юрар аравачага қолибди.

— Кел, бағримга бир босай, — дея Александр Абрамович кучоғини очди.

У анчагина яқинлашиб қолганди. Бир тепишнинг ўзидаёқ аравачасидан қулатишим, ана шундан кейин ёнида ўтириб олиб, ўтган-кетганларни бирма-бир ёдига солишим мумкин эди. Аммо бундай қилмадим. Азбаройи Пётр Сафоновичнинг ўғитлари боис ўзимни босдим. Йўқса, шунақанги ургим келгандики, асти қўяверасиз.

— Афсус, сиз билан кучоқлашиб кўришолмайман, — дедим қовоғимни уйиб.

Александр Абрамовичнинг юзидаги табассум бирдан йўқолиб, киприклари пирпиради.

— Нега? — деди гўё томоғига бир нима тиқилгандай зўрға овоз чиқариб.

— Кирман.

— Кирсан?..

— Ҳа, шундай. Усти-бошим. қўлларим роса қирланиб кетди. Лой тегди, аммо қон тегмади.

— Биродари азиз, мен сизни мутлақо тушунолмаёйман.

Одатда, мен шунақанги тушуниксиз гапирардим.

Унинг пешонаси тиришди. Қаримсиқ башараси (фалокатга йўлиқишидан аввал қирчиллама йигитдек кўринарди. Қоп-қора сочлари силлиқ таралар, юзида бир дона ҳам ажин кўринмасди. Энди тамом бўлти. Сочида қора тола қолмабди, бунинг устига, тўкилибди. Юзини эса ажин босган. Илк бор кўрган одам етмиш беш-саксон ёшдан кам бермайди) баттар бужмайди.

— Буни қаранг-а, наҳотки тушунмаган бўлсангиз? Инсофданмас. Ўзни гўлликка солиш сиздай донишмандга ярашмайди. Одам қандай қирланишининг фалсафий томонини сиз кашф қилганингиз хусусида бутун дунё бонг ураётган ва сизни Нобель мукофотига тавсия қилишган бўлса-ю, «Тушунмадим», деб турсангиз... Бу ёғи ғалати-ку.

Александр Абрамовичнинг кекирдаги кутарилиб тушди. Бу унинг ютинганидан далолат берарди. Шунчаки ютиниш эмас, аччиқ аламдан ва қайсидир маънода бурун катаклари ҳавони ўтказишга торлик қилганидан тупукка қўшиб ютиш эди бу.

— Сенинг шундай чуқур фикрлайдиган одамга айланганингни кўриб, бениҳоя шод бўлдим. Майли, не десанг де, аммо сени бағримга босишимга рухсат бер.

— Йигитларни чақиришингиздан фойда йўқ.

— Иккимизнинг кўришишимизга йигитларнинг нима дахли бор?

— Бўлганда қандоқ. Ахир вақтдан ютишингиз керак-ку.

— Тушунмадим. Нима мақсадда келдинг?

— Бироз ўзингизга ўхшаяпсиз, жаноб.

У менга тикилиб қолди. Афтидан, юз-кўзимдан бир нималарни билиб олишни режалаштираётганга ўхшарди.

— Мен, — дедим жилмайиб (буни қаранг-а, гапларим Пётр Сафоновичникига ўхшаб кетаяпти), — кўз ўнгингизда қонимни тўкмоқчиман.

— Нега? — деди Александр Абрамович ҳайратланиб.

— Шунда ажалингиз кўз очиб юмгунча етиб келади.

— Биродар, бир марта сиз мени ўша ажал чангалидан эсон-омон олиб чиққансиз. Бунинг учун сизни қадрлашим, босган изингизни кўзимга суришим, мабодо сўрасангиз, бутун бойлигимни оёгингиз остига ташлашим керак.

— Наҳотки, наҳотки?! Мен сизнинг бу қадар олижаноблигингизни билмаган эканман. Билмаганим боис мен сизни

тулкига менгзаб, «Ярамас ҳамма мол-мулкени менга васият қилиб қолдирди-да, ўзи ўлимга чап бериб, мени ажалга рўбарў қилди», деб юрибман.

— Қолдирган одам ўлган ҳисобланади.

— Лекин сиз ўлмасдан туриб қолдирулдингиз.

Унинг ранги гезариб кетди.

— Энди васиятномани бекор қиласиз, — давом этдим унга яқинлашиб. — Ахир олижанобликка олижаноблик билан жавоб қайтариш керак. Шундай эмасми?

Александр Абрамовичнинг қўли аравача тутқичининг остига қараб кета бошлади. Яхшики, масофа яқин эди, яхшики вақтида кўриб қолдим. Йўқса, у махсус кўриқчилар бригадасини чақирар ва анчагина муаммоларни юзага келтирарди. Боя «Қўлим кир, аммо қон эмас», дегандим. Шу сафар эса қон тегиши ҳеч гап эмас. Ахир мақсадга етишим учун бор-йўғи бир қадам қолди. Бундай пайтда ҳеч нарсадан тоймайман. Кирни ювса, тоза бўлади. Аммо қон умрбод кетмайди.

Александр Абрамовични ўтирган жойидан кўтариб олиб полга ўтқаздим. Шу орада у икки-уч марта инқиллади.

— Энди тузук. Энди одамга ўхшаб гаплашамиз. Мен сизга зиён етказмайман. Сиз ҳам худди шундай.

Александр Абрамовичнинг тишлари такиллади. Бу унинг яна битта касаллик орттириб олганидан далолат эди. Бечорага ичим ачиди. Беҳисоб мол-мулк эгаси бўла туриб, чорасиз аҳволга тушиб турибди-я.

Графиндан стаканга сув қуйиб, унга олиб келиб бердим.

— Стол... тортма... дори бор, — деди у зўрға.

Мен югуриб бордим-да, унинг столи тортмасидан дорини олиб келиб бердим. У кўзларини юмганча бир муддат жим ўтирди. Сўнг чуқур нафас олди-да, илжайди.

— Хўш, — деди менга боқиб, — устимдан роса кулаяпсизми, жаноб?

— Аксинча, йиғлаш керак. Энди ишга ўтиб қўя қолайлик. Адашмасам, уйингизда доим нотариус бўлади. У фақат сизнинг юмушларингиз билан шуғулланади. Ҳозир уни чақирасиз. Менинг номимга ёзилган васиятномани бекор қиласиз. Мабодо келажакда пулларингизга ён атрофингиздаги одамлар эга чиқишини истамасангиз, етимхоналарни миллиардларингиз эгаси, яъни меросхўри этиб васиятнома ёзасиз. Келишдикми?

— Аксинча бўлса-чи?

— Унда мен сизни ўлдираман. Пулларингизни эса нима қилишни кейин ўйлаб кўраман.

— Қоровуллар тутиб олишади.

— Шу ергача келдим. Шунча вақт яшай олдим. Демак, бундан кейин ҳам ҳамма жойдан эсон-омон чиқиб кетаман. Энди жаноб миллиардер, майнавозчиликни бас қилайлик. Шундоқ ҳам суҳбатимиз чўзилиб кетди.

— Тентак. Пул қўлингда бўлса, душманларни бир чўқишда қочирардинг-ку. Майли, сен айтгандай бўлсин. Эшик ортидагилардан бирортасини чақир, мен ўрнимдан қимирлолмайман.

Эшикни очганимда, солиқчи иккаламизни шу ергача бошлаб келган қўриқчи йигит билан Данте нималардир хусусида баҳслашаётган эди.

— Нотариусни чақир тез, — дедим қўриқчига, — кейин шефнинг матбуот котиби ҳам тайёр турсин.

Қўриқчи бир қўлини кўксига қўйди-да, «Хўп», деди.

Ҳамма расмийчиликлар тутагач, мухбир йигит газетачилар идорасига югуриб кетди. Мен эса бекор қилинган васият-номанинг бир нусхасини қўлтиғимга қистириб, Данте билан бирга Александр Абрамович қасрини тарк этдим.

Данте «сеҳр-жоду»дан халос бўлгач, қовоғини осилтириб олди.

— Оғайни, ишларимиз зўр бўлди. Бировнинг бурни қонамади, мақсадга етдик, — дедим унга.

— Эҳтимол, сен кўнглингдаги ишни бажариб бўлгандирсан. Аммо мен ҳеч қанақанги ҳужжат текширмадим. Менинг бу ерга келганимни идорадагилар эшитиб қолса борми...

— Ғалати бола экансан. Икки папка қоғозни титкилаганингни ўз кўзим билан кўрдим-ку.

— Унда нега менинг хотирамда ҳеч нарса йўқ? — таажжубланди Данте.

— Билмадим. Балки, чарчагандирсан. Қўй бошқа гапларни, ҳозир энг зўр ресторанга борамиз. Сенга ҳақ бераман, — дея жилмайдим.

Унинг кўнишдан ўзга иложи йўқ эди.

— Қиз сургундан қайтадиган бўлдимми? — деди.

— Ҳа, қайтади.

— Ўрнига сен иккала хотинингни олиб кетасан.

— Йўқ, плантация ёпилади. Бой шу қарорга келди.

— Буниси яна яхши.

Биз талай жойгача пиёда кетдик. Сўнг такси тўхтатдик.

Кушдай енгил эдим. Руҳим тетик эди. Шу боисдан ичкиликдан ўзимни тиймадим.

Тун ярим бўлганида, ресторанни тарк этдик. Данте оёқда туролмайдиган даражада маст бўлганди. Ундан зўрға уй манзилини сўраб олдим ва таксига ўтқаздим. Шўрлик қўлимдан маҳкам ушлаб олганча:

— Мени хотинимдан қутқарасан, кейин иккита бошқа хотин олиб берасан, — дея гўлдирагани-гўлдираган эди.

Уйига, учинчи қаватгача уни деярли кўтариб чиқдим. Бадқовоқ аёлнинг заҳар-заққумини Дантенинг ўрнига мен қабул қилдим.

Кўчада зоғ кўринмасди. Фақат онда-сонда битта машина ўтиб қоларди. Менинг эса нуқул бақиргим келарди. «Вокзалгача пиёда кетаман. Бугун ухламайман», дея бу гўёки улкан қаҳрамонликдай ўзимга ўзим оғт ичдим. Агар Худо ишингни ўнгласа, йўлингдан ҳеч қанақанги тўсиқ чиқмас экан. Катта шаҳар кўчасида тебраниб кетаяпман, ич-ичимдан негадир полиция қўлига тушгим келаяпти. Аммо қошқи эди, бирортаси дуч келиб қолса. Худди атайин қилгандай, ҳаммаси ин-инига кириб кетганга ўхшайди.

Ниятимга етдим. Энди тонг бўзариб отаётганида, вокзалга етиб келдим. Кайфим тарқаган эди. Аммо кўзимга уйқу тўлгани боис ўзимни мастдай ҳис этаётгандим. Поезд жўнашига бир соатдан зиёдроқ вақт бор экан. Шу боис кутиш залига кириб, ўриндиққа чўкиб, иягимни кафтимга тирадим ва шу заҳоти ўз-ўзидан кўзим юмилиб, уйқуга кетдим. Қулоғимга қандайдир шовқин эшитилгандек бўлди. Кўзимни очиб қарасам, ҳамма поездга чиқишга шошиляпти. Дарров ўрнимдан сапчиб турдим. Баъзида итдай чарчасанг-у, икки дақиқа кўзингни «илдириб» олсанг, худди саккиз-ўн соат мириқиб ухлагандай тетиклашиб қоласан. Ҳозир менда ҳам шундай бўлди. Бўлмаса, «Вагонга чиқаман-у, жойимга ўтириб бошимни деразага суяб, пинакка кетаман» деб ўйлагандим. Қаёқда, сира ухлаёлмадим. Шундан сўнг қишлоғимдан қочиб келиб, Александр Абрамовичга дуч келганимдан тортиб, Дантени маст ҳолда уйига ташлаб чиққанамгача бўлган воқеаларни бирма-бир кўз олдимдан ўтказдим. Ҳатто бир вақтлар соқолим фавқулодда тез ўсадиган бўлиб қолгани, давомли тушлар кўрганим, ғаройиб тушларимда Рабаб исмли қизга уйланганим ҳам ҳаёлимда тикланди. Кўмсадим. Ибтидоий одамлар даврига боргим келиб кетди. Ширин энтиқдим. Шу пайт деразадан ташқарига қарадим-у, манзилга етиб қолганимни англадим.

Ишонасизми, Пётр Сафоновичнинг уйига сира боргим келмаётганди. Тўғри, у ерда Наташа бор. Ҳойнаҳой, у

қайтишимни интизорлик билан кутаётган бўлса керак. Шошма, фарзандим дунёга келиши керак эди-ку. Эҳ, эсим қурсин. Шошилишим зарур. Ҳозир зудлик билан такси тўхтатаман-у, жўнайман... Шу ергача шошилмай эринчоқлик билан келдим. Ишим юришди, омадим келди. Энди эса савил қолгур таксининг дараги қуринмайди.

Ичимни ит тирнаб, ўн беш дақиқадан зиёдроқ вокзал ташқарисида туриб қолдим. Ниҳоят, менга аталган улов кўриниш берди. Тўхтатдим-у, орқа ўриндиққа ўтирдим.

Поездда тўрт соатдан кўпроқ йўл босгандим. Вақт ўтгани, масофа қийилгани мутлақо сезилмаганди. Энди эса ҳар дақиқа бир неча соатга чўзилгандай, машина жуда имиллаб юраётгандай туйилаверди. Бир неча марта «уф»лаб ҳайдовчига ўқрайиб қараб қўйдим.

Ниҳоят, узоқдан Пётр Сафоновичнинг кошонаси кўринди. Ичимни баттар ҳаяжон босиб, лабимни қаттиқ тишладим.

— Кўпдан бери келмаганмидинг? — сўради ҳайдовчи.

— Ҳа. Юз йил бўлиб кетди-ёв, — дея унга жавоб қайтардим.

— Тушунарли, — деб мийиғида кўлди таксичи.

Машинадан тушганимни кўрган кўриқчи йигитларнинг бири шоша-пиша дарвозанинг кичик табақасини очди. Иккинчиси бўйнини қийшайтириб, митти микрофон орқали менинг келганим ҳақида ичкарига хабар берди. Дарвозадан ўтишим билан Наташага кўзим тушди. У мен томонга югуриб келаётганди. Юрагим гупиллаб уриб кетди.

— Амир! Амир! Жоним! — дея у кела сола бўйнимдан маҳкам қучоқлаб, йиғлаб юборди.

— Мана, келдим. Соппа-соғман, йиғлама, — дея уни юпатмоқчи бўлдим.

— Жиннисан, аблаҳсан! Айтмасдан шунча вақт йўқ бўлиб кетасанми?! — деди у йиғлаш асносида.

— Бўлди, энди ҳеч қаёққа кетмайман. Биз эркинмиз. Бошқаларга ўхшаб яшаймиз энди...

Гапимни охирига етказмасимдан қулоғимга Пётр Сафоновичнинг овози эшитилди.

— Наҳотки... Наҳотки, ўзлари бўлса?! — хитоб қилди у.

Бутун вужудим титраб кетди. Ҳа, Пётр Сафонович баладай кўринаётганди кўзимга. Ахир сўнги саргардонлигимнинг бош сабабчиси у эди-да.

— Кутмаганмидингиз?.. Етиб келолмайди, ўлиб кетади, қузғунларга ем бўлади, деб ўйлаганмидингиз?! — дедим жаҳл билан.

Унинг бир туки ҳам ўзгармади. Жилмайганча тураверди.

— Ўғил... ўғил муборак, жоним! — деди шу пайт Наташа.

— Нима? Нима дединг? — дея ҳайқирдим.

У менинг бағримдан чиқди. Нигоҳимни уй тарафга қаратдим. Кўзим чақалоқ кўтарган аёлга тушди. Унинг ёнида дўппи кийган, оппоқ ятакли яна бир киши бор эди. Бир қарашда уларни таниёлмадим. Лекин ҳар иккиси ҳам ўзбек эди. Бир-бир қадам босиб яқинлашдим. Эвоҳ, эвоҳ! Наҳотки! Тушимми, ўнгимми?! Ҳайратдан тарашадай қотиб қолдим. Ахир... Ахир отам билан энам!.. Бири жилмайган, бирининг қўлида чақалоқ, кўзида ёш. Оёқларим қалтираб кетди. Ўз-ўзидан чўккалаб қолдим.

— Эна! Ота! — дедим.

Назаримда, овозим чиқмади, бунга кучим етмади.

— Амиржон, болам!..

Энамнинг овози бутун танамни титратиб юборди. Ўрнимдан сапчиб турдим. Аввал энамни, йўқ, отамни, балки иккаловини баробардир, у ёғи эсимда йўқ... Умуман, буниси нима аҳамияти бор? Хуллас, улар билан қучоқлашиб кўришарканман, ўпкам тўлиб, дув-дув йиғлар, нукул «Отажон! Энажон!» дер эдим.

Орадан бир фурсат ўтиб, юзимга кимдир шарақлатиб шапалоқ тушириб қолса бўладими? Юзим лов-лов ёниб, ўзимга келиб қарасам, отам қовоғини осилтирганча тикилиб турибди.

— Эшак, бесадоқ, ит! Одаммисан ўзи?! — дея бақирди.

— Отаси, қўйинг. Яна кетиб қолади. Қўйинг, уришманг! — дея энам дарров ёнимни ола бошлади.

— Кетса, ундан нарига! Шунча қон қилди бу мол! Неварали бўлиб олдик, энди бу ҳайвоннинг ўлиб кетгани билан ишим йўқ!

Отамнинг уришиши менга ёқаётган эди. Сўкмаганда, шапалоқ тортмаганда, индамаганда, тўғриси, эзилардим.

— Мана сенга, гадойвачча!

Иккинчи юзимга ҳам шапалоқ тегди. Шундан кейингина орага Пётр Сафонович аралашди.

* * *

Маълум бўлишича, Пётр Сафонович отамнинг қадрон хизматдош дўсти экан. Улар бир пайтлар Узоқ Шарқда бир ҳарбий қисмда бўлишган. Отам икки марта уни ўлимдан сақлаб қолган. Шу боис Пётр Сафонович ҳар доим ўзини қарздор ҳисобларкан.

Мендан сира дарак бўлавермагач, отам дўстини қидириб топибди ва мени йўқотиб қўйганини айтибди.

— Сени Германиядан топаман, деб ўйламагандим. Ўзиям олти ой изладим, — деди Пётр Сафонович ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтирганимизда.

— Нега бирдан айта қолмадингиз? Бунинг устига, сиз билан касалхонада учрашдик, — дедим ҳайрон бўлганча.

— Сени ўша поездга чиққанингдан хабарим бор эди. Кутилмаганда, фалокат рўй берди. Буни отангга айтмадим.

— Яхши, мени қўриқладингиз, уйингизга олиб келдингиз. Бутунлай оёққа турғаздингиз. Сунг Александр Абрамовичнинг ёнига жўнатдингиз... Кейин бирдан янги олган машинам...

— Бахтинг, ўғлим... Душманларинг шунчалик кўп эканки, ҳатто менинг кўзимни ҳам шамғалат қилишнинг йўлини топишди.

— Шартмиди Александр Абрамовичнинг ёнига боришим?

— Дарвоқе, сен бугунги газеталарни ўқидингми? — дея қош чимирди Пётр Сафонович.

— Йўқ. Нимайди?

— Александр Абрамовични ўлик ҳолда хонасидан топишибди.

— Нима? Ўлик ҳолда?

— Ҳа, шўрлик жонига қасд қилибди. Бутун бойлиги болалар уйига ўтиб кетибди. Унинг сўнгги васияти шу мазмунда экан. Унинг бундай эзгуликка қўл уришини кутмаган эдим.

Хизматкорларнинг таом келтириши Пётр Сафоновичнинг гапини бўлиб қўйди. У дўстини овқатга ундаш билан овора бўлиб қолди. Мен эса ташқарига чиқиб кетдим. Наташа ҳовлида чақалоқни кўтарганча сайр қилиб юрган экан.

— Луиза қани? — сўрадим ундан.

— Кетди. Туққанидан бир ой ўтиб, сенга кўпдан-кўп саломлар қолдирди-да, юртига жўнаб кетди, — жавоб берди Наташа.



Адабий-бадиий нашр

Нуриддин Исмоилов

ТАНСОҚЧИ

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи китоб

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Акбар Исмоилов

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Фотима Ортиқова

Саҳифаловчи Акмал Сулаймонов

Нашр. лиц. №154. 14.08.09. Босишга 27.08.2012 йилда рухсат
этилди. Бичими 84x108 1/32. 13,65 босма табақ. 14,5 шартли
босма табақ. Адади 3000 нусха. 304 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп
этилди. 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Мурожаат учун телефонлар:
Маркетинг булими — (+99871) 241-83-29, (+99871) 241-48-67
факс — 241-82-69; e-mail: iptdgulom@sarkor.uz
www.iptdgulom.uz